

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРАТИ

ЕР ҚОНУНЧИЛИГИГА ОИД  
НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ  
ҲУЖЖАТЛАР  
ТЎПЛАМИ

————— © —————

СБОРНИК  
НОРМАТИВНО-ПРАВОВЫХ  
АКТОВ ПО ЗЕМЕЛЬНОМУ  
ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВУ

**ЕР ҚОНУНЧИЛИГИГА  
ОИД НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ  
ҲУЖЖАТЛАР  
ТЎПЛАМИ**

Тошкент  
«Адолат»  
2007


67.407.(5У)

Е 59

**Ер қонунчилигига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами:** Т.: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 2007 й., 616 бет.

ББК 67.407(5У)

А  $\frac{1203090000 - 029}{(04) - 2007} - 2007$



© Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги «Адолат» нашриёти, 2007 йил.

ISBN 978-9943-332-30-0

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING КОНСТИТУЦИЯСИ

## [Кўчирма]

(«Халқ сўзи» газетаси, 1992 йил 15 декабрь, 243 (494)-сон;  
Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси,  
1994 йил, 1-сон, 5-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий  
Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, 3-4-сон, 27-модда;  
Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами,  
2007 йил, 15-сон, 152-модда)

## **XII боб. Жамиятнинг иқтисодий негизлари**

### **55-модда.**

Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва хайвонот дунёси  
хамда бошқа табиий захиралар умуммиллий бойликдир, улардан  
оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат мухофазасидадир.

---

\* Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 8 декабрдаги 723–XII-сон  
Қонуни билан тасдиқланган ва 1992 йил 8 декабрдан кучга киритилган.



## **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ СОЛИҚ КОДЕКСИ\***

*(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, 4-5-сонга илова, 9-сон, 241-модда; 1998 йил, 3-сон, 38-модда, 5-6-сон, 102-модда, 9-сон, 181-модда; 1999 йил, 1-сон, 20-модда, 5-сон, 124-модда, 9-сон, 229-модда; 2000 йил, 5-6-сон, 153-модда; 2001 йил, 1-2-сон, 23-модда, 5-сон, 89-модда, 9-10-сон, 182-модда; 2002 йил, 1-сон, 20-модда, 4-5-сон, 74-модда, 9-сон, 165-модда; 2003 йил, 1-сон, 8-модда, 5-сон, 67-модда, 9-10-сон, 149-модда; 2004 йил, 1-2-сон, 18-модда, 5-сон, 90-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил, 25-сон, 287-модда, 37-сон, 407-модда, 51-сон, 514-модда; 2005 йил, 21-сон, 148-модда, 37-38-сон, 278, 279, 280-моддалар, 39-сон, 293-модда, 51-сон, 376-модда, 52-сон, 383-модда; 2006 йил, 25-26-сон, 224, 225-моддалар, 41-сон, 405-модда, 51-52-сон, 502-модда; 2007 йил, 1-2-сон, 1-модда)*

\*\*\*

## **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ЕР КОДЕКСИ\***

*(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, 5-6-сон, 82-модда; 2003 йил, 9-10-сон, 149-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил, 25-сон, 287-модда, 51-сон, 514-модда)*

---

\* Кодекслар алоҳида чоп этилади.

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

## ДАВЛАТ ЕР КАДАСТРИ ТЎҒРИСИДА

(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг  
Ахборотномаси, 1998 йил, 9-сон, 165-модда; 2003 йил, 1-сон,  
8-модда, 9-10-сон, 149-модда; 2004 йил, 5-сон, 90-модда;  
2005 йил, 1-сон, 18-модда)

### **1-модда. Мазкур Қонуннинг мақсади**

Мазкур Қонуннинг мақсади давлат ер кадастри юритишнинг, иқтисодий ривожлантириш, ер участкаларига бўлган ҳуқуқларнинг кафолатларини таъминлаш, ерлардан оқилона фойдаланиш, уларни қайта тиклаш ва муҳофаза қилиш учун кадастр маълумотларидан фойдаланишнинг ҳуқуқий асосларини белгилашдан иборат.

### **2-модда. Давлат ер кадастри тўғрисидаги қонун ҳужжатлари**

Давлат ер кадастри тўғрисидаги қонун ҳужжатлари мазкур Қонундан, бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг давлат ер кадастри тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

### **3-модда. Давлат ер кадастри**

Давлат ер кадастри Давлат кадастрлари ягона тизимининг асосий таркибий қисми ҳисобланиб, у ерларнинг табиий, ҳужалик, ҳуқуқий режими, тоифалари, сифат хусусиятлари ва қиммати, ер участкаларининг ўрни ва ўлчамлари, уларнинг ер эгалари, ердан фойдаланувчилар, ижарачилар ва мулкдорлар ўртасидаги тақсмоти тўғрисидаги маълумотлар ҳамда ҳужжатлар тизимидан иборатдир.

Давлат ер кадастри ер участкаларига бўлган ҳуқуқларнинг давлат рўйхатидан ўтказилишини, ерларнинг миқдори ва сифатининг ҳисобга олинишини, тупроқ бонитировкасини, ерларнинг қиймат баҳосини, шунингдек ер кадастрига доир ахборотлар бир тизимга солиниши, сақланиши ва янгилаб турилишини ўз ичига олади.

---

\* Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1998 йил 28 августдаги 667-1-сон қарори билан 1998 йил 7 сентябрдан кучга киритилган.

#### **4-модда. Давлат ер кадастрини юритишнинг асосий принциплари**

Давлат ер кадастрини юритишнинг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

- мамлакатнинг бутун ҳудудини тўла қамраб олиш;
- фазовий координаталарнинг ягона тизимини қўллаш;
- ер кадастрига доир ахборотлар ишлаб чиқиш услубиётининг бирлиги;
- ер кадастрига доир ахборотларнинг тўғри бўлиши.

#### **5-модда. Давлат ер кадастрини юритиш соҳасидаги давлат бошқаруви**

Давлат ер кадастрини юритиш соҳасидаги давлат бошқарувини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, давлат ҳокимияти маҳаллий органлари ва махсус ваколатли давлат бошқаруви органи амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси давлат ер кадастрини юритиш соҳасидаги махсус ваколатли давлат бошқаруви органи ҳисобланади.

#### **6-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг давлат ер кадастрини юритиш соҳасидаги ваколатлари**

Давлат ер кадастрини юритиш соҳасида қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ваколатларига қиради:

- ер ресурсларидан оқилона фойдаланишга қаратилган ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқиш;
- молиялаш ва инвестициялаш соҳасидаги устувор йўналишларни белгилаш ва масалаларни ҳал этиш;
- ер ресурсларининг ҳолати тўғрисидаги ҳар йилги миллий ҳисоботни тасдиқлаш;
- ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни ва ер участкаларига оид битимларни давлат рўйхатига олиш тартибини белгилаш;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга ошириш.

**7-модда. Давлат ҳокимияти маҳаллий органларининг давлат ер кадастрини юритиш соҳасидаги ваколатлари**

Давлат ер кадастрини юритиш соҳасида қўйидагилар давлат ҳокимияти маҳаллий органларининг ваколатларига киради:

ер участкаларига бўлган ҳуқуқлар ҳамда уларга оид битимларнинг давлат рўйхатиغا олинишини ташкил этиш;

давлат ер кадастрини юритиш ишларини маҳаллий бюджет ҳисобидан молиялаш;

давлат ер кадастри юритилишини ташкил этиш ва назорат қилиш;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга ошириш.

**8-модда. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг давлат ер кадастрини юритиш соҳасидаги ваколатлари**

Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг давлат ер кадастрини юритиш соҳасидаги ваколатларига қўйидагилар киради:

Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида давлат ер кадастри юритилишини ташкил этиш;

Ер ресурсларининг ҳолати тўғрисидаги ҳар йилги миллий ҳисоботни тузиш;

вилоятлар, туманлар ҳамда аҳоли пунктларининг маъмурий чегараларини белгилаш (аниқлаштириш) ишларини ташкил этиш ва ўтказиш;

норматив ҳужжатларни белгиланган тартибда ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

мутахассисларни тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини ошириш ишларини ташкил этиш;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга ошириш.

**9-модда. ўз кучини йўқотган.**

**10-модда. Давлат ер кадастрини юритиш**

Давлат ер кадастрини юритиш қўйидагилар билан таъминланади:

аэрокосмик суратга олишларни, топография-геодезия, картография, тупроқшунослик, агрохимия, геоботаникага оид ва бошқа

изланишлар ва тадқиқотларни ўтказиш, ерларни миқдор ва сифат жиҳатдан ҳисобга олиш ва баҳолаш, юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкаларига бўлган ҳуқуқларини давлат рўйхатига олиш; ерлар мавжудлиги ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги ҳисоботларни тузиш;

жорий тадқиқотлар суратга олишлар ҳамда ер мониторинги материалларидан фойдаланган ҳолда ер-кадастр ахборотларига оид маълумотлар мажмуини яратиш ва тартибга солиб туриш.

Давлат ер кадастрини юритиш Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг туман (шаҳар) ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимлари томонидан амалга оширилади.

Ер кадастрини юритиш туманда (шаҳарда) қуйидаги йўл билан амалга оширилади:

ер участкаларига бўлган ҳуқуқни ва ер участкаларига доир битимларни давлат рўйхатига олиш;

кадастр суратга олишларини ўтказиш;

ер участкалари эгалари, ердан фойдаланувчилар, ижарачилар ва ер участкалари мулкдорларидан маълумотлар олиш, уларнинг тўғрилигини текшириш, ер кадастрига доир ҳужжатларга жорий ўзгартишларни киритиш.

## **11-модда. Ер ресурсларининг ҳолати тўғрисидаги миллий ҳисобот**

Ер ресурсларининг ҳолати тўғрисидаги миллий ҳисобот ҳар йили тайёрланади ҳамда бутун мамлакат ва маъмурий-ҳудудий бирликлар бўйича ерларнинг миқдор ва сифат ҳолати ҳамда уларнинг баҳоси, ерларнинг тоифаларга бўлиниши, тармоқлар, ер участкаларининг эгалари, ер участкасидан фойдаланувчилар, ер участкаси ижарачилари, мулкдорлари бўйича тақсимланиши тўғрисидаги маълумотларни ва ер кадастрига оид бошқа ахборотни ўз ичига олади.

Ер ресурсларининг ҳолати тўғрисидаги миллий ҳисоботга киритиладиган маълумотларни тақдим этиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

## **12-модда. Ер кадастри ҳужжатлари**

Ер кадастри ҳужжатлари ер участкаларига бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатлар, туман (шаҳар) ер кадастри дафтари, ерларнинг миқдор, сифат ҳолати ва уларнинг баҳоси тўғрисида-

ги ҳисоботлар, кадастр хариталари, планлари ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлардан иборатдир.

### **13-модда. Ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатига олиш**

Ер участкаларига эгалик қилиш, улардан фойдаланиш ҳуқуқини, ер участкаларини ижарага олиш ҳуқуқини, шунингдек ер участкаларига бўлган мулк ҳуқуқини, шу жумладан сервитутлар тўғрисидаги битимлар ва бу ҳуқуқларга доир бошқа чеклашларни давлат рўйхатига олиш туман (шаҳар) ер кадастри дафтарига тегишли маълумотларни киритиш орқали ер участкаси жойлашган ерда амалга оширилади.

Ер участкаларини эгалик қилиш, фойдаланиш ва ижара ҳуқуқида, шунингдек мулк қилиб олган юридик ва жисмоний шахслар ер участкаларига бўлган ўз ҳуқуқларини белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказишлари шарт.

Ер участкасига бўлган ҳуқуқларнинг юзага келиши, ўзгага ўтиши, чекланиши ва бекор қилиниши давлат рўйхатига олинishi лозим. Ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни рўйхатга олганлик учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда рўйхатга олиш йиғими ундирилади.

Ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатига олиш белгиланган тартибда, юридик ёки жисмоний шахснинг ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатига олиш ишларини амалга оширувчи органга берган аризасига асосан амалга оширилади.

Юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкаларига бўлган ҳуқуқларини давлат рўйхатига олиш ер участкаларига бўлган ҳуқуқлар тўғрисидаги зарур ҳужжатлар ҳам илова этилган ариза келиб тушган пайтдан эътиборан ўн кунлик муддатда тегишли ваколатли орган томонидан амалга оширилади, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Ер участкасига бўлган ҳуқуқ давлат рўйхатига олинганлиги тўғрисида рўйхатга олинган сана ва рўйхатга олинганликнинг тартиб рақами кўрсатилган ҳолда давлат рўйхатига олинганлик тўғрисидаги гувоҳнома берилади.

**14-модда. Ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатига олиш вақтида туман (шаҳар) ер кадастри дафтариغا киритиладиган маълумотлар**

Ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатига олиш вақтида туман (шаҳар) ер кадастри дафтариغا қуйидаги маълумотлар киритилади:

ер участкасига бўлган ҳуқуқни олган шахс тўғрисидаги;

ер участкаси тўғрисидаги (ернинг тоифаси, фойдаланиш мақсади, ернинг тури, унинг сифати, чегаралари, майдони, кадастр рақами ва бошқа тавсифлари);

ер участкасининг берилиш шартлари, уни сақлаш вазифалари ва сервитутлар тўғрисидаги;

туман, шаҳар, вилоят ҳокимининг, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ер участкасини давлат ёки жамоат эҳтиёжлари учун ажратиладиган зонага киритиш хусусидаги қарорлари тўғрисидаги;

давлат рўйхатига олинганлик ҳақидаги гувоҳноманинг тартиб рақами ва у берилган сана тўғрисидаги.

Ер кадастри дафтариغا қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа маълумотлар ҳам киритилиши мумкин.

Ушбу модданинг биринчи қисмида санаб ўтилган маълумотлар ер рўйхатига доир ахборотни ташкил этади.

**15-модда. Ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатига олиш асослари**

Ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни белгиловчи, ўзгартирувчи ёки бекор қилувчи ҳужжатлар ана шу ҳуқуқларни давлат рўйхатига олиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Ер участкаларига эгалик қилиш ва улардан фойдаланиш ҳуқуқлари туман, шаҳар, вилоят ҳокимининг, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ер бериш тўғрисидаги қарорлари асосида рўйхатга олинади.

Ерларни ижарага олиш ҳуқуқи ер участкасини ижарага олиш шартномаси асосида рўйхатга олинади.

Ер участкаларига бўлган мулк ҳуқуқи бундай ҳуқуққа оид давлат ордери, олди-сотди шартномалари ва ер участкаларига бўлган мулк ҳуқуқи юзага келишига асос бўладиган, қонун ҳуж-

жатларида назарда тутилган бошқа ҳужжатларга асосан рўйхатга олинади.

Бинога, иморатга ва иншоотга бўлган мулк ҳуқуқи бошқа шахсга ўтиши натижасида юзага келган ер участкасига эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқи ана шу мулкларнинг олди-сотдиси, алмаштирилганлиги, ҳадя этилганлиги, васият қилинганлиги тўғрисидаги тегишли шартномалар ва ер участкасига оид тегишли ҳужжатлар асосида рўйхатга олинади.

Сервитутлар тўғрисидаги битимлар ҳамда ер участкаларига эгалик қилиш, улардан фойдаланиш, уларни ижарага олиш, мулк ҳуқуқларига доир бошқа чеклашлар тегишли шартномалар, суднинг қарорлари асосида рўйхатга олинади.

### **16-модда. Ер участкасига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатига олишни рад этиш учун асослар**

Ер участкасига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатига олишни рад этиш учун қуйидагилар асос бўлади:

давлат рўйхатига олиш органида мазкур ер участкасининг кимга тегишли эканлиги тўғрисида низо борлигидан далолат берувчи ҳужжатларнинг мавжудлиги;

давлат рўйхатига олиш органида мазкур ер участкаси қонунда белгиланган тартибда олиб қўйилганлиги тўғрисидаги маълумотларнинг мавжудлиги.

Ер участкасига бўлган ҳуқуқларни ва ер участкаларига оид битимларни давлат рўйхатига олиш рад этилганлиги ёки рўйхатга олиш муддатларининг бузилганлиги устидан белгиланган тартибда судга шикоят қилиниши мумкин.

### **17-модда. Ерларнинг миқдори ва сифатини ҳисобга олиш**

Ерларнинг миқдори ва сифатини ҳисобга олиш уларнинг ҳақиқий ҳолати ва улардан фойдаланилишига қараб, ер участкалари ва майдонлари, аҳоли пунктлари, туманлар, вилоятлар, Қорақалповистон Республикаси ва умуман Ўзбекистон Республикаси бўйича амалга оширилади.

Ер участкалари бўйича ер миқдорини ҳисобга олиш ер участкаларининг ўлчами, уларнинг қиммати ва талаб қилинадиган ўлчаш аниқлигига қараб, геодезик ва (ёки) картометриқ усулларда амалга оширилади.



Ер майдонлари бўйича ер миқдорини ҳисобга олиш ер участкалари доирасида асосан картометрик усулда амалга оширилади.

Ер сифатини ҳисобга олиш табиий-қишлоқ хўжалиги бўйича районлаштиришни, тупроқ ва ерларни таснифлашни, уларни агрономик, экологик, технологик ва шаҳарсозлик белгилари бўйича тавсифлашни, тупроқни гуруҳларга ажратишни ўз ичига олади.

Ерларнинг миқдорини ва сифатини ҳисобга олиш асосий ва жорий турларга бўлинади.

Ерларни ҳисобга олишнинг асосий тури (инвентаризация) жойнинг ўзида ер участкаларининг ва майдонларининг чегаралари, жойлашган ўрни, ҳолати ва улардан фойдаланиш хусусиятига доир ўзгаришлар талайгина тўпланганлигига қараб, даврий равишда ўтказилади, бунда ерларнинг план-картографик асоси тегишли масштабларда янгиланиши, тупроқ, геоботаник ва бошқа хил текширувлар ўтказилиши шарт.

Ерларнинг жорий ҳисоби кадастр ҳужжатлари ва маълумотларининг тўғри бўлишини таъминлаш мақсадида юритилади, бунда ерларнинг ҳуқуқий ҳолатида, миқдори ва сифат ҳолатида ва улардан фойдаланиш борасида юз берган ўзгаришлар аниқланади ҳамда рўйхатга олинади. Зиммасига давлат ер кадастри юритиш вазифаси юклатилган тегишли органларга ер участкаларининг эгалари, улардан фойдаланувчилар, ер участкаларининг ижарачилари ва мулкдорлари содир бўлган ўзгаришлар тўғрисида бир ой муддатда ахборот беришлари шарт.

Ерларнинг ўлчами, жойлашган ўрни, майдон турлари ва сифат ҳолатига оид қайд этиладиган маълумотлар ерни ҳисобга олиш ахборотини ташкил этади.

### **18-модда. Тупроқ бонитировкаси**

Тупроқ бонитировкаси — қишлоқ хўжалиги экинлари агротехникаси ўртача даражада бўлганидаги тупроқ сифати ҳамда табиий унумдорлик қувватига бериладиган қиёсий баҳо.

Тупроқ бонитировкаси қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг кейинги қиймат баҳосини чиқариш, мулкий пайларнинг миқдорини аниқлаш, ер тузишни амалга ошириш ва ерлардан оқилона, самарали фойдаланишни рағбатлантириш учун асосдир.

Тупроқ бонитировкаси тегишли қишлоқ хўжалиги майдонлари учун юз балли шкала бўйича ўтказилади. Яхши хоссаларга эга бўлган, ғоят унумдор тупроқ юқори балл билан баҳоланади.

Тупроқ бонитировкаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ўтказилади.

Тупроқ бонитировкасига доир маълумотлар ер баҳосига оид ахборотни ташкил этади.

### **19-модда. Ерларнинг қиймат баҳоси**

Барча тоифадаги ерларнинг қиймат баҳосини чиқариш натура ва қиймат кўрсаткичлари тизими ёрдамида амалга оширилади. Ерларнинг қиймат баҳоси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда чиқарилади.

Турли мақсадларга мўлжалланган ерлардан фойдаланиш самарадорлиги даражасини аниқлаш, ер учун туланадиган ҳақ ва унинг норматив баҳосини ҳисоблаб чиқариш, ерларни кимошди савдоси асосида реализация қилиш пайтида бошланғич баҳосини аниқлаш, ерларни давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйишда йўл қўйилган нобудгарчилик ва кўрилган зарарларни қоплаш учун ерларнинг қиймат баҳоси чиқарилади.

Ерларнинг қиймат баҳосига доир маълумотлар ер баҳосига оид ахборотни ташкил этади.

### **20-модда. Туман (шаҳар) ер кадастри дафтари**

Туман (шаҳар) ер кадастри дафтари ерларни давлат рўйхати-га олиш, ҳисобга олиш ва уларни баҳолаш бўйича асосий ҳужжат бўлиб, ер участкасининг жойлашган ўрни, қайси мақсадда фойдаланиш мўлжалланганлигини, унга эгалик қилиш, ундан фойдаланиш, уни ижарага олиш ҳуқуқларини ва унга бўлган мулк ҳуқуқини аниқлаш учун зарур маълумотларни ўз ичига олади, ер участкасининг миқдор ва сифат ҳолати ҳамда баҳоси тўғрисидаги ахборот манбаи ҳисобланади.

Ер кадастри дафтарининг тузилиши, мазмуни ва уни юритиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

### **21-модда. Кадастр учун суратга олиш**

Кадастр учун суратга олиш ер участкалари ва майдонлари чегараларини белгилаш ҳамда картография қилиш, уларни кадастр хариталари ва планларида акс эттириш мақсадида амалга оширилади.

Кадастр учун суратга олиш аэрофотогеодезик ва ер устида бажариладиган услубларда, топографик-геодезик ишларни бажариш, тупроқ, геоботаник ва бошқа хил махсус текширувлар учун

белгиланган техникавий талабларга мувофиқ ер участкасининг улчамидан келиб чиқадиган масштабларда амалга оширилади.

## **22-модда. Ер кадастри хариталари ва планлари**

Ер кадастри хариталари ва планлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда мавзуси, ҳудудларни (республика, вилоят, туман, аҳоли пунктлари, ер участкалари) қамраб олиши, масштаблари ва бошқа белгилари бўйича таснифланади.

Туман ер кадастри харитаси, аҳоли пункти ва ер участкасининг планлари график ҳужжатлар бўлиб, улар ер участкасининг жойлашган ўрнини, майдонлари, чегараларини, ерларни баҳолаш зоналарини, сув манбаларини, ер участкасида жойлашган бинолар ва иншоотларни акс эттириш, шунингдек кадастрга доир тегишли тавсифлар олиш мақсадида тузилади ҳамда уларга тузатишлар киритилади.

Ер кадастри хариталари ва планлари ахборотларни ифода қилишнинг аъъанавий воситалари (қоғоз, пластик) ёрдамида ҳам, электрон воситалар (рақамли хариталар) ёрдамида ҳам тузилади.

## **23-модда. Ер кадастрига доир ахборот**

Ер кадастрига доир ахборотлар ерни рўйхатга олиш, ерни ҳисобга олиш ва ер баҳосига оид ахборотлар мажмуини ташкил этади ҳамда давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, шунингдек манфаатдор юридик ва жисмоний шахслар фойдаланиши учун мўлжалланган бўлади.

Ер кадастрига доир ахборотни бериш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Ерлардан фойдаланиш, уларни тиклаш ва муҳофаза қилиш, ер участкалари бериш (реализация қилиш) ва уларни олиб қўйиш, ер учун тўланадиган ҳақ миқдорини белгилаш, ер тузиш ишларини бажариш, ҳўжалик фаолиятига баҳо бериш ҳамда ердан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш билан боғлиқ бошқа тадбирларни амалга ошириш чоғида давлат ер кадастри маълумотларидан фойдаланилиши шарт.

Ер кадастрига доир ахборот давлат ҳокимияти ва бошқарув органларига текинга тақдим этилади, юридик ва жисмоний шахсларга эса ҳақ эвазига берилади.

Ер кадастрига доир ахборотдан фойдаланувчилар бундай ахборотни қонун ҳужжатларида назарда тутилган муддатлар ва ҳажмларда ёки шартнома асосида олишга ҳақлидирлар.

Юридик ва жисмоний шахслар ер кадастрига доир ахборот

маълумотлари қайта кўриб чиқилишини талаб қилишга ҳақлидирлар.

Давлат сирини сақлаш мақсадида қонун ҳужжатларида ер кадастрига доир ахборотлар олишни чеклайдиган ёки тақиқлайдиган ҳоллар назарда тутилиши мумкин.

#### **24-модда. Ер кадастрига доир ахборот тизими**

Ер кадастрига доир ахборот тизими — ер ресурслари тўғрисидаги фазовий-мувофиқлаштирилган маълумотларни тўплаш, улар устида ишлаш, уларни акс эттириш ва тарқатишни амалга оширувчи автоматлаштирилган жўғрофий ахборот тизимидир.

Ер кадастрига доир ахборот тизими ер ресурсларини рўйхатга олиш, баҳолаш, уларнинг истикболини белгилаш ва улардан фойдаланишни бошқаришнинг илмий ҳамда амалий вазифаларини ҳал этиш учун мўлжалланган.

Ер кадастрига доир ахборот тизими: мўлжалланиши бўйича — кўп мақсадли ва махсус; ҳудудни қамраб олиши бўйича — локал, минтақа ва республика тизимига бўлинади.

#### **25-модда. Давлат ер кадастрини юритишни молиялаш**

Давлат ер кадастрини юритиш борасидаги ишлар давлат бюджетидан, шунингдек ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатига олганлик учун ундириладиган маблағлар ва қонун ҳужжатлари билан ман этилмаган бошқа манбалар ҳисобидан молияланади.

#### **26-модда. Ер кадастри тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик**

Давлат ер кадастри тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бузилишида айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
1998 йил 28 август,  
666-1-сон

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

## ЕРДАН ФОЙДАЛАНИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА\*

*(Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси,  
1994 йил, 11-12-сон, 301-модда)*

Республика ер фондидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, ер майдонларидан олинадиган даромад ўсишидан аҳолининг манфаатдорлигини кучайтириш мақсадида:

1. Туман ва шаҳарларнинг ҳокимликларига фуқароларнинг мерос қилиб қолдириш шарти билан умрбод эгалик қилишлари учун якка тартибда уй-жой қуришга 0,04 гектаргача, шахсий ёрдамчи хўжаликни юритишга 0,06 гектаргача ер майдонини кимошди савдоси асосида сотишга рухсат берилсин.

2. Қорақалпоғистон Республикасида халқ хўжалигида фойдаланилмаётган ер майдонлари, шунингдек зарар кўриб ишлаётган ва паст рентабелли қишлоқ хўжалик корхоналарининг ерлари, тажриба тариқасида, фуқароларнинг мерос қилиб қолдириш шарти билан умрбод эгалик қилишлари учун кимошди савдоси ва танлов асосида сотилсин. Бунда ажратиладиган ер майдонлари суғориладиган ерларда 5 гектардан ва суғорилмайдиган ерларда 15 гектардан ошмаслиги зарур.

3. Назоратни амалга ошириш ва юқорида кўрсатиб ўтилган масалалар бўйича таклифлар тайёрлаш ҳамда уларни туман ҳокимликларининг кўриб чиқишига киритиш учун мазкур ҳокимликлар ҳузурида Давлат мулки қўмитаси, ер тузиш, сув хўжалиги, молия ва солиқ органлари вакиллари, шунингдек жамоатчилик вакиллари, иборат махсус комиссиялар тузилсин.

4. Банкларга республика фуқароларининг кимошди савдоси асосида ер майдонлари сотиб олишлари учун уларга 5 йилда қайтариш шарти билан зарур кредит бериш тавсия қилинсин.

5. Белгилаб қўйилсинки:

мерос қилиб қолдириш шарти билан умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини берадиган ордер олингандан кейин бир йил давомида фойдаланилмаган ер майдонидан уч барабар миқдорда ер солиғи ундирилади;

мерос қилиб қолдириш шарти билан умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини берадиган ордер олингандан кейин икки йил давомида

---

\* 1994 йил 24 ноябрдан кучга кирган.

фойдаланилмаган ер майдонлари илгариги эгалари тўлаган қий-  
мат қайтариб берилган ҳолда улардан олиб қўйилади.

6. Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси:

бир ҳафта муддатда мазкур Фармонни бажаришни таъмин-  
лаш юзасидан қарор қабул қилсин;


бир ой муддатда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги  
қонун ҳужжатларига тегишли ўзгартишлар киритиш тўғрисида  
таклифлар тайёрласин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
1994 йил 24 ноябрь,  
ПФ-1009-сон

270074



# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

## ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТОВАР ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАРИ УЧУН ЯГОНА ЕР СОЛИҒИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА\*

(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси,  
1998 йил, 10-11-сон, 202-модда; 2000 йил, 9-10-сон, 270-модда;  
Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил,  
1-2-сон, 9-модда; 2006 йил, 16-сон, 131-модда, 28-29-сон,  
262-модда; 2007 йил, 25-26-сон, 259-модда)

Қишлоқ хўжалик экинзорларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларининг пировард меҳнат натижаларидан иқтисодий манфаатдорлигини кучайтириш, солиққа тортиш тизимини соддалаштириш ва бир хил қилиш мақсадида:

1. 1999 йилнинг 1 январидан бошлаб қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари учун ягона ер солиғи жорий этилсин.

2. Белгилаб қўйилсинки, ягона ер солиғи амалдаги барча умумдавлат солиқлари (акқиз солиғидан ташқари) ҳамда қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари учун белгиланган қўйдаги маҳаллий солиқлар ва йиғимларни тўлаш ўрнига жорий этилади:

даромад (фойда) солиғи;

қўшилган қиймат солиғи (товарлар (ишлар, хизматлар) импорти бундан мустасно);

сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ;

ер остидан фойдаланганлик учун солиқ;

мол-мулк солиғи;

ер солиғи;

ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи;

бошқа маҳаллий солиқлар ва йиғимлар;

Ягона ер солиғи тўловчилари бўлмиш қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари учун бож тўлови, давлат божи, лицензия йиғимлари, давлатнинг мақсадли жамғармаларига ажратмалар тўлашнинг амалдаги тартиби сақлаб қолинсин.

3. Қўйдагилар белгилаб қўйилсин:

қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкатлари), фермер

---

\* 1999 йил 1 январдан кучга кирган.

хўжаликлари, агрофирмалар, шунингдек бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар ягона ер солиғини тўловчилар ҳисобланадилар, деҳқон хўжаликлари бундан мустаснодир. Деҳқон хўжаликларига Ўзбекистон Республикасининг «Деҳқон хўжалиги тўғрисида»ги Қонунида кўзда тутилган солиққа тортиш шартлари тадбиқ этилади;

қишлоқ хўжалигини юритиш учун эгалик қилиш, фойдаланишга ёки ижарага берилган ер майдони ягона ер солиғига тортиш объекти ҳисобланади;

ягона ер солиғи миқдори ер майдонининг қаерда жойланганлигини, сифати (балл-бонитети)ни ва сув билан таъминланганлигини ҳисобга олувчи базавий ставкалар ҳамда тузатиш коэффициентларидан келиб чиққан ҳолда аниқланадиган ер майдони бирлигига қайд этиб қўйилган тўлов ҳолида белгиланади. Ягона ер солиғининг миқдори қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларининг хўжалик фаолияти натижаларига боғлиқ бўлмайди; ягона ер солиғи Маҳаллий бюджет ҳисобига ўтказилади.

4. *ўз кучини йўқотган.*

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

шу йилнинг 15 ноябрига қадар ерлар жойлашишининг тафовутлари, сифати (балл-бонитети)ни ва сув билан таъминланганлигини ҳисобга олган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар бўйича қишлоқ хўжалик экинзорларига мутлақ миқдорда 1999 йилга мўлжалланган ягона ер солиғининг муваққат базавий ставкаларини, шунингдек ягона ер солиғи муваққат базавий ставкаларининг тузатиш коэффициентларини тасдиқласин;

ягона ер солиғининг муваққат базавий ставкаларидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг 1999 йилги Давлат бюджетини тасдиқлаш чоғида туманлар ва шаҳарлар бўйича ягона ер солиғи ставкаларини тасдиқласин;

1999 йилги иш якунлари бўйича, Республика комиссиясининг таклифларини ҳисобга олган ҳолда ягона ер солиғининг муваққат базавий ставкалари ва тузатиш коэффициентларини қайта кўриб чиқсин.

6. Белгилаб қўйилсинки:

ушбу Фармон амалга киритилгунга қадар айрим қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларига ер солиғи, шунингдек даромад (фойда) солиғини тўлашда имтиёзлар қанча муддатга берилган бўлса шу муддат тўлагунга қадар бундай имтиёз ягона ер солиғи тўлашга тадбиқ этилади;

ягона ер солиғини ҳисоблаш чоғида Ўзбекистон Республика-



сининг Солиқ кодексига мувофиқ ер солиғига тортилмайдиган ер майдонлари солиққа тортиш базасидан мустасно қилинади;

янги ташкил этилган қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари давлат рўйхатидан ўтган пайтдан бошлаб икки йил муддатга ягона ер солиғи тулашдан озод қилинадилар.

тугатилаётган ширкатлар негизида барпо этиладиган боғдорчилик ва узумчилик фермер хўжаликлари уларни давлат рўйхатидан ўтган пайтдан бошлаб ягона ер солиғи тулашдан 5 йил муддатга озод қилинади. Солиқ солишдан бўшайдиган маблағлар мақсадли тартибда мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлашни ривожлантиришга, боғ ва узумзорлар барпо этиш ҳамда уларни кенгайтиришга йўналтирилади.

тадбиркорлик субъектлари — юридик шахслар ихтиёрий тугатилганда юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказган орган ихтиёрий тугатиш тўғрисида қабул қилинган қарор ҳақида хабардор қилинган кундан бошлаб ягона ер солиғини ҳисоблаб ёзиш тугатилади.

Ихтиёрий тугатиш, шунингдек тадбиркорлик субъекти — юридик шахс фаолиятини ихтиёрий тугатиш ва фаолиятини тиклаш тартиб-таомиллари қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда тугалланмаган тақдирда солиқ имтиёз қўлланадиган бутун давр учун тулиқ ҳажмда олинади.

7. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда бир ой муддатда қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари учун ягона ер солиғини ҳисоблаш ва тулаш тартибини ишлаб чиқиб, тасдиқласин.

8. Ушбу Фармоннинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ў.Т. Султонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
1998 йил 10 октябрь,  
ПФ-2086-сон

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

## «ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ИСЛОҲОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШНИНГ ЭНГ МУҲИМ ЙЎНАЛИШЛАРИ ТЎҒРИСИДА»\*

(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси,  
2003 йил, 3-4-сон, 55-модда)

Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, қишлоқда ишлаб чиқариш муносабатларини такомиллаштириш, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини бошқаришнинг бозор тамойилларига мос келадиган ташкилий тузилмасини тадбиқ этиш, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларининг мустақиллигини кенгайтириш ҳамда уларнинг ишончли ҳуқуқий муҳофазасини таъминлаш мақсадида:

1. Қуйидагилар қишлоқ хўжалигида мулкчилик шаклларини ўзгартириш ва ишлаб чиқариш муносабатларини такомиллаштиришнинг энг муҳим йўналишлари этиб белгилансин:

суғорма деҳқончилик ҳамда суғориладиган экин майдонлари чекланганлиги шароитида мулкчиликнинг ижара шакллари ва шартномавий муносабатларга асосланган хўжалик юритиш тизимини ривожлантириш;

қишлоқда асосий ишлаб чиқариш бўғини ҳисобланган қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларининг манфаатларини пухта таъминлашга қаратилган иқтисодий ва ҳуқуқий шарт-шароит яратиш, тайёрлов, қайта ишлаш корхоналари, моддий-техника ресурслари етказиб берувчилар, молия-банк муассасалар ҳамда бошқа хизмат кўрсатиш ташкилотлари фаолиятини ушбу мақсадга бўйсундириш;

хўжалик юритишнинг ширкат, фермер ва деҳқон хўжаликларини ташкилий-ҳуқуқий шаклларини сақлаб қолиш, истиқболда асосий қишлоқ хўжалик маҳсулоти ишлаб чиқарувчи субъект бўлиб қоладиган фермер хўжаликларини ривожлантиришни устувор йўналиш сифатида белгилаш.

2. Шундай тартиб ўрнатилсинки, бунда:

а) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоят ҳокимликларининг тақлифларига мувофиқ қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар билан тайёрлов ташкилотлари ўртасида тузилган контрактация шартномаларини умум-

---

\* 2003 йил 24 мартдан кучга кирган.

лаштириш асосида жорий йилга пахта ва дон етиштириш прогноз кўрсаткичлари республика ва минтақалар даражасида белгиланади;

б) қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчилари хўжаликларнинг ихтисослашувини ҳисобга олган ҳолда ва тузилган контрактация шартномаларига асосан қишлоқ хўжалик экинларини мустақил равишда жойлаштирадилар;

в) хўжаликлар ўз меҳнати натижаларини, шу жумладан етиштирилган маҳсулотни, ўзларига тегишли мол-мулк, молиявий ва моддий ресурсларни ўз хоҳишига кўра тасарруф этадилар.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Адлия вазирлиги бир ой муддатда Фармоннинг мазкур бандидан келиб чиққан ҳолда амалдаги барча низом ва меъёрларни қайта кўриб чиқсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги, Ер ресурслари давлат қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят ҳокимликлари қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш муносабатларининг асосий шакли сифатида ижара муносабатлари кенг ривожланишини таъминласинлар. Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда 2004 йилдан бошлаб барча ширкат ва фермер хўжаликларини қишлоқ хўжалик экинзорларидан фойдаланишнинг ижара шаклига ўтказиш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш юзасидан таклифлар киритилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Ер ресурслари давлат қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят ҳокимликлари фермер хўжаликлари тузиш ҳамда улар фаолиятини ташкил қилиш жараёнида қуйидаги принципиал қондаларга амал қилсинлар:

фермер хўжаликлари, қоида тариқасида, тугатиладиган зарар билан ишлаётган, паст рентабелли ва истиқболсиз ширкатлар негизида барпо этилади;

фермер хўжалиги юридик шахс сифатида, асосан хусусий корхона шаклида, кейинчалик улар турли шаклдаги кооперацияларга бирлашиш ҳуқуқи билан барпо қилинади;

ер майдонлари фермерларга танлов асосида эллик йилгача узоқ муддатли асосда, ижара /муддати давомида мерос қилиб қолдириш ҳуқуқи билан ижарага фойдаланиш учун берилади;

фермер хўжаликларига берилган ер майдонлари ширкат хўжаликларининг балансидан чиқарилади;

фермер хўжаликларини шакллантириш учун ер майдонлари бериш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган алоҳида Низом билан белгиланади;

етиштириладиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етказиб бериш ҳамда моддий-техника ресурслари ва хизматларни олиш учун шартномаларни фақат фермер хўжаликларининг ўзлари тайёрлов, қайта ишлаш ҳамда хизмат кўрсатиш корхоналари ва ташкилотлари билан тўғридан-тўғри тузадилар;

фермер билан ёлланма ходимлар, шу жумладан оила аъзолари ўртасидаги меҳнат муносабатлари амалдаги меҳнат қонунчилигига мувофиқ меҳнат шартномаларига асосланди.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоят ҳокимликлари билан бирга икки ой муддатда қуйидагиларни ишлаб чиқиб, тасдиқласин:

махаллий шароитларни, қишлоқ хўжалик ерлари, меҳнат ресурслари мавжудлигини ҳамда ширкатларни қайта ташкил этиш натижасида бўшаб қоладиган ходимларни иш билан таъминлаш истиқболларини чуқур таҳлил этиш асосида вилоят ва туманлар бўйича яқин йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш Концепцияси;

2003—2005 йилларда қишлоқда замонавий бозор инфратузилмасини комплекс ривожлантириш Дастури.

6. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини бошқариш тизимини тубдан қайта кўриб чиқиш зарур деб ҳисоблансин, бунда Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигини тақсимотчилик вазифаларидан озод қилиш ҳамда қишлоқ хўжалиги тармоқларига раҳбарлик қилишнинг маъмурий-буйруқбозлик усулларидан воз кечиш назарда тутилсин.

Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

қишлоқ хўжалигини замонавийлаштириш ва барқарор ривожлантиришга қаратилган ягона агротехника сиёсатини ўтказиш;

замонавий агротехнологияларни такомиллаштириш ва уларни қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши тармоқларига жорий этиш;

қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчиларига бозор тамойиллари ва механизмлари асосида хизмат кўрсатувчи тармоқлар, бўғинлар ва тузилмалар фаолиятини мувофиқлаштириш;

ирригация тизимларини бошқаришнинг маъмурий-худудий принциpidан хавза принципига ўтишни кўзда тутувчи сув ре-

сурсларини бошқариш, шунингдек суғорма сувдан фойдаланишда бозор тамойилларини барча даражада тадбиқ қилиш.

7. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги бошқаруви марказий аппаратининг тузилмасида қўйидаги муаммоларни ҳал этиш бўйича Кенгашлар тузиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблансин:

- пахтачиликни ривожлантириш;
- ғаллачиликни ривожлантириш;
- сабзаёт-полиэ экинлари, мева ва узумчиликни ривожлантириш ҳамда уларни комплекс қайта ишлаш;
- чорвачиликни ривожлантириш;
- ер-сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, ирригацияни ривожлантириш ва ер унумдорлигини ошириш;
- қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва кимёлаштириш.

Тегишли тармоқларни ислоҳ қилиш ва ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги салоҳиятидан самарали фойдаланиш бўйича аниқ тавсиялар ишлаб чиқиш Кенгашларнинг энг муҳим вазифалари этиб белгилансин.

Мазкур Кенгашлар таркибига жамоатчилик асосида етакчи мутахассислар аъзо бўлиб кирадилар. Кенгашларнинг раислари Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги хайъатининг аъзолари ҳисобланадилар.

Кенгашларнинг барча тавсиялари қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги хайъатининг мажлисларида муҳокама этилиши лозим, унинг қарорлари ижро этиш учун мажбурий ҳисобланади.

Мазкур Кенгашлар ишчи органларининг вазифалари Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг тегишли бошқарма ва бўлимлари зиммасига юклатилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Адлия вазирлиги ҳамда Иқтисодиёт вазирлиги бир ой муддатда тегишли ташкилотлар билан бирга қўйидагиларни ишлаб чиқиб, тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин:

қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, унинг вилоят ва туман бўлинмалари туғрисидаги янги низомлар;

фермер хўжалиги ва қишлоқ хўжалик кооператив (ширкат)нинг янги намунавий уставлари.

Ушбу низомларни тайёрлаш чоғида қишлоқ хўжалик корхоналарининг мустақиллигини кенгайтириш, ҳар бир бошқарув ва хўжалик юритиш субъектининг вазифа ҳамда мажбуриятлари аниқ чегаралаб қўйилиши, ширкат хўжаликларида кадрлар ма-

салаларини ҳал этишнинг демократик шакллари, қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчиларининг жорий фаолиятига маъмурий аралашувга барҳам бериш кўзда тутилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги бир ой муддатда манфаатдор идоралар билан биргаликда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, моддий-техника ресурсларини етказиб бериш ва хизматлар кўрсатиш бўйича шартномаларни қайта ишлаб чиқсин ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан келишилган ҳолда янги намунавий шартномаларни белгиланган тартибда тасдиқласин.

Мазкур шартномаларда қуйидагилар кўзда тутилсин:

асосий қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштирувчининг тайёрлов, қайта ишлаш ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари билан ишлаб чиқариш муносабатларида устувор мавқеи;

томонларнинг ҳуқуқ ва ўзаро мажбуриятларини аниқ белгилаш;

маҳсулот етказиб бериш, ишлар бажариш, хизмат кўрсатиш ҳамда шартномалар бўйича ўзаро ҳисоб-китобларнинг тартиби ва аниқ муддатларини белгилаш;

шартномавий муносабатлар мазмуни ва моҳиятини бош вазифа — асосий маҳсулот ҳисобланган пахта толаси, дон ва бошқа маҳсулотларни энг кам сарф-харажат билан етиштириш вазифасига эришишга бўйсундириш;

шартнома мажбуриятларининг ижроси учун томонларнинг жавобгарлигини аниқ белгилаб қўйиш.

Мазкур шартномалар агротехника тадбирлари амалга оширила бошлашидан кечи билан 1 ой олдин тузилиши лозимлиги белгилаб қўйилсин.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги:

қишлоқ хўжалигида шартномалар тузиш ва уларни бажариш чоғида белгиланган норма ҳамда талабларга хўжалик юритувчи субъектларнинг риоя этишлари устидан мунтазам назорат ўрнатсин;

бир ой муддатда, Олий суд ва Олий хўжалик суди билан биргаликда республика минтақаларида қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчиларининг шартномавий ўзаро муносабатлардан келиб чиқадиган манфаатлари ишончли ҳимоя этилишини таъминлайдиган ҳуқуқий институтларнинг ривожланган тизимини шакллантириш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси, Молия вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси бир ой муддатда қишлоқ хўжалик корхоналари фаолиятини баҳолашда статистик ва молиявий кўрсаткичларнинг амалдаги тизимини ўргансинлар ҳамда ана шу асосда уларни тубдан қайта кўриб чиқиш бўйича таклифлар киритсинлар ва бунда бозор иқтисодиёти талабларига мувофиқ уларни қисқартириш ҳамда ягона ҳисобот тизимини яратишни кўзда тутсинлар.

Айни чоғда вазирликлар ва идоралар томонидан барча бошқарув поғоналарида қўшимча ҳисобот шакллари жорий этилишига йўл қўйилмасин.

11. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда амалдаги қонунчиликка ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш туғрисидаги таклифларни Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин.

12. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси И.Х. Жўрабеков, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Р.С. Азимов ва Н.С. Юсупов зиммаларига юклатилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2003 йил 24 март,  
ПФ-3226-сон

# **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ**

## **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЕР РЕСУРСЛАРИ, ГЕОДЕЗИЯ, КАРТОГРАФИЯ ВА ДАВЛАТ КАДАСТРИ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА\***

*(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами,  
2004 йил, 42-сон, 445-модда)*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республика давлат бошқаруви органлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида» 2003 йил 9 декабрдаги ПФ–3358-сон Фармонига мувофиқ ҳамда ердан фойдаланиш, геодезия ва картография соҳасидаги бошқарув тизимини янада такомиллаштириш, ердан оқилона фойдаланишни таъминлаш ва ер муносабатларини тартибга солиш, Давлат кадастрлари ягона тизимини юритиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари давлат қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Геодезия, картография ва давлат кадастри Бош бошқармаси тугатилиб, уларнинг негизида Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси (Ўздавергеодезкадастр) ташкил қилинсин.

2. Қуйидагилар Ўздавергеодезкадастр қўмитасининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

ердан оқилона фойдаланиш ва муҳофаза қилиш бўйича ягона давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлаш;

ердан оқилона фойдаланиш ва муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга ошириш;

тупроқ унумдорлигини ошириш, ердан оқилона фойдаланиш ва муҳофаза қилиш бўйича давлат дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш;

геодезия ва картография соҳасидаги фаолиятни бошқариш; давлат геодезия назоратини ташкил қилиш;

жойларда давлат бошқаруви органлари ва давлат ҳокимияти органларининг давлат кадастрларини юритиш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш;

давлат ер кадастрини, давлат картография-геодезия кадастрини, бинолар ва иншоотлар давлат кадастрини, шунингдек Давлат кадастрлари ягона тизимини юритиш.

---

\* 2004 йил 15 октябрдан кучга кирган.



3. Белгилансинки, Ўздавергеодезкадастр қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари давлат қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги геодезия, картография ва давлат кадастри Бош бошқармасининг шартномалари ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий ворис ҳисобланади.

4. Давлат бюджети маблағлари ҳисобига бажариладиган ер-кадастр, ер тузилиши, тупроқ ва геоботаника соҳасидаги ишлар қўшилган қиймат солиғини тўлашдан озод этилиши белгилаб қўйилсин.

5. «Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 24 июлдаги ПФ-2059-сон Фармони ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш юзасидан қарор қабул қилсин.

7. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклатилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 15 октябрь,  
ПФ-3502-сон

## **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ**

### **ЮРИДИК ШАХСЛАР ВА ФУҚАРОЛАРНИНГ БИНОЛАРИ ҲАМДА ИНШООТЛАРИ БИЛАН БАНД БЎЛГАН ЕР УЧАСТКАЛАРИНИ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА\***

*(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами,  
2006 йил, 30-сон, 288-модда)*

Иқтисодиётда хусусий мулкчиликни янада кенгайтириш ва унинг ролини ошириш, бизнесни ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш ҳамда хусусий тадбиркорликнинг ҳуқуқий кафолатларини мустаҳкамлаш, хусусийлаштирилган корхоналар билан банд бўлган ер участкаларидан мақсадли ва самарали фойдаланишни таъминлаш, шунингдек уй-жой бозори ва ипотекани ривожлантириш учун кучли рағбатлантирувчи омилларни вужудга келтириш мақсадида:

1. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ, 2007 йилнинг 1 январидан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг юридик шахслари — резидентлар мулкий ҳуқуқ асосида ўзларига қаршли ёки улар томонидан хусусийлаштириладиган бино ва иншоотлар, ишлаб чиқариш инфратузилмаси объектлари жойлашган ер участкаларини, шунингдек мазкур объектларга туташ ер участкаларини қўлланиладиган технология жараёнлари, шаҳар қурилиши норма ва қоидаларини ҳисобга олган ҳолда, ишлаб чиқариш фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўлган миқдорда хусусийлаштириш ҳуқуқига эга бўладилар.

Ушбу бандда назарда тутилган ер участкаларини хусусийлаштириш бозор қийматидан келиб чиқиб, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда мулкка эгалик ҳуқуқини расмийлаштирилган ҳолда ихтиёрийлик асосида амалга оширилади.

2. Белгилансинки, мазкур Фармоннинг 1-бандига мувофиқ хусусийлаштирилмаган, Ўзбекистон Республикасининг юридик шахслари — резидентлари томонидан доимий фойдаланиб келинаётган ер участкалари 2008 йилнинг 1 январига қадар эллик йилгача, аммо ўттиз йилдан кам бўлмаган узоқ муддатли ижарага қайтадан расмийлаштирилиши лозим.

Ер тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда, ер участкасини узоқ муддатли ижарага олиш ҳуқуқи шарт-

---

\* 2006 йил 24 июлдан кучга кирган.

номада кўрсатилган муддат тугамасдан тўхтатилиши ёки ижарага олинган ер участкаси майдони қисқартирилиши мумкин.

3. 2008 йил 1 январидан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари — резидентларига якка тартибда уй-жой қуриш ва турар-жой биносига хизмат кўрсатиш учун ажратилган ер участкаларини хусусийлаштириш ҳуқуқи берилсин.

Бунда якка тартибда уй-жой қуриш ва турар-жой биносига хизмат кўрсатиш учун ажратилган ер участкалари қуйидаги тартибда хусусийлаштирилади:

ушбу Фармон чиққан пайтда амалда эгаллаб турилган ва ўрнатилган тартибда берилган кадастр ҳужжатларида белгиланган чегара ва миқдорда доимий фойдаланиш ёки умрбод мерос қилиб қолдириладиган эгалик ҳуқуқи билан участкаларга эга бўлган фуқаролар томонидан ихтиёрийлик асосида;

ер участкаларини якка тартибда уй-жой қурилишига ким ошди асосида қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорларда сотиш чоғида, кейинчалик мулкка эгалик ҳуқуқини ўрнатилган тартибда давлат рўйхатидан ўтказиш;

томонлар — кўчмас мулкни бегоналаштираётган ёки сотиб олаётган (қабул қилаётган) шахсининг аҳдлашуви бўйича якка тартибдаги уй-жойни сотиш ёки ҳадя этиш (яқин қариндошлар бундан мустасно) чоғида мажбурий тартибда.

4. Қуйидагилар белгилансин:

кадастр ҳужжатларида белгиланган чегара ва миқдорларда якка тартибда уй-жой қуриш ва турар-жой биносига хизмат кўрсатиш учун берилган ер участкаларини хусусийлаштириш қатъий бозор нархлари бўйича амалга оширилади;

фуқаролар томонидан якка тартибда уй-жой қуриш ва турар-жой биносига хизмат кўрсатиш учун ер участкаларини олишда илгари тўланган қиймат ким ошди савдолари натижалари бўйича ер участкаларини хусусийлаштириш учун тўланадиган ҳақ миқдорини белгилаш чоғида ҳисобга олинади;

хусусийлаштирилган ер участкаси оборотда, жумладан харид қилиш-сотиш, айирбошлаш, ҳадя қилиш, мерос, фойдаланиш (ижарага бериш) бўйича битимлар тузишда чекланмаган, гаров, шу жумладан банклар ва бошқа кредит муассасаларидан кредит олиш учун гаров бўлиб хизмат қилиши мумкин.

5. Ўзбекистон Республикаси ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри Давлат қўмитаси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳар ва туманлар ҳокимликлари ҳамда бошқа манфаатдор тузилмалар билан

биргаликда 2007 йилнинг 1 октябригача бўлган муддатда юридик шахслар ва фуқароларнинг бинолари ҳамда иншоотлари билан банд бўлган ер участкаларини хусусийлаштириш чоғида бозор нархларини белгилаш учун асос сифатида қишлоқ хўжалик аҳамиятига эга бўлмаган ерлар кадастрини ишлаб чиқсин ва апробациядан ўтказсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси, «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси, «Давархитектқурилиш» давлат қўмитаси, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси, Адлия вазирлиги 2006 йилнинг 1 октябригача:

юридик шахсларга тегишли бино ва иншоотлар билан банд бўлган ер участкаларини хусусийлаштириш ҳамда бозор қийматини белгилаш тартиби тўғрисидаги низомни;

бино ва иншоотлар билан банд бўлган ер участкалари, шунингдек ишлаб чиқариш фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўлган уларга туташ участкаларнинг чегараларини белгилаш тартиби тўғрисидаги низомни;

якка тартибда уй-жой қуриш ва турар-жой биносига хизмат кўрсатиш учун бериладиган ер участкаларини хусусийлаштириш ва уларнинг бозор қийматини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низомни;

ер участкаларини ижарага бериш тартиби тўғрисидаги низомни ишлаб чиқсин ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритсин.

7. Белгилансинки, ер участкаларини хусусийлаштиришдан тушадиган маблағлар давлат бюджетига тўлиқ ўтказилади ва 80 фоиз миқдори республика бюджетига ҳамда 20 фоиз миқдори тегишли маҳаллий бюджетларга йўналтирилган ҳолда инфратузилмани ривожлантириш ва ҳудудларни ободонлаштиришда мақсадли фойдаланилади. Бунда ер участкаларини хусусийлаштиришдан республика бюджетига тушадиган маблағларнинг камида 3 фоизи инвентаризация, муҳандислик инфратузилмаси бош режалари ва схемаларини ишлаб чиқиш ҳамда тузатишлар киритиш, ер кадастрларини шакллантириш ва иқтисодий зоналарга ажратиш бўйича қилинадиган сарф-харажатларни қоплашга йўналтирилади.

8. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатла-

рига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсин.

9. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2006 йил 24 июль,  
ПФ-3780-сон

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ЕР УЧАСТКАЛАРИНИ ОЛИБ ҚЎЙИШ ВА УЛАРНИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИГА ОИД БЎЛМАГАН ЭХТИЁЖЛАР УЧУН БЕРИШГА ДОИР МАТЕРИАЛЛАРНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА\*

Амалдаги меъёрий ҳужжатларни «Ер тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ ҳолга келтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тақдим этган Ўзбекистон Республикасида ер участкаларини олиб қўйиш ва уларни қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган эҳтиёжлар учун беришга доир материалларни расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги илова қилинаётган Низом тасдиқлансин.

2. Ерга доимий эгалик қилиш ҳуқуқини берувчи Давлат ҳужжатининг ҳамда ердан доимий фойдаланиш ҳуқуқини берувчи Давлат ҳужжатининг намуналари, шунингдек, уларни тузиш, рўйхатдан ўтказиш ва бериш тартиби 1, 2 ва 3-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва вилоят ҳокимликлари:

1992-1993 йиллар мобайнида илгари колхозлар, совхозлар ва бошқа қишлоқ хўжалиги ҳамда ўрмон хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотларига берилган ердан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи давлат ҳужжатларини ерга доимий эгалик қилиш ҳуқуқини берувчи янги намунадаги давлат ҳужжатларига алмаштирсинлар;

1993—1995 йиллар мобайнида ердан доимий фойдаланиш ҳуқуқини берувчи янги намунадаги давлат ҳужжатларини тайёрлашни ва ердан доимий фойдаланиш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатларга эга бўлмаган барча корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга беришни таъминласинлар;

янги тузилаётган колхозлар, совхозлар ва бошқа қишлоқ хўжалиги ҳамда ўзга корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга ер

---

\* 1992 йил 27 майдан кучга кирган.

бериш билан бирга ерлардан доимий фойдаланиш ва уларга эгаллик қилиш ҳуқуқини берувчи давлат ҳужжатлари берилишини таъминласинлар;

4. Илгари қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалигини юритиш билан боғлиқ бўлмаган эҳтиёжлар учун ер участкалари олган корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга берилган ердан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи эски намунадаги давлат ҳужжатлари ҳақиқий деб ҳисоблансин.

5. Тасдиқланган Низомга мувофиқ кадастр баҳолаш даражасидаги суғориладиган ерлар «Ер тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 14-моддасида белгиланган алоҳида қимматга эга бўлган унумдор суғориладиган ерлар жумласига киритилсин.

6. Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг «Фойдаланиш учун ер участкаси бериш тўғрисида корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар томонидан илтимосномалар топшириш ва шу илтимосномаларни кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида» 1971 йил 27 августдаги 413-сон қарори (ЎзССР ҚТ., 1971 й., 8-сон, 53-модда) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

## **Ўзбекистон Республикасининг**

**Бош вазири**

**А. МУТАЛОВ**

Тошкент ш.,  
1992 йил 27 май,  
248-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
1992 йил 27 майдаги 248-сон қарори билан  
ТАСДИҚЛАНГАН

**Ўзбекистон Республикасида ер участкаларини олиб қўйиш ва уларни қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган эҳтиёжлар учун беришга доир материалларни расмийлаштириш тартиби тўғрисида**  
**НИЗОМ**

### **I. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом ер участкаларини олиб қўйиш ва уларни қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган эҳтиёжлар учун корхоналарга, муассасаларга ва ташкилотларга беришга доир материалларни расмийлаштириш тартибини белгилайди.

Қорақалпоғистон Республикасида ер участкаларини олиб қўйиш ва уларни қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган эҳтиёжлар учун беришга доир материалларни расмийлаштириш тартиби Қорақалпоғистон Республикасининг қонунлари билан белгиланади.

2. Ер участкаларини эгаликка ва фойдаланиш учун бериш ерни ажратиш тарзида амалга оширилади. Ер участкасини ажратиш — ерларни олиб қўйиш ва уларни эгаликка ва фойдаланишга топшириш борасидаги ер тузиш ҳаракатларини аслида (шу жойда) чегараларни белгилаш, муайян белгилар воситасида уларни ўзга ер майдонларидан ва фойдаланилмаётган ерлардан ажратиб қўйиш ҳамда ердан фойдаланувчига ердан фойдаланиш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этишни қамраб олади.

3. Ер участкаларини қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган эҳтиёжларга ажратиш одатда икки босқичда амалга оширилади.

Биринчи босқичда корхоналар, бинолар ва иншоотларни қуришни лойиҳалаш учун ҳамда бу ишларни келишиб олиш учун ер участкаси танланади.

Иккинчи босқичда лойиҳалаш ишлари якунлангач ва қурилишни бошлаш тўғрисида қарор қабул қилингач ер участкаси ажратилади.

Якка тартибдаги уй-жой қурилиши, жамоа боғдорчилиги ва полизчилиги учун, кенг тарқалган фойдали қазилмаларни қазиб чиқариш учун, амалдаги типовой лойиҳаларга кўра алоҳида бинолар ва иншоотларни қуриш учун ер участкалари ажратиш зарур бўлган ҳолларда ер участкаларини танлаш ва уларни ажратишга доир материаллар бир пайтнинг ўзида — бир босқичда амалга оширилади.

4. Қурилишни лойиҳалаш учун танланган ер участкасини келишиб олиш, уни олиб қўйиш ва фойдаланиш учун бериш тўғрисидаги қарор Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси ва давлат бошқарувининг маҳаллий идоралари томонидан қабул қилинади.

Ўзбекистон Республикасининг Олий Кенгаши ва давлат бошқарувининг маҳаллий идоралари тегишли равишда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси ва давлат бошқаруви маҳаллий идораларининг ихтиёрига ўтказилган қурилишни лойиҳалаш учун танланган ер участкаларини келишиб, уни олиб қўйиш ва фойдаланиш учун бериш тўғрисидаги масалани ўз муҳокамаларига қабул қилишга ва ҳал этишга ҳақлидирлар.

5. Техник, иқтисодий, экологик, санитария ва бошқа талаб-



лар, шунингдек, ерлардан унумли фойдаланишга ва уни мухофаза қилишга, корхоналар, бинолар, иншоотларни жойлаштиришга доир талаблар амалдаги қонун ҳужжатларида, ҳужаликлараро ер тузилишига доир йўриқнома кўрсатмаларда, қурилишнинг экологик стандартлари, нормалари ва қоидаларида, бошқа норматив актлар ва ҳужжатларда белгилаб қўйилади.

6. Бошқа мустақил давлатларнинг корхоналари, муассасалари ва ташкилотларига ер участкалари ажратиш ана шу юридик шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши билан битимига биноан амалга оширилади.

Битимда ер қандай мақсадлар учун ва қандай муддатга берилаётганлиги, ерни бериш шартлари, ўзаро мажбуриятлар ва битимнинг амал қилиш муддати, ҳар икки томоннинг манфаатларига дахлдор бўлган бошқа масалалар қайд этилади.

Битимни бир томондан ер участкаси берилаётган тегишли мустақил давлат бирлашмаси, корхонаси, муассасаси ёки ташкилотининг раҳбари, иккинчи томондан эса Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси вакил қилган шахс имзолайди.

## **II. Қурилиш объектларини лойиҳалаш учун ер участкаси танлашга доир материалларни расмийлаштириш тартиби**

1. Қишлоқ ҳўжалигига оид бўлмаган мақсадлар учун фойдаланишга ер участкаси берилишидан манфаатдор бўлган корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар шу ҳақда сўралаётган ер участкаси қаердалигига қараб тегишли ноҳиянинг ҳокимига ариза йўллайдилар.

Корхона, бино ва иншоот жойлашиши керак бўлган маъмурий ноҳия олдиндан белгиланиши зарур бўлган ҳолларда, шунингдек, икки ва ундан ортиқ ноҳия ҳудудида жойлашиши керак бўлган корхона, бино ва иншоотни қуриш чоғида фойдаланиш учун ер участкаси ажратиш хусусидаги илтимоснома вилоят ҳокимига юборилади.

2. Корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларнинг фойдаланиш учун ер участкаларини шаҳарлар, шаҳар посёлкалари, қишлоқ аҳоли пунктларидан, жамоа ҳўжаликлари, давлат ҳўжаликлари ва ўзга қишлоқ ҳўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари эгалигида бўлмаган майдонлардан ажратилишини сўраб берилган аризалари, шунингдек, халқ депутатлари қишлоқ ёки

посёлка кенгашлари ижроия кўмиталарининг ихтиёрига берилган захирадаги ерларни ажратиш тўғрисидаги аризалари тегишли равишда халқ депутатлари қишлоқ, посёлка ёки шаҳар Кенгашларининг ижроия кўмиталари орқали қўзғатилади.

3. Вилоят ҳокими беш кунлик муддат ичида аризани қараб чиқади ва уни тегишли ноҳия ҳокимига йўллайди ёки вилоятнинг доимий ҳаракатдаги комиссиясига корхона, бино ва иншоот жойлаштириладиган ерни аниқлашни ҳамда лойиҳалаш ва қурилиш ишлари олиб бориладиган ер участкасини танлашни топширади.

4. Фойдаланишга ер участкаси ажратиш тўғрисидаги аризада ушбу майдон қайси мақсадларга ва қайси муддатга зарур эканлиги, у жойлашган ер ва зарур бўладиган майдонининг сахни асосланган бўлиши, лойиҳалаш ва қурилиш бошланишининг тахминий муддатлари кўрсатилган бўлиши ҳамда уларга ер ажратиши зарурлигини тасдиқловчи ҳужжатлар, жумладан, тегишли вазирлик, давлат кўмитаси, идора ёки жамоат ташкилотининг объект қурилиши тўғрисидаги қароридан кўчирма илова қилинган бўлиши керак.

Корхона, бино ва иншоот фойдали қазилмалар ва ер ости сувлари бўлган майдонларга жойлашган ҳолларда аризага тоғ назорати давлат идорасининг, сув хўжалиги идораларининг, ҳудудий геологик ташкилотларнинг ҳамда табиатни муҳофаза қилиш идораларининг ушбу объектларни қуришга рухсат этилганлиги тўғрисидаги хулосалари илова қилинади.

5. Корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг фойдаланишга ер участкаси ажратиш тўғрисидаги аризаларини қараб чиқиш учун, ер участкаларини танлаш юзасидан таклифларни, ер эгалари ва ердан фойдаланувчилар кўрадиган зарарларни баҳолаш учун, шунингдек, қишлоқ хўжалиги ҳамда ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчилигининг ҳажмларини аниқлаш учун ҳокимларнинг фармойишига биноан доимий ҳаракатдаги комиссиялар тузилади.

Алоҳида экологик оқибатларга олиб келмайдиган ҳамда битта маъмурий ҳудуд доирасидан чиқмайдиган корхоналар, бинолар ва иншоотларни лойиҳалаш учун ер участкасини танлаш ноҳия комиссияси, қолган ҳолларда эса вилоят комиссиялари томонидан амалга оширилади.

Айрим ҳолларда ўта йирик ва экологик жиҳатдан мураккаб корхоналар ва иншоотларни лойиҳалаш учун вилоят ҳокимларининг илтимосномасига биноан ер участкасини танлашни Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳка-

маси томонидан тузиладиган республика комиссияси амалга ошириши мумкин.

6. Вилоят ва ноҳия комиссиялари таркибига тегишли равишда вилоят ёки ноҳия ҳокимининг ўринбосари (комиссия раиси), давлат табиатни муҳофаза қилиш идораларининг, ер тузиш хизматининг, меъморчилик ва шаҳарсозлик идораларининг, ёнғинга қарши назоратнинг, сув ҳўжалигининг, молия идоралари ва бошқа манфаатдор муассасалар ва ташкилотларнинг вакиллари киритилади. Илтимосномани қараб чиқиш даврида комиссия таркибига бундан ташқари ер участкалари берилаётган ва ерларидан участкалар олиб қўйилаётган корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг вакиллари ҳам киритилдилар.

Республика комиссияси таркибига Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари (комиссия раиси), давлат санитария назорати идораларининг, табиатни муҳофаза қилиш идораларининг, ер тузиш хизматининг, бошқа манфаатдор вазирликлар, давлат қўмиталари ва маҳкамаларининг вакиллари киритилдилар.

7. Ер участкаларини танлаш ишларини бажараётган давлат ер тузиш идоралари Ўзбекистон Республикасининг «Ер тўғрисида»ги Қонунига, бошқа қонунлар ва норматив актлар ҳамда ушбу Низомга амал қилган ҳолда, ноҳия планлаштириш лойиҳаларига, ноҳиялар ва вилоятларнинг ер тузишига, схемалар, ҳўжаликлараро ва ҳўжаликнинг ички ер тузиш лойиҳаларига, мелиорациялаш ва сув ҳўжалигини ривожлантириш схемаларига, шаҳарлар, шаҳар посёлкалари ва бошқа қишлоқ аҳоли пунктларини планлаштириш ва қуриш бош планларига, ер кадастри, тупроқ, геоботаник ва тадқиқотнинг бошқа қўринишлари берган маълумотларга суянган ҳолда:

корхоналар, бинолар ва иншоотларни қуриш учун биринчи навбатда қишлоқ ҳўжалиги мақсадларига мўлжалланмаган ёки қишлоқ ҳўжалиги юритишга яроқсиз бўлган ёхуд энг ёмон сифатли қишлоқ ҳўжалиги майдонларидан ер участкалари ажратишни ўрганади ва шу имкониятни қўриб чиқади;

ер участкалари қишлоқ ҳўжалиги майдонларидан ва ўрмон фондидан ажратилган ҳолларда суғориладиган энг маҳсулдор ерларни иложи борича сақлаб қолиш зарурлигини, мавжуд ҳудудларни, экологик мувозанатни яхшилаш ва сақлаб қолишни, эрозия жараёнларини, ерни ботқоқликка айланишдан сақлаб қолиш заруратини ҳисобга олади;

саноат объектлари ва коммуникацияларни иложи борича жамоа ҳўжаликлари, давлат ҳўжаликлари ва бошқа қишлоқ ҳўжали-

ги корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари ўзларида қолган ерлардан фойдаланишларида ноқулайлик туғдирмаган ҳолда, шунингдек, сув ҳўжалиги объектларидан фойдаланишга ҳалакит бермаган ҳолда жойлаштириш имкониятларини излаб топади;

ер эгалари ва ердан фойдаланувчилар кўрган зарарнинг, шунингдек, қишлоқ ҳўжалиги ва ўрмон ҳўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчилиги ҳажмини аниқлайди;

ерларни рекультивациялаш (қишлоқ ҳўжалиги, ўрмон ҳўжалиги, балиқ ҳўжалиги юритиш учун ёки ўзга мақсадларда) зарурлигини ва уларнинг йўналишини, тупроқнинг ҳосилдор қатламини олиш, унинг қуввати ва уларни вақтинча тўплаш зарурлигини белгилайди;

қурилаётган бинолар ва иншоотлар теварагида химояловчи, санитария ва сувни муҳофаза қилиш зоналарини ўрнатиш, улардан фойдаланиш, қурилаётган объектлардан фойдаланишни қийинлаштираётган ва атроф-муҳитга салбий таъсир кўрсатаётган бинолар ва иншоотларни бузиб ташлаш ёки кўчириш режимларини белгилайди;

фуқароларнинг эгаллигидаги ёки фойдаланишида бўлган ерларда корхоналар, бинолар ва иншоотлар жойлаштирилганда фуқароларнинг розилигига биноан бошқа ердан ана шу ерга тенг бўлган ер участкаларини ажратиш тўғрисидаги ҳамда ер участкаси бериладиган корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар олиб қўйилаётган ер участкалари, бинолар, ишлаб чиқариш ва ўзга қурилишларни қуриб бериши тўғрисидаги таклифларни тайёрлайди;

жамоа ҳўжаликлари, давлат ҳўжаликлари, бошқа қишлоқ ҳўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг ерлари олиб қўйилаётганлиги муносабати билан бинолар ва иншоотларни бузиш зарур бўлган ҳолларда ана шу ер участкаси ажратиладиган корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар томонидан уларнинг хоҳишига кўра янги жойда олиб қўйилаётган ерлар ўрнига янги уй-жой, ишлаб чиқариш бинолари ва бошқа биноларни қуриб бериш тўғрисидаги таклифларни тайёрлайди;

суғориладиган ерлар ажратилаётганида олиб қўйилаётган ерлар ўрнига янги ерларни ўзлаштириш имкониятларини ва бунинг тахминий қийматини белгилайди.

8. Корхоналар, бинолар ва иншоотларни жойлаштириш учун бир неча вариантлардаги ер участкалари танланади, уларнинг чегаралари план-картографик материалларга туширилади, ҳар бир вариант бўйича участканинг умумий сахни ҳамда майдондаги унинг таркиби белгиланади.

План-картографик материалларда илгари қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган эҳтиёжлар учун ва хўжалик ички қурилиши учун ажратилган барча участкаларнинг чегаралари кўрсатилади, танланаётган ер участкаларига яқин бўлган гидромелиоратив ва бошқа инженерлик тармоқларининг жойлашуви кўрсатилади.

План-картографик материаллар комиссия аъзоларининг имзоси билан тасдиқланади.

9. Ер участкаси жойлашадиган вариантларни қиёслаш мақсадида буюртмачи томонидан инженерлик тадқиқотлари ёки текширув материаллари, зарур майдоннинг саҳни асосланган маълумотлар, сувдан фойдаланиш ва сувни ўтказиш шартларини; жойлаштирилаётган объект атроф-муҳитга қай даражада таъсир этишини асослаб берувчи маълумотлар ва бошқа техник-иқтисодий кўрсаткичлар тақдим этилади.

10. Атрофига муҳофазалаш, санитария ва химоя зоналари белгиланадиган бинолар ва иншоотлар қурилиши учун ер участкаларини танлаш чоғида айна пайтда ана шу зоналарнинг тахминий чегаралари ҳамда уларнинг ўрнатилиши муносабати билан ер эгалари ва ердан фойдаланувчилар кўрадиган зарар, шунингдек, қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчилигининг ҳажми аниқланади.

11. Давлат ер тузиш ташкилоти тақдим этган ер участкасини танлашга доир материаллар тегишли доимий комиссия томонидан қараб чиқилади. Қараб чиқиш натижалари акт билан расмийлаштирилади ва унда қуйидагилар қайд этилади:

комиссия таркиби;

майдонлар бўйича бонитет баллари кўрсатилгани холда ер участкаларига қисқача тавсиф;

ер участкаларида қурилишлар, иншоотлар, суғориш ва коллектор-дренаж тармоқларининг ва бошқа объектларнинг, кўп йиллик кўчатларнинг бор ёки йўқлиги, уларнинг қиймати, ер эгалари ва ердан фойдаланувчилар кўрган зарар суммаси, шунингдек, қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчилиги;

фуқароларни кўчириб олиб келиш чоғида ер участкалари билан таъминлаш ва турар-жойлар ҳамда иморатларни қуриш масалалари;

ушбу объектни кам ҳосилли ерларда жойлаштиришнинг иложи йўқлигини асослаш;

қабул қилинаётган вариант ва объектни участкада жойлаштириш шартлари хусусида комиссиянинг хулосалари;

ер участкалари беришнинг атроф-муҳитни, тарих ва маданият ёдгорликларини муҳофаза қилиш, чиқиндилар ва бошқа захарли моддалар кўмиб ташланган ерларни қўриқлашга оид чоратадбирларни ишлаб чиқиш шартлари;

ерларни рекултивациялаш зарурлиги ва унинг йўналишлари; тупроқнинг ҳосилдор қатламини олиш зарур эканлиги, унинг қуввати ва вақтинчалик тўпланадиган жойи;

комиссия аъзоларининг хоҳишига кўра бошқа масалалар.

12. Ер участкасини танлаш бўйича қабул қилинган вариант ва уни ажратиш шартлари жамоа ҳужаликлари ва кооперативларда — жамоа ҳужаликлари ва кооперативларнинг умумий йиғилишида ёки жамоа ҳужаликлари, кооперативлар аъзоларининг умумий йиғилишида ёки колхозчилар, кооператив аъзоларининг ваколатли вакиллари йиғилишида келишилади, давлат ҳужаликлари, ўрмон ҳужаликлари ҳамда бошқа давлат ва жамоат корхоналари, муассасалари ва ташкилотларида — уларнинг маъмурияти ва меҳнат жамоаси аъзолари билан келишилади; ҳужаликлараро корхоналар ва ташкилотларда — қатнашчи ҳужаликларнинг ваколатли вакиллари йиғилишида келишилади. Бунда энг аввалги ер эгаси ва ердан фойдаланувчи билан келишилади.

13. Ер участкасини танлаш материаллари ва уни ажратиш шартлари давлат бошқаруви маҳаллий идораларига тасдиқлаш учун тақдим қилинишидан аввал қўйидагилар билан келишилади:

ерларидан майдон олиб қўйилаётган жамоа ҳужалиги, давлат ҳужалиги, бошқа корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг юқори бошқарув идораси билан;

давлат санитария ва ёнғинга қарши назорат идоралари табиати муҳофаза қилиш, ер тузиш хизмати билан, агар объект суғориладиган ерларда жойлашган бўлса — сув ҳужалиги идоралари билан;

корхоналар, бинолар ва иншоотлар курортларнинг, қўриқхоналарнинг миллий боғларнинг, сув манбаларининг, сув хавзаларининг, дарё, магистрал каналлар ва коллекторларнинг, селектрактларнинг, магистрал қувурларнинг, темир йўл ва автомобиль йўлларнинг, электр узатгич ва алоқа линияларининг, табиат, тарих, маданият, давлат ёдгорликларини сақлаш минтақаларининг муҳофаза зоналарига, шунингдек аэродром теварагида ҳамда чиқиндилар ва бошқа захарли моддалар кўмиб ташланган ерларга жойлаштирилганда — мазкур иншоотлардан фойдаланувчи корхоналар ва ташкилотлар билан.

14. Ер участкасини танлаш материаллари келишиб олиш учун

юборилган давлат санитария ва ёнфинга қарши назорат идоралари, бошқа вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар уларни қараб чиқадилар ҳамда 10 кун муддат ичида ўзларининг асосланган хулосаларини тақдим этадилар.

15. Халқ депутатлари тегишли қишлоқ Кенгаши ижроия қўмитаси муҳокамасига киритиладиган корхоналар, бинолар ва иншоотлар қурилишини лойиҳалаш учун ер участкаларини танлашга оид материалларда қўйидагилар бўлиши лозим:

корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ушбу Низом II бўлимининг 4-бандида кўрсатиб ўтилган зарур иловалар билан бирга ер сўраб ёзган аризаси;

комиссиянинг ер участкасини танлашга доир хужжати ва ер эгалари ҳамда ердан фойдаланувчилар кўрган зарар, шунингдек, қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқаришига етказилган зиённи санаб чиқилганлиги ҳақидаги хужжат — график материал илова қилинган ҳолда;

майдонларнинг ҳисоблаб чиқилганлиги хусусидаги ведомость; ерлари олиб қўйилаётган ер эгалари ва ердан фойдаланувчиларнинг иқтисодий кўрсаткичлари;

ушбу Низом II бўлими 12 ва 13-бандларида кўрсатиб ўтилган келишиб олиш материаллари ва хулосалар.

16. Корхоналар, бинолар ва иншоотлар қурилишини лойиҳалаш учун ер участкаларини танлаш материаллари ерларни ажратиш лойиҳаларини тасдиқловчи идоралар томонидан ушбу Низом III бўлимининг 12—16-бандларига мувофиқ тасдиқланади.

17. Ер участкасини танлаш материалларини тасдиқлаш тўғрисидаги қарорда қўйидагилар акс эттирилган бўлмоғи лозим:

ер участкаси кимга, қайси мақсадлар учун ва қандай муддатга (агар ерлар вақтинча фойдаланиш учун берилаётган бўлса аниқ муддати кўрсатилади) берилаётганлиги, шунингдек, ери олиб қўйилиши кутилаётган ер эгалари ёки ердан фойдаланувчиларнинг номи;

ер эгалари ва ердан фойдаланувчилар бўйича майдонга нисбатан берилаётган ер участкасининг умумий сахни;

ер эгалари, ердан фойдаланувчилар ва бошқа ташкилотлар кўрган зарарларнинг ҳажми;

қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчилигининг миқдори;

вақтинча фойдаланиш учун берилган ерларни рекультивация-

лаш зарурлиги, уларни аввалги ер эгаларига ва ердан фойдаланувчиларга қайтариш шартлари;

тупроқнинг ҳосилдор қатламини олиш зарурлиги, унинг қуввати ва уни вақтинчалик тўплаш жойи (ёки масофаси):

сувни муҳофаза қилиш, экологик ва бошқа шартлар, талаблар.

18. Ер участкаларини танлаш материалларини тасдиқлаш Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси ваколатига кирадиган ҳолларда, материаллар Ўзбекистон Республикасининг Қишлоқ хўжалиги вазирлигига юборилади, вазирлик эса 1 ой муддат ичида уларни қараб чиқади, ўз хулосаларини тайёрлайди ва тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасига юборади.

19. Тегишли идораларнинг танланган ер участкаларини келишиш ҳақидаги ва корхоналар, бинолар ҳамда иншоотларнинг қурилишини лойиҳалашга рухсатнома бериш тўғрисидаги қарори ерларни эгаллаб олиш ва улардан фойдаланиш учун асос бўла олмайди. Эгаликда ёки фойдаланишда бўлган ер участкаси шу участка белгиланган тартибда олиб қўйилгандан кейингина берилади.

20. Корхоналар, бинолар ва иншоотлар қурилиши учун танланган ер участкаларида ер эгалари ва ердан фойдаланувчилар харажатлаб қўйган капитал маблағлар икки йил давомида ёки узайтирилган давр ичида тўланмайди.

21. Қурилиш объектларини лойиҳалашга бериладиган рухсатномаларнинг амал қилиш муддати рухсатнома берилган кундан бошлаб икки йил деб белгиланади.

Ушбу шартга риоя этишнинг имконияти бўлмаган ҳолларда корхона, муассаса ва ташкилотлар лойиҳалашга рухсат берган идорадан муддатни узайтиришни ўз вақтида илтимос қилишлари керак. Муддат тугагунга қадар ҳам илтимоснома берилмаган бўлса, объект қурилишини лойиҳалаш ҳуқуқи ўзининг юридик кучини йўқотади.

### **III. Ерларни ажратиш материалларини расмийлаштириш ва тасдиқлаш тартиби**

1. Корхона, бино ёки иншоот қурилишининг лойиҳаси тасдиқланиб унинг амалга оширилиши учун маблағ ажратилгач, корхона, муассаса ва ташкилот объект қаерда жойлашган бўлса, шу ердаги давлат бошқарувининг маҳаллий идорасига доимий ёки вақтинчалик фойдаланиш учун ер участкаси сўраб ариза берадилар.



Аризага қуйидагилар илова қилинади:

белгиланган тартибда тасдиқланган ер участкасини танлашга доир материаллар;

объектнинг бош планидан нусха, унда қурилишнинг навбати кўрсатилади;

зарарларни, қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчилигини, ерни рекультивациялашга, тупроқнинг маҳсулдор қатламини олиш ва тўплашга боғлиқ харажатларни қоплашга етарли маблағ борлигини тасдиқловчи қурилишнинг ички титул рўйхати;

қурилишни пул билан таъминлаш тўғрисидаги маълумотнома; қурилиш лойиҳасининг давлат, санитария ва ёнғинга қарши назорат идоралари билан ва бошқа корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар билан келишилганлиги тўғрисидаги материаллар.

2. Ер ажратиш лойиҳаси ер участкаси танлаш хусусидаги материаллар ҳамда объект қурилишининг бош плани асосида тузилади.

3. Қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерлар қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган эҳтиёжлар учун шу заруратнинг амалий жиҳатига қараб, қоида тарихида шу ерларда етиштирилган ҳосил йиғиштириб олинганидан кейин ажратилади.

4. Ер вақтинчалик фойдаланиш учун (қурилиш давом этадиган муддатга) берилаётганида ер бериладиган муддат аниқ кўрсатилади. Фойдали казималар ишланиш учун, қурилиш олиб бориш учун ва ўзга ишлар учун берилган қишлоқ хўжалиги, ўрмон ва овчилик ерлари уларга эҳтиёж бўлмай қолгач корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар ўз ҳисобларидан уларни қишлоқ хўжалигида, ўрмон ва балиқ хўжалигида фойдаланиш учун мумкин бўлган ҳолатга келтирадилар, ушбу ишлар бошқа майдонларда амалга оширилган ҳолларда эса — бу ерлар қайси мақсадга мўлжалланган бўлса, шу мақсадда фойдаланиш учун яроқли ҳолатга келтирилади.

Вақтинчалик фойдаланиш учун берилган ерлар корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар томонидан белгиланган муддатда қайтарилмаса, давлат бошқарувининг маҳаллий идоралари Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган тартибда ерни ер эгаларига ва ердан фойдаланувчиларга қайтаришлари мумкин. Фойдаланиш муддати узайтирилганда ўз навбатида қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқаришига нобудгарчилик қўшимча тарзда ундирилади, шундан сўнг вақтинчалик фойдала-

ниш учун ажратилган ердан келгусида ҳам фойдаланишга рухсат берилади.

5. Мавжуд корхона, бино ва иншоотларни кенгайтириш учун ер ажратилган тақдирда, шунингдек, фойдали қазилмаларни очиқ усулда қазиб чиқариш учун ер ажратилган тақдирда илгари ажратилган ерлар текширувдан ўтказилади, улар тўғри мақсадда фойдаланилганлиги текширилади, шунингдек, фойдаланилган ерлар рекультивация қилинганлиги текширилади.

Қўшимча ерлар одатда илгари вақтинча фойдаланиш учун ажратилган ерлар фойдаланиш учун яроқли холга келтирилганидан кейин ҳамда шу ерлар эгаларига ва ундан фойдаланувчиларга қайтарилгандан кейингина ажратилади.

6. Бино ва иншоотлар қурилиши учун ер ажратишга оид материаллар расмийлаштирилганда, агар улар атрофига муҳофазалаш, санитария ва қўриқлаш зоналари ўрнатиладиган бўлса, айна бир пайтнинг ўзида Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган тартибда ана шу зоналарни ўрнатишга оид материаллар ҳам расмийлаштирилади.

7. Ер ажратиш лойиҳасини ишлаб чиқиш жараёнида ер эгалари ва ердан фойдаланувчиларга етказилган, шунингдек, қишлоқ хўжалиги, ўрмон хўжалиги ишлаб чиқаришига етган зиённинг ҳажми аниқланади. Бундай пайтда яроқсиз ерларни рекультивациялаш, тупроқнинг ҳосилдор қатламини олиш ва бир жойга жамлаш тадбирлари қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқаришига етган зиённи қоплашда кўзда тутилган маблағлар ҳисобига амалга оширилади.

Шу муносабат билан ер берилган корхона, муассаса ва ташкилот давлат бошқарувининг маҳаллий идораларига ана шу тадбирларни амалга ошириш қиймати билан қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчилиги ўртасидаги фарқни тўлайдилар.

8. Ер участкалари ажратиш лойиҳаларини қараб чиқиш ва келишиш жамоа хўжалиқларида — жамоа хўжалиги аъзоларининг умумий йиғилишида ёки жамоа аъзолари ваколатли вакиллари йиғилишида; давлат хўжалиқларида, ўрмон хўжалиқларида, бошқа давлат ва жамоат корхоналари, муассасалари ва ташкилотларида — уларнинг маъмурияти ва меҳнат жамоаси вакиллари томонидан; хўжалиқлараро корхоналар ва ташкилотларда — қатнашчи бўлмиш хўжалиқларнинг ваколатли вакиллари йиғилишида; кооперативларда — кооператив аъзоларининг умумий йиғилишида ҳал этилади. Ижарачилар ва деҳқон хўжа-

ликларининг ерлари давлат ҳамда жамоат эҳтиёжлари учун олинган тақдирда уларнинг розилиги ҳамда олиш шартларини келишиш керак.

9. Қараб чиқиш протоколида тақдим этилиши лозим бўлган хужжатлардан ташқари қуйидагилар ҳам қайд этилиши керак:

ер участкаси кимга, қандай мақсадлар учун ва қандай муддатга (доимий фойдаланишгами ёки вақтинчалик фойдаланиш учунми?) берилляпти;

участканинг ер турлари бўйича умумий майдони;

ер эгаси ёки ердан фойдаланувчига ҳамда кишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчилигининг миқдори.

Суғориладиган ер ажратилаётганда унинг ўрнини қоплаш учун ўзлаштирилиши ёки мелиоратив жиҳатдан яхшиланиши керак бўлган майдон белгиланади ва бу ишларнинг тахминий қиймати аниқланади.

Агар ажратилган участкадан хўжаликларнинг кўчирилиши кўзда тутилаётган бўлса, уларнинг миқдори, кўчириш шартлари, фуқароларнинг ёрдамчи қурилишлари ва уйларини кўчириш шартлари, улар жойлаштириладиган янги ер ҳамда фуқаролар қайси ерлар ҳисобидан янги томорқа участкаларига ёки янги уйларга эга бўлишлари белгиланади. Ана шу қурилишлар ва иншоотларнинг қиймати техник инвентаризациялаш бюросининг комиссияси томонидан аниқланади.

10. Ерларни ажратиш лойиҳалари ер участкалари олиб қўйилаётган ер эгалари ва ердан фойдаланувчилар билан келишгач, қуйидагилар билан келишилади:

ер участкаси олиб қўйилаётган жамоа хўжалиги, давлат хўжалиги ва бошқа корхона, муассаса ва ташкилотларнинг юқори бошқарув идоралари билан;

давлат санитария ва ёнғинга қарши назорат идоралари, табиатни муҳофаза қилиш, ер тузиш хизмати, сув хўжалиги (агар уларнинг манфаатларига дахл этилаётган бўлса) идоралари билан.

Ер участкаси электр узатгич ва алоқа линияларининг, темир йўл ва автомобиль йўллари, магистраль қувур йўлларининг муҳофаза зоналари, аэродромлар ва бошқа объектлар теварагида, дарёларнинг, сув хавзаларининг, магистраль каналларнинг ва коллекторларнинг, сув таъминоти ва минерал сув манбалари теварагида корхона, бино ва иншоотлар қуриш учун ажратила-

ётган бўлса ана шу ер участкасини ажратиш лойиҳаси мазкур объектлардан фойдаланувчи ташкилотлар билан келишилади.

Ер участкалари давлат хўжаликлари, ўрмон хўжаликлари ҳамда республика миқёсидаги вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларга бўйсунадиган бошқа корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг эгалигидаги ерлардан олинганда материаллар тегишли вазирлик, давлат қўмитаси ва идора билан келишилади.

11. Давлат бошқаруви идоралари муҳокамасига киритиладиган ер ажратиш лойиҳаси қўйидаги материаллардан иборат бўлмоғи лозим:

лойиҳага изоҳ берувчи илова;

ушбу Низом III бўлимининг 8 ва 10-бандларида кўзда тутилган келишилган ҳужжатлар, хулосалар;

халқ депутатлари қишлоқ Кенгаши ижроия қўмитасининг ер ҳисоб-китоби юритиладиган ҳужжатида кўчирмага мувофиқ кўчирилаётган фуқаролар хўжаликларининг рўйхати, уларнинг янги томорқа хўжаликлари ва уларга берилган уй-жойлар кўрсатилгани ҳолда;

ер эгалари ва ердан фойдаланувчилар кўрадиган зарарларни баҳолаш ҳамда қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчилиги ҳажмларини аниқлаш актлари;

агар ер ўрмон хўжалиги корхоналари эгалигидаги майдондан олинаётган бўлса ажратиладиган ер участкасини техник жиҳатдан текшириш ҳужжати;

одатда 1:10000 масштаб бўйича ажратиладиган ер участкасининг график лойиҳаси.

Ер ажратиш лойиҳасига объект қурилиши учун ер участкасини танлаш материаллари илова қилинади.

12. Халқ депутатлари қишлоқ Кенгаши ижроия қўмитасининг тасарруфига қўйидаги ерларни ажратиш лойиҳаларини тасдиқлаш киради:

унинг ихтиёрига берилган захира ерларни;

ер участкаси саҳнидан ва майдонлар туридан қатъи назар, жамоа хўжаликлари, давлат хўжаликлари ва бошқа қишлоқ хўжалиги ҳамда ўрмон хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг таркибига кирмайдиган қишлоқ аҳоли пунктлари доирасидаги ерларни.

Халқ депутатлари қишлоқ Кенгаши ижроия қўмитаси ер ажратиш лойиҳасини тасдиқлайди ва агар ўз ихтиёрида бўлса, лойиҳани натурага кўчириш учун ҳамда ердан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи ҳужжатларни топшириш учун қайтариб бера-

ди, қолган ҳолларда эса лойиҳа ноҳия ҳокимининг муҳокамасига йўлланади.

13. Шаҳар ҳокими ва халқ депутатлари посёлка Кенгаши ижроия қўмитасининг тасарруфига жамоа ҳўжаликлари, давлат ҳўжаликлари ва бошқа қишлоқ ҳўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг ерларидан ташқари, ер участкасининг саҳни қандай бўлишидан қатъи назар, шаҳар (посёлка) доирасидаги ерларни ажратиш лойиҳасини тасдиқлаш киради.

Шаҳар (посёлка) доирасидаги жамоа ҳўжалиги, давлат ҳўжалиги ва бошқа қишлоқ ҳўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг ерларини ажратиш лойиҳаси шаҳар ҳокими ҳамда халқ депутатлари посёлка Кенгашининг ижроия қўмитаси томонидан тасдиқланади ҳамда ноҳия ҳокимларига тасдиқлаш учун ўтказилади.

14. Ноҳия ҳокимининг ваколатига қўйидаги ерларни ажратиш лойиҳаларини тасдиқлаш киради:

ер участкасининг саҳни ва майдон туридан қатъи назар — захирадаги ерларни;

қишлоқ ҳўжалиги эҳтиёжларидаги ерларни — сувориладиган ерлар, пичанзорлар ва яйловларда уларни тубдан яхшилаш ишлари ўтказилган бўлса, улар берилмайди; ўрмон фонди — биринчи гуруҳ дарахтлар билан қопланган ерлар бундан мустаснодир; саноат, транспорт, алоқа, муҳофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерларни; сув фонди ерларини — битта ер эгасига ва ердан фойдаланувчига 10 гектаргача бўлган ҳажмда.

Ноҳия ҳокимлари ер ажратиш лойиҳаларини тасдиқлайдилар ва ўзларининг ваколатларига кирадиган ҳолларда лойиҳани натурага кўчириш ҳамда ердан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи ҳужжатни тайёрлаш учун қайтарадилар, қолган ҳолларда эса лойиҳа вилоят ҳокимининг муҳокамасига йўлланади.

15. Вилоят ҳокимининг ваколатига барча ерлардан участкалар ажратиш лойиҳаларини тасдиқлаш киради, ушбу Низом III бўлимининг 15-бандига мувофиқ ер ажратиш лойиҳаларини тасдиқлаш Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси ваколатига кирадиган ҳоллар бундан мустаснодир.

Вилоят ҳокимлари ер ажратиш лойиҳаларини тасдиқлайдилар ва ўзларининг ваколатларига кирадиган ҳолларда лойиҳани натурага кўчириш ҳамда ердан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи ҳужжатни тайёрлаш учун қайтарадилар, қолган ҳолларда эса

лойиҳа қараб чиқилиб расмийлаштириш учун Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигига юборилади.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ер участкасини ажратиш юзасидан хулосалар ва таклифлар тайёрлайди ҳамда уларни барча материаллар билан бирга Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасига тақдим этади.

16. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси тасарруфига қуйидаги ерларни ажратиш лойиҳаларини тасдиқлаш киради:

айниқса серҳосил, суғориладиган ерларни, бу туркумга Андижон, Наманган, Самарқанд, Сурхондарё, Тошкент, Фарғона ва Хоразм вилоятларидаги бонитети 80 баллдан юқори бўлган ерлар, Бухоро, Жиззах, Навоий, Қашқадарё ва Сирдарё вилоятларидаги бонитети 70 баллдан юқори бўлган суғориладиган ерларни;

Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган алоҳида қуриқланадиган табиий ва тарихий-маданий объектларни;

шаҳарга туташ ва яшил зоналарни белгиланган тартибда;

илмий-тадқиқот ташкилотлари ва ўқув юртларининг тажриба майдонларини;

биринчи гуруҳдаги ўрмонларни;

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг бошқа давлатлари, чет эл юридик шахслари ва фуқаролари ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахслар эгалигидаги ҳамда фойдаланишида бўлган корхоналар, муассасалар ва ташкилотларни.

Лойиҳалар тасдиқлангач, улар тегишли вилоят ҳокимлари томонидан натурага кўчириш ҳамда ерлардан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи ҳужжатларни тайёрлаш учун қайтарилади.

17. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ерга эгалик қилиш ҳуқуқини амалга оширувчи идора сифатида алоҳида ҳолларда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг тақдимномасига асосан ер эгалари ва ердан фойдаланувчиларнинг розилигисиз ерларни олиб қўйиш тўғрисида қарор чиқариши мумкин.

18. Ер эгалари ва ердан фойдаланувчилар давлат бошқаруви идорасининг ерни олиб қўйиш тўғрисидаги қарорига ёки ерни олиб қўйиш шартларига рози бўлмаган тақдирда бу қарор устидан судга шикоят қилишлари мумкин.

19. Илгари корхона, бино ва иншоот қурилиши учун танлаб олинган ва белгиланган тартибда келишилган ер участкасини

бериш асоссиз равишда рад этилган тақдирда жамоа хўжаликлари, давлат хўжаликлари, бошқа корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар, шунингдек, давлат бошқаруви маҳаллий идоралари ер ажратиш рад этилаётган корхона, муассаса ва ташкилотларга лойиҳа-қидирув ишлари олиб бориш учун қилинган харажатлар миқдорида товон тўлайдилар.

Ер ажратишни рад этган жамоа хўжалиги, давлат хўжалиги ва бошқа корхона, муассаса ва ташкилот, шунингдек, давлат бошқаруви маҳаллий идорасининг рад жавоби асосли ёки асосли эмаслиги ҳамда унинг моддий жавобгарлик масаласи суд йўли билан белгиланади.

#### **IV. Ер участкаларини танлаш ва ажратиш ишлари бир пайтнинг ўзида бажарилаётганида материалларни расмийлаштириш тартиби**

Ер участкаларини танлаш ҳамда корхоналар, бинолар ва иншоотлар қурилиши учун ер ажратиш материалларини расмийлаштириш — ушбу Низомнинг II ва III бўлимларида белгиланган тартибда, келишиш эса III бўлимининг 8 ва 10-бандларида, II бўлимининг 13-бандида кўзда тутилган тартибда амалга оширилади.

Ер участкаларини танлаш ва ажратиш лойиҳалари ушбу Низомнинг II бўлими 15-бандида ва III бўлими 11-бандида санаб ўтилган ҳужжатлар билан бирга тақдим этилиши керак.

Ер участкаларини танлаш ва ажратиш лойиҳаларини тасдиқлаш ушбу Низом III бўлимининг 12—16-бандларига мувофиқ тарзда амалга оширилади.

#### **V. Ерлар олиб қўйилиши муносабати билан ер эгалари ва ердан фойдаланувчилар кўраётган зарарни, шунингдек, қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчилигини белгилаш**

1. Ер олиб қўйилиши муносабати билан ер эгалари ва ердан фойдаланувчилар кўраётган зарар (шу жумладан, бой берилган фойда) қуйидаги ҳолларда тўла ҳажмда тўланади:

ерлар олиб қўйилган ёки вақтинчалик эгаллаб олинган ҳолларда;

қурилаётган сув омбори сув таъминоти манбалари, курортлар, магистрал каналлар ва коллекторлар, йўллар, қувур йўллари, электр манбаи ва алоқа линиялари, шунингдек, ўзга объектлар қурилиши теварагига муҳофаза, санитария ва қуриқлаш

минтақалари белгиланиши муносабати билан уларнинг ҳуқуқлари чегараланганда;

сув ҳавзаси, каналлар, коллекторлар ҳамда қишлоқ хўжалиги экинлари ва кўчатлар учун зарарли бўлган моддалар ажратадиган, майдоннинг ҳосилдорлиги камайишига ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг сифати ёмонлашишига олиб келадиган бошқа объектлар қурилиши муносабати билан ер сифати ёмонлашган ҳолларда.

Ерлар олиб қўйилиши муносабати билан ер эгалари ва ердан фойдаланувчилар кўрган зарар Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган тартибда аниқланади.

2. Қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчилиги қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалигини юритиш билан боғлиқ бўлмаган эҳтиёжлар учун ажратилган қуйидаги ҳолларда белгиланади ва тўланади:

қишлоқ хўжалиги ва ўрмон ерлари, шу жумладан, фуқаролар эгаллигида ва фойдаланишида бўлган қишлоқ хўжалиги ерлари доимий ва вақтинчалик фойдаланишга олиб қўйилган ҳолларда;

қурилаётган сув ҳавзалари, сув таъминоти манбалари, кўрортлар, магистрал каналлар ва коллекторлар, йўллар, қувур йўллари, электр узатгич ва алоқа линиялари, шунингдек, ўзга объектлар қурилаётганида муҳофаза, санитария ва қўриқлаш зоналари ўрнатилиши муносабати билан ер эгалари ва ердан фойдаланувчиларнинг ҳудудлари чекланган ҳолларда, ана шу зоналар қишлоқ хўжалиги ва ўрмон ерлари оборотидан чиқарилган ёки улар камроқ аҳамиятли майдонларга ўтказилган ҳолда;

қурилаётган корхона, бино, ва иншоот туфайли ер сифати ёмонлашган ҳолларда.

Қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши кўрган зарар миқдори Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган тартибда аниқланади.

## **VI. Ер участкаси ажратиш лойиҳасини натурага кўчириш ва ер-кадастр ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш**

1. Белгиланган тартибда ерларни тасдиқланган доимий фойдаланиш учун ажратиш лойиҳаси ер эгалари ва ердан фойдаланувчилар кўрган зарар ҳамда қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчилиги қайтарилгач лойиҳа натурага кўчирилади. Лойиҳани натурага кўчириш ер участкаси



ажратилаётган корхона, муассаса ёки ташкилотнинг вакили ҳамда ер участкаси олиб қўйилаётган хўжаликнинг вакили, шунингдек, чегарадош ер эгалари ва ердан фойдаланувчилар вакиллари ҳозирлигида амалга оширилади.

2. Ажратилган ер участкаларининг чегаралари натурада белгиланган намунадаги белгилар билан эгаликдаги ёки фойдаланишдаги ерларнинг ташқи чегараларига туташ ҳолда белгилаб қўйилади (бу чегара белгилари буюртмачилар ҳисобига тайёрланади).

3. Лойиҳани натурага кўчириш ишлари тугагач, белгиланган шаклда уч нусхада ҳужжат тайёрланади. Унга участканинг амалда ўлчаб чиқилган чегаралари илова қилинган ҳолда ажратилган ер участкасининг плани ҳам илова қилинади. Лойиҳани натурага кўчиришга доир ҳужжат ва унга илова этилаётган режа лойиҳаси натурага кўчирган ер тузувчи томонидан, ер эгаси ва ердан фойдаланувчининг вакиллари томонидан имзоланади. Ушбу материаллар билан бирга бу ҳужжат ер ажратиш лойиҳасига қўшиб қўйилади.

4. Ер участкаси ажратилиши муносабати билан эгаликдаги ерда ёки фойдаланишдаги ерда рўй берган барча ўзгаришлар доимий эгалик қилиш ҳуқуқини берувчи давлат ҳужжатиغا ёки доимий фойдаланиш ҳуқуқини берувчи давлат ҳужжатиغا кўчирилади ва бошқа ер-кадастр ҳужжатларига ҳам киритилади.

5. Ерларни ажратиш лойиҳаси тўла ҳажмда икки нусхада тайёрланади, уларнинг бири (барча ажратилган шартлар бажарилгач) буюртмачига берилади, яна бир нусхаси эса ноҳия ер тузиш хизматида сақланади.

## **VII. Ердан фойдаланиш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатларни тайёрлаш ва бериш**

Ер ажратиш лойиҳаси натурага кўчирилгач, Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган тартибда ердан доимий фойдаланиш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлар тайёрланади.

## **VIII. Ажратилган ер участкаларини қайтариб бериш**

1. Ер участкаси ажратилган муддат тугагач ёки ер участкасига бўлган эҳтиёж қолмагач ер участкасида рекультивациялаш ишлари амалга оширилиб, улар аввалги ер эгаларига ва ердан фойдаланувчиларга қайтарилиши лозим.

2. Қайтарилиши керак бўлган ер участкаси ноҳия ҳокимининг фармойиши билан тузиладиган комиссия томонидан жойи-

да текшириб чиқилади. Бу комиссияга ноҳия ҳокимининг ўринбосари (комиссия раиси), ер тузиш хизмати, табиатни муҳофаза қилиш ва сув ҳўжалиги хизматларининг, ерни қайтараётган корхона, муассаса ва ташкилотларнинг ҳамда ерларни қабул қилиб олаётган жамоа ҳўжалиги, давлат ҳўжалиги, ўрмон ҳўжалиги ва бошқа ер эгалари ва ердан фойдаланувчиларнинг вакиллари ки-ради.

3. Ерни қайтараётган корхоналар, муассасалар ва ташкилот-лар комиссиянинг муҳокамасига қуйидаги ҳужжатларни ва ма-териалларни тақдим этадилар:

ердан фойдаланиш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлар ва ер ажратиб беришнинг рекультивациялашга оид шартлари;

яроқсиз ҳолга келган ерларни рекультивациялаш лойиҳаси; тасвирга туширилган чизгилар;

тупроқ ва жинсларнинг агрохимик ва сув-физик хоссаларига оид тафсилот;

тупроқнинг тўпланган маҳсулдор қатлами қуввати, агрохи-мик, сув-физик хоссалари ва бошқа материаллар.

4. Комиссия ерларни рекультивациялашнинг тасдиқланган лойиҳаларига мувофиқ ишлар бажарилганлигини, бу ишларнинг сифатини текширади ва объект фойдаланишга топширишга тай-ёрлиги тўғрисида хулоса беради. Текширув натижалари белги-ланган шаклдаги ҳужжат билан расмийлаштирилади, бу ҳуж-жатда участканинг майдони, қандай мақсадлар учун ажратил-ганлиги, ерларни рекультивациялаш ишларининг ҳолати ва қан-дай мақсадларга мўлжалланаётганлиги кўрсатилади.

5. Корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ердан фой-даланиш ҳуқуқларини тўхтатиш Ўзбекистон Республикаси қонун-ларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

6. Ер участкаси қайтарилганлиги ер-кадастр ҳужжатларида қайд этилади.

7. Ер участкаларини қайтариш чоғида юзага келган низолар Ўзбекистон Республикаси «Ер тўғрисида»ги Қонунининг 62 ва 63-моддаларига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳал этилади.

**Ўзбекистон Республикасининг герби  
Ерга доимий эгалик қилиш ҳуқуқини берувчи  
ДАВЛАТ АКТЛАРИ**

Доимий эгалик қилиш учун ер жамоа ва давлат хўжаликлари, бошқа давлат, кооператив, жамоа корхоналари, муассасалари ва ташкилотларига, диний ташкилотларга қишлоқ ва ўрмон хўжаликларини юритиш учун берилади.

Ер эгалари қуйидаги ҳуқуқларга эгадирлар:

1) ерда мустақил хўжалик юритиш;  
2) етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотига ва уни со-  
тишдан олинган даромадга эгалик қилиш;

3) ер участкасида мавжуд бўлган кенг тарқалган фойдали қазилмалар, ўрмонлар, қўллар, суғориш ва коллектор-зовур тармоғидан белгиланган тартибда хўжалик эҳтиёжлари учун фойдаланиш, шунингдек, ернинг бошқа фойдали хоссаларини ишга солиш;

4) қишлоқ хўжалиги экинзорларига ва дарахтзорларга эга-  
лик қилиш;

5) уй-жойлар, ишлаб чиқариш, маданий-маиший ҳамда бош-  
қа иморатлар ва иншоотлар барпо этиш;

6) ер олиб қўйилган ёки ер участкасидан ихтиёрий равишда  
воз кечилган тақдирда ернинг унумдорлигини оширишга сарф-  
ланган харажатларни тўла ундириб олиш;

7) Ўзбекистон Республикаси қонунчилик актларида назарда  
тутилган ҳоллар ва тартибга мувофиқ равишда ер участкасини  
ёки унинг бир қисмини вақтинчалик фойдаланиш учун бериш;

8) қишлоқ хўжалиги экинларини ва дарахтзорларни суғориш  
ҳамда бошқа мақсадларда Ўзбекистон Республикаси сув тўғри-  
сидаги қонунларида белгиланган лимитларга мувофиқ ва белги-  
ланган тартибда суғориш манбаларидан ва каналлардан сув олиш.

Ер эгалари қуйидагиларни бажаришга мажбурдирлар:

1) ердан мақсадли самарали фойдаланиш, тупроқ унумдор-  
лигини ошириш, ишлаб чиқаришнинг табиатни муҳофаза қилиш  
технологияларини қўллаш, ўзининг хўжалик фаолияти натижа-  
сида ҳудудда экологик вазиятнинг ёмонлашувига йўл қўймас-  
лик;

2) ерларни муҳофаза қилиш бўйича туркум тадбирларни амалга ошириш;

3) ер солиғини ўз вақтида тўлаб туриш;

4) бошқа ер эгалари ва ердан фойдаланувчиларнинг, шу жумладан, ижарачиларнинг ҳуқуқларини бузмаслик.

### **Ўзбекистон Республикасининг «Ер тўғрисида»ги Қонундан**

Ерга доимий эгалик қилиш ҳуқуқини берувчи давлат акти ноҳия (шаҳар) ҳокимлиги томонидан \_\_\_\_\_

(ердан фойдаланувчининг ва юқори ташкилотнинг номи)

шу ҳақда берилдики, унга қуйидаги асосда \_\_\_\_\_

(ер берган органнинг номи, ҳужжатнинг санаси ва номери)

\_\_\_\_\_ асосан эгалик ерларидан чегараларининг режасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси \_\_\_\_\_ вилоятида \_\_\_\_\_ ноҳиясида \_\_\_\_\_ гектар ер доимий эгалик қилиш учун берилди.

Ер \_\_\_\_\_ учун берилди.  
(қандай мақсадлар учун)

Ушбу давлат ҳужжати икки нусхада тузилган бўлиб, уларнинг бири ер эгасига берилган, иккинчи нусхаси эса ноҳия (шаҳар) ҳокимлигида сақланмоқда.

Ҳужжат ерга эгалик қилиш ва ердан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи давлат ҳужжатлари қайд этиладиган Дафтарда рўйхатга олинган.

\_\_\_\_\_ ноҳияси (шаҳар) ҳокими \_\_\_\_\_

Ер тузувчи бош муҳандис \_\_\_\_\_

М. Ў.

199\_\_\_\_\_ йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_ эгалик қиладиган ерлар чегараларининг

**РЕЖАСИ  
МАСШТАБ 1:**

**эгалик қилинадиган ва фойдаланиладиган  
ЧЕГАРАДОШ ЕРЛАР**

**А дан Б гача \_\_\_\_\_**  
**Б дан В гача \_\_\_\_\_**

**Эгалик қилинадиган ва фойдаланиладиган  
бегона ерлар**

Тартиб №	Эгалик қилинадиган ва фойдаланиладиган ерларнинг номи	Майдони, га
----------	---	-------------

**Фойдаланиладиган ерларнинг ўзгариши**

Режадаги №	Ўзгариш киритишга асос бўлган ҳужжатларнинг санаси, номери ва мазмуни	Майдони, га
------------	---	-------------

Вазирлар Маҳкамасининг  
1992 йил 27 майдаги 248-сон қарорига  
2-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикасининг герби**

**Ердан доимий фойдаланиш ҳуқуқини берувчи  
ДАВЛАТ АКТИ**

Ердан фойдаланувчилар қуйидаги ҳуқуқларга эгадирлар:

- 1) ерни бериш шартларига мувофиқ ундан фойдаланиш;
- 2) ер участкасидаги мавжуд кенг тарқалган фойдали қазилмалар, ўрмон, сув объектларидан белгиланган тартибда фойдаланиш, шунингдек, ернинг бошқа фойдали хоссаларини ишга солиш;
- 3) ер берган давлат бошқаруви органи билан келишилган ҳолда уй-жой, ишлаб чиқариш иморатлари, маданий-маиший бинолар ва бошқа иншоотлар қуриш;
- 4) ердан фойдаланиш тўхтатилган тақдирда ерни яхшилаш учун ўз ҳисобидан сарфланган маблағни ундириш;
- 5) қишлоқ ҳўжалиги экинзорларига, етиштирилган қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотига ва уни сотишдан олинган даромадга эгалик қилиш;
- 6) Ўзбекистон Республикаси қонунчилик актларида назарда

тутилган ҳолларда ва тартибда ер участкасини ёки унинг бир қисмини вақтинча фойдаланиш учун бериш;

7) қишлоқ хўжалиги экинларини, дарахтларни суғориш ҳамда бошқа мақсадлар учун лимитларга мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг сув тўғрисидаги қонунларида белгиланган тартибда суғориш манбаларидан ва каналлардан сув олиш.

Ердан фойдаланувчилар қуйидагиларни бажаришга мажбурдирлар:

1) ердан уни бериш вақтида белгилаб қўйилган мақсадлар ва шартларга мувофиқ фойдаланишни таъминлаш;

2) ўзларига берилган ердан оқилона фойдаланиш, ишлаб чиқаришнинг табиатни муҳофаза қилувчи технологияларини қўллаш, ўз хўжалик фаолияти натижасида ҳудудда экологик вазиятнинг ёмонлашувига йўл қўймаслик;

3) ерларни муҳофаза қилиш бўйича туркум тадбирларни амалга ошириш;

4) ер солиғини ёки ер учун ижара ҳақини ўз вақтида тўлаб туриш;

5) ер эгаларининг, ердан фойдаланувчи бошқа кишиларнинг, шу жумладан, ижарачиларнинг ҳуқуқларини бузмаслик;

6) фойдали қазилма конларини қазилмоқчи бўлиш ва бошқа ишларни амалга ошириш учун берилган қишлоқ хўжалиги ерларини ва ўрмонзорларни эҳтиёж қолмаганидан кейин қишлоқ хўжалиги, ўрмон ёки балиқ хўжалигидан фойдаланиш учун яроқли ҳолга, мазкур ишлар бошқа ерларда амалга оширилган ҳолларда эса — белгиланган мақсадда фойдаланиш учун ўз ҳисобидан яроқли ҳолатга келтириш;

7) фойдали қазилма конларини қазилмоқчи бўлиш, шунингдек, бошқа ишларни амалга ошириш пайтида ўзларига фойдаланиш учун берилган ер участкаларидан ташқарида қишлоқ хўжалиги экинзорлари, ўрмонлар ва бошқа ерларга салбий таъсир кўрсатишнинг олдини олиш ёки уни мумкин қадар чеклаш чора-тадбирларини назарда тутиш ва амалга ошириш.

### **Ўзбекистон Республикасининг «Ер тўғрисида»ги Қонундан**

Ерга доимий фойдаланиш ҳуқуқини берувчи давлат акти ноҳия (шаҳар) ҳокимлиги томонидан \_\_\_\_\_

(ердан фойдаланувчининг ва юқори ташкилотнинг номи)

шу ҳақда берилдики, унга қўйидаги асосда \_\_\_\_\_

(ер берган органнинг номи, ҳужжатнинг санаси ва номери)

асосан ерларидан фойдаланиш чегараларининг режасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси \_\_\_\_\_ вилоятида \_\_\_\_\_ ноҳиясида \_\_\_\_\_ гектар ер доимий фойдаланиш учун берилди.

Ер \_\_\_\_\_ учун берилди.  
(қандай мақсадлар учун)

Ушбу давлат акти икки нусхада тузилган бўлиб, уларнинг бири ер эгасига берилган, иккинчи нусхаси эса ноҳия (шаҳар) ҳокимлигида сақланмоқда.

Акт ерга эгалик қилиш ва ердан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи давлат ҳужжатлари қайд этиладиган Дафтарда \_\_\_\_\_ номер билан рўйхатга олинган.

\_\_\_\_\_ ноҳияси (шаҳар) ҳокими \_\_\_\_\_

Ер тузувчи бош муҳандис \_\_\_\_\_

М.Ў.

199\_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_

**Фойдаланиладиган ерлар чегараларининг  
РЕЖАСИ**

**МАСШТАБ 1:**

**эгалик қилинадиган ва фойдаланиладиган  
ЧЕГАРАДОШ ЕРЛАР**

**А дан Б гача** \_\_\_\_\_

**Б дан В гача** \_\_\_\_\_

**Эгалик қилинадиган ва фойдаланиладиган  
бегона ерлар**

Тартиб №	Эгалик қилинадиган ва фойдаланиладиган ерларнинг номи	Майдони, га
----------	---	-------------

# Фойдаланиладиган ерларнинг ўзгариши

Режадаги №	Ўзгартиш қиритишга асос бўлган ҳужжатларнинг санаси, номери ва мазмуни	Майдони, га
------------	--	-------------

Вазирлар Маҳкамасининг  
1992 йил 27 майдаги 248-сон қарорига  
3-ИЛОВА

## Ўзбекистон Республикасида ерга доимий эгалик қилиш ва ердан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи давлат актларини тузиш, рўйхатга олиш ва бериш ТАРТИБИ

### І. Умумий қоидалар

1. Қишлоқ ва ўрмон хўжалиқларини юритиш учун жамоа ва давлат хўжалиқлари, бошқа қишлоқ хўжалиги, ўрмон хўжалиги ҳамда корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотларга ерларга доимий эгалик қилиш ҳуқуқининг берилганлиги ерга доимий эгалик қилиш ҳуқуқини берувчи белгиланган шаклдаги давлат акти\* билан тасдиқланади.

Қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги юритиш билан боғлиқ бўлмаган эҳтиёжлар учун корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотларга ерлардан доимий фойдаланиш ҳуқуқи берилганлиги ердан доимий фойдаланиш ҳуқуқини берувчи белгиланган шаклдаги давлат акти\* билан тасдиқланади.

2. Ер доимий эгалик қилиш учун ёки ундан доимий фойдаланиш учун белгиланган тартибда берилган барча ер эгаларига ва ердан фойдаланувчиларга давлат актлари ноҳия, шаҳар (ноҳияларга бўлинадиган шаҳарларда — ноҳия) ҳокимлари томонидан берилади.

3. Белгиланган тартибда ер участкаларини ўз эгалигига олган, мустақил балансга эга бўлган ва юридик ҳамда жисмоний шахс ҳисобланадиган жамоа ва давлат хўжалиқлари, бошқа давлат, кооператив ва жамоа корхоналари, муассасалари ҳамда ташкилотлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ер эгалари деб ҳисобланадилар.

Белгиланган тартибда ер участкасини фойдаланишга олган, мустақил балансга эга бўлган ва юридик ҳамда жисмоний шахс

\* Бундан кейин «давлат актлари» деб юритилади.



хисобланадиган Ўзбекистон Республикасининг, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ўзга давлатларининг давлат, кооператив ва жамоа корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари, чет эл юридик шахслари ва фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар ердан фойдаланувчилар деб хисобланадилар.

4. Давлат актлари ўзбек тилида (Қорақалпоғистон Республикасида — қорақалпоқ тилида) тузилиб, русча матни ҳам бериллади. Давлат актлари бланкалари 210 X 300 миллиметр катталиқда тайёрланади.

Ер эгаларига ва ердан фойдаланувчиларга бериладиган давлат актлари — устига кўк ранг ледерин қопланган ҳамда Ўзбекистон Республикасининг герби туширилган картондан тайёрланиб, устки қисмига (ўзбек ёки қорақалпоқ ҳамда рус тилларида) «Ерга доимий эгалик қилиш ҳуқуқини берувчи Давлат акти» ва «Ердан доимий фойдаланиш ҳуқуқини берувчи Давлат акти» деган матнлар ёзилади.

5. Давлат актлари икки нусхада тайёрланиб, уларнинг ҳар бири ноҳия, шаҳар (шаҳардаги ноҳия) ҳокимлари ва ноҳиянинг ер тузувчи бош муҳандиси томонидан имзоланади, чилвирланади ва ноҳия ҳокимлигининг гербли муҳри босилади. Давлат ҳужжатининг биринчи нусхаси ер эгасига ёки ердан фойдаланувчига топширилади, иккинчи нусхаси эса ноҳия ҳокимлигида сақланади. Давлат актининг ҳар иккала нусхаси бир хил номерга эга бўлади.

## **II. Давлат актларини тузиш тартиби**

1. Янги тузилаётган жамоа, давлат ҳўжаликлари, бошқа кишлоқ ҳўжалиги ҳамда ўзга корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг давлат актларини тузиш ер ажратиш лойиҳаларини ишлаб чиқиш ишлари тизимида, ушбу Тартибга мувофиқ ҳолда амалга оширилади. Бундай ҳолларда ноҳия, шаҳар (шаҳардаги ноҳия) ҳокимининг махсус қарори талаб этилмайди.

2. Ишлаб турган жамоа, давлат ҳўжаликлари, бошқа қишлоқ ҳўжалиги ҳамда ўзга корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар давлат актларини тайёрлаш ишларини бошлашдан аввал тайёргарлик кўриш ишларини амалга оширадилар.

Тайёргарлик кўриш ишлари давомида қуйидагиларни бажариш лозим:

ҳар бир ер эгаси ва ердан фойдаланувчига оид рўйхатдан ўтиш маълумотларини аниқлаб олиш;

алоҳида эгалиқдаги ерлар ва фойдаланишдаги ерларнинг че-

гараларини белгилаш ва умумий майдонларини аниқлаш масалаларига доир мавжуд режа-картографик материалларни, хўжаликлараро ер тузилиши ва ерлар ажратиш лойиҳаларини, бошқа материалларни ўрганиб чиқиш;

барча корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ерга эгалик қилиш ва ердан фойдаланиш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатларнинг мавжудлигини текшириб чиқиш;

ноҳиянинг (шаҳарнинг) Давлат ер китобида қайд этилмаган ер эгалари ва ердан фойдаланувчилар аниқланган тақдирда, режа-картографик материалга уларнинг чегаралари туширилади, умумий майдони ҳисоблаб чиқилади ҳамда у ноҳия, шаҳар (шаҳардаги ноҳия) ҳокимининг кўриб чиқишига ҳавола этилади, у ушбу ер участкасидан келгусида фойдаланиш масаласини ҳал этади;

жамоа, давлат хўжаликлари ва бошқа қишлоқ хўжалиги ҳамда ўрмон хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотларида бегона эгаликдаги ерлар ва фойдаланишдаги ер майдонлари мавжудлигини (уларнинг ер майдонлари ичкарисида жойлашган ҳамда бошқа корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар эгалигига ва фойдаланишига берилган ер участкалари мавжудлигини) аниқлаш;

ердан тўғри фойдаланаётганлиги текширилиши лозим. Ерлар ўзга мақсадларда фойдаланилаётганлиги аниқланганда ёки текширув чоғига қадар тугатиб юборилган корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга илгари берилган ер участкалари мавжудлиги аниқланган ҳолларда бу ерлардан келгусида фойдаланишга оид таклифлар тайёрланади.

3. Тайёргарлик кўриш ишларининг натижаларига биноан ерга эгалик қилиш ва ердан фойдаланиш рўйхати тузилади, бунда давлат актларини тузишдан аввал чегараларни тартибга келтириш ишларини ўтказиш зарур бўлади, шунингдек, қўшимча ер тузиш ишлари ўтказилиши талаб этилмайдиган ҳамда тайёргарлик кўриш ишлари натижаларига биноан давлат ҳужжатларини тузиш мумкин бўлган эгаликдаги ерлар ва фойдаланишдаги ерлар рўйхати тузилади.

4. Тайёргарлик кўриш ишларининг натижаларига биноан ноҳия, шаҳар (шаҳардаги ноҳия) ҳокимининг қарорига биноан давлат актлари тузилади ва қуйидаги ер эгалари ва ердан фойдаланувчиларга топширилади:

майдони ва чегаралари ўзгармаган ва хўжаликлараро ер тузилиши ҳамда ер ажратиш бўйича илгари тузилган лойиҳаларга бутунлай мос тушадиганларга;

чегаралари ўзгармаган, балки берилган ер участкаларининг умумий майдонига аниқлик киритилганларга;

ноҳиянинг Давлат ер китобида рўйхатга олинмаган, лекин ер участкаси берилганлиги тўғрисидаги ваколатли идораларнинг ҳужжатларига эга бўлганларга;

амалда фойдаланилаётганлиги хусусида ноҳия Давлат ер китобида рўйхатга олинган, лекин ер участкаси берилганлиги тўғрисидаги ваколатли идораларнинг ҳужжатларига эга бўлмаганларга;

тайёргарлик кўриш ишлари давомида аниқланган ва ер майдони чегаралари чегарадош ер эгалари ва ердан фойдаланувчилар ўртасида низо келтириб чиқармайдиган тақдирда ер эгалари ва ердан фойдаланувчиларга берилади.

5. Ер эгалари ва ердан фойдаланувчиларга давлат ҳужжатлари бериш тўғрисидаги ноҳия, шаҳар (шаҳардаги ноҳия) хокимининг қарорида қуйидагилар акс эттирилади:

ер эгаси ва ердан фойдаланувчининг номи;

режадаги ер чегаралари бўйича ер участкасининг умумий майдони;

эгалик қилиш ва фойдаланиш учун биркитиб қўйилган ерларнинг майдони;

эгаликдаги бегона ерлар ва фойдаланишдаги ерлар рўйхати, уларнинг ҳар бири бўйича ер участкаларининг умумий майдони кўрсатилади.

6. Давлат актларини тўлдиришдан аввал эгаликдаги ерлар ва фойдаланишдаги ерлар чегарасининг режаси тузилади, ана шу режа давлат ҳужжатларини тузиш бўйича келгуси ишларнинг асоси бўлиб қолади.

7. Эгаликдаги ва фойдаланишдаги ерлар чегарасининг режасида қуйидагилар кўрсатилиши шарт:

ер участкаси доирасидаги барча бурилиш нуқталари;

чегараларни ажратувчи белгилар;

курроқ чегаралар ҳисобланмиш барча чизиқлар;

биркитилаётган ер участкасининг чегараси деб ҳисобланадиган дарёлар, кўллар, каналлар, коллекторлар, йўллар, бошқа топографик белгилар;

темир йўл ва автомобиль йўллари; магистрал каналлар ва коллекторлар учун ажратилган ерлар чегараси;

бегона эгаликдаги ерлар ва фойдаланишдаги ерлар.

Режада қолдирилган бўш жойда эгаликдаги бегона ерлар ва фойдаланишдаги ерлар рўйхати кўрсатилади ва эгаликдаги ер-

лар ва фойдаланишдаги ерларнинг тартиб номери, ноҳия харита-сидаги номери ҳамда ер участкаларининг умумий майдони кўрсатилади.

8. Эгаликдаги ва фойдаланишдаги ерлар чегараларининг режаси ноҳия ер тузувчи-бош муҳандиси ҳамда шу ишларни бажарган давлат ер тузиш ташкилоти ер тузувчи муҳандисининг имзоси билан расмийлаштирилади.

9. Юқорида қайд этиб ўтилган ишлар ниҳоясига етказилгач, давлат актлари тўлдирилади.

Давлат актларида барча имзолар аниқ ва тушунарли бўлиши керак. Ноаниқ ва чалкаш ҳарфлар билан ёзишга, шунингдек, суркаш ва тузатишга йўл қўйилмайди.

Давлат актларидаги эгаликдаги ва фойдаланишдаги ерлар чегараси режаси ер участкасининг ҳажмидан келиб чиққан ҳолда муайян масштабда тузилади. Ана шу режада эгаликдаги ва фойдаланишдаги ерлар чегаралари режасидаги объектлар ушбу Тартиб II бўлимининг 7-бандига мувофиқ яна такрорланади.

Агар масштаб кичиклиги сабабли эгаликдаги ва фойдаланишдаги ерлар чегараси режасини англаш қийин бўлса, унга қўшимча тарзда эгаликдаги ерлар ва фойдаланишдаги ерлар чегаралари режанинг бирмунча йирикроқ масштабдаги нусхаси тайёрланиб, давлат акти билан бирга ер эгалари ва ерлардан фойдаланувчиларга топширилади.

10. Давлат актининг 10-саҳифасида ноҳия, шаҳар (шаҳардаги ноҳия) ҳокимининг қарорига мувофиқ барча бегона ер эгалари ва ердан фойдаланувчилар қайд этилиб, ер участкаларининг умумий майдони кўрсатилади.

11. Давлат ҳужжатларининг тўғри тузилиши учун шу ишни бажарган давлат ер тузиш ташкилотлари, ноҳия бош ер тузувчи-бош муҳандиси ёки шаҳар (шаҳардаги ноҳия) бош архитектори жавобгар бўладилар.

### **III. Давлат актларини рўйхатга олиш ва бериш тартиби**

1. Давлат актлари корхона, муассаса ва ташкилотнинг раҳбарига ёки уларнинг ишончли вакилларига ноҳия, шаҳар (шаҳардаги ноҳия) ҳокими ёки уларнинг ўринбосарлари томонидан бериледи. Корхона, муассаса ва ташкилотнинг раҳбари ёки унинг ишончли вакиллари ҳужжатни олганликлари хусусида белгиланган тартибдаги ерга доимий эгалик қилиш ва ердан фойдаланиш

хукуқини берувчи давлат хужжатлари қайд этиладиган Дафтарга имзо чекадилар.

2. Ҳар бир ноҳия, шаҳар (шаҳардаги ноҳия) ҳокимлигида ер тузиш хизмати томонидан ерга доимий эгалик қилиш ва ердан фойдаланиш ҳукуқини берувчи давлат хужжатлари қайд этиладиган Дафтарлар юритилади, унда ер эгаси ва ердан фойдаланувчининг номи, давлат актининг номери, биркитилаётган ер майдони, давлат акти берилган сана, давлат актини олган ва тақдим этган шахсларнинг фамилияси исми ва отасининг исми кўрсатилади.

3. Агар давлат акти берилганидан сўнг, эгаликдаги ер ва фойдаланишдаги ерда ўзгаришлар рўй берган бўлса, бу ўзгаришлар давлат актининг 7 ва 8-бетларида ҳамда уларнинг ҳар иккала нусхасида ер участкалари чегаралари график чизгиларида акс эттирилади.

Киритилган ўзгартишлар ноҳия, шаҳар (шаҳардаги ноҳия) ҳокимининг ҳамда ноҳия ер тузувчи-бош муҳандиси ёки шаҳар (шаҳардаги ноҳия) бош архитекторининг имзолари билан тасдикланади.

Эгаликдаги ер ва фойдаланишдаги ер чегаралари режасига ҳам худди шундай ўзгартишлар киритилади.

4. Корхона, муассаса ва ташкилот йириклаштирилган ёки бўлиб юборилган ҳолларда, уларнинг номлари ўзгартирилган ёки давлат актига кўплаб тузатишлар киритилган тақдирда ер участкаси режасидаги чегараларни англаб олиш қийинлашса ноҳия, шаҳар (шаҳардаги ноҳия) ҳокимининг давлат актини алмаштириш тўғрисидаги қарори қабул қилинади.

5. Ер эгасига ва ердан фойдаланувчига янги давлат хужжати топширилаётганида ундаги ерга эгалик қилиш ва фойдаланиш ҳукуқини берувчи давлат акти ноҳиядаги ер тузиш ёки меъморчилик-шаҳарсозлик хизматида топширилади.

Ерга эгалик қилиш ва ердан фойдаланиш ҳукуқи тўхтатилган ҳолларда ҳам давлат акти ер тузиш ёки меъморчилик-шаҳарсозлик хизматида топширилади.

Ерга эгалик қилиш ва ердан фойдаланиш ҳукуқини берувчи ўз кучини йўқотган давлат актлари доимий сақлаш учун топширилади.

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ХУЗУРИДАГИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ЕРЛАРНИНГ ҚИШЛОҚ ВА ЎРМОН ХЎЖАЛИГИНИ ЮРИТИШ БИЛАН БОҒЛИҚ БЎЛМАГАН ЭХТИЁЖЛАР УЧУН ОЛИНИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА ЎРМОН ХЎЖАЛИГИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШИ НОБУДГАРЧИЛИГИ ҲАЖМЛАРИНИ АНИҚЛАШ ҲАМДА УЛАРНИНГ ЎРНИНИ ҚОПЛАШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА\*

*(Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари  
тўплами, 1992 йил, 6-сон, 21-модда; 1995 йил, 4-сон, 15-модда)*

Ер қонунчилигини янада ривожлантириш ва «Ўзбекистон Республикасининг «Ер ҳақида»ги Қонунини амалга ошириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1990 йил 20 июндаги қарорини бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикасида ерларнинг қишлоқ ва ўрмон хўжалигини юритиш билан боғлиқ бўлмаган эҳтиёжлар учун олиниши муносабати билан қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчилиги ҳажмларини аниқлаш ҳамда уларнинг ўрнини қоплаш тартиби тўғрисидаги илова қилинаётган Низом тасдиқлансин.

2. Вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, бирлашмалар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар:

ер участкалари фойдаланишга олингач, қурилишни маблаб билан таъминлаш бошлангандан кейин бир ой муддат ичида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятларнинг ҳокимликлари томонидан тегишли банкларда очилган махсус счётларга, илова қилинаётган Низомга тўла мувофиқ ҳолда, қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчилиги ўрнини қоплаш учун маблаблар ўтказсинлар;

шу йил охиригача 1990 йилнинг 1 августига қадар ажратилган ерлар учун қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчилиги ўрнини қоплаш бўйича Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги олдидаги қарзларини узсинлар.

---

\* 1992 йил 15 июндан кучга кирган.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятларнинг ҳокимликлари:

қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчилиги ўрнини қоплаш тартиби бўйича тушган маблағлардан, кўрсатиб ўтилган Низомга мувофиқ белгиланган мақсад бўйича фойдалансинлар;

илова қилинаётган Низомнинг 11-бандига мувофиқ олинган қишлоқ ва ўрмон хўжалиги ерлари ўрнига янги ерларни суғориш ва ўзлаштириш бўйича ишларни, шунингдек, бошқа мелиоратив ишларни ўз вақтида амалга оширишни таъминласинлар;

республика ерларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш бўйича минтақавий дастурларни ва вилоятлараро тадбирларни амалга ошириш учун жами сумманинг 10 фоизи миқдордаги қисмини Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг махсус счётига ўтказсинлар;

илгари берилган ер участкалари учун қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчилиги ўрнини қопланмаган вазирликларга, давлат кўмиталарига, идораларга, бирлашмаларга, корхоналарга, муассасаларга ва ташкилотларга корхоналар, бинолар ва иморатлар қуриш учун қўшимча ер майдонлари ажратмасинлар.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчилиги ўрнини қоплаш ҳисобига тушадиган маблағлардан белгиланган мақсадда фойдаланиш устидан назоратни таъминласин.

5. Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг қуйидаги қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин:

«Давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер участкалари ажратилиши муносабати билан корхоналарга, муассасаларга ва ташкилотларга қўрилган зарарни ва фойдаланилмаган харажатларни тўлаш тартиби тўғрисида» 1964 йил 20 январдаги 43-сон қарорнинг қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчилиги ўрнини қоплашга доир қисми;

СССР Министрлар Советининг «Давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ерлар ажратишда қўрилган зарарни ердан фойдаланувчиларга ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчилигини тўлаш тўғрисида» 1974 йил 9 августдаги 636-сон қарори юзасидан 1974 йил 29 августдаги 417-сон қарорнинг қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчилиги ўрнини қоплашга доир қисми (ЎзССР ҚТ, 1974 й., 8-сон, 44-модда);

«Қишлоқ хўжалигидан бошқа эҳтиёжлар учун ерлар ажра-

тишдан кўрилган зарарлар ўрнини қоплаш миқдорлари тўғрисида» 1986 йил 27 мартдаги 152-сон, «Қишлоқ хўжалигидан бошқа мақсадлар учун ерлар ажратишда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчилиги ўрнини қоплашга мўлжалланган маблағларни планлаштириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида» 1986 йил 3 сентябрдаги 435-сон қарор (ЎзССР ҚТ, 1986 й., 9-сон, 36-модда).

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Бош вазири**

**А. МУТАЛОВ**

Тошкент ш.,  
1992 йил 15 июнь,  
282-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
1992 йил 15 июндаги 282-сон қарори билан  
ТАСДИҚЛАНГАН

**Ўзбекистон Республикасида ерларнинг қишлоқ ва ўрмон хўжалигини юритиш билан боғлиқ бўлмаган эҳтиёжлар учун олиниши муносабати билан қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчилиги ҳажмларини аниқлаш ҳамда уларнинг ўрнини қоплаш тартиби тўғрисида**  
**НИЗОМ**

### **I. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасининг «Ер тўғрисида»ги Қонунининг 51-моддасига мувофиқ қишлоқ хўжалигини юритиш билан боғлиқ бўлмаган эҳтиёжлар учун олиниши муносабати билан қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчилиги ҳажмларини аниқлаш ва уларнинг ўрнини қоплаш тартибини белгилайди.

Қорақалпоғистон Республикасида қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчилиги ҳажмларини аниқлаш ҳамда уларнинг ўрнини қоплаш тартиби Қорақалпоғистон Республикаси қонунчилиги билан белгиланади.

2. Қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги нобудгарчилиги ўрни куйидаги ҳолларда қопланади:

қишлоқ хўжалиги ва ўрмон ер-сувлари, шунингдек, фуқаролар тасарруфида ва фойдаланишида бўлган ана шу ерлар қишлоқ



ва ўрмон хўжалигини юритиш билан боғлиқ бўлмаган эҳтиёжлар учун олинганда;

қишлоқ хўжалиги ва ўрмон ер-сувларининг оборотдан чиқиши ва уларнинг кам қимматли ер-сувларга ўтказилиши билан боғлиқ бўлган кўрилаётган объектлар атрофида муҳофаза, санитария ва химоя зоналари белгиланиши билан ер эгалари ва ердан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқлари чекланганда;

корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар фаолияти таъсири натижасида ерлар сифати ёмонлашганда.

3. Қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчилигининг ўрнини қоплаш барча категориядаги ерлардан қишлоқ хўжалиги ва ўрмон ер-сувлари олинганда ҳамда улар қишлоқ ва ўрмон хўжалигини юритиш билан боғлиқ бўлмаган эҳтиёжлар учун ҳам доимий, ҳам вақтинчалик фойдаланиш учун берилганда (ушбу Низомнинг 4-бандида белгиланган ҳоллар бундан мустасно) амалга оширилади.

#### 4, *ўз кучини йўқотган.*

5. Қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчилиги ноҳия ҳокимининг Фармойиши билан тузилган баҳолаш комиссияси томонидан аниқланади, бир вақтнинг ўзида ер эгалари ва ердан фойдаланувчилардан давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ерларнинг олиб қўйилиши муносабати билан уларнинг кўрган зарарларини белгиланган тартибда қоплаш белгилаб қўйилади.

Қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчилиги миқдорларини аниқлаш учун баҳолаш комиссиясига дастлабки маълумотларни ер ажратиб бериш лойиҳасини ишлаб чиқувчи лойиҳалаш ташкилоти тақдим этади.

Қишлоқ ва ўрмон хўжалиги билан шуғулланиш билан боғлиқ бўлмаган эҳтиёжлар учун ер олиб қўйилган ва вақтинчалик фойдаланишга берилган ҳолда қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчилиги кейинги уч йилда олиб қўйиладиган ер участкасидан ўртача олинадиган деҳқончилик ва ўрмон хўжалиги маҳсулоти қийматининг миқдоридан ҳисоблаб чиқарилади. Ушбу пул миқдори ер участкаси фойдаланишга берилган йиллар сонига кўпайтирилади.

Вақтинчалик фойдаланиш учун ер участкаси олган корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар уни аввалги ер эгаларига ва ердан фойдаланувчиларга қишлоқ ва ўрмон хўжалиги билан шуғулланишга яроқли ҳолатда ўз вақтида қайтаришлари шарт. Ер участкасидан фойдаланиш зарурати сақланиб қолган ва уни

**аввалги ер эгаларига белгиланган муддатларда қайтариш имконияти бўлмагани ҳолда корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар ер участкаси берган органга фойдаланиш муддатини узайтириш тўғрисида тавсиянома киритади. Бунда қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчилиги тегишли йиллар сонига кўпайтирилади.**

**Вақтинчалик берилган ерларни қишлоқ ва ўрмон хўжалиги билан шуғулланиш учун яроқли ҳолатга келтириш қишлоқ хўжалиги органларининг хулосасига кўра мақсадга мувофиқ бўлмаган чуқурликда тупроқ қатлами бузилган ҳолда қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчилиги мазкур Низомнинг II ва III бўлимларига мувофиқ тўла ҳажмда қопланади.**

**6. Комиссия иш натижалари қишлоқ хўжалиги экинзорлари ва ўрмонлардан олиб қўйиладиган майдонларни, қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчилигининг қабул қилинган меъёрларини ва умумий қийматини кўрсатган ҳолда расмийлаштирилади.**

**7. Қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчилигининг миқдорлари ер ажратиб бериш лойиҳаси билан бир вақтда ушбу лойиҳани тасдиқлаш ўз ваколатига қирувчи орган томонидан тасдиқланади.**

**8. Қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчилигини қоплаш учун маблағларни ер ажратиб берилган корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар, вилоятлар ҳокимликлари томонидан Ўзбекистон Республикасининг банк муассасаларида очилган махсус счётларга ўтказадилар.**

**Мазкур Низомнинг 11-бандида назарда тутилган минтақавий дастурларни ва вилоятлараро тадбирларни амалга ошириш учун, қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчилигини қоплаш ҳисобига келувчи маблағнинг 10 фоиз миқдордаги қисми Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг махсус счётига ўтказилади.**

**9. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва вилоятлар ҳокимликлари маблағларнинг ўз вақтида келиб тушишини ва ҳисобга олинишини, шу маблағлар ҳисобига иншоотларни режалаштириш, лойиҳалаштириш ва қуришни ҳамда ишларни белгиланган тартибда қабул қилишни таъминлайди.**

**10. Ер участкалари ажратиб бериладиган корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар иншоот қурилишини молиявий таъминлаш бошлангандан кейин бир ой муддат ичида қишлоқ хўжали-**

ги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчилигини қоплаш учун мўлжалланган маблағларни кўчиришлари ҳамда капитал маблағларни вилоятлар ҳокимликларига беришни белгиланган тартибда расмийлаштиришлари шарт.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ўзининг махсус счётига келиб тушувчи маблағлар доирасида ишларнинг буюртмачиси ҳисобланади, титул рўйхатларини тасдиқлайди, молиявий таъминлашни бошлайди ҳамда корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар томонидан пудрат ишларининг чегараланган миқдорда берилишини белгиланган тартибда расмийлаштиради, кейинчалик уларнинг ҳажмларини Ўзбекистоннинг тараққиёт истиқболини белгилаш қўмитасига тақдим этади.

11. Қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчилигини қоплаш учун тушган маблағлар махсус мақсадга эга бўлиб, ундан қуйидагилар учун фойдаланилади:

янги ерларни ўзлаштиришга;

суғориладиган ерларни тўла-тўқис қайта тиклашга;

зовур-зах қочириш шохобчаларини қуришга ва қайта қуришга;

суғориладиган ерларни тубдан текислашга;

суғориладиган ерларнинг сув таъминотини оширишга;

суғориладиган маданий яйловлар яратиш ва тиклашга;

пичанзорлар ва яйловларни тубдан яхшилашга;

дарахтзорлар барпо этиш ва тиклашга;

йўқолиб кетган ўрмон уруғчилиги, туп (пархиш) дарахтлар ва саноат дарахтзорлари, боғлар, узумзорлар, тутзорлар, мевазорлар, кўчатхоналар барпо этиш ва тиклашга;

ерларнинг унумдорлигини ошириш, қумлар, сув ҳавзалари ва дарёларнинг қирғоқларини мустаҳкамлаш ва дарахтзорларга айлантириш, тоғ қияликларини поғона-поғона қилиб ишлаш ва бошқа эрозияга қарши чора-тадбирларни амалга оширишга;

ер тузиш, кадастрлаш ва ўрмон тузиш ишлари, шунингдек, уларни компьютерлаштиришга.

12. Қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчилигининг ўрнини қоплаш мақсадида тушган маблағлар мазкур Низомнинг 11-бандида кўрсатилган тадбирларни амалга ошириш учун, қоидага кўра, ерлари олиб қўйилган эгалик қилинадиган ва фойдаланиладиган ерларда ишлатилади.

13. Қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчилигининг ўрнини қоплаш учун тушган маблағларнинг фойдаланилмаган қолдиқлари йилнинг охирида олиб қўйилмай-

ди ва кейинги йилда мазкур Низомнинг 11-бандида кўрсатилган чора-тадбирларни молиявий таъминлашга йўналтирилади.

14. Лойиҳани жойига кўчириш ва ерлардан доимий фойдаланиш ҳуқуқини берувчи давлат ҳужжатларини тайёрлаш ер майдонлари ажратилган корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар томонидан қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчилигининг ўрни қоплангандан сўнггина амалга оширилади.

15. Қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчилигининг ўрнини қоплаш бўйича мажбуриятларни бажармаган корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга қўшимча ер ажратилмайди.

## **II. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчилиги миқдорларини аниқлаш тартиби**

16. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчилигининг миқдорлари олиб қўйилган ҳайдаладиган майдонлар, кўп йиллик дарахтзорлар (боғлар, мевазорлар, узумзорлар, тутзорлар, кўчатхоналар, цитрус ўсимликлари), бўз ерлар, пичанзорлар ва яйловлар, шу жумладан, шахсий ёрдамчи хўжалик юритиш учун берилган қишлоқ хўжалиги ер майдонларидан ҳисобланади.

17. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчилигининг миқдорлари олиб қўйилган қишлоқ хўжалигида яроқли ерларнинг ўрнига тенг баҳодаги янги ерларни суғориш ва ўзлаштиришнинг зарурлигидан келиб чиқиб, бунда уларнинг сифати, маҳсулдорлиги, жойлашиш ўрни ва самарали фойдаланилиши ҳисобга олинади, шунингдек, янги ерларни ўзлаштиришга оид ишларни бажариш даврида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари қийматини йўқотганлигини ҳисобга олиб аниқланади.

18. Суғориладиган қишлоқ хўжалиги ерларининг сифатини ҳисобга олиш тупроқ карталари ва ерларни иқтисодий баҳолаш материаллари бўйича ер ажратиш лойиҳасини тузувчи ер тузиш ташкилотлари томонидан белгиланган бонитет баллари бўйича амалга оширилади. Асослари бўлмаган янгидан ўзлаштирилган ер майдонлари бўйича бонитет баллари ерлар ажратиш лойиҳаларини ишлаб чиқиш жараёнида амалдаги услубий кўрсатмалар бўйича аниқланади.

Олиб қўйилган қишлоқ хўжалиги ерлари ўрнига тенг баҳодаги ерларни суғориш ва ўзлаштириш қиймати ерларнинг сифати ва жадал фойдаланилишига қараб 1-жадвал бўйича аниқланади.

19. Суғориладиган зонадаги олиб қўйилган бўз ерларнинг 1

гектари ўрнига, уларнинг сифатини ҳисобга олган ҳолда, тенг баҳодаги янги ерларни суғориш ва ўзлаштириш қиймати 0,25 коэффицентини қўлланиш йўли билан 1-жадвал бўйича аниқланади.

20. Олиб қўйилган лалми ерларнинг 1 гектари ўрнига тенг баҳодаги янги ерларни суғориш ва ўзлаштириш қиймати қуйидаги миқдорларда белгиланади:

текисликдаги (ёғингарчилик кам бўладиган) зонада — ҳайдаладиган лалми ерлар учун 7,5 ва бўз лалми ерлар учун 2,4 минг сўм;

текислик-паст-баландликдаги (ёғингарчилик етарли бўладиган) зонада — ҳайдаладиган лалми ерлар ва кўп йиллик дарахтзорлар учун 13,8 ва бўз лалми ерлар учун 4,4 минг сўм;

тоғ олди ва тоғ (ёғингарчилик етарли бўладиган) зонада — ҳайдаладиган лалми ерлар ва кўп йиллик дарахтзорлар учун 13,8 ва бўз лалми ерлар учун 4,4 минг сўм.

21. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчилигига қўшимча равишда соф даромад қўшилади. Бу даромад лойиҳалаштириш, янги ерларни суғориш ва ўзлаштириш, уларни маданийлаштиришга оид ишларни ва бошқа маданий-техника ишларини бажариш учун зарур бўлган тўрт йил давомидаги даврда олиб қўйилган ер майдонида соф даромаднинг суммаси жамоа ва давлат хўжаликлари ҳамда бошқа корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг охириги уч йилги маълумотларига кўра олиб қўйилган майдонлардаги қишлоқ хўжалиги экинлари ва дарахтзорларининг ўртача ҳосилдорлигидан келиб чиқиб, ер ажратиш лойиҳаси ишлаб чиқилиши жараёнида аниқланади.

22. Пичанзорлар ва яйловлар олиб қўйилиши муносабати билан қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчилиги йўқотилган яйлов озуқалари ҳажмларини қоплаш учун пичанзорлар ва яйловларнинг тегишли майдонларини тубдан яхшилаш заруратидан келиб чиқиб аниқланади.

Пичанзорлар ва яйловлар олиб қўйилиши муносабати билан қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчилигининг миқдорлари уларнинг маҳсулдорлигига кўра баландлик минтақаларига қараб 2-жадвал бўйича қабул қилинади.

23. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчилиги миқдорларини аниқлашда олиб қўйилган ер майдонининг муҳандислик коммуникациялари ва энергия манбаларининг кўплиги билан ажралиб турувчи маъмурий ва саноат марказларига нис-

батан ўрнашган жойи ҳисобга олинади, бу эса ердан самарали фойдаланиш имконини беради.

Олиб қўйилган ер майдонларининг ўрнашган жойини ҳисобга олувчи коэффицентлар 3-жадвал бўйича қабул қилинади.

### 3-жадвал

#### Олиб қўйилган ер майдонларининг ўрнашган жойини ҳисобга олувчи коэффицентлар

Аҳоли яшаш жойлари	Аҳоли пунктлари чегаралари билан ажратилган ер орасидаги масофа, км	Ошириш коэффицентлари
Тошкент шаҳри	20 гача	2,0
Вилоят марказлари	10 гача	1,5
Бошқа шаҳарлар, шаҳар посёлкалари ва ноҳия маркази ҳисобланувчи қишлоқ аҳоли пунктлари	5 гача	1,3

### III. Ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчилиги миқдорларини аниқлаш тартиби

24. Ўрмон ерларини сақлаш ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқаришининг зарур даражасини таъминлаш мақсадида ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчилигининг миқдори тенг катталикдаги янги ерларни ўзлаштиришга зарур харажатларга қараб аниқланади. Бунда тупроқни маданийлаштириш ва унинг унумдорлигини ошириш, янги хўжаликларни ташкил этиш тадбирларини амалга ошириш ва олиб қўйилган ўрмонларни қайта тиклаш харажатлари ҳисобга олинади. Бундан ташқари, суғориладиган деҳқончилик зонасида суғориш қиймати, тоғли зонада — бошқа оддий гидротехника иншоотларини супалаш ёки қуриш қиймати, чўл зонада — кўчма қумларни мустаҳкамлаш қиймати ҳисобга олинади.

25. Ўрмон билан қопланган ва дарахтлари сийрак ерлар, шунингдек, ўрмон дарахтлари, уруғлик, пархиш дарахтлар ҳамда ёнғоқ, илдиз мевали ва бошқа қимматли дарахт турларининг саноатбоп майдонлари олиб қўйилаётганда ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчилиги суммаси ўрмон хўжалиги маҳсулотларини ва қўшимча фойдаланиладиган маҳсулотни янги ерларни ўзлаштириш ва ана шундай дарахтзорларни барпо этиш ишларини бажариш вақтида сотишдан олинadиган даромаднинг

нобуд бўлишини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги формула бўйича аниқланади:

**П.п.л.=S [3 ОСВ.+Т (П.л.пр.+П.пр.поб.)]**, бунда:

П.п.л. — ўрмон билан қопланган майдонларни олиб қўйишдан қўрилган ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчилигининг миқдори, сўм;

S — олиб қўйиладиган ўрмонзорлар майдони, гектар;

3 ОСВ. — 1 гектар янги ерни ўзлаштиришнинг сўм ҳисобидаги харажатлари (суғориладиган ўрмонзорлар олиб қўйилаётганда ерларнинг сифатини ҳисобга олган ҳолда, 1-жадвал бўйича, суғорилмайдиган ўрмонзорлар олиб қўйилаётганда ерларнинг табиий зоналар бўйича жойлашганлигига қараб — мазкур Низомнинг 20-бандига мувофиқ қабул қилинади);

Т — янги ерларни ўзлаштиришни лойиҳалаштириш ва бу ишларни бажариш учун зарур бўлган вақт, йил (ўрта ҳисобда 4 йил олинади);

П.л.пр. — ўрмон маҳсулотини (ёғоч, ёнғоқлар, мевалар, уруғликлар, резаворлар) сотишдан олинadиган фойда, 1 гектардан ўрта ҳисобда 3 йилда, сўм (хўжаликнинг ҳисобот маълумотлари бўйича қабул қилинади);

П.пр.поб. — қўшимча фойдаланиладиган маҳсулотни (шифобахш ва бошқа фойдали ўсимликлар, пичан, асаларичилик ва бошқа маҳсулотларни) сотишдан олинadиган фойда, 1 гектардан ўрта ҳисобда 3 йилда, сўм (хўжаликнинг ҳисобот маълумотлари бўйича қабул қилинади).

26. Ёнган, нобуд бўлган, кесилган ўрмон дарахтларидан иборат майдонлар олиб қўйилганда ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчилигининг миқдори ҳайдаладиган лалми ерларни қоплаш учун ўзлаштириш ишлари харажатларига тенг қилиб олинади, бўш ерлар, ялангликлар олиб қўйилганда эса — мазкур Низомнинг 20-бандига биноан қабул қилинадиган бўз лалми ерлар қиймати олинади.

27. Олиб қўйилаётган ер участкасининг аҳоли яшайдиган пунктгача бўлган масофасига ҳамда муҳандислик коммуникациялари ва энергия манбалари билан таъминланганлигига қараб нобудгарчилик миқдори мазкур Низомнинг 3-жадвалида келтирилган коэффицентлар ёрдамида тузатилади.

#### **IV. Ер эгалари ва ердан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқлари чекланиши муносабати билан қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчилиги миқдорларини аниқлаш тартиби**

28. Ўзбекистон Республикасининг «Ер тўғрисида»ги Қонунига, шунингдек, бошқа меъёрий актларга мувофиқ, ер эгалари ва ердан фойдаланувчиларнинг кўриқланадиган, санитария ва химоя зоналарининг қуйидаги объектларидан фойдаланиш ҳуқуқлари чекланган:

темир йўл ва автомобиль йўллари;

магистрал трубопроводлар ва улар атрофидаги иншоотлар;

алоқа ва радиолаштириш линиялари;

кўриқхоналар, миллий ва дендрология парклари, ботаника боғлари, заказниклар (ов қилинадиганидан ташқари) ва давлат табиат обидалари;

тарихий-маданий кўриқхоналар, мемориал парклар, дафн этиш жойлари, тарих ва маданий археологик обидалар;

дарёлар, магистрал каналлар ва коллекторлар, сув омборлари ҳамда бошқа сув ҳавзалари, шунингдек, аҳолини даволаш ва маданий-соғломлаштириш эҳтиёжлари учун ичимлик ва кундалик эҳтиёж сув манбалари;

гидрометеорология станциялари;

ер ва сув билан қопланган майдонларда ёввойи ҳайвонлар тўпланган жойлар, шунингдек, улар атрофидаги икки километрли масофа.

29. Ер эгалари ва ердан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқлари чекланганлиги муносабати билан қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқаришидан кўрилган зарарларнинг ўрни кўриқлаш, санитария ва химоя зоналарида жойлашган қурилаётган объектларнинг қишлоқ хўжалиги ва ўрмон ерларини қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқаришидан чиқариш ёки уларни унчалик қимматли бўлмаган ерларга кўчириш мўлжалланаётган тақдирда қопланади.

Шу муносабат билан мазкур Низомнинг 28-бандида санаб ўтилган бинолар ва иншоотлар қурилиши учун ажратилган ер участкалари лойиҳасини ишлаб чиқиш жараёнида аввало уларни кўриқлаш, санитария ва химоя зоналари, қишлоқ хўжалиги ва ўрмон ерларининг майдони ва сифати, шунингдек, улардан бундан кейин фойдаланиш тартиби аниқланади.

30. Қурилаётган объектларни кўриқлаш, санитария ва химоя



зоналаридаги қишлоқ хўжалиги ва ўрмон ерлари оборотидан қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчилиги мазкур Низомнинг II ва III бўлимларига мувофиқ тўла ҳажмда белгиланади.

31. Суғориладиган қишлоқ хўжалиги ва ўрмон ерлари бошқа суғорилмайдиган қишлоқ хўжалиги ва ўрмон ерларига айлантирилаётганда қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги нобудгарчилиги мазкур Низомнинг 18 ва 25-бандларига мувофиқ аниқланган суғориладиган қишлоқ хўжалиги ва ўрмон ерларини олиб қўйишдан кўрилган зарар билан 20, 22 ва 26-бандларига мувофиқ аниқланган суғорилмайдиган қишлоқ хўжалиги ва ўрмон ерларини олиб қўйишдан кўрилган зарар миқдори ўртасидаги тафовут сифатида аниқланади.

Лалми ерлар бўз ерларга кўчирилганда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчилиги мазкур Низомнинг 20-бандига мувофиқ лалми ерлар олиб қўйилгандаги зарар миқдори билан бўз ерлар олиб қўйилгандаги зарар миқдорлари ўртасидаги тафовут сифатида аниқланади.

## **V. Ерлар сифатининг ёмонлашуви муносабати билан қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчилиги миқдорини аниқлаш тартиби**

32. Корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар фаолиятининг атроф-муҳитга таъсири характерида кўра улардан фойдаланиш қишлоқ хўжалиги ва ўрмон ерлари сифатининг ёмонлашувига олиб келиши мумкин. Бу оқибатлар объектларни лойиҳалаштириш жараёнида олдиндан назарда тутилиши ва ажратилмайдиган ерлар лойиҳасида ўз аксини топиши лозим.

33. Ерлар сифатининг ёмонлашуви муносабати билан қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқаришининг нобудгарчилиги мазкур Низомнинг II ва III бўлимларига мувофиқ қишлоқ хўжалиги ва ўрмон ерларини ҳозирги аҳволда олиб қўйилганлиги учун кўрилган зарар билан ерларнинг назарда тутилаётган ёмонлашувидан кейинги зарар ўртасидаги тафовут сифатида аниқланади.

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

## ХОРИЖИЙ ЮРИДИК ВА ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРГА ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ЕР УЧАСТКАЛАРИНИ ИЖАРАГА БЕРИШ ТЎҒРИСИДА\*

Дипломатик ва уларга тенглаштирилган чет эл ваколатхоналарига, хорижий юридик ва жисмоний шахсларга, чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарга, халқаро бирлашмалар ва ташкилотларга Тошкент шаҳрида ер участкаларини ижарага беришни тартибга солиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Хорижий юридик ва жисмоний шахсларга, чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарга, халқаро бирлашмалар ва ташкилотларга Тошкент шаҳрида ер участкаларини ижарага беришнинг Вақтинчалик тартиби тасдиқлансин (илова қилинмоқда).

Тошкент шаҳар ҳокимлиги:

ижара тўловининг бозор ставкаларини аниқлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси билан биргаликда хорижий юридик ва жисмоний шахсларга ер участкаларини ижарага бериш бўйича кимошди савдолари ва танловлар ўтказсин;

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси, Молия вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги билан биргаликда ўтказилган кимошди савдолари, танловларнинг натижаларини ҳисобга олган ҳолда мазкур Тартибни тасдиқлаш учун 1994 йил 1 сентябргача Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Вазирлар Маҳкамасининг Капитал қурилиш, транспорт ва алоқа бўлимига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг  
Раиси**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
1994 йил 6 июль,  
346-сон

---

\* 1994 йил 6 июлдан кучга кирган.

**Хорижий юридик ва жисмоний шахсларга, чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарга, халқаро бирлашмалар ва ташкилотларга Тошкент шаҳрида ер участкаларини ижарага беришнинг ВАҚТИНЧАЛИК ТАРТИБИ**

1. Ушбу Вақтинчалик тартиб «Ижара тўғрисида», «Ер тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ ишлаб чиқилган ҳамда дипломатик ва уларга тенглаштирилган чет эл ваколатхоналарига, хорижий юридик ва жисмоний шахсларга, қўшма корхоналарга, халқаро бирлашмалар ва ташкилотларга, чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарга ер участкаларини ижарага бериш масалаларини тартибга солади.

2. Ер участкалари деганда ернинг иморатлар жойлашган ва қурилиш учун ажратиладиган участкалари тушунилади.

3. Қуйидагилар ижарага олувчилар бўлишлари мумкин: хорижий юридик шахслар, шу жумладан, дипломатик ва уларга тенглаштирилган хорижий ваколатхоналар;

ажнабий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар;

ерда алоҳида турган иморатлари бўлган ёки қурилиш учун ижарага ер олишни хоҳловчи чел эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар, халқаро бирлашмалар ва ташкилотлар, уларнинг шўъба корхоналари ва филиаллари.

4. Ер участкалари чекланмаган муддатга ижарага берилди. Ижаранинг аниқ муддатлари шартнома билан белгиланади.

5. Ер участкасини ижарага олишни хоҳловчи хорижий юридик ва жисмоний шахслар Тошкент шаҳар ҳокимлигига буюртманома билан мурожаат қиладилар, дипломатик ва уларга тенглаштирилган хорижий ваколатхоналар эса қўшимча равишда Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг илтимосномасини тақдим этадилар.

Буюртманомада қуйидагилар кўрсатилиши керак:

ер участкасини ижарага олишнинг мақсади ва муддати; мўлжалланаётган қурилишнинг тури, ҳажми ва муддатлари; ер участкасининг талаб этиладиган майдони.

6. Тошкент шаҳар ҳокимлиги ижарага ер участкасини бериш тўғрисидаги буюртманомани бир ой муддатда қўриб чиқади ва тегишли қарор қабул қилади.

7. Ижара тўловининг вақтинчалик ставкалари илова қилинаётган жадвалга мувофиқ белгиланади.

8. Хорижий юридик ва жисмоний шахслар ер участкаларининг ижара ҳақини белгиланган ставкаларга мувофиқ эркин алмаштириладиган валютада тўлайдилар.

Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар, халқаро бирлашмалар ва ташкилотлар тўловни:

агар уларнинг хўжалик фаолияти эркин алмаштириладиган валютада амалга ошириладиган ҳамда валюта тушуми мавжуд бўлса — эркин алмаштириладиган валютада;

агар операциялар мутлақо маҳаллий валютада амалга оширилса ва валюта тушуми мавжуд бўлмаса — Марказий банкнинг ижара ҳақи тўланаётган вақтдаги курси бўйича ижара тўғрисидаги шартномага мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида;

агар уларнинг хўжалик фаолияти ҳам эркин алмаштириладиган валютада, ҳам Ўзбекистон Республикаси валютасида амалга оширилса — тегишли нисбатан эркин алмаштириладиган валютада ва Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида амалга оширадилар.

9. Бериладиган ер участкаси бўйича ижара шартномаси Тошкент шаҳар ҳокимлигининг шу ишга ваколат берилган вакили ҳамда ижарага олувчининг вакили имзолагандан кейин кучга киради.

**Шаҳар ерларини комплекс иқтисодий баҳолаш  
асосида белгиланган Тошкент шаҳрининг ҳудудий-  
иқтисодий баҳолаш зоналари бўйича хорижий юридик  
ва жисмоний шахсларга, дипломатик ва уларга  
тенглаштирилган хорижий ваколатхоналарга  
бериладиган ер майдонлари учун ҳар йилги энг  
кам ижара тўловларининг  
ВАҚТИНЧАЛИК СТАВКАЛАРИ**

Ҳудудий зоналар	Бир кв. метр ер учун ижара тўловларининг АҚШ долларисидаги ставкалари	
	хорижий юридик ва жисмоний шахслар	дипломатик ва уларга теглаштирилган хорижий ваколатхоналар
1	2,50	0,50
2	2,75	0,75
3	4,25	1,25
4	6,25	1,75
5	7,50	2,25
6	7,75	2,50
7	12,25	3,75
8	14,50	4,50
9	16,50	5,00
10	18,75	5,75
11	20,50	6,25
12	22,50	6,75
13	24,50	7,50
14	26,25	8,00

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

## ЕРДАН ФОЙДАЛАНИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА\*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ердан фойдаланиш самарадорлигини ошириш тўғрисида» 1994 йил 24 ноябрдаги Фармониغا мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

ер майдонлари ажратиш бўйича доимий ишловчи махсус комиссия тўғрисидаги Низом 1-иловага мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикасида фойдаланилмаётган ерларни ҳамда паст рентабелли ва зарар кўриб ишловчи қишлоқ хўжалиги корхоналарининг ерларини фуқароларга мерос қилиб қолдириш шarti билан умрбод эгалик қилишлари учун, тажриба тариқасида бериш ҳақидаги Низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари бир ҳафта муддатда туманлар ва шаҳарларда фуқароларга мерос қилиб қолдириш шarti билан умрбод эгалик қилишлари учун ер майдонларини сотишнинг ташкилий ишларини ҳал этиш мақсадида ер майдонлари ажратиш бўйича доимий ишловчи махсус комиссиялар ташкил этилишини таъминласинлар.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси туманлар ва шаҳарлар ҳокимликларининг таклифлари бўйича жойларда сотиш ҳуқуқисиз фуқароларга мерос қилиб қолдириш шarti билан умрбод эгалик қилишлари учун ер майдонларини сотишга оид кимошди савдоларини ташкил этсинлар.

4. *Ўз кучини йўқотган.*

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат мулки қўмитаси бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига:

ернинг амалдаги баҳосини ҳисобга олган ҳолда яқка тартибда уй-жой қурилиши ва шахсий ёрдамчи хўжалик юритиш учун берадиган ернинг янги солиқ ставкаларини тасдиқлаш тўғрисида;

ер солиғи бўйича амалдаги имтиёزلарни қисқартириш тўғрисидаги таклифлар киритсинлар.

6. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Молия вазир-

---

\* 1994 йил 29 ноябрдан кучга кирган.

лиги Давлат мулки қўмитаси, Марказий банки бир ой муддатда мерос қолдириш шарти билан умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини берадиган кимошди савдосида сотиб олинган ер майдонларини якка тартибда уй-жой қурилишига мақсадли кредитлар олиш учун банкка гаров қўйиш тартиби ва шартлари тўғрисидаги таклифларни тайёрласинлар Вазирлар Маҳкамасига киритсинлар.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И.Х. Жўрабеков зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг  
Раиси**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
1994 йил 29 ноябрь,  
575-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
1994 йил 29 ноябрдаги 575-сон қарорига  
1-ИЛОВА

**Ер майдонлари ажратиш бўйича доимий ишловчи  
махсус комиссия тўғрисида  
НИЗОМ**

1. Мазкур Низом шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари ҳузуридаги ердан самарали фойдаланиш бўйича доимий ишловчи махсус комиссияларнинг функцияларини ва иш тартибини белгилайди.

2. Махсус комиссия туманлар ва шаҳарлар ҳокимларининг қарори билан Давлат мулки қўмитаси, молия, солиқ, табиатни муҳофаза қилиш органлари, ер тузиш, сув хўжалиги хизматлари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари вакиллари дан ва бошқа мутахассислардан иборат таркибда тузилади. Комиссия аъзолари орасидан раис, раиснинг ўринбосари, комиссия котиби тайинланади.

3. Комиссия ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг, тегишли вилоят, шаҳар ва туман

хокимликларининг қарорларига, бошқа норматив ҳужжатларга, шунингдек, мазкур Низомга амал қилади.

#### 4. Комиссия:

Ўз худуди бўйича ерларнинг тоифалари ва сифатига кўра (тупроқ бонитети, зарар кўриб ишловчи ва паст рентабелли кишлок хўжалиги корхоналари ва бошқалар) ҳисобга олинишини таъминлайди, ерларнинг сув билан таъминланганлик даражасини, сув хўжалиги иншоотлари билан жиҳозланганлигини ва бошқаларни ҳисобга олади;

мерос қилиб қолдириш шарти билан умрбод эгалик қилиш учун сотиб олинган, меросга олинган ерларнинг мақсадли фойдаланилишини назорат қилади;

#### хокимликка:

ер майдонларини мерос қилиб қолдириш шарти билан умрбод эгалик қилиш учун кимошди савдосида сотиш ҳақида;

ер солиғининг жарима ставкаларини белгилаш ҳақида;

ердан фойдаланишнинг белгиланган тартиби бузилган тақдирда олиб қўйиш ҳақида таклифлар киритади.

5. Комиссия корхоналар, ташкилотлар ва муассасалардан ахборотни сўраб олиш ҳамда ўз функцияларини бажариш учун мутахассисларни жалб этиш ҳуқуқига эга бўлади.

6. Комиссия фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ харажат тегишли маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

7. Комиссия мажлисларни иш режасига мувофиқ ўтказди.

8. Қарорлар комиссия томонидан очиқ овоз бериш йўли билан қилинади ва унинг аъзоларининг 50 фоиздан ортиғи бу қарз овоз берса ҳақиқий ҳисобланади.



9. Комиссия ўз фаолияти тўғрисида тегишли ҳокимлик олдида ҳисоб беради.

Вазирлар Маҳкамасининг  
1994 йил 29 ноябрдаги 575 -сон қарорига  
2-ИЛОВА

**Қорақалпоғистон Республикасида фойдаланилмаётган ерларни ҳамда паст рентабелли ва зарар кўриб ишловчи қишлоқ хўжалиги корхоналарининг ерларини фуқароларга мерос қилиб қолдириш шarti билан умрбод эгалик қилишлари учун тажриба тариқасида бериш тўғрисида  
НИЗОМ**

1 Мазкур Низом Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида жорий қилинади.

2. Фойдаланилмаётган ерлар деганда эгалик қилиш, фойдаланиш берилмаган ерлар, ижарага берилмаган ерлар, захира ерлар, шунингдек, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва фуқароларга берилган, бироқ «Ер тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 13-моддаси 10-бандида назарда тутилган муддатларда фойдаланилмаган ерлар тушунилади.

3. Фойдаланилмаётган ерларни сотиш маҳаллий ҳокимият органлари томонидан тузилган ва тасдиқланган регистрлар бўйича амалга оширилади.

4. Фойдаланилмаётган ерлар ҳамда паст рентабелли ва зарар кўриб ишловчи қишлоқ хўжалиги корхоналарининг ерлари фуқароларга сотиш ҳуқуқисиз мерос қилиб қолдириш шarti билан умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи берилган ҳолда сотилади.

5. Кўрсатиб ўтилган ерлардан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ва уларни қайта ишлаш, яқка тартибдаги уй-жой қурилиши, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфраструктурани шакллантириш, шунингдек, белгиланган тартибда бошқа ишлаб чиқариш мақсадлари фойдаланилади.

6. Ерларни сотиш Давлат мулки қўмитаси органлари томонидан кимосҳди савдосида ёки танлов асосида амалга оширилади.

7. Ер майдонлари кимосҳди савдоси ёки танлов ғолибларига берилади, уларга мерос қилиб қолдириш шarti билан умрбод эгалик ҳуқуқини берувчи далолатнома берилади.

8. Фойдаланилмаётган ерлар қуйидаги тартибда сотилади:

а) бу ерлар жойлашган туман ёки шаҳар аҳолиси уларни сотиб олишда устунлик ҳуқуқига эга бўладилар;

б) иккинчи навбатда сотиб олиш ҳуқуқи Қорақалпоғистон Республикасининг қолган бошқа аҳолисига берилади;

в) «а» ва «б» — кичик бандларда кўрсатилган харидорлар бўлмаган тақдирда танлов — кимошди савдосида сотиб олишга Ўзбекистон Республикасининг қолган бошқа ҳудудида яшовчи аҳоли, шунингдек хорижий жисмоний шахслар қўйилади.

9. Мерос қилиб қолдириш шarti билан умрбод эгалик қилиш сотиладиган ер майдонининг ҳажми маҳаллий шароитларни олган ҳолда белгиланади. Бунда ер майдони ҳажми суғориладиган ерларда 5 гектардан ва суғорилмайдиган ерларда 15 гектардан ошмаслиги керак.

10. Ер майдонларини кимошди савдоси ва танлов асосида сотиш билан боғлиқ ерга эгалик қилишда юз берадиган барча ўзгаришлар шаҳарчалар, қишлоқлар ва овулларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ер-кадастр дафтарларига, шунингдек, бошқа ер-кадастри ҳужжатларига киритилади.

11. Сотилган ерларда аниқланган фойдали қазилма бойликлар давлатга тегишли бўлади. Мерос қилиб қолдириш шarti билан эгалик қилиш учун берилган ер майдонларида кидирув ишлари олиб бориш ёки фойдали қазилма бойликларни қазिश зарур бўлган тақдирда давлат уларнинг эгаларига сифати бир хил ер майдонлари беради ёки ерни сотиб олиш ва ўзлаштириш билан боғлиқ харажат инфляцияни ҳисобга олган ҳолда, компенсация қилади.

12. Мазкур Низом асосида мерос қилиб қолдириш шarti билан умрбод эгалик қилиш ва доимий фойдаланиш учун сотиб олинган мусодара қилиниши ва олиб қўйилиши мумкин эмас, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан истиснодир.

13. Паст рентабелли ва зарар кўриб ишловчи қишлоқ ҳужалиги корхоналари тарқатиб юборилганда улар фойдаланган ерлар жисмоний шахсларга мерос қилиб қолдириш шarti билан умрбод эгалик учун ушбу Низомда назарда тутилган тартибда сотилади.

14. Ер масалаларини ҳал этиш учун туманлар ва шаҳарларда мазкур қарорга 1-иловада белгиланган тартибда доимий ишловчи махсус комиссиялар ташкил этилади.

15. Қорақалпоғистон Республикасида ер участкалари ажратиш бўйича махсус комиссиялар мазкур қарорга 1-иловада кўрса-

тиб утилган функцияларга қўшимча равишда фуқароларнинг ерларни мерос қилиб қолдириш шарти билан умрбод эгалик қилиш учун сотиш бўйича танловларда иштирок этиш учун берган аризаларини кўриб чиқади ва ҳокимликларга тегишли таклифларни киритадилар.

16. Тугатилаётган зарар кўриб ишловчи ва паст рентабелли хўжаликлар мол-мулкининг дастлабки баҳоси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 1994 йил 23 июнда тасдиқланган «Қишлоқ хўжалигида хусусийлаштириш ва мулкчиликнинг шаклларини шакллантиришнинг вақтинчалик тартиби»га мувофиқ белгиланади.

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ФЙДАЛАНИЛАДИГАН ЕРЛАРНИ ЯЛПИ РҮЙХАТДАН ҲТКАЗИШ ТҲҒРИСИДА\*

Республикадаги барча ерларни зарурий ҳисобга олишни, ер солиғининг тўлиқ ва ўз вақтида тушишини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари:

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, «Ўзгеодезия» бошқармасининг ҳамда республиканинг бошқа вазирликлари ва идораларининг ихтисослаштирилган ташкилотларини шартнома асосида жалб этиб, 1995 йилнинг биринчи ярмида мулкчиликнинг шаклларида қатъи назар, барча корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар фойдаланадиган ерларнинг чегаралари ва майдонларини аниқлаган ҳолда шаҳарлар ва шаҳарчалар ерларини рўйхатдан ўтказсинлар;

рўйхатдан ўтказиш натижалари бўйича бир ой муддатда ерлардан фойдаланиш ҳуқуқини ёки ерларни ижарага олиш шартномаларини белгиланган тартибда расмийлаштирсинлар;

барча шаҳарлар ва шаҳарчаларда ерлардан фойдаланувчиларнинг ҳар бири бўйича ер кадастри ҳужжатларини мунтазам юритишни ташкил этсинлар;

республика ва вилоятларга бўйсунувчи шаҳарлар ҳокимликларида ер кадастри ҳужжатларини юритиш, ер қонунчилигига риоя этилишини ва ер муносабатларини тартибга солиб боришни назорат қилиш бўйича бўлинмалар ташкил этсинлар;

Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, «Ўзгеодезия» бошқармаси ва уларнинг жойлардаги органлари билан биргаликда 1995 йилнинг 1 чорагида республика шаҳарлари ҳудудини комплекс баҳолаш ишларини тугалласинлар.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, «Ўзистикболстат» давлат қўмитаси, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ҳамда «Ўзгеодезия» бошқармаси билан биргаликда бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси шаҳарлари ва шаҳарчалари ерларини ялпи рўйхатдан

---

\* 1994 йил 31 декабрдан кучга кирган.

ўтказиш тартиби тўғрисидаги кўрсатмаларни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

3. «Ўзгеодезия» бошқармаси ерларни рўйхатдан ўтказиш ишларини амалга оширишни барча зарур геодезия ва топография материаллари ва маълумотлари билан белгиланган тартибда таъминласин.

4. Белгилаб қўйилсинки, шаҳарлар ва шаҳарчалар ерларини рўйхатдан ўтказиш ишлари маҳаллий бюджет ҳисобига амалга оширилади. Республика ва вилоятларга бўйсунувчи шаҳарларнинг ҳамда туманларнинг ҳокимликлари ушбу мақсадлар учун маҳаллий бюджетдан зарур маблағларни ажратсинлар.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда, республика шаҳарлари ҳудудларини баҳолаш натижаларини ҳисобга олган ҳолда, ер солиғи ставкаларига тузатиш киритиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсинлар.

6. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ерларни рўйхатдан ўтказиш натижалари бўйича ер участкаларини солиқ солишдан яширган ёки уларнинг майдонини камайтириб кўрсатган ердан фойдаланувчиларни аниқласин ва қонунчиликка мувофиқ уларга нисбатан чоралар кўрсин.

7. «Ўзгеодезия» бошқармаси, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Давлат солиқ қўмитаси билан келишган ҳолда, зарурат бўлганда ер кадастри ҳужжатларига ер солиғини тўғри ҳисоблаб чиқариш учун зарур бўлган қўшимча кўрсаткичлар киритсинлар.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари И.Х. Жўрабеков зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг**

**Раиси**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
1994 йил 31 декабрь,  
636-сон

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

## САВДО ВА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИ ОБЪЕКТЛАРИНИ УЛАР ЖОЙЛАШГАН ЕР МАЙДОНЛАРИ БИЛАН БИРГАЛИКДА ҲАМДА ЕР МАЙДОНЛАРИНИ МЕРОС ҚИЛИБ ҚОЛДИРИШ ШАРТИ БИЛАН УМРБОД ЭГАЛИК ҚИЛИШ УЧУН ХУСУСИЙ МУЛК СИФАТИДА СОТИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА\*

(Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг қарорлари тўплами,  
1995 йил, 4-сон, 15-модда)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ердан фойдаланиш самарадорлигини ошириш тўғрисида» 1994 йил 24 ноябрдаги Фармонига мувофиқ савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектларини улар жойлашган ер майдонлари билан биргаликда, шунингдек, ер майдонларини яқка тартибда уй-жой қуриш ва шахсий ёрдамчи хўжалик юритиш учун умрбод мерос қилиб қолдириш шарти билан эгалик қилиш учун хусусий мулк сифатида фуқароларга сотиш амалиётини кенгайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан ўтказилган Ўзбекистон Республикаси шаҳарлари, шаҳар кўринишидаги ва қишлоқ аҳоли яшаш жойлари ерларини (1991 йилги базис нархларда) комплекс иқтисодий баҳолаш натижалари 1 ва 2-иловаларга\*\* мувофиқ маъқуллансин.

2. Қуйидагилар:

Савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектларини улар жойлашган ер майдонлари билан биргаликда ҳамда ер майдонларини мерос қилиб қолдириш шарти билан умрбод эгалик қилиш учун хусусий мулк сифатида сотиш тартиби тўғрисидаги Низом 3-иловага мувофиқ;

фуқароларга хусусий мулк сифатида берилмайдиган ва кимошди савдоларида мерос қилиб қолдириш шарти билан умрбод эгалик қилиш учун сотилмайдиган ерлар рўйхати 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

---

\* 1995 йил 11 апрелдан кучга кирган.

\*\* 1-2-иловалар берилмайди.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари савдо ва хизмат кўрсатиш объектларини улар жойлашган ер майдонлари билан биргаликда хусусий мулк сифатида сотиш, шунингдек, яқка тартибда уй-жой қурилиши ва деҳқон хўжалик юритиш учун фуқароларга мерос қилиб қолдириш шarti билан умрбод эгалик қилиш учун ер майдонлари ажратиш ишларини фаоллаштирсинлар.

4. Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин:

Вазирлар Маҳкамасининг «Савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектларини улар жойлашган ер участкалари билан биргаликда хусусий мулк қилиб сотиш тартиби тўғрисида» 1994 йил 4 июлдаги 341-сон қарори;

Вазирлар Маҳкамасининг «Ердан фойдаланиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 1994 йил 29 ноябрдаги 575-сон қарори 3-бандининг иккинчи хатбоши;

Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 15 июндаги 282-сон қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасида ерларнинг қишлоқ ва ўрмон хўжалигини юритиш билан боғлиқ бўлмаган эҳтиёжлар учун олиниши муносабати билан қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчилиги ҳажмларини аниқлаш ҳамда уларнинг ўрнини қоплаш тартиби тўғрисида Низом»нинг 4-банди.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари В.А. Чжен зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг**  
**Раиси**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
1995 йил 11 апрель,  
126-сон

**Савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектларини улар  
жойлашган ер майдонлари билан биргаликда ҳамда ер  
майдонларини мерос қилиб қолдириш шарти билан  
умрбод эгалик қилиш учун хусусий мулк сифатида  
сотиш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулк манфаатларини ҳимоя қилиш ва тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ва «Ердан фойдаланиш самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги фармонларини бажариш мақсадида ишлаб чиқилган.

2. Ер майдонларининг бошланғич нархи маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан ушбу қарорнинг 1 ва 2-иловаларига мувофиқ, ерларни комплекс иқтисодий баҳолаш натижалари асосида аниқланади.

Бошланғич нархни аниқлаш учун ер участкасининг қиймати Макроиктисодиёт ва статистика вазирлиги томонидан «Давархитектқурилиш» ва Ер ресурслари давлат қўмитаси билан биргаликда йилнинг ҳар чорагида аниқланадиган нархларнинг ўзгариш коэффициенти (индекси)га кўпайтирилади.

Бошланғич нархни белгилашда аниқ қарор топган талаб ва таклифларга боғлиқ ҳолда ошиб боровчи коэффициентлар қўлланиши мумкин.

3. Ерларни комплекс иқтисодий баҳолашга ҳокимликлар томонидан аҳоли яшайдиган жойни ободонлаштириш учун маблағлар сарфланишига қараб, яқин давр учун тегишли равишда асослаб, муҳандислик инфраструктурасини истиқболни ривожлантиришни ҳисобга олган ҳолда тузатишлар киритилиши мумкин.

4. Ер майдонларининг уларнинг жойлашган ўрни, муҳандислик коммуникациялари билан таъминланганлиги, архитектура ва бошқа хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда табақалаштирилган бошланғич нархларини белгилаш учун минтақалар ҳудудлари тегишли шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари қарори билан зоналарга бўлинади ва зарур бўлган ҳолларда улар бўйича нархлар лойиҳа институтлари билан биргаликда, ер кадастрларини



ва якка тартибда иморат қуришга обод қилиш учун зарур бўлган битта участкага қилинадиган харажатларни ҳисобга олган ҳолда аниқланади.

5. Савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектларини улар жойлашган ер майдонлари билан биргаликда ҳамда ер майдонларини мерос қилиб қолдириш шарти билан умрбод эгалик қилиш учун хусусий мулк сифатида сотиш битишувларини ёки шартларини ҳақиқий эмас деб ҳисоблаш тўғрисидаги низолар тегишли судда кўриб чиқилади.

**Савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектларини улар жойлашган ер майдонлари билан биргаликда хусусий мулк сифатида сотиш тартиби**

6. Савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектларини улар жойлашган ер майдонлари билан биргаликда жисмоний ва юридик шахсларга, шу жумладан, хорижий жисмоний ва юридик шахсларга, хусусийлаштириладиган объектларни сотиб олишда улар фойдаланадиган маблағларнинг манбалари ҳақида декларация талаб қилмаган ҳолда, хусусий мулк сифатида сотиш танлов асосида ёки кимошди савдоларида Ўзбекистон Республикаси давлат мулки объектларини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришнинг белгиланган тартибига ва мазкур Низомга мувофиқ амалга оширилади.

Сотиш тегишли ҳокимликлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари савдо ва хизмат кўрсатиш объектлари жойлашган ер майдонларини хусусий мулк сифатида сотиш ҳақидаги қарорларни тақдим этишгандан кейин Давлат мулки қўмитаси ва унинг ҳудудий бошқармалари томонидан амалга оширилади.

7. Давлат мулки қўмитаси ёки унинг ҳудудий бошқармаси билан янги мулкдор ўртасида объектнинг фаолият тури тўғрисида шартнома тузиш танлов ёки кимошди савдосининг шарти ҳисобланади.

8. Вилоят, туман ва шаҳар ер тузиш хизматлари тегишли ҳудуд бўйича қурилган ва чала қурилган ер майдонларининг чегараларини (контурларини) натура тарзида белгилайдилар ҳамда сотувчига (Давлат мулки қўмитасига ёки унинг ҳудудий бошқармасига) ана шу майдонларнинг ҳажмини тасдиқловчи ҳужжатларни берадилар. Бунда ер майдони савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасининг сотиб олинаётган объектнинг санитария ва тех-

нология жихатидан фаолият кўрсатишини таъминлаш учун зарур бўлган энг кам ҳажмдан ошмаслиги керак.

9. *Ўз кучини йўқотган.*

10. Танлов ёки кимошди савдоси волибига Давлат мулки қўмитаси ёки унинг худудий бошқармаси томонидан уни кейинчалик тегишли ҳокимликлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида рўйхатдан ўтказиш учун объектга у жойлашган ер майдони билан биргаликда эгалик қилиш ҳуқуқини берувчи давлат далолатномаси белгиланган тартибда берилади.

11. *Ўз кучини йўқотган.*

12. Савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектлари улар жойлашган ер майдонлари билан биргаликда танлов бўйича ва кимошди савдосида хусусий мулк сифатида сотилаётганда объектнинг ва ер майдонининг нархини ўз ичига олувчи ягона бошланғич нарх белгиланади.

### **Ер майдонларини фуқароларга мерос қилиб қолдириш шарти билан умрбод эгалик қилиш учун хусусий мулк сифатида сотиш тартиби**

13. Ер майдонлари мерос қилиб қолдириш шарти билан умрбод эгалик қилиш учун фуқароларга яқка тартибда уй-жой қуриш учун 0,04 гектар ва деҳқон хўжалик юритиш учун 0,06 гектар доирасида кимошди савдоларида сотилади.

Қорақалпоғистон Республикасида тажриба тариқасида, халқ хўжалигида фойдаланилмаётган ер майдонлари, шунингдек, зарар кўриб ишлаётган ва паст рентабелли қишлоқ хўжалиги корхоналарининг ерлари фуқароларга мерос қилиб қолдириш шарти билан умрбод эгалик қилиш учун хусусий мулк сифатида кимошди савдоларида ва танлов асосида суғориладиган ерлар 3 гектаргача ва суғорилмайдиган ерлар 15 гектаргача доирада сотилади.

Кимошди савдосида ва танлов асосида тажриба сифатида сотиладиган Қорақалпоғистон Республикасидаги фойдаланилмаётган ер майдонларининг, шунингдек, зарар кўриб ишлайдиган ва паст рентабелли қишлоқ хўжалиги корхоналарининг мерос қилиб қолдириш шарти билан умрбод эгалик қилиш учун сотиладиган ерларининг бошланғич нархи, қарор топган талаб ва таклифни ҳисобга олган ҳолда, ерларни сифат жихатдан баҳолаш натижалари асосида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши белгиладиган тартибда белгиланади.

14. Кимошди савдоларини ўтказиш тартиби Давлат мулки

қўмитаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан келишган ҳолда белгиланади.

15. Якка тартибда уй-жой қуриш ва дехқон хўжалик юритиш учун ер майдонларини мерос қилиб қолдириш шarti билан умрбод эгалик қилиш учун хусусий мулк сифатида сотиш бўйича кимошди савдоларида хорижий юридик ва жисмоний шахслар — дипломатик корпус ходимлари, Ўзбекистон Республикасида рўйхатга олинган матбуот вакиллари, доимий ваколатхоналар, фирмалар, компаниялар ва халқаро ташкилотлар ходимлари, қўшма корхоналарда доимий асосда ишловчи шахслар, шунингдек, республикада доимий яшайдиган ва яшаш гувоҳномасига эга бўлган шахслар қатнашишлари мумкин.

Вазирлар Маҳкамасининг  
1995 йил 11 апрелдаги 126-сон қарорига  
4-ИЛОВА

**Фуқароларга хусусий мулк сифатида берилмайдиган  
ва кимошди савдоларида мерос қилиб қолдириш  
шarti билан умрбод эгалик қилиш учун  
сотилмайдиган ерлар  
РЎЙХАТИ**

Шаҳар ва шаҳарчалардаги умумий фойдаланишдаги ерлар (майдонлар, кўчалар, тор кўчалар, йўллар, соҳил бўйлари, истироҳат боғлари, скверлар, хиёбонлар, сувни муҳофаза қилиш зоналари, чўмилиш жойлари ва бошқалар).

Табиат ёдгорликлари, ботаника боғлари ерлари.

Соғломлаштириш ва тарихий-маданий мақсадларга мўлжалланган ерлар.

Ер ости бойликларидан фойдаланиш ва уларни қуриқлаш учун берилган ерлар.

Хавфли моддалар билан зарарланган ва биоген заҳарланишга учраган ерлар.

Шаҳарларни ривожлантириш бош режаларида, мукамал режалаштириш лойиҳаларида ва объектларни (савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектларидан ташқари) жойлаштириш схемаларида назарда тутилган ерлар.

Бош йўлларга туташ ерлар.

Электр қуввати узатиш линиялари, кабель линиялари ва подстанциялар, иссиқлик, сув ва канализация трассалари ҳамда газ қувурлари, умумдавлат алоқа линиялари учун ажратилган ерлар ва улардаги иншоотлар, сув хўжалиги иншоотлари.

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

## «ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИ ТЎҒРИСИДА», «ДЕҲҚОН ХЎЖАЛИГИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ МУДДАТЛАРИ ВА ЧОРА- ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА\*

«Фермер хўжалиги тўғрисида» ва «Деҳқон хўжалиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларини амалга ошириш ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришда деҳқон ва фермер хўжаликларининг аҳамиятини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимликлари:

1998 йил 1 октябргача барча туманларда фаолият кўрсатаётган деҳқон (фермер) хўжаликларини уларнинг Ер кодексига, «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қоидалари ва нормаларига мувофиқлигини хатлаб чиқсинлар ҳамда уларни қайта рўйхатдан ўтказсинлар;

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси билан биргаликда ҳар бир туманда фаолият кўрсатаётган деҳқон (фермер) хўжаликлари бошлиқларини аттестациядан ўтказиш ва ушбу хўжаликларни фермер хўжаликлари сифатида қайта рўйхатдан ўтказиш ҳамда фаолият кўрсатаётган шахсий ёрдамчи хўжаликларни деҳқон хўжаликларига ўзгартириш билан шуғullanувчи комиссиялар тuzсинлар.

Аттестация ўтказувчи комиссиялар фермер хўжаликлари бошлиқларининг юқори ҳосил олиш учун илғор агротехника усулларини қўллаш, уруғлик, ўғитлар ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, чорва моллари ва паррандалар маҳсулдорлигини ошириш бўйича юксак билим ва малакага эга эканликларига эътиборни қаратсинлар.

2. Қуйидагилар:

фаолият кўрсатаётган шахсий ёрдамчи хўжаликларни деҳқон хўжаликларига ўзгартириш Тартиби 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят-

---

\* 1998 йил 15 июлдан кучга кирган.

лар ва туманлар ҳокимликлари, Ўзбекистон Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси деҳқон (фермер) хўжалиklarини фермер хўжаликлари сифатида қайта рўйхатдан ўтказиш натижалари туғрисида 1998 йил 1 октябргача Вазирлар Маҳкамасига ахборот берсинлар.

Ўзбекистон Республикаси Макроиктисодиёт ва статистика вазирлиги фермер хўжалиklarини хатловдан ва қайта рўйхатдан ўтказиш натижаларига кўра статистика ҳисоботига тегишли аниқликлар киритсин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи уринбосари И.Х. Жўрабеков зиммасига юклансин.

### **Вазирлар Маҳкамасининг**

**Раиси**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
1998 йил 15 июль,  
300-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
1998 йил 15 июлдаги 300-сонли қарорига  
4-ИЛОВА

## **Фаолият кўрсатаётган шахсий ёрдамчи хўжалиklarни деҳқон хўжалиklarига ўзгартириш ТАРТИБИ**

1. Ушбу Тартиб фаолият кўрсатаётган шахсий ёрдамчи хўжалиklarни деҳқон хўжалиklarига ўзгартириш механизмини белгилайди.

2. Фаолият кўрсатаётган шахсий ёрдамчи хўжалиklar хўжалик бошлигининг қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) бошқарувига ёхуд бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг иш берувчиси (маъмурияти)га ҳамда туман ҳокимига ёзма мурожаатига асосан юридик шахс ташкил этган ёки юридик шахс ташкил этмаган ҳолда ушбу хўжалиklar аъзоларининг қарори билан ихтиёрийлик асосида деҳқон хўжалиklarига ўзгартирилади. Аризада сўралаётган ер участкасининг жойлашган манзили, майдони, деҳқон хўжалигининг таркиби ҳамда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини таш-

кил этиш учун ер участкасидан белгиланган максатда фойдаланишнинг йўналишлари кўрсатилади.

3. Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) бошқаруви фаолият кўрсатаётган шахсий ёрдамчи хўжаликларни деҳқон хўжаликларига ўзгартириш тўғрисидаги масалани умумий мажлис муҳокамасига киритади, умумий мажлис бу хусусда тегишли қарор қабул қилади. Бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотларида фаолият кўрсатаётган шахсий ёрдамчи хўжаликларни деҳқон хўжаликларига ўзгартириш тўғрисидаги қарор шу корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг юқори бошқарув органи, иш берувчиси (маъмурияти) томонидан қабул қилинади.

4. Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) умумий мажлисининг ёки бошқа қишлоқ хўжалиги корхонаси, муассасаси ва ташкилоти юқори бошқарув органининг, иш берувчиси (маъмурияти)нинг қарори асосида туман ҳокими фаолият кўрсатаётган шахсий ёрдамчи хўжаликларни деҳқон хўжаликларига ўзгартириш бўйича туман комиссиясининг хулосасини инобатга олган ҳолда фаолият кўрсатаётган шахсий ёрдамчи хўжаликларни деҳқон хўжаликларига ўзгартириш тўғрисида қарор қабул қилади.

5. Фаолият кўрсатаётган шахсий ёрдамчи хўжаликларни деҳқон хўжаликларига ўзгартириш учун туман ҳокимининг қарори билан ҳокимлиги ҳузурда фаолият кўрсатаётган шахсий ёрдамчи хўжаликларни деҳқон хўжаликларига ўзгартириш бўйича комиссия ташкил этилади.

Комиссия таркибига туман ҳокимлиги, ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш Комиссияси, Ўзбекистон Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмасининг туман вакиллиги, туман иқтисодиёт ва статистика бўлими, солиқ хизмати, қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат хўжаликлари) ҳамда посёлка, қишлоқ ва овул фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг вакиллари кирадилар.

6. Фаолият кўрсатаётган шахсий ёрдамчи хўжаликларни деҳқон хўжаликларига ўзгартириш бўйича комиссия беш кун муддатда шахсий ёрдамчи хўжалик эгасининг мурожаатини кўриб чиқади. Бунда Комиссия:

ер участкасидан унумли фойдаланилишига;

ер солиғи, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, мулк солиғи тўланиши ҳолатига;

деҳқон хўжаликлари фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳужжатларига риоя этилишига эътибор беради.

7. Комиссия фаолият кўрсатаётган шахсий ёрдамчи хўжаликни деҳқон хўжалигига ўзгартириш тўғрисидаги тегишли таклифни ҳокимга тақдим этади.

8. Туман ҳокимининг фаолият кўрсатиб турган шахсий ёрдамчи хўжаликларни деҳқон хўжаликларига ўзгартириш тўғрисидаги қарори туман молия, банк, солиқ ва бошқа тузилмалари учун мажбурий ҳужжат ҳисобланади.

9. Фаолият кўрсатаётган шахсий ёрдамчи хўжалик аъзолари қонунда белгиланган тартибда юридик ва жисмоний шахслар билан ўзаро муносабатларда деҳқон хўжалигининг манфаатларини ифода этувчи хўжалик бошлигини сайлайдилар. Хўжалик бошлиғи ёки хўжаликнинг муомалага лаёқатли аъзоларидан бирининг номига ер участкасига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи расмийлаштирилади.

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

## ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТОВАР ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАРИ УЧУН ЯГОНА ЕР СОЛИГИНИНГ МУВАҚҚАТ БАЗАВИЙ СТАВКАЛАРИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА\*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари учун ягона ер солиғини жорий этиш тўғрисида» 1998 йил 10 октябрдаги ПФ-2086-сон Фармонини бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. 1999 йилга:

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар бўйича қишлоқ хўжалиги экинзорларига ягона ер солиғининг муваққат базавий ставкалари 1-иловага\*\* мувофиқ;

туманлар ва шаҳарлар бўйича суғориладиган ерларга ягона ер солиғининг муваққат базавий ставкалари 2-иловага\*\* мувофиқ;

ягона ер солиғининг муваққат базавий ставкаларига тупрок унумдорлигига боғлиқ равишда тузатиш коэффициентлари 3-иловага\*\* мувофиқ тасдиқлансин.

2. Белгилансинки, ягона ер солиғи:

ўрмончилик, балиқ овлаш, овчилик хўжаликларига;

улар учун солиқ солишнинг амалдаги тартиби сақланиб қоладиган мустақил юридик шахслар ҳисобланмаган ёрдамчи қишлоқ хўжаликларига;

«Дехқон хўжалиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан назарда тутилган солиқ солиш шартлари сақланиб қоладиган дехқон хўжаликларига татбиқ этилмайди.

3. Ягона ер солиғи тўловчилар қуйидаги тартибда бюджетга бир йилда уч марта солиқ тўлайди:

ҳисобот йилининг 1 июлигача — йиллик солиқ суммасининг камида 20 фоизини;

ҳисобот йилининг 1 сентябригача — йиллик солиқ суммасининг камида 30 фоизини;

ҳисобот йилининг 1 декабригача — солиқнинг қолган суммасини тўлайди.

4. Агар қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари —

---

\* 1998 йил 26 декабрдан кучга кирган.

\*\* 1—3-иловалар берилмайди.



ягона ер солиғи тўловчилар қишлоқ хўжалиғи маҳсулотлари етиштириш ва ўзи ишлаб чиқарган қишлоқ хўжалиғи маҳсулотларини қайта ишлаш билан бирга фаолиятнинг бошқа турлари билан шуғуллансалар улар алоҳида ҳисоб-китоб юритишлари ва фаолиятнинг бошқа турлари бўйича солиқ тўловчиларнинг мазкур тоифаси учун амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган солиқларни тўлашлари шарт.

Ер қишлоқ хўжалиғи товар ишлаб чиқарувчилари томонидан ижарага берилган тақдирда ижарага берувчида ижарага берилган ер бўйича ягона ер солиғи тўлаш мажбурияти сақланиб қолади.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиғи ва Давлат солиқ қўмитаси бир ҳафта муддатда Ягона ер солиғини ҳисоблаб чиқиш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномани ишлаб чиқсинлар ва белгиланган тартибда тасдиқласинлар.

6. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари давлат қўмитаси суғориладиган ерларда тупроқ карталарига тузатиш киритиш, тупроқ бонитировкасини аниқлаш ва ерни қиймат жиҳатидан баҳолаш бўйича дала ишларини 1999 йилда якунласин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиғи тупроқ карталарига тузатиш киритиш, тупроқ бонитировкасини аниқлаш ва суғориладиган ерларни қиймат жиҳатидан баҳолаш бўйича ишларни Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари давлат қўмитасининг ҳисоб-китобларига мувофиқ маблағ билан таъминласин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Бош вазирнинг ўринбосари Б.С. Ҳамидов зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг**

**Раиси**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
1998 йил 26 декабрь,  
539-сон

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ДАВЛАТ ЕР КАДАСТРИНИ ЮРИТИШ ТЎҒРИСИДА\*

Ўзбекистон Республикасининг Ер кодексига, «Давлат ер кадастри тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасида давлат ер кадастри юритилишини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилди:**

1. Куйидагилар:

Ўзбекистон Республикасида давлат ер кадастрини юритиш тартиби тўғрисида низом 1-иловага мувофиқ;

1999 йилда Ўзбекистон Республикаси минтақалари бўйича ерлар сифатини баҳолаш (тупроқ бонитетини аниқлаш) бўйича ишларни амалга ошириш жадвали 2-иловага\*\* мувофиқ;

Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг давлат рўйхатига олинганлиги тўғрисида гувоҳнома намунаси 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Туманлар ва шаҳарларда бинолар ва иншоотлар давлат кадастрини юритиш Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг туманлар (шаҳарлар) ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимларига юклансин.

3. *ўз кучини йўқотган.*

4. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари давлат қўмитаси, «Ўзгеодезкадастр» бош бошқармаси, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар уч ой муддатда ер кадастри кўрсаткичлари таркибини, тизимини ҳамда ер кадастри ҳужжатларининг ҳисобот шаклларини ишлаб чиқсинлар, Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги эса тасдиқласин.

5. Ер ресурслари давлат қўмитаси ва «Ўзгеодезкадастр» бош бошқармаси:

давлат ер кадастрини юритишнинг илмий тамойиллари ва услубиятини Давлат кадастрлари ягона тизимини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқишни ташкил этсинлар;

---

\* 1998 йил 31 декабрдан кучга кирган.

\*\* 2-илова берилмайди.

ер кадастрига доир ахборотларни манфаатдор юридик ва жисмоний шахсларга бериш тартибини белгиласинлар;

1999 йилдан бошлаб ерларни харитага олиш, рўйхатдан ўтказиш, ҳисобга олиш ва баҳолашнинг замонавий технологияларига ўтишни таъминласинлар;

республикада ерга доир ахборотларнинг автоматлаштирилган тизими (ЕААТ)ни босқичма-босқич яратишга киришсинлар;

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда кадастр ишлари учун кадрлар тайёрлашни таъминласинлар.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги давлат ер кадастрини юритишга доир ишларни бюджет кўрсаткичларида назарда тутилган ҳажмларда давлат бюджети маблағлари ҳисобига ўз вақтида маблағ билан таъминласин.

7. *Ўз кучини йўқотган.*

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ў.Т. Султонов ва Бош вазир ўринбосари Б.М. Олимжонов зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг**

**Раиси**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
1998 йил 31 декабрь,  
543-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
1998 йил 31 декабрдаги 543-сон қарорига  
1-ИЛОВА

## **Давлат ер кадастрини юритиш тартиби тўғрисида НИЗОМ**

### **І. Умумий қоидалар**

1. Давлат ер кадастри ер участкаларига бўлган ҳуқуқлар кафолатлигини таъминлаш, ерларни ҳисобга олиш ва баҳолаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг Ер кодексига, «Давлат ер кадастри тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ юритилади.

2. Давлат ер кадастри ерларнинг табиий, ҳужалик ва ҳуқуқий режими, тоифалари, сифат хусусиятлари ва қиммати, ер участкаларининг ўрни ва ўлчамлари, уларнинг ер эгалари, ердан фойдаланувчилар, ижарачилар ва мулкдорлар ўртасидаги тақсимо-

ти тўғрисидаги маълумотлар ва ҳужжатлар тизимидан иборат-дир.

3. Ўзбекистон Республикасининг ер фонди давлат ер кадастри объекти ҳисобланади.

4. Ернинг табиий хоссаларини, ҳуқуқий ҳолатини ва ундан фойдаланишни ҳар томонлама ўрганиш ва баҳолаш давлат ер кадастрининг мавзуси ҳисобланади.

5. Ер кадастри ахборотини ишлаб чиқиш технологиясини доимий равишда такомиллаштириш, тизимлаштириш, сақлаш, янгилаш ва фойдаланувчиларга ишончли ва тежамли ер кадастри ахбороти бериш давлат ер кадастрининг асосий вазифалари ҳисобланади.

Давлат ер кадастрини юритиш аэрокосмик суратга олиш, топографик-геодезик, картографик, тупроқ, агрокимёвий, геоботаник тадқиқотлар ва бошқа тадқиқотлар ва изланишлар олиб бориш, ерларнинг миқдор ва сифат жиҳатидан ҳисобга олиниши ва баҳоланиши, юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкаларига бўлган ҳуқуқларини давлат рўйхатидан ўтказиш билан таъминланади.

6. Давлат ер кадастри ер муносабатларини тартибга солиш мақсадида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларини, манфатдор юридик ва жисмоний шахсларни ер тўғрисидаги ахборот билан таъминлаш, ердан оқилона фойдаланишни, қайта тиклаш ва муҳофаза қилишни, ер тузилишини ташкил этиш, ер учун ҳақ тўлаш миқдорларини асослаш, ҳужалик фаолиятини баҳолаш учун мўлжалланган.

7. Қўйидагилар давлат ер кадастрининг таркибий қисмлари ҳисобланади:

ер участкаларига бўлган мулк ҳуқуқини, ер участкаларига эгалик қилиш, улардан фойдаланиш, ижарага олиш ҳуқуқларини, сервитутларни ҳамда бу ҳуқуқларга доир бошқа чеклашларни давлат рўйхатидан ўтказиш;

ер миқдорини ҳисобга олиш;

ер сифатини ҳисобга олиш (тупроқ бонитетини аниқлаш);

ерни қиймат жиҳатидан баҳолаш.

8. Қўйидагилар давлат ер кадастрини юритишнинг асосий тамойиллари ҳисобланади:

республиканинг бутун ҳудудини қамраб олиш;

фазовий координатларнинг ягона тизимини қўллаш;

ер кадастрига доир ахборот ишлаб чиқилиши услубиётининг бирлиги ва узлуксизлиги;

ер кадастри ахборотининг ишончилиги ва тежамлилиги.

9. Давлат ер кадастри маълумотлари асосий (дастлабки) ва жорий маълумотларга бўлинади. Дастлабки рўйхатдан ўтказиш вақтида олинган маълумотлар ва давлат ер кадастрининг дастлабки маълумотларини тузиш асосий ахборот ҳисобланади.

Давлат ер кадастри маълумотларини қайта рўйхатдан ўтказиш ва (ёки) ўзгартириш жараёнида олинган маълумотлар жорий ахборот ҳисобланади.

10. Давлат ер кадастри Давлат кадастрларининг ягона тизими, бошқа кадастр тизимлари ва мониторингларини яратиш ва юритиш учун фазовий-ҳуқуқий асос ҳисобланади.

11. Ер кадастри ахборотидан ер муносабатларини тартибга солишда, ердан фойдаланиш билан боғлиқ ижтимоий, иқтисодий ва экологик вазифаларни ҳал этишда фойдаланилиши керак.

12. Давлат ер кадастрини юритиш ишлари давлат бюджети-дан, шунингдек ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатига олганлик учун ундириладиган маблағлар ва бошқа манба-лар ҳисобидан маблағ билан таъминланади.

## **II. Давлат ер кадастрининг мазмуни**

13. Қўйидагилар давлат ер кадастрининг мазмунини ташкил этади: ер участкаларига бўлган мулк ҳуқуқини давлат рўйхати-дан ўтказиш, ер миқдори ва сифатини ҳисобга олиш (тупрок бонитетини аниқлаш), ерни қиймат жиҳатидан баҳолаш, шунинг-дек ер кадастри ахборотини тизимлаштириш, сақлаш, янгилаш ва манфаатдор шахсларга тегишли шакллар ва ҳажмларда бе-риш.

14. Мулк ҳуқуқи субъектини, ер участкаларига эгалик қилиш ва фойдаланишни белгиловчи, ер участкасига бўлган ҳуқуқлар кафолатланишини таъминловчи, ерни ҳисобга олиш ва баҳолаш учун асос яратувчи ерни рўйхатдан ўтказишга доир ахборот ер кадастри ахборотининг асосий, дастлабки таркибий қисми ҳисоб-ланади.

Дастлабки рўйхатдан ўтказиш ахборотини шакллантириш пайтида ишларни ўтказиш пайтигача тегишли ҳужжатларни рас-мийлаштириш билан боғлиқ ҳолда пайдо бўлувчи ер участкала-рига бўлган ҳуқуқлар чегаралари белгиланади ва рўйхатдан ўтка-зилади (қайта рўйхатдан ўтказилади).

15. Ер участкаларига бўлган мулк ҳуқуқи бундай ҳуқуққа оид давлат ордери, олди-сотди шартномалари ва ер участкалари-

га мулк ҳуқуқи юзага келиши учун асос бўладиган, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳады этилганлиги, алмаштирилганлиги тўғрисидаги битимлар ва бошқа ҳужжатлар асосида тартибга солинади.

Ер участкаларига эгалик қилиш ва улардан фойдаланиш ҳуқуқи тегишли органларнинг ер бериш тўғрисидаги қарорлари асосида рўйхатдан ўтказилади.

Ерни ижарага олиш ҳуқуқи ер участкасини ижарага олиш шартномаси асосида рўйхатдан ўтказилади.

Сервитутлар ва мулк ҳуқуқини бошқа чеклашлар, ер участкаларига эгалик қилиш ва улардан фойдаланиш шартномалар, суд қарорлари асосида рўйхатдан ўтказилади.

Ер участкасидан ўзгаларнинг ҳам қисман фойдаланиши мумкинлиги давлат ҳокимияти органларининг қарорлари ёхуд қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар асосида рўйхатдан ўтказилади.

Бинога, иморатга ва иншоотга бўлган мулк ҳуқуқи бошқа шахсга ўтиши натижасида юзага келган ер участкасига эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқи ана шу мулкдорларнинг олди-сотдиси, алмаштирилганлиги, ҳады этилганлиги, васият қилинганлиги тўғрисидаги тегишли шартномалар ва бошқа шартномалар, мулкдорларнинг ёки улар томонидан вакил қилинган органлар ва шахсларнинг қарорлари, шунингдек бинога, иморатга, иншоотга мулк ҳуқуқи ундан бошқага ўтаётган шахснинг ер участкасига тегишли ҳужжатлари (тегишли ҳокимият органларининг қарори билан расмийлаштирилгандан кейин) асосида рўйхатдан ўтказилади.

16. Ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш натурада ер участкалари чегаралари аниқлангандан, расмийлаштиришнинг рўйхатдан ўтказиш йиғими тўлангандан ва ҳужжатлар берилгандан кейин туман (шаҳар) ер кадастри дафтарининг таркибий қисми ҳисобланган ер участкаларига бўлган ҳуқуқлар регистрида амалга оширилади (3-илова).

Ер участкаларига эгалик қилиш, фойдаланиш, ижарага олиш ва мулк ҳуқуқи ўзгага ўтиши пайдо бўлганлиги давлат рўйхатига олинганлиги учун юридик шахслардан энг кам ойлик иш ҳақининг иккидан бир қисми, жисмоний шахслардан эса ўндан бир қисми миқдорида тўлов ундирилади.

Ер участкаларига эгалик қилиш, фойдаланиш, ижарага олиш ва мулк ҳуқуқлари тўхтатилиши давлат рўйхатига олинганлиги,

шунингдек ер участкасини сақлаш вазифалари, сервитутлар ва бу ҳуқуқларга оид бошқа чеклашлар учун тўлов ундирилмайди.

Ер участкасига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатига олишни рад этиш учун қўйидагилар асос ҳисобланади:

давлат рўйхатига олиш органида мазкур ер участкасининг кимга тегишли эканлиги тўғрисида низо борлигидан далолат берувчи ҳужжатларнинг мавжудлиги;

давлат рўйхатига олиш органида мазкур ер участкасининг давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилганлиги тўғрисидаги маълумотларнинг мавжудлиги.

17. Ер участкаларининг натурада чегараларини белгилаш геодезия усуллари билан ёки жойнинг ўзида чегараларнинг бурилиш нуқталарини зарур аниқликда белгилаш ва уларни чегара қозىқлари билан маҳкамлаш йўли билан картография материалдан фойдаланган ҳолда амалга оширилади. Ер участкаларининг умумий майдони талаб қилинадиган аниқликда таҳлилий, график-таҳлилий ёки механик усуллар билан аниқланади.

Ерни рўйхатдан ўтказиш ахбороти автоматлаштирилган ерга доир ахборот тизимига киритилади.

Жорий рўйхатдан ўтказиш ахборотини шакллантиришда рўйхатга олувчи ҳужжатлар мундарижасига мулкдорлар, ер участкалари эгалари ва фойдаланувчиларининг ҳуқуқий ҳолати, шунингдек ернинг майдони, чегаралари, ундан фойдаланиш мақсади ва фойдаланиш режими бўйича юз берган ўзгаришлар тўғрисидаги маълумотлар киритилади.

Натурада қайд этилган ўзгартиришлар, улар ҳужжатлар билан расмийлаштирилгандан кейин, ер кадастри дафтарига ҳамда автоматлаштирилган ерга доир ахборот тизимига киритилади.

18. Ер участкаларининг умумий майдонини ҳисобга олиш асосан геодезия усуллари билан, юқори аниқликни талаб этмайдиган ҳолларда эса картометрик усуллар билан бажарилади.

Экин майдонлари бўйича ер миқдорини ҳисобга олиш бир ва ундан ортиқ контурлардан иборат бўлган асосий ер кадастри бирликлари — ер участкалари доирасида юритилади. Барча тоифадаги экин майдонлари ҳисобга олиниши керак.

Экин майдонлари бўйича ер миқдорини асосий ҳисобга олиш тегишли кўламдаги янгиланган режа-картография асосида картометрик усул билан амалга оширилади.

19. Ер сифатини ҳисобга олиш қўйидагиларни ўз ичига олади: табиий-қишлоқ ҳўжалиги ва ер кадастри бўйича районлаштириш, ер таснифи, уларни экология, технология ва шаҳарсоз-

лик белгилари ва бошқа белгилар бўйича тавсифлаш, тупрок ва ерни гуруҳларга ажратиш.

Ерларнинг ўлчами, жойлашган ўрни, экин майдонлари турлари ва сифат ҳолатига оид қайд этиладиган маълумотлар ерни ҳисобга олиш ахборотини ташкил этади.

20. Маъмурий-худудий даражанинг ошишига қараб ерни ҳисобга олиш ахбороти унинг кўрсаткичларининг қиёсийлигига риоя қилинган ҳолда умумлаштирилади.

21. Ерлар қийматини баҳолаш турли мақсадларга мўлжалланган ерлардан фойдаланиш самарадорлигининг ҳозирги вақтдаги даражасини аниқлаш, келажакда уни ошириш имкониятларини таҳлил қилиш, асослаш, ер солиғи ва бошқа туловларни, унинг норматив баҳосини ҳисоблаб чиқариш, ерларни давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйишда йўл қўйилган нобудгарчилик ва қўрилган зарарларни қоплаш, ерлардан оқилона ва самарали фойдаланишни рағбатлантириш учун амалга оширилади.

Барча тоифадаги ерларни баҳолаш қонунчилик билан белгиланган тартибда натура (ерларнинг ҳар бир тоифаси учун ўзига хос бўлган) ва қиймат кўрсаткичлари тизими ёрдамида амалга оширилади.

Қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги мақсадларидаги ерлар учун ҳам тупроқнинг унумдорлик қуввати — тупроқ бонитети бўйича қиёсий баҳолаш амалга оширилади.

Ерларнинг қиймат баҳосига ва тупроқ бонитетига доир маълумотлар ер баҳосига оид ахборотни ташкил этади.

22. Ерни рўйхатга олиш, ерни ҳисобга олиш ва ерни баҳолашга доир асосий ва жорий ахборотлар ер кадастри ахбороти мажмуини ташкил этади, улар ҳар хил: алфавит — рақам (матн, жадвал, координатлар ва майдонлар рўйхати), график (режа, харита, схемалар), электрон рақам (ЭҲМнинг тезкор хотираси, магнит манбалари) шаклларида қайд этилади.

23. Ҳар бир маъмурий-худудий даражада тақдим этиладиган ер кадастрига доир ҳужжатларнинг таркиби ва шакли «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси томонидан ишлаб чиқилади, Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, Давлат солиқ қўмитаси ва Иқтисодиёт вазирлиги билан келишиб олинади.

24. Ер кадастрига доир маълумотларнинг ишончлилиги учун давлат ер кадастрини юритиш вазифаси юкланган туманлар (шаҳарлар) ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимларининг ваколатли шахслари, шунингдек, ер участкалари эгалари, ердан



фойдаланувчилар, ижарачилар ва ер участкалари мулкдорлари жавоб берадилар.

### III. Давлат ер кадастрини юритиш

25. Туманлар ва шаҳарларда бинолар ва иншоотлар давлат кадастрини юритиш Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг туманлар (шаҳарлар) ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимлари томонидан амалга оширилади.

26. Дастлабки кадастр маълумотлари янгиланаётганда ер участкаларининг ҳуқуқий ҳолатида, ерларнинг сифат ҳолати ва улардан фойдаланишда, уларни баҳолашда юз бераётган ўзгаришлар аниқланади ва рўйхатдан ўтказилади. Ер участкалари мулкдорлари, ер участкалари эгалари, ердан фойдаланувчилар ва ижарачилар давлат ер кадастрини юритиш вазифаси юкланган тегишли хизматларга кўрсатиб ўтилган ўзгаришлар тўғрисида ўн кун муддатда ахборот беришга мажбурдирлар.

27. Туманлар (шаҳарлар) ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимлари:

мулкдорлардан, ер эгаларидан, ердан фойдаланувчилардан ва ижарачилардан ҳуқуқий ҳолатда, ер участкаларининг таркибида ва ер участкаларидан фойдаланишда юз берган ўзгаришлар тўғрисидаги маълумотларни тўплайдилар ва натурада текширилгандан кейин жорий ўзгаришларни уч кун мобайнида ер кадастри ахборотига киритадилар;

туман (шаҳар) ер ресурслари миқдори ва уларнинг сифати тўғрисидаги маълумотлар банкларини тузадилар ва уларни замонавий даражада тутадилар;

ҳар йили 15 январгача Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаларига ерларнинг миқдори ва улардан фойдаланиш тўғрисида ҳисобот тақдим этадилар.

28. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармалари:

туманлар (шаҳарлар) ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимларининг ер кадастрини юритишга доир фаолиятини мувофиқлаштириб борадилар;

туманлар (шаҳарлар) ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимларининг ҳисоботларини умумлаштирадилар, ер участкасига эгаллик ҳуқуқи субъектлари, минтақадаги ер ресурслари миқдори, сифати ва уларни баҳолашга доир маълумотлар банкини ярата-

дилар, Республика ер маълумотлари ягона банкни яратишда қатнашадилар;

ер участкаларига бўлган мулкчилик, уларга эгалик қилиш, улардан фойдаланиш ва ижарага олиш ҳуқуқини, сервитутлар тўғрисидаги битимларни ва ушбу ҳуқуқлар бўйича бошқа чеклашларни рўйхатдан ўтказадилар;

табиатни муҳофаза қилиш органлари билан келишиб олинган минтақа ерларининг миқдори ва улардан фойдаланилиши тўғрисидаги ҳисоботларни ҳар йили 1 февралгача «Ергеодезкадастр» давлат қўмитасига тақдим этадилар.

29. «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси:

давлат ер кадастри юритилишини тартибга солувчи меъёрий ҳужжатларнинг ишлаб чиқилишини таъминлайди;

вилоятлар, шаҳарлар, туманларнинг маъмурий чегараларини, кейинчалик уларнинг майдонларини мувофиқлаштирган ҳолда, геодезик усуллар билан белгилаш ва жойларга бириктириб қўйиш ишларини амалга оширади;

топография-геодезия ишларини ва ерларни тегишли масштабларда харитага олишни ташкил қилади;

ер ресурсларини аэрокосмик усуллар билан ўрганишни ташкил этади;

худудий бўлинмаларнинг ерларнинг миқдори ва улардан фойдаланилиши тўғрисидаги ҳисоботларини ўрганади, таҳлил қилади ва умумлаштиради;

ишлаб чиқилган ер кадастри ахборотлари сифатини назорат қилади;

мутахассислар тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этади;

тупрок, геоботаник ва бошқа турдаги махсус тадқиқотларни, ерларни баҳолашни ташкил этади;

ер кадастри ахборотининг сифати ва ҳар хиллигига талабни мунтазам ўрганиб боради, ер кадастрини юритиш технологиясини такомиллаштиришни таъминлайди;

республика минтақалари бўйича ер кадастри ҳужжатларини янгилаш навбатини ва муддатларини асослаб беради;

автоматлаштирилган ер ахбороти тизимини жорий этишни ва унинг фаолиятини амалга оширади;

ер кадастри ахборотларини нашр этади, манфаатдор вазирликлар ва идораларга маълумотлар тақдим этади;

Давлат кадастрлари ягона тизимига тақдим этиладиган ер

кадастри ахборотлари таркибини, хажмини ва уларга техник талабларни белгилайди;

хар йили 1 мартгача Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига Ер ресурсларининг ҳолати тўғрисида Миллий ҳисоботни тақдим этади».

30. ўз кучини йўқотган.

31. ўз кучини йўқотган.

Вазирлар Маҳкамасининг  
1998 йил 31 декабрдаги 543-сон қарорига  
3-ИЛОВА

### **(Ўзбекистон Республикаси герби)**

### **Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг давлат рўйхатига олинганлиги тўғрисида ГУВОҲНОМА**

Серияси 00

Тартиб рақами 000000

Мазкур гувоҳнома \_\_\_\_\_ га  
(юридик ёки жисмоний шахснинг номи)

\_\_\_\_\_ (ер участкасининг жойлашган жойи)

\_\_\_\_\_ манзилда жойлашган  
\_\_\_\_\_ майдонли ер \_\_\_\_\_  
участкаси \_\_\_\_\_

(ҳуқуқ тури)

\_\_\_\_\_ ҳуқуқи билан унга тегишли эканлиги  
ҳақида берилди ва ер участкасига \_\_\_\_\_  
кадастр номери берилди.

Бу тўғрисида \_\_\_\_\_ асосида  
(ҳужжатлар номи)

\_\_\_\_\_ -сон билан \_\_\_\_\_  
(туман, шаҳар)

ер участкасига бўлган ҳуқуқни рўйхатга олиш регистрига  
тегишлича ёзиб қўйилди.

Рўйхатга олувчи \_\_\_\_\_

М. Ў.

19\_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ЕР МОНИТОРИНГИ ТЎҒРИСИДА НИЗОМНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА\*

Ер фондидаги ўзгаришларни ўз вақтида аниқлаш учун унинг ҳолатини кузатиб бориш, ерларга баҳо бериш, салбий жараёнларнинг олдини олиш ва оқибатларини тугатиш, давлат ер кадастри юритилишини, ердан фойдаланишни, ер тузишни, ер фондидан белгиланган мақсадда ва оқилона фойдаланиш, ерларни муҳофаза қилиш устидан давлат назорати амалга оширилишини ахборот билан таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикасида Ер мониторинги тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги 2001 йилда ва ундан кейинги йилларда давлат бюджетидан Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси томонидан ер мониторингини амалга ошириш харажатларини қоплаш учун зарур маблағлар ажратишни назарда тутсинлар.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Т. Холтоев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Бош вазири**

**Ў. СУЛТОНОВ**

Тошкент ш.,  
2000 йил 23 декабрь,  
496-сон

---

\* 2000 йил 23 декабрдан кучга кирган.

**Ўзбекистон Республикасида  
Ер мониторинги тўғрисида  
НИЗОМ**

1. Ер мониторинги ер фондидаги ўзгаришларни ўз вақтида аниқлаш, ерларга баҳо бериш, салбий жараёнларнинг олдини олиш ва оқибатларини тугатиш мақсадида унинг ҳолатини кузатиб бориш тизимидан иборат.

2. Ўзбекистон Республикасининг барча ерлари, уларнинг ҳуқуқий режими, фойдаланилиш мақсади ва характеридан қатъи назар, мониторинг объекти ҳисобланади.

3. Мониторинг ерлардан фойдаланиш мақсадини ҳисобга олган ҳолда олиб борилади ва ер фонди тоифаларига мувофиқ бўлган қуйидаги кичик тизимларга бўлинади:

қишлоқ хўжалиги мақсадидаги ерлар мониторинги;

аҳоли пунктлари ерлари мониторинги;

саноат, транспорт, алоқа, муҳофаа ва бошқа мақсадлардаги ерлар мониторинги;

табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш, рекреацион мақсадлардаги ерлар мониторинги;

тарихий-маданий мақсадлардаги ерлар мониторинги;

ўрмон фонди ерлари мониторинги;

сув фонди ерлари мониторинги;

захира ерлар мониторинги.

4. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси ер мониторингининг асосий вазифалари ҳисобланади:

ер фонди ҳолати ўзгаришларини ўз вақтида аниқлаш устидан кузатишлар тизимини ташкил этиш ва амалга ошириш, уларни баҳолаш, салбий жараёнларни прогнозлаш ҳамда уларнинг олдини олиш ва бартараф этиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

давлат ер кадастри юритилишини, ердан фойдаланишни, ер тузишни, ер фондидан мақсадли ва оқилона фойдаланиш, ерларни муҳофаза қилиш ва ер ресурсларини давлат томонидан бошқаришга доир бошқа функциялар устидан давлат назоратини ахборот билан таъминлаш.

5. Ҳудудий қамраб олинишига кўра ерларнинг республика, минтақавий ва маҳаллий мониторинги амалга оширилади.

Республика мониторинги Ўзбекистон Республикасининг бутун худудини қамраб олади.

Минтақавий мониторинг физик-географик, маъмурий ва бошқа чегаралар билан чегараланган худудларни қамраб олади.

Маҳаллий мониторинг алоҳида ер участкалари ва манзара-экология комплексларини қамраб олади.

6. Ер мониторинги мазмуни ер фонди ҳолатини махсус ташкил этилган мунтазам кузатишлар (суратга олиш, текшириш ва кидирув)дан, қуйидагилар ўзгаришларини аниқлаш, баҳолаш ва прогнозлашдан иборат бўлади:

ерга эгалик қилиш, ердан фойдаланиш, экинзорлар, далалар, участкалар, манзара-экология комплексларининг ҳолати;

ерлар унумдорлигининг ўзгаришига, уларнинг таназзули ва деструкцияси (аридизация ва чўлланиши, сув, ирригация ва шамол эрозияси, чиринди микдори ўзгариши, тупроқ таркибининг ўзгариши, оҳаклилиги, бегона ўт босганлиги, шўрланганлиги, қишлоқ хўжалиги ерларининг ўт босганлиги, ерларнинг пестицидлар, оғир металллар, радионуклидлар ва бошқа токсик моддалар, саноат, маиший ва бошқа чиқиндилар билан ифлосланиши)га таъсир қилувчи жараёнлар (омиллар);

табiiй озуқабоп ўтлар қоплами ҳолатининг ўзгариши (ўсимликлар таркиби, тузилиши, ҳосилдорлиги, сифати ва тўйимлигининг ўзгариши) билан боғлиқ жараёнлар;

дарёлар қирғоқларининг, Орол денгизи, қўллар, сув омборлари, ирригация ва гидротехника иншоотларининг ҳолати;

жарликлар ва ўпқонлар, ўпирилишлар, сел оқимлари, зилзилалар, сув тошқинлари, «дегишлар», карст, ер чуқиши, бошқа экзоген ва эндоген жараёнлар ва антропогенноген ходисалар туфайли пайдо бўлган жараёнлар;

аҳоли яшаш жойлари, нефть ва газ қазиб олиш, тозалаш иншоотлари, гўнғхоналар, ахлатхоналар, ёнилғи-мойлаш материаллари, ўғитлар, захарли химикатлар омборлари, токсик саноат чиқиндилари ва радиоактив материаллар кўмилган жойлар, шунингдек бошқа саноат объектлари ерларининг ҳолати.

7. Ерларнинг ҳолати ўзгаришларнинг йўналиши ва жадаллигига оид бир қанча изчил кузатишларни (даврий, мавсумий, суткалик) таҳлил қилиш, олинган кўрсаткичларни ерларнинг сифат ҳолати нормативлари билан таққослаш орқали баҳоланади. Ер ҳолатини баҳолаш кўрсаткичлари муайян давр ёки сана учун ҳам абсолют, ҳам нисбий кўрсаткичларда (ўлчов бирлигида) ифодланади.

8. Ерлар ҳолатини баҳолаш натижаларига кўра тезкор маълумотлар, ахборотлар, прогнозлар ва тавсияномалар тузилади, уларга ўзгаришлар, айниқса салбий ўзгаришларнинг динамикасини, уларнинг йўналишини ва жадаллигини тавсифловчи мавзули хариталар, картограммалар, жадваллар ва диаграммалар илова қилинади.

9. Ер мониторинги Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Гидрометеорология хизмати маркази, Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси, Ўзбекистон Республикасининг бошқа манфаатдор вазирликлари ва идоралари иштирокида амалга оширилади.

Вазирликлар ва идораларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш, ер мониторинги маълумотларини умумлаштириш Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси томонидан амалга оширилади.

10. Ер мониторинги Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси томонидан манфаатдор вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар иштирокида ишлаб чиқиладиган ва тасдиқланадиган ягона услуб бўйича олиб борилади, бу услуб ерларнинг ҳолатини, тезкор ва мунтазам кузатиш ишларини амалга оширувчи, тадқиқотлар, текширишлар ўтказувчи ёки хариталовчи барча корхоналар ва ташкилотлар учун мажбурий ҳисобланади.

11. Идоравий мансублигидан ва мулкчилик шаклларида қатъи назар, ерларни мавзули хариталовчи ва уларнинг ҳолатини кузатувчи корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимларига уларнинг ваколатлари доирасида ерларнинг миқдори ва сифати бўйича ҳолати тўғрисидаги маълумотларни ер мониторинги ва давлат ер кадастри бўйича ахборотлар (ҳисоботлар)га киритиш учун кўрсатилган ишлар бўйича материалларнинг нусхаларини текин берадилар.

Ўз навбатида ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимлари ҳам ерларни мавзули хариталовчи ва уларнинг ҳолатини кузатувчи корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга уларнинг сўровига биноан зарур материалларни текин берадилар.

12. Ер мониторинги ягона классификаторлар, кодлар, метрик

бирлик тизими, маълумотларнинг стандарт форматлари ва меърий-техник база, координатлар ва баландликлар давлат тизими-га асосланган турли хил маълумотларнинг бир-бирига мослиги принципига риоя қилган ҳолда амалга оширилади.

13. Ер мониторингини ўтказишда зарур ахборотларни олиш учун қуйидагилар қўлланилади:

масофадан туриб зондлаш (аэрокосмик суратга олиш ва кузатишлар);

ерда суратга олиш ва кузатиш;

фонд материаллари.

14. Муддатлари ва даврийлигига кўра ерларнинг ҳолатини урта гуруҳда кузатишлар амалга оширилади:

базавий (ер мониторингини юритишнинг дастлабки босқичида кузатиш объектларининг ҳақиқий ҳолатини қайд этувчи бошланғич) кузатишлар;

даврий (йиллик ва табиий тусдаги даврлар бўйича) кузатишлар;

тезкор (жорий ўзгаришларни қайд қилувчи), бир йилдан кам оралиқ даврда мунтазам ёки бир йўла бажариладиган кузатишлар.

15. Экин майдонлари, далалар, участкалар, манзара-экология комплекслари ҳолатини бевосита кузатишда олинган базавий (бошланғич) маълумотлар туманлар, шаҳарлар, қўрғонлар, вилоятлар, Қорақалпоғистон Республикаси ва умуман Ўзбекистон Республикаси бўйича, шунингдек алоҳида табиий комплекслар бўйича умумлаштирилади.

16. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ерларнинг базавий ва даврий мониторинги — Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармалари томонидан юритилади.

17. Ерларнинг тезкор (навбатчи) мониторинги туманлар ва шаҳарлардаги базавий ва даврий мониторинг маълумотларидан фойдаланган ҳолда — туманлар (шаҳарлар) ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимлари томонидан юритилади.

18. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармалари Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг ҳудудий органлари билан биргаликда ҳар йили 1 февралдан кечиктирмай маҳаллий давлат ҳокимияти органларига, Ўзбекистон Республикаси «Ер-геодезикадастр» давлат қўмитасига, Давлат табиатни муҳофаза



қилиш кўмитасига минтақадаги ерларнинг ҳолати тўғрисида ахборотлар (ҳисоботлар) тақдим этадилар, ўта хавфли ва йўл қўйи-лиши чекланган жараёнлар аниқланганда тезкор маълумотлар юборадилар.

19. Корхоналар, ташкилотлар, муассасалар ва жисмоний шахслар ер мониторинги маълумотларидан белгиланган тартибда ҳақ тўлаган ҳолда фойдаланадилар.

20. Ер мониторингини юритиш бўйича ишлар давлат бюджети маблағлари ҳисобига амалга оширилади.

Ер мониторинги бўйича давлатлараро ва халқаро дастурларни маблағ билан таъминлаш Ўзбекистон Республикасининг бошқа давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан тузадиган битимлари ва шартномаларида белгиланадиган тартибда амалга оширилади.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХУДУДЛАРИНИ КАДАСТР БЎЙИЧА БЎЛИШ ҲАМДА ЕР УЧАСТКА- ЛАРИ, БИНОЛАР ВА ИНШООТЛАРНИНГ КАДАСТР РАҚАМЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА\*

*(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами,  
2001 йил, 22—24-сон, 161-модда; 2004 йил, 42-сон, 46-модда)*

Ер участкалари, бинолар ва иншоотларни ҳисобга олиш ҳамда уларга эгалик қилиш ҳуқуқини давлат рўйхатидан ўтказиш тизимини такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси ҳудудларини кадастр бўйича бўлиш ҳамда ер участкалари, бинолар ва иншоотларнинг кадастр рақамларини шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 21 январдаги 35-сон қарори билан тасдиқланган схема бўйича берилган кадастр рақамлари ҳақиқий деб ҳисобланади ва кўчмас мулк бўйича операцияларнинг амалга оширилишига кўра янги рақамлар билан алмаштириб борилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Жисмоний шахсларга мулк ҳуқуқида тегишли бўлган бинолар ва иншоотлар бўйича рўйхатга олиш баҳолаш ишларини амалга ошириш тўғрисида» 1998 йил 21 январдаги 35-сон қарорининг 1-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари В.Ю. Атаев ва Т. Холтоев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**Ў. СУЛТОНОВ**

Тошкент ш.,  
2001 йил 31 декабрь,  
492-сон

---

\* 2001 йил 31 декабрдан кучга кирган.

**Ўзбекистон Республикаси ҳудудларини кадастр  
бўйича бўлиш ҳамда ер участкалари, бинолар ва  
иншоотларнинг кадастр рақамларини шакллантириш  
тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси ҳудудларини кадастр бўйича бўлиш ҳамда ер участкалари, бинолар ва иншоотларга эгаллик қилиш ҳуқуқини давлат рўйхатидан ўтказишда уларга кадастр рақамларини шакллантириш ва бериш тартибини белгилайди.

**1. Ўзбекистон Республикаси ҳудудларини кадастр  
бўйича бўлиш таркиби ва принциплари**

1. Ўзбекистон Республикаси ҳудудларини кадастр бўйича бўлиш кўчмас мулкни ҳисобга олишнинг ягона тизимини яратиш ҳамда ер участкалари, бинолар ва иншоотларга кадастр рақамлари бериш мақсадида амалга оширилади.

Кадастр бўйича бўлиш ва кадастр рақами бериш тизими кўчмас мулкни ҳисобга олишнинг ягона тизимида ҳар қандай ер участкалари, бинолар ва иншоотларни бир хилда идентификациялашни таъминлаши керак.

2. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туманлар, вилоятга бўйсунувчи шаҳарлар, кадастр зоналари, кадастр массивлари, кадастр мавзелари, ер участкалари Ўзбекистон Республикаси ҳудудларини кадастр бўйича бўлиш бирликлари ҳисобланади.

3. Минтақалар, туманлар ва вилоятга бўйсунувчи шаҳарлар даражасида кадастр бўйича бўлиш чегаралари маъмурий бўлиниш чегараларига тўғри келади. Тегишли равишда маъмурий туман (вилоятга бўйсунувчи шаҳар) ҳудуди кадастр зоналарига бўлинади.

Маъмурий туман ҳудудини бўлишда қишлоқлар, овуллар ва туманга бўйсунувчи шаҳарлар (шаҳарчалар); вилоятга бўйсунувчи шаҳарлар ҳудудини бўлишда шаҳар туманлари (мавжуд бўлса) ёки турли (табiiй, иморатнинг қурилиши хусусияти, фойдаланиш мақсади каби) белгилари бўйича ажралиб турадиган шаҳарлар қисмлари, масалан: саноат зонаси, турар жой массивлари,

бор ва дам олиш зоналари кабилар кадастр зоналари сифатида қабул қилинади.

Кадастр зоналари чегаралари кадастр массивларининг ташқи чегаралари тегишли геодезия координатларига эга бўлган чегара бурилишининг биркитилган нуқталари бўйлаб ёки табиий чегаралар (дарёлар, темир йўллар, магистрал каналлар, коллекторлар, бошқа мунтазам объектлар) бўйлаб ўтиши керак. Кадастр зоналари маъмурий туман ёки шаҳар ҳудудини узилишларсиз ва кесиб ўтишувларсиз қоплаши керак.

4. Кадастр зонаси ҳудуди кадастр массивларига бўлинади.

Қишлоқ, овул кадастр зонаси ҳисобланган ҳолларда қишлоқ аҳоли пунктлари, қишлоқ хўжалиги мақсадидаги ва бошқа мақсаддаги ер массивлари кадастр массивлари сифатида қабул қилинади.

Туман бўйсунушидаги шаҳар (шаҳарча), шаҳар тумани ёки шаҳарнинг бир қисми кадастр зонаси ҳисобланган ҳолларда маҳалла кадастр массивлари сифатида қабул қилинади, бунда кадастр массивлари чегараси кадастр мавзеларининг ташқи чегаралари бўйлаб ўтиши ва аҳоли пунктларининг кўчалари ёки ташқи чегаралари билан мос келиши керак. Кадастр массивлари кадастр зонаси ҳудудини узилишларсиз ва кесиб ўтишувларсиз қоплаши керак.

5. Кадастр массиви ҳудуди кадастр мавзеларига бўлинади.

Қишлоқ аҳоли пункти ёки маҳалла кадастр массиви ҳисобланган ҳолларда шаклланган режалаштириш, иморатларнинг қизил чизиқлари, мавжуд мунтазам объектлар (кўчалар, йўллар, дарёлар, сув оқимлари, кўтарма кўприклар ва бошқалар), бошқа табиий чегаралар ҳисобга олинган ҳолда ҳар хил белгилар (табиий, иморатнинг қурилиши хусусияти, фойдаланиш мақсади ва ҳоказолар) бўйича ажралиб турадиган ер участкаларининг жами сифатида қабул қилинади.

Қишлоқ хўжалиги мақсадидаги ва бошқа мақсаддаги ер массиви кадастр массиви ҳисобланган ҳолларда бордорчилик-узумчилик ёки полизчилик ширкати, қишлоқ хўжалиги корхонаси ёки бошқа корхона ва йирик объектлар кадастр мавзеси сифатида қабул қилинади.

Кадастр мавзелари кадастр массиви ҳудудини узилишларсиз ва кесиб ўтишувларсиз қоплаши керак.

6. Ер участкалари кадастр бўйича бўлишнинг ва ажратиш тартибида ажратилган ерни ҳисобга олишнинг бирламчи бирлиги ҳисобланади.

Муайян юридик ва жисмоний шахсларга бириктирилмаган умумий фойдаланиладиган кўчалар, майдонлар, кўкаламзорлаштирилган зоналар, ёдгорлик комплекслари, қабристонлар, шаҳар ахлатхоналари, шаҳар қурилиши учун ажратиладиган захира ерлар ва бошқа ерларга бўлинадиган кадастр бўйича ҳисобга олиш участкалари ерни кадастр бўйича бўлиш ва ҳисобга олиш бирлиги ҳисобланади.

7. Худудларни кадастр бўйича бўлиш Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармалари томонидан амалга оширилади.

8. Кадастр бўйича бўлиш материаллари Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан тасдиқланади.

## **II. Ер участкаси, бино, иншоот кадастр рақамининг таркиби ва уларни шакллантириш тартиби**

9. Ер участкалари, бинолар ва иншоотларни Ўзбекистон Республикасида идентификациялаш тизими ягона принцип бўйича қурилади, унга ер участкасининг кадастр рақами асос қилиб олинган.

Кадастр рақами ер участкаси, бино, иншоотга тегишли Ўзбекистон Республикаси ҳудудида такрорланмайдиган рақамдир, у қонун ҳужжатлари билан белгиланган тартибда уни шакллантиришда берилади ва у рўйхатдан ўтказилган ҳуқуқнинг ягона объекти сифатида мавжуд бўлгунига қадар сақланиб қолади.

10. Кадастр бўйича рақамлаш тизими ер участкалари, бинолар ва иншоотларнинг кадастр рақамларини идентификациялаш ва ҳисобга олишнинг ягона тизимига интеграция қилинади.

11. Қўйидагилар ер участкаси, бино, иншоот кадастр рақамининг мажбурий элементларини ташкил этади:

минтақа (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри)нинг рақами;

минтақа таркибидаги маъмурий туман ёки вилоят бўйсунishiдаги шаҳарнинг рақами;

кадастр зонаси рақами;

кадастр массиви рақами;

кадастр мавзеси рақами;

ер участкаси рақами;

бино, иншоотнинг рақами;

бино, иншоот бир қисмининг рақами.

12. Кадастр рақами қўйидаги тузилмага эга:

## **AA : BB : CC : DD : EE : FFFF : GGGG : ННН, бунда:**

AA — минтақанинг рақами (коди)ни билдирувчи икки разрядли ўнли сон;

BB — минтақа таркибидаги маъмурий-худудий тузилма (маъмурий туман, вилоят бўйсунлишидаги шаҳар)нинг рақами (коди)ни билдирувчи икки разрядли ўнли сон;

CC — кадастр зонаси рақами (коди)ни билдирувчи икки разрядли ўнли сон;

DD — кадастр зонаси доирасида кадастр массиви рақами (коди)ни билдирувчи икки разрядли ўнли сон;

EE — кадастр массиви доирасида кадастр мавзеси рақами (коди)ни билдирувчи икки разрядли ўнли сон;

FFFF — кадастр мавзеси доирасида ер участкаси рақами (коди)ни билдирувчи тўрт разрядли ўнли сон;

GGGG — ер участкаси доирасида бино, иншоот рақами (коди)ни билдирувчи тўрт разрядли ўнли сон;

ННН — бино, иншоотлар бир қисми рақами (коди)ни билдирувчи уч разрядли ўнли сон.

13. Кадастр зоналари, массивлари ва мавзеларини кадастр бўйича бўлиш ва шакллантириш вақтида уларнинг чегаралари, одатда, шаҳарлар, шаҳар туманлари, қишлоқлар, овулларнинг маъмурий чегараларига тўғри келади. Кейинчалик, маъмурий чегаралар ўзгарганда, кадастр бўйича бўлиниш схемасига тегишли ўзгартиришлар киритилади.

14. Ер участкасининг кадастр рақамини шакллантириш ер участкаси кўчмас мулк объекти сифатида шакллантирилган ва унинг чегаралари туман (шаҳар) навбатчи индексли кадастр харитаси (режаси)га киритилганидан кейин бошланади.

15. Ер участкаларига, бинолар ва иншоотларга, биноларнинг, иншоотларнинг бир қисмига кадастр рақамлари бериш ушбу объектларга эгалик қилиш ҳуқуқлари давлат рўйхатидан рўйхатдан ўтказиш идоралари томонидан ўтказилган ҳолларда Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат кўмитасининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармалари томонидан амалга оширилади.

16. Бино, иншоотнинг кадастр рақами бинолар ва иншоотларнинг ер участкаси чегарасидаги навбатдаги тартиб рақами сифатида шакллантирилади.

17. Бино, иншоотлар бир қисмининг кадастр рақами асосий

бино, иншоот чегарасидаги навбатдаги тартиб рақами сифатида шакллантирилади.

18. Янгидан суратга олиш (тузатишлар киритиш), рўйхатга олиш, янги кадастр харита (режа)ларини тайёрлаш вақтида ер участкаси, бино ва иншоотнинг (уларнинг бир қисмидан ташқари) кадастр рақамини ташкил этувчи мажбурий элементлари ўзгартирилмайди.

19. Ер участкасига, бино, иншоотга эгалик қилиш ҳуқуқларининг бошқа қонуний ҳуқуқ эгасига ўтиши ва (ёки) ҳуқуқ турининг ўзгаришини давлат рўйхатидан ўтказиш вақтида мазкур ер участкаси, бино, иншоотнинг кадастр рақами ўзгартирилмайди.

Ер участкалари билан, мавжуд чегараларнинг ўзгариши ва янги участка(лар)нинг шакллантирилиши билан боғлиқ равишда мазкур участкани бўлиш ёки унинг бошқа(лари)си билан қўшилиб кетишини келтириб чиқарувчи операцияларни амалга ошириш вақтида уларга белгиланган тартибда янги кадастр рақамлари берилди.

Илгари берилган кадастр рақамлари йўқотилган ҳисобланади ва улардан қайта фойдаланилиши мумкин эмас.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ «ДЕҲҚОН ВА ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЖАМҒАРМАСИ ТўҒРИСИДАГИ НИЗОМНИ ҲАМДА УНИНГ МАБЛАҒЛАРИНИ ЖАМҒАРИШ ВА УЛАРДАН Фойдаланиш тартибини ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА» 1997 йил 25 октябрдаги 486-сон қарорига ЎЗГАРТИРИШЛАР КИРИТИШ ТўҒРИСИДА\*

*(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами,  
2003 йил, 3-сон, 28-модда)*

Деҳқон ва фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағларини тўлароқ шакллантиришни таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 25 октябрдаги 486-сон қарори билан тасдиқланган Деҳқон ва фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш жамғармасининг маблағларини жамғариш ва улардан фойдаланиш Тартиби 5-бандининг тўртинчи, бешинчи, олтинчи ва еттинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Солиқ тўловчи фермер хўжаликлари Жамғармага тўланиши керак бўлган маблағларни ягона ер солиғи тўлаш учун белгиланган тартибда ва муддатларда тўлайдилар. Улар давлат солиқ хизмати органларига тақдим этадиган ягона ер солиғи бўйича ҳисоб-китобларда Жамғармага бадал сифатида тўланиши керак бўлган 2,5 фоиз миқдоридаги маблағлар алоҳида сатрда акс этирилади. Фермер хўжаликлари ягона ер солиғи жами суммасини битта тўлов топшириқномаси билан махсус транзит ҳисоб рақамига ўтказадилар.

Юридик шахс ҳисобланадиган солиқ тўловчи деҳқон хўжаликлари ер солиғини фермер хўжаликлари каби, маблағларни битта тўлов топшириқномаси билан махсус транзит ҳисоб рақамига ўтказган ҳолда тўлайдилар.

Юридик шахс ҳисобланмайдиган солиқ тўловчи деҳқон хўжаликлари ўзлари эгаллаб турган ер участкалари учун ер солиғини ва Жамғармага ажратмаларни давлат солиқ хизмати органла-

---

\* 2003 йил 13 февралдан кучга кирган.



ри томонидан, махсус транзит ҳисоб рақами кўрсатилган ҳолда ёзиладиган тўлов билдиришномалари асосида тўлайдилар.

Махсус транзит ҳисоб рақамига тушган ер солиғи ва ягона ер солиғи суммасининг бир қисми (ер солиғининг 5 фоизи ва ягона ер солиғининг 2,5 фоизи) белгиланган нормаларга мувофиқ Жамғарманинг тегишли ҳисоб рақамларига ўтказилади».

2. Деҳқон хўжаликларидан ундириладиган ер солиғи ҳамда фермер хўжаликларидан ундириладиган ягона ер солиғи тушумларидан Деҳқон ва фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш жамғармасига ажратмаларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги Низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси тегишли равишда деҳқон ва фермер хўжаликлари томонидан тўланадиган ер ва ягона ер солиқларини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартибига тааллуқли норматив ҳужжатларга тегишли ўзгартиришлар киритсинлар.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**Ў. СУЛТОНОВ**

Тошкент ш.,  
2003 йил 13 февраль,  
76-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2003 йил 13 февралдаги 76-сон қарорига  
ИЛОВА

**Деҳқон хўжаликларидан ундириладиган ер солиғи  
ҳамда фермер хўжаликларидан ундириладиган ягона  
ер солиғи тушумларидан Деҳқон ва фермер хўжалик-  
ларини қўллаб-қувватлаш жамғармасига ажратмалар-  
ни амалга ошириш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

## **I. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Деҳқон ва фермер хўжаликларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг мамлакатни озиқ-овқат билан таъминлашдаги ролини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»

1997 йил 18 мартдаги ПФ-1737-сон Фармони 4-бандига мувофиқ ишлаб чиқилган ва деҳқон хўжаликларидан (юридик шахс бўлган ва юридик шахс бўлмаган) ундириладиган ер солиғи тушумларидан ҳамда фермер хўжаликларидан ундириладиган ягона ер солиғи тушумларидан Деҳқон ва фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш жамғармасига (кейинги ўринларда Жамғарма деб аталади) ажратмаларни амалга ошириш тартибини тартибга солади.

2. Ер ва ягона ер солиғини (тўловчилар томонидан) ҳисоблаб чиқариш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибга мувофиқ амалга оширилади.

## **II. Юридик шахс бўлган ва юридик шахс бўлмаган деҳқон хўжаликлари томонидан тўланадиган ер солиғини ўтказиш ва тақсимлаш**

3. Деҳқон хўжаликлари (юридик шахс бўлган ва юридик шахс бўлмаган) томонидан тўланган ер солиғи ҳисоблаб чиқарилган суммада (100%) «Ер ва ягона ер солиқлари бўйича республика бюджети даромадлари»нинг 23409-сон махсус транзит ҳисоб рақамига ушбу солиқлар учун Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан юридик шахслардан қишлоқ хўжалиги ерлари учун (юридик шахс бўлган деҳқон хўжаликлари учун) ва жисмоний шахслардан (юридик шахс бўлмаган деҳқон хўжаликлари учун) ер солиғи тўлаш учун Давлат бюджети даромадлари бюджет классификациясига мувофиқ алоҳида белгиланадиган тегишли бўлимлар ва параграфларга мувофиқ бўлган шартли ҳисоб рақамлари билан ўтказилади.

4. Деҳқон хўжаликлари (юридик шахс бўлган ва юридик шахс бўлмаган) томонидан ер солиғи тўловидан 23409-сон махсус транзит ҳисоб рақамига (тегишли шартли ҳисоб рақамлари билан) тушган маблағнинг 5% миқдоридagi қисми дастурли йўл билан автоматик равишда Жамғарманинг 20205-сон махсус ҳисоб рақамига ўтказилади.

5. Сумманинг ажратилгандан кейин қолган қисми (95 фоизи — ҳисоблашда 100 фоиз деб қабул қилинади) дастурли йўл билан автоматик режимда бўлинади ва 23402-сон баланс ҳисоб рақамига, юридик шахслардан қишлоқ хўжалиги мақсадидаги ерлар учун ундирилган ер солиғи тушумларини ҳисоблаш учун жорий этилган бўлим ва параграфга мувофиқ бўлган шартли ҳисоб рақами билан ёзиб қўйиш ва кейинчалик ҳар йилги тасдиқлана-

диган ажратмалар нормативларига биноан тегишли бюджетлар ҳисоб рақамларига ажратиш учун ўтказилади.

### **III. Фермер хўжаликлари томонидан тўланадиган ягона ер солиғини ўтказиш ва тақсимлаш**

6. Фермер хўжаликлари томонидан тўланган ягона ер солиғи ҳисоблаб чиқарилган суммада (100%) «Ер ва ягона ер солиқлари бўйича республика бюджети даромадлари»нинг 23409-сон махсус транзит ҳисоб рақамига, юридик шахслардан қишлоқ хўжалиғи ерлари учун ундириладиган ягона ер солиғи тушумларини ҳисобга олиш учун жорий этилган Давлат бюджети даромадлари бюджет классификацияси бўлими ва параграфига мувофиқ бўлган шартли ҳисоб рақами билан ўтказилади.

7. Фермер хўжаликлари томонидан ягона ер солиғи тўловидан 23409-сон махсус транзит ҳисоб рақамига (тегишли шартли ҳисоб рақамлари билан) тушган маблағнинг 2,5% миқдордаги қисми дастурли йўл билан автоматик режимда Жамғарманинг 20205-сон махсус ҳисоб рақамига ўтказилади.

Фермер хўжалиқларига уларнинг ягона ер солиғини траншлар бўйича тўлаши учун маблағлар суммасини йўналтириш ҳам худди шундай тартибда амалга оширилади.

8. Сумманинг ажратилгандан кейин қолган қисми (97,5 фоизи — ҳисоблашда 100 фоиз деб қабул қилинади) дастурли йўл билан автоматик режимда бўлинади ва 23402-сон баланс ҳисоб рақамига, юридик шахслардан қишлоқ хўжалиғи мақсадидаги ерлар учун ундирилган ягона ер солиғи тушумларини ҳисоблаш учун жорий этилган бўлим ва параграфга мувофиқ бўлган шартли ҳисоб рақами билан, ёзиб қўйиш ва кейинчалик ҳар йилги тасдиқланадиган ажратмалар нормативларига биноан тегишли бюджетлар ҳисоб рақамларига ажратиш учун ўтказилади.

### **IV. Ҳисобга олиш ва назорат**

9. Республика бюджети даромадига тўланган ер ва ягона ер солиқлари суммасининг тўғри тақсимланиши ва Жамғармага ажратмаларнинг тўғрилигини назорат қилиш жойлардаги тижорат банкларининг тегишли муассасаларига юкланади.

10. Жойлардаги солиқ органлари деҳқон хўжаликлари томонидан тўланадиган ер солиғидан Жамғармага маблағни тўғри ажратиш мақсадида ер солиғи тўлови бўйича тўлов билдиришномалари ва қвитанцияларига «деҳқон хўжалиғи» деб ёзиб қўйишади. Ер солиғи суммаси участка инспекторлари томонидан олин-

ган тақдирда деҳқон хўжаликлари томонидан тўланган ер солиғи суммаси банк муассасасига алоҳида ведомость бўйича топширилади.

11. Солиқ органларининг «1-Н» шакли бўйича ҳар ойдаги ҳисоботларида фақат ер ва ягона ер солиқларининг бўлиниш натижасида 23402-сон баланс ҳисоб рақамига ҳақиқий тушган суммаси акс эттирилади.

12. Жойлардаги молия органлари бухгалтериялари ойлик (шифрли), чораклик ва йиллик ҳисоботларда фақат маҳаллий бюджетлар ҳисоб рақамларига 23402-сон баланс ҳисоб рақамлари орқали ҳақиқий тушган суммани акс эттиришади.

13. Жамғарманинг 20205-сон махсус ҳисоб рақамига тушган ер ва ягона ер солиғи суммаси Жамғарманинг молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳисоботда акс эттирилади.

14. Жамғарма тегишли равишда деҳқон ва фермер хўжаликларидан ундириладиган (5% ва 2,5%) ер солиғи ва ягона ер солиғи тушумларини, кейинчалик ҳисоб-китоб рақамига ўтказиш учун, автоном режимда бўлиш имконини берадиган тижорат банклари учун махсус дастур харажатларини қоплайди.

## **V. Жавобгарлик**

15. Деҳқон ва фермер хўжаликлари томонидан ер ва ягона ер солиқлари белгиланган муддатларда тўланмаган тақдирда солиқ органлари томонидан инкасса топшириқномалари юборилади. Бунда ундириладиган солиқлар (деҳқон хўжаликларидан 5 фоизни ва фермер хўжаликларидан 2,5 фоизни қўшган ҳолда) жами суммасига ёзилган пеня ҳисобга олинади, ушбу суммалар дастурли йўл билан автоматик режимда Жамғарманинг махсус ҳисоб рақамига ўтказиш учун, сўнгра эса тегишли шартли ҳисоб рақамлари билан дастурли йўл билан автоматик режимда 23402-сон ҳисоб рақамига бўлиш учун тегишли шартли ҳисоб рақамлари билан 23409-сон махсус транзит ҳисоб рақамига ўтказилади.

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

## 2004—2006 ЙИЛЛАРДА ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ КОНЦЕПЦИЯСИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА\*

(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами,  
2003 йил, 20-сон, 200-модда; 2004 йил, 33-сон, 370-модда,  
52-сон, 521-модда)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида» 2003 йил 24 мартдаги ПФ-3226-сон, «2004—2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепцияси тўғрисида» 2003 йил 27 октябрдаги ПФ-3342-сон фармонларини бажариш юзасидан ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларнинг асосий шакли сифатида фермер хўжаликларини ташкил этиш ва уларнинг фаолияти учун қулай шарт-шароитлар яратиш, шунингдек қишлоқда бозор инфратузилмасини комплекс ривожлантириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

2004—2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш чора-тадбирлари дастури 1-иловага\*\* мувофиқ;

Зарар кўриб ишлаётган, паст рентабелли ва истиқболсиз ширкат хўжаликларини 2004—2006 йилларда фермер хўжаликларига айлантириш дастури 2-иловага\*\* мувофиқ;

2004—2006 йилларда қишлоқда ишлаб чиқариш ва бозор инфратузилмасини ривожлантириш дастури 3-иловага\*\* мувофиқ маъқуллансин.

2. Қуйидагилар:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликларининг, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2004 йилда 4-иловага\*\* мувофиқ қишлоқ хўжалиги корхоналарини фермер хўжаликларига айлантириш тўғрисидаги;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2004-2005 йил-

---

\* 2003 йил 30 октябрдан кучга кирган.

\*\* 1—4-иловалар берилмайди.

ларда барча фермер хўжаликларининг давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган пахта хом ашёси ва ғалла етиштириш харажатларини уларга хизмат кўрсатувчи тижорат банклари орқали тўғридан-тўғри имтиёзли кредитлаш механизмига ўтиш тўғрисидаги 5-иловага\* мувофиқ таклифи қабул қилинсин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси билан биргаликда:

маҳаллий шароитларни ҳисобга олган ҳолда ҳар бир вилоят ва туман учун 2004—2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепциясининг асосий қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тизимини ишлаб чиқсинлар, қишлоқ хўжалиги корхоналарини қайта ташкил этиш натижасида бўшаб қоладиган ходимларни ишга жойлаштириш бўйича комплекс чора-тадбирларни рўёбга чиқаришга алоҳида эътибор берсинлар;

маҳаллий хусусиятлардан ва меҳнат ресурслари мавжудлигидан келиб чиққан ҳолда, мазкур қарорга 3-иловада белгиланган параметрларга мувофиқ қишлоқда ишлаб чиқариш ва бозор инфратузилмаси объектларини жадал ривожлантириш чора-тадбирларини кўрсинлар;

қишлоқ хўжалиги корхоналарини фермер хўжаликларига айлантиришнинг доимий мониторингини олиб борсинлар.

4. Қуйидагилар:

Фермер хўжалигининг намунавий устави 6-иловага мувофиқ;  
Ер участкаларини фермер хўжаликларига узоқ муддатли ижарага бериш тартиби тўғрисидаги низом 7-иловага мувофиқ;

Ер участкаси фермер хўжалиги томонидан узоқ муддатли ижарага олинишининг намунавий шартномаси 8-иловага мувофиқ;

Фермер хўжалиги ходимларини ёллаш тўғрисидаги намунавий шартнома 9-иловага мувофиқ;

Намунавий контрактация шартномаси 10-иловага мувофиқ;

Моддий-техника ресурслари етказиб беришга намунавий шартнома 11-иловага мувофиқ;

Хизматлар кўрсатишга (ишларни бажаришга) намунавий шартнома 12-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Фермер хўжаликларини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш чора-тадбирлари дастури ҳамда Қишлоқда иш-

---

\* 5 илова берилмайдди.

лаб чиқариш ва бозор инфратузилмасини ривожлантириш дастурининг бажарилишини назорат қилиш Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш республика комиссиясига юклансин.

Республика комиссияси (Ш.М. Мирзиёев) амалий мониторинг ўрнатсин ва кўрсатиб ўтилган дастурларнинг бажарилишини ҳар чоракда ўз мажлисларида кўриб борсин, зарурият бўлганда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига дастурий чора-тадбирлар ва қоидаларнинг белгиланган муддатларда сўзсиз бажарилишини таъминлашга қаратилган аниқ таклифлар киритсин.

6. «Ўзтелерадио» компанияси, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги фермер хўжалиқларини ривожлантириш ва уларнинг фаолияти, қишлоқда ишлаб чиқариш ва бозор инфратузилмасини ривожлантириш масалаларини телевидениеда ва оммавий ахборот воситаларида ёритиш бўйича махсус эшиттиришлар ва рунлар ташкил этсинлар.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси И.Х. Журабеков ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

## **Вазирлар Маҳкамасининг**

**Раиси**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2003 йил 30 октябрь,  
476-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2003 йил 30 октябрдаги 476-сон қарорига  
6-ИЛОВА

## **Фермер хўжалигининг НАМУНАВИЙ УСТАВИ**

### **I. Умумий қоидалар**

1. Фермер хўжалиги ўзига танлов асосида ижара шартномасига кўра узоқ муддатли ижарага берилган ер участкаларидан фойдаланган ҳолда қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқариши билан шуғулланувчи, юридик шахс ҳуқуқларига эга бўлган мустақил хўжалик юритувчи субъект ҳисобланади.

2. Фермер хўжалиги туман (шаҳар) ҳокимлигида давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб юридик шахс мақомини олади ва ўз номидан шартномалар тузиш, мулкӣ ва мулкӣ тусда бўлмаган ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлиш, шунингдек банк муассасасида ҳисоб рақами очиш, муҳр, штамп ва бошқа реқвизитларга эга бўлиш ҳуқуқини олади, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

3. Фермер хўжалиги давлат мажбуриятлари юзасидан, давлат эса фермер хўжалиги мажбуриятлари юзасидан жавоб бермайди.

Фермер хўжалиги ўз мажбуриятлари бўйича, шу жумладан тузилган контрактация шартномаларига мувофиқ назарда тутилган ҳажмларда давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етказиб беришни таъминлаш, шунингдек етказиб берилган моддий-техника ресурслари ва кўрсатилган хизматлар учун ўз вақтида ҳақ тўлаш юзасидан мажбуриятлари бўйича қонун ҳужжатларига мувофиқ ундирув қаратилиши мумкин бўлган мол-мулки билан жавоб беради.

Фермер хўжалиги раҳбари фермер хўжалигининг мажбуриятлари бўйича фермер хўжалигининг мол-мулки етарли бўлмаган тақдирда қонун ҳужжатларига мувофиқ ўзига тегишли мол-мулки билан субсидияр жавоб беради.

4. Фермер хўжаликларининг хўжалик фаолиятига давлат органлари ҳамда бошқа органлар ва ташкилотларнинг, улар мансабдор шахсларининг аралашувиغا йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Фермер хўжалигининг мол-мулки дахлсиздир ва унинг давлат органлари томонидан олиб қўйилишига йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

5. Уставда:

фермер хўжалигининг номи;

фермер хўжалиги раҳбарининг фамилияси, исми, отасининг исми ва яшаш жойи;

фермер хўжалиги жойлашган жой ва унинг почта манзили;

фермер хўжалигининг ихтисослашуви ва фаолиятининг асосий турлари;

устав фондининг миқдори кўрсатилиши керак.

Фермер хўжалигининг уставида қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа қоидалар ҳам кўрсатилиши мумкин.

6. Фермер хўжалигининг устави қонунда белгиланган тартибда ўзгартирилиши мумкин ҳамда тегишли ўзгартириш ва



қўшимчалар билан туман (шаҳар) ҳокимлигида рўйхатдан ўтказилиши лозим.

## **II. Фермер хўжалигининг мақсади, вазифалари ва фаолияти**

7. Товар қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш йўли билан даромад (фойда) олиш, ўзининг ижтимоий ва иқтисодий эҳтиёжларини қондириш фермер хўжалигининг мақсади ҳисобланади.

8. Фермер хўжалигининг вазифалари қуйидагилардан иборат:

ажратилган ер ва сув ресурсларидан оқилона ва мақсадли фойдаланилишини таъминлаш;

тупроқ унумдорлигини сақлаш ва ошириш ҳамда ерларни муҳофаза қилиш;

мустақил равишда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш, уларни қайта ишлаш ва сотиш, шунингдек хизматлар кўрсатиш;

ветеринария қоидаларига риоя қилган ҳолда чорва молларининг маҳсулдорлигини ошириш.

9. Фермер хўжалигининг фаолият соҳаси қуйидагилардан иборат:

қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, сақлаш, шунингдек бозорларда, шу жумладан ўз савдо шохобчалари орқали сотиш;

тижорат фаолияти ва маркетинг тадқиқотларини ташкил қилиш;

юрidik ва жисмоний шахсларга пулли хизматлар кўрсатиш;

ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш;

фаолиятнинг қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа турларини амалга ошириш.

## **III. Фермер хўжалигининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

10. Фермер хўжалиги юрidik шахс сифатида мустиқил хўжалик юритувчи субъектнинг барча ҳуқуқларига эга бўлади. Фермер хўжалиги тадбиркорлик шаклларида бири бўлиб, ташкил этилишидан кўзланган мақсадларга эришиш учун шу мақсадларга монанд тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишга ҳақлидир. Фермер хўжалиги хўжалик юрितिшнинг бошқа шаклларидаги корхоналар билан тенг ҳуқуқларга эга.

## 11. Фермер хўжалиги қўйидаги ҳуқуқларга эга:

уставда назарда тутилган доирада ва ижара шартномасида белгиланган ихтисослашувга мувофиқ фермер хўжалигининг ишлаб чиқариш фаолиятини ўзига берилган ер участкасида мустақил ташкил этиш;

етиштирилган маҳсулотни сотиш юзасидан юридик ва жисмоний шахслар билан, шу жумладан давлат эҳтиёжлари учун сотиш юзасидан қонун ҳужжатларига мувофиқ хўжалик шартномалари тузиш;

харид қилинадиган маҳсулотга олдиндан ҳақ тўланадиган фьючерс битимлари тузиш;

ўзи етиштирган маҳсулотга эгалик қилиш, шу жумладан уни ўзи хоҳлаган истеъмолчиларга сотиш;

етиштирилаётган маҳсулотга ва хизматларга шартнома шартларида мустақил равишда нарх белгилаш;

қишлоққа хизмат кўрсатувчи ташкилотлар билан электр энергияси, ёнилғи-мойлаш материаллари, минерал ўғитлар, ўсимликларни кимёвий химоя қилиш воситалари етказиб бериш, хизматлар кўрсатиш юзасидан тўғридан-тўғри шартномалар тузиш;

тадбиркорликдан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда солиқ солинадиган чекланмаган миқдорда даромад (фойда) олиш;

олинган даромад (фойда)дан ўз ихтиёрига кўра фойдаланиш, банк ҳисоб рақамидаги ўз маблағларини мустақил равишда тасаруф этиш;

акцияларни ва бошқа қимматли қоғозларни сотиб олиш;

кредитлар олиш, бошқа юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулки ҳамда пул маблағларини ихтиёрийлик асосида ва шартнома шартларига мувофиқ жалб қилиш ҳамда уларни ишлаб чиқариш ва такрор ишлаб чиқаришга йўналтириш;

кредитлар олиш учун ўз мол-мулкни, шунингдек ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқини гаровга қўйиш;

кичик ва хусусий корхоналар учун берилган имтиёзларнинг барча турларидан фойдаланиш;

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ходимларни ишга ёллаш (доимий ва вақтинчалик асосида) ва улар билан тузилган меҳнат шартномаларини бекор қилиш;

зарур асбоб-ускуналар, ишлаб чиқариш воситаларини сотиб олиш, ижарага олиш, бино ва иншоотлар қуриш ҳамда уларни таъмирлаш, шунингдек улардан мустақил фойдаланиш;

ихтиёрий равишда қўшилиш, шу жумладан улуш (пай) асо-

сида бирлашиш, жамиятлар, иттифоклар, уюшмалар ҳамда бошқа бирлашмаларга кириш;

ўз ҳуқуқларини химоя қилиш учун ўз фаолиятининг ҳар қандай масалалари бўйича судга мурожаат қилиш.

Фермер ҳужалиги қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳуқуқлардан ҳам фойдаланади.

## 12. Фермер ҳужалигининг мажбуриятлари:

ер участкасидан қонун ҳужжатларида ва ижара шартномасида белгиланган шартларда мақсадли, самарали ва оқилона фойдаланилишини таъминлаш;

экология талабларига ва атроф муҳитни муҳофаза қилишнинг бошқа қондаларига риоя этиш;

ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва ер участкасининг унумдорлигини ошириш чора-тадбирларини амалга ошириш, бизнес-режаларда ушбу мақсадлар учун маблағлар ажратилишини назарда тутиш;

ер участкасидан, башарти ижара шартномасида бошқа муддат белгиланган бўлмаса, бир йил мобайнида фойдаланиш;

пахта ва ғаллани навлар бўйича жойлаштиришнинг белгиланган талабларига риоя қилиш;

сувдан лимит асосида фойдаланиш тўғрисидаги шартномага мувофиқ сув ресурсларидан фойдаланиш;

ҳужалик ички мелиорация тармоғини тозалаш ва таъмирлаш;  
ер участкасидан фойдаланиш шартларига ва сервитутларга риоя этиш;

тузилган контрактация шартномаларига мувофиқ назарда тутилган ҳажмларда давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ ҳужалиги маҳсулотлари етказиб беришни таъминлаш;

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида тўлаш;

етказиб берилган электр энергияси, ёнилғи-мойлаш материаллари, минерал ўғитлар, ўсимликларни кимёвий химоя қилиш воситалари, кўрсатилган хизматлар учун ўз вақтида ҳисоб-китоб қилиш;

қишлоқ ҳужалиги маҳсулотлари ва бошқа маҳсулотлар етиштиришда агротехника талабларига риоя қилиш;

қишлоқ ҳужалиги экинлари зараркунандалар, касалликлар ва бегона ўтлардан химоя қилинишини таъминлаш;

ўз ходимлари учун хавфсиз меҳнат шароитларини таъминлаш.

Фермер ҳужалиги қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа мажбуриятларни ҳам ўз зиммасига олади.

#### **IV. Фермер хўжалигининг устав фонди, мол-мулки ва уни шакллантириш манбалари**

13. Уставда фермер хўжалигининг пул маблағлари, қимматли қоғозлар, бинолар, иншоотлар, бошқа мол-мулк ёки пул баҳосидаги мулкӣ ҳуқуқлардан ҳосил бўлиши мумкин бўлган устав фонди миқдори кўрсатилади.

Агар фермер хўжалиги раҳбари фермер хўжалигининг устав фондини шакллантиришда унинг оиласининг умумий (улушли ёки биргаликдаги) мол-мулкни фермер хўжалигига берган тақдирда, ушбу мулк барча эгаларининг нотариал тасдиқланган розилигини олиш талаб қилинади.

Фермер хўжалигининг устав фондини кўпайтириш ёки камайтириш фермер хўжалиги раҳбарининг қарорига кўра фермер хўжалиги уставига ўзгартириш киритиш йўли билан амалга оширилади.

##### **14. Фермер хўжалиги:**

ўзига қарашли хўжалик иморатлари, қишлоқ хўжалиги экинзорлари ва кўчатзорлари, дов-дарахтлар, маҳсулдор чорва моллари, паррандалар, қишлоқ хўжалиги техникаси, инвентарь, асбоб-ускуналар, транспорт воситалари, пул маблағлари, интеллектуал мулк объектлари, шунингдек фермер хўжалиги балансида бўлган бошқа мол-мулкнинг;

ишлаб чиқариш фаолияти натижасида етиштирилган маҳсулотнинг;

олинган даромад (фойда)нинг;

қонунда тақиқланмаган асосларда олинган бошқа мол-мулкнинг эгаси ҳисобланади.

15. Қўйидагилар фермер хўжалиги мол-мулкни шакллантириш манбалари бўлиши мумкин:

фермернинг пул ва моддий маблағлари;

товарларни сотишдан, ишларни бажаришдан, хизматлар кўрсатишдан, шунингдек фаолиятнинг бошқа турларидан олинган даромад (фойда);

қимматли қоғозлардан олинган даромадлар;

юрidik ва жисмоний шахсларнинг бегараз хайрия ва бошқа бадаллари, эҳсонлари;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

16. Фермер хўжалигининг мол-мулки фермерга тегишлидир, у қонунга мувофиқ ушбу мол-мулкка эгалик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади.

## **V. Фермер хўжалигини бошқариш**

17. Фермер — фермер хўжалигининг муассиси фермер хўжалигининг раҳбари ҳисобланади, у ўн саккиз ёшга тўлган, муомага лаёқатли, қишлоқ хўжалигида тегишли малака ва иш тажрибасига эга бўлиши керак.

18. Фермер хўжалигининг раҳбари:

фермер хўжалиги уставини қабул қилади ва унга белгиланган тартибда ўзгартиришлар киритади;

фермер хўжалиги фаолиятининг бизнес режасини тасдиқлайди;

фермер хўжалиги фаолиятини ташкил қилади;

юримдик ва жисмоний шахслар билан ўзаро муносабатларда фермер хўжалиги номидан иш кўради;

ишончномалар беради, шартномалар тузади ва уларнинг бажарилишини таъминлайди, шунингдек фермер хўжалиги ходимлари билан меҳнат шартномаларини имзолайди;

фермер хўжалиги ходимлари ўртасида вазифаларни тақсимлайди;

ички меҳнат тартиби қоидаларини белгилайди;

даромадни ўз хоҳишига кўра тасарруф этади;

ходимларнинг хавфсиз ҳамда унумли меҳнат қилишлари учун шароит яратиб беради;

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда меҳнат дафтарчалари юритилишини ташкил этади, иш ҳақи тўланишини таъминлайди, меҳнатга ҳақ тўлаш миқдорини ва моддий рағбатлантириш усуллари ва интизомий жазо чораларини белгилайди;

фермер хўжалиги номидан ҳужжатларни имзолайди;

фермер хўжалигини қайта ташкил этиш ва тугатиш масалаларини ҳал этади.

## **VI. Фермер хўжалигида ердан ва сувдан фойдаланиш**

19. Фермер хўжалигини юритиш учун ер участкалари танлов асосида ижарага берилади. Ижара муддати қонун ҳужжатларига, ер участкасини ижарага олиш шартномасига мувофиқ белгиланади.

Ер участкасининг ижара муддати тамом бўлгандан кейин фермер хўжалиги ижара шартномасини янги муддатга узайтириш (муддатини чўзиш) ҳуқуқига эгадир.

Фермер хўжалиги раҳбари вафот этган тақдирда, ер участка-

сига ижара ҳуқуқи ва ижара шартномасини янги муддатга узайтириш (муддатини чузиш) ҳуқуқи қонун ҳужжатларига мувофиқ мерос бўйича ўтади.

20. Фермер хўжаликларининг ер участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси, «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

21. Ер участкаларининг ўлчами ва чегаралари ер ижараси шартномасига ўзгартиришлар киритилгандан кейингина ўзгартирилиши мумкин.

Ер участкаси ижара шартномаси томонларнинг келишувига кўра, томонлар келишувга эришмаган тақдирда эса — суд томонидан ўзгартирилиши ва бекор қилиниши мумкин.

22. Фермер хўжалигига берилган ер участкалари хусусийлаштирилиши, олди-сотди, ҳадя, айирбошлаш, гаров объекти бўлиши, шунингдек иккиламчи ижарага берилиши мумкин эмас.

23. Фермер хўжалигига ижарага берилган қишлоқ хўжалиги ерлари мақсадсиз фойдаланилганда, шу жумладан шартномада назарда тутилган қишлоқ хўжалиги экинлари ўрнига бошқа экинлар экилиши ижара шартномасини қўпол равишда бузиш ҳисобланади, бу қонун ҳужжатларида назарда тутилган оқибатларга олиб келади.

24. Фермер хўжалиги тугатилган тақдирда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ижарага берувчига қайтарилади.

25. Фермер хўжалигига берилган ер участкасидан фойдаланганлик учун тўланадиган ҳақ ягона ер солиғи тариқасида ундирилади.

26. Фермер хўжаликларининг сувдан фойдаланиш лимитлари ваколатли органлар томонидан белгиланади.

27. Ер ресурсларини, фермер хўжалигига бериладиган сувнинг сарфини ҳисобга олиш ҳамда ундан фойдаланиш, сув етказиб бериш хизматларига ҳақ тўлаш, шунингдек имтиёзлар бериш тартиби қонун ҳужжатларида белгиланади.

## **VII. Фермер хўжалигида меҳнат**

28. Фермер хўжалигининг фаолияти фермернинг ва меҳнат шартномаси бўйича унда ишловчи шахсларнинг шахсий меҳнатига асосланади.

Фермер хўжалигида меҳнат шартномасини тузиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

29. Фермер хўжалигида меҳнат шартномаси асосида ишлаётган шахсларнинг меҳнат фаолияти ҳисобини юритиш фермер хўжалиги раҳбари томонидан ташкил этилади.

30. Фермер хўжалигида меҳнат шартномаси асосида ишлаётган шахсларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақидан оз бўлмаган миқдорда, томонларнинг келишувига биноан ҳам пул тарзида, ҳам натура тариқасида тўланади.

31. Фермер хўжалигида ишланган вақт меҳнат стажига қўшилади.

Ижтимоий суғурта бўйича нафақалар ва пенсиялар тайинлаш ҳамда тўлаш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва шартларда амалга оширилади.

### **VIII. Фермер хўжалигининг маблағлари ва ҳисоб-китоблари**

32. Фермер хўжалиги пул муомаласини юритиш ҳамда пул маблағларини сақлаб туриш ва бу маблағларни эркин тасарруф этиш учун банк муассасасида ҳисоб рақамлари очиш ҳуқуқига эга. Фермер хўжалигининг ҳисоб рақамидан маблағларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳисобдан чиқариш мумкин.

33. Қишлоқ хўжалиги экинлари, шу жумладан пахта ва ғалла ҳосили учун сарфланган барча харажатлар фермер хўжалигининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сотишдан олинган даромадлари ҳисобига қопланади.

34. Фермер хўжаликлари электр энергияси, ёнилғи-мойлаш материаллари, минерал ўғитлар етказиб берувчилар ва фермер хўжаликларига хизматлар кўрсатувчилар билан ўз вақтида ҳисоб-китоб қилишлари шарт.

### **IX. Даромад (фойда)ни тақсимлаш ва зарарларни қоплаш тартиби**

35. Фермер хўжалигининг ишлаб чиқариш ва бошқа фаолияти натижасида олинган даромад (фойда) солиқлар, йиғимлар ҳамда бошқа мажбурий тўловлар тўлангандан, электр энергияси, ёнилғи-мойлаш материаллари, минерал ўғитлар, ўсимликларни кимёвий ҳимоя қилиш воситалари етказиб берувчилар ва хизматлар кўрсатувчилар билан ўз вақтида ва тўлиқ ҳисоб-китоб қилингандан кейин бутунлай фермер хўжалигининг ихтиёрига ўтади.

Фермер хўжалигига етказилган зарар унинг мол-мулки ва

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан копланеди.

## **Х. Фермер хўжалиklarининг биргаликдаги фаолияти**

36. Фермер хўжалиklари ихтиёрийлик асосида қўшилиш, шу жумладан улуш (пай) асосида қўшилиш, махсулот етиштириш, харид қилиш, уни қайта ишлаш ва сотиш, моддий-техника таъминоти, қурилиш, техникавий, сув хўжалиги, ветеринария, агрокимё, маслаҳат бериш йўсинидаги ва бошқа хил хизмат кўрсатиш бўйича жамиятларга, иттифоқларга, уюшмаларга ҳамда бошқа бирлашмаларга кириш ҳуқуқига эга.

## **ХI. Фермер хўжалиги фаолияти натижаларини ҳисобга олиш ва назорат қилиш**

37. Фермер хўжалиги ўз фаолиятининг натижаларини ҳисобга олиб боради ҳамда маҳаллий статистика ва солиқ органларига белгиланган тартибда ҳисобот тақдим этади.

Фермер хўжалиги текшириш ҳуқуқини берувчи тегишли ҳужжат кўрсатилишини талаб қилиш, текширувчиларнинг ўз ваколатига кирмайдиган масалалар бўйича талабларини бажармаслик ва уларни текшириш мавзусига тегишли бўлмаган материаллар билан таништирамасликка ҳақлидир.

## **ХII. Фермер хўжалигини қайта ташкил этиш ва тугатиш**

38. Фермер хўжалигини қайта ташкил этиш ва тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

39. Фермер хўжалиги қуйидаги ҳолларда:

ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқидан ихтиёрий равишда воз кечилганда;

хўжалик фаолиятини давом эттириш истагида бўлган меросхўр бўлмаганда;

фермер хўжалиги банкрот деб эълон қилинганда, шу жумладан электр энергияси, ёнилғи-мойлаш материаллари, минерал ўғитлар, ўсимликларни кимёвий ҳимоя қилиш воситалари етказиб берувчилар ва хизматлар кўрсатувчилар билан мунтазам равишда, камида уч йил ўз вақтида тўлиқ ҳажмда ҳисоб-китоб қилмаганда;

ер участкасини давлат эҳтиёжлари ва бошқа жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш зарур бўлган ёхуд ер тўғрисидаги қонун-



лар фермер хўжалиги томонидан бузилган тақдирда ер участкасининг ижара шартномаси белгиланган тартибда бекор қилинганда, фермер хўжалиги томонидан ер участкасидан мақсадсиз фойдаланилганда, шу жумладан давлат эҳтиёжлари учун контракция шартномасида назарда тутилмаган экинлар экилганда тугатилади.

Фермер хўжалиги:

фермер хўжалиги раҳбари (фермер)нинг қарорига биноан; қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда суднинг қарорига биноан тугатилади.

40. Фермер хўжалигини тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2003 йил 30 октябрдаги 476-сон қарорига  
7-ИЛОВА

## **Ер участкаларини фермер хўжаликларига узоқ муддатли ижарага бериш тартиби тўғрисида НИЗОМ**

### **I. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Тартиб Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси-га, «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ ишлаб чиқилган ва ер участкаларини фермер хўжаликларига узоқ муддатли ижарага бериш тартибини белгилайди.

2. Ер участкалари фермер хўжаликларига танлов асосида ижарага берилди. Ижара муддати қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

3. Ер участкалари фермер хўжаликларига ижарага:  
захира ерлардан;

юрдик ва жисмоний шахсларга берилмаган қишлоқ хўжалиги ерларидан;

қайта ташкил этилаётган ва тугатилаётган қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат хўжаликлари) ҳамда бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари ва ташкилотлари ерларидан;

қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат хўжаликлари) ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари ва ташкилотлари ерларидан берилди.

4. Илмий-тадқиқот муассасаларига, олий ўқув юртларига, академик лицейларга, касб-хунар коллежларига ва умумтаълим

мактабларига ўқув, тажриба, нав синаш мақсадлари учун берилган ерлар ҳамда сув фонди ерлари фермер хўжаликларига берилмайди.

5. Чорвачилик маҳсулотлари етиштиришга ихтисослашган фермер хўжалиги хўжаликнинг бизнес-режасида назарда тутилган камида 30 шартли бош чорва молларини боқиш шартлари билан ташкил этилади. Бунда шартли равишда ҳар бир бош мол ҳисобига қуйидаги коэффицентлардан фойдаланилади: қорамоллар (сигирлар, насл олинадиган новвослар, бўрдоқига боқилдиган новвослар) ва отлар учун — 1.0, ёш қорамоллар учун — 0.6, қўй ва эчкилар учун — 0.1, чўчқалар учун — 0.3 ҳамда паррандалар учун — 0.025.

Фермер хўжалигига берилдиган ер участкаларининг энг кам ўлчами ҳар бир шартли бош чорва молига ҳисобланганда:

Андижон, Наманган, Самарқанд, Тошкент, Фарғона ва Хоразм вилоятларидаги суғориладиган ерларда — камида 0,30 гектарни;

Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Қашқадарё, Жиззах, Навоий, Сурхондарё ва Сирдарё вилоятларидаги суғориладиган ерларда — камида 0,45 гектарни;

суғорилмайдиган (лалмикор) ерларда — камида 2 гектарни ташкил этади.

6. Дехқончилик маҳсулотлари етиштиришга ихтисослашаётган фермер хўжаликларига ижарага берилдиган ер участкаларининг энг кам ўлчами:

пахтачилик ва ғаллачилик учун — камида 10 гектарни;

боғдорчилик, узумчилик, сабзавотчилик ва бошқа экинлар етиштириш учун — камида 1 гектарни ташкил қилади.

7. Ер участкаси фермер хўжалигига имкони борича ягона мавзе бўйича, контурлар яхлитлиги сақлаб қолинган ҳолда берилади, участка чегаралари суғориш тармоқлари, коллекторлар, йўллар ва бошқа топографик элементлар бўйича белгиланади. Фермер хўжалигига берилаётган ер участкаси бошқа ердан фойдаланувчиларнинг ерлардан фойдаланиши учун ноқулайликлар вужудга келтирмаслиги керак.

Фермер хўжаликлари томонидан ер участкалари ижарага олинишида мазкур қишлоқ хўжалиги кооперативи, корхона ва ташкилот ҳудудида яшовчи шахслар бошқа тенг шароитларда устувор ҳуқуқдан фойдаланадилар.

8. Фермер хўжаликларига ижарага берилган ер участкаларидан қатъий мақсадга мувофиқ ҳолда фойдаланилади, улар хусу-

сийлаштирилиши ва олди-сотди, гаров, хадя, айирбошлаш объекти бўлиши, шунингдек субижарага берилиши мумкин эмас.

Фермер хўжалигига ижарага берилган қишлоқ хўжалиги ерлари, экинларидан қишлоқ хўжалиги экинлари шартномасида назарда тутилмаган белгиланган мақсадлардан бошқа мақсадларда фойдаланилиши амалдаги қонун ҳужжатларида ва мазкур Низомда назарда тутилган барча келиб чиқадиган оқибатлари билан биргаликда ижара шартномасининг қўпол равишда бузилиши ҳисобланади.

9. Фермер хўжалигига берилган ер участкаси фермер хўжалиги қайта ташкил этилганда бўлиниши мумкин, агар уни бўлиш вақтида янги ташкил этилган ер участкалари «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида ва ушбу Низомда назарда тутилган энг кам ўлчамлардан кам бўлмаса.

10. Фермер хўжаликларига ер участкаларини ижарага бериш бўйича материаллар ер тузиш хизмати органлари томонидан давлат бюджети маблағлари ҳисобига тайёрланади.

11. Ер участкалари бериш, қоидага кўра, фермер хўжалигини ташкил этиш ва ер участкасини ижарага олиш тўғрисидаги барча ҳужжатлар қишлоқ хўжалиги экинлари йиғиштириб бўлинган муддатда расмийлаштирилган ҳолда амалга оширилади.

## **II. Юридик ва жисмоний шахсларга берилмаган қишлоқ хўжалиги мақсадидаги ерлардан ва захирадаги ерлардан ер участкалари бериш тартиби**

12. Туман ҳокими юридик ва жисмоний шахсларга берилмаган қишлоқ хўжалиги мақсадидаги ерлардан ва (ёки) захирадаги ерлардан ер участкалари ажратиш тўғрисида, шунингдек ушбу ерларни фермер хўжаликларига бериш бўйича танлов ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилади.

13. Ҳокимнинг танлов ўтказиш тўғрисидаги қарори маҳаллий оммавий ахборот воситаларида эълон қилиниши, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, қишлоқ хўжалиги корхоналари ва ташкилотлари бошқаруви (маъмурияти) биноларида осиб қўйилиши керак. Эълонда қуйидагилар кўрсатилиши лозим: ер участкасининг ўлчами, жойлашган жойи, сифати ва бошқа тавсифлари, ташкил этилаётган фермер хўжалигининг мўлжалланаётган ихтисослашуви, танловнинг ўтказилиш вақти ва жойи. Танлов уни ўтказиш тўғрисидаги қарорлар қабул қилинган вақтдан бошлаб бир ой мобайнида ўтказилиши керак.

14. Ер участкалари бериш тўғрисидаги ариза ташкил этилаётган хўжаликнинг бизнес-режаси ёки фаолият дастури илова қилинган ҳолда танлов эълон қилинган кундан бошлаб бир ой мобайнида туман ҳокимига берилади. Аризада ариза берувчининг фамилияси, исми ва отасининг исми, унинг турар жойи, сўралаётган ер участкаси жойлашган жой, унинг майдони, қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги)нинг номи, мўлжалланаётган ихтисослашув, чорвачилик йўналишидаги фермер хўжалиги ташкил этишда — боқилиши мўлжалланаётган молларнинг турлари бўйича бош сони, ер участкасини ижарага олиш муддати кўрсатилади. Фуқароларнинг аризаси махсус дафтарда рўйхатдан ўтказилади.

15. Туман ҳокими аризани ер участкалари бериш (сотиш) масалаларини кўриб чиқиш бўйича комиссияга беради, комиссия фермер хўжалигига ер участкалари бериш бўйича танлов ўтказилади.

Комиссия қарори протокол билан расмийлаштирилади ва туман ҳокимига берилади. Туман ҳокими комиссия қарори асосида уч кун мобайнида фермер хўжалиги юритиш учун ер участкаси бериш тўғрисида қарор чиқаради ва уч кун муддатда ушбу қарорни ҳамда танлов комиссияси иши натижаларини вилоят ҳокими бошчилиқ қиладиган ер участкалари бериш (сотиш) масалаларини кўриб чиқувчи вилоят комиссиясига тасдиқлаш учун юборади.

16. Вилоят ҳокими бошчилиқ қиладиган вилоят комиссияси тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқади ва туман ҳокимининг фермер хўжалиги юритиш учун ер участкаси бериш тўғрисидаги қарорини тасдиқлаш (ёки тасдиқлашни рад этиш) ҳақида қарор қабул қилади. Рад этиш тўғрисидаги қарор танловни ўтказиш шартлари бузилган тақдирда ва ер участкасини ижарага бериш тартибининг қўпол равишда бузилишлари аниқланган ҳолларда қабул қилинади.

### **III. Қайта ташкил этилаётган ва тугатилаётган қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат хўжаликлари) ҳамда бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари ва ташкилотлари ерларидан ер участкалари бериш тартиби**

17. Қайта ташкил этилаётган қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат хўжаликлари)нинг ҳамда бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари ва ташкилотларининг ер участкалари махсус ту-

зилган комиссия томонидан ўтказилган танлов якунлари асосида туман ҳокимининг қарори билан берилади.

Ҳокимнинг фермер хўжалиги юритиш учун ер участкаси бериш тўғрисидаги қарорини тасдиқлаш мазкур Низомнинг 16-бандига мувофиқ амалга оширилади.

Фермер хўжалигига қайта ташкил этилаётган қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат хўжаликлари) ҳамда бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари ва ташкилотлари ерларидан ер участкалари бериш тартиби қонун ҳужжатларида белгиланади.

18. Тугатилаётган қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат хўжаликлари) ҳамда бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари ва ташкилотларининг ер участкалари туман ҳокимининг қарори билан, ушбу Тартибнинг 12—16-бандларида назарда тутилган тартибда берилади.

#### **IV. Қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат хўжаликлари) ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари ва ташкилотлари ерларидан ер участкалари бериш тартиби**

19. Қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат хўжаликлари) ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари ва ташкилотлари ерлари фермер хўжаликларига узоқ муддатли ижарага:

қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) ёки бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари ва ташкилотларининг ваколатли органлари томонидан танлов ўтказилиши йўли билан;

қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) ёки бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари, ташкилотлари ва муассасалари фермер хўжаликларига бериш учун ер участкасини аниқлаши йўли билан берилиши мумкин.

20. Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) бошқаруви ёки бошқа қишлоқ хўжалиги корхонаси ва ташкилотининг ижро этувчи органи фермер хўжалиги юритиш учун берилаётган ер участкасини ажратиш тўғрисида қарор қабул қилади.

21. Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) аъзолари, бошқа қишлоқ хўжалиги корхонаси, ташкилоти ва муассасасининг ходимлари бир ой мобайнида ариза берадилар. Аризада ариза берувчининг фамилияси, исми, ва отасининг исми, яшаш жойи, сўралаётган ер участкаси жойлашган жой, унинг майдони, қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги)нинг номи, мўлжалланаётган ихтисослашув, чорвачилик йўналишидаги фермер хўжалиги ташкил этишда — боқилиши мўлжалланаётган

чорва молларининг турлари бўйича бош сони, ер участкасини ижарага олиш муддати кўрсатилади. Аризага фермер хўжалигининг бизнес-режаси ёки фаолият дастури илова қилинади.

22. Тушган аризалар қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) бошқаруви ёки бошқа қишлоқ хўжалиги корхонаси ва ташкилотининг ижро этувчи органи томонидан рўйхатдан ўтказилади.

23. Фермер хўжалиги ташкил этиш тўғрисидаги ариза хўжаликнинг етакчи мутахассислари иштирокида қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) бошқаруви, бошқа қишлоқ хўжалиги корхонаси ва ташкилотининг маъмурияти ёки ижро этувчи органи томонидан ўн кун муддатда кўриб чиқилади, кўриб чиқиш натижалари бўйича хулоса тайёрланади. Хулосада ер участкаси бериш имконияти тўғрисида таклифлар берилади ёки ер участкаси бериш асосланган тарзда рад этилади.

24. Тушган аризалар асосида қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги), бошқа қишлоқ хўжалиги корхонаси, ташкилотининг ваколатли органи умумий йиғилиши навбатдаги мажлисда фермер хўжалиги юритиш учун ер участкаси бериш тўғрисида танлов ўтказилади.

25. Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги), бошқа қишлоқ хўжалиги корхонаси, ташкилоти ваколатли органининг умумий йиғилишининг фермер хўжалигига ер участкаси бериш тўғрисидаги қарорида фермер хўжалиги бошлиғининг фамилияси, исми ва отасининг исми, ер участкаси майдони, у жойлашган жой (қишлоқ хўжалиги корхонаси ёки ташкилоти ерлари харитасидаги контурларнинг тартиб рақами) кўрсатилади.

26. Ариза қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги), бошқа қишлоқ хўжалиги корхонаси ва ташкилоти ваколатли органи умумий мажлиси қарори ҳамда фермер хўжалигининг бизнес-режаси ёки фаолияти дастури билан бирга туман ҳокимига юборилади, у бир кун муддатда материалларни ер участкалари бериш (сотиш) масалаларини кўриб чиқиш бўйича туман комиссиясига беради.

27. Комиссия ўн кун муддатда материаллар билан танишиб чиқади, фермер хўжалиги бошлиғи билан унинг «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 4-моддаси талабларига мувофиқлигини аниқлаш мақсадида суҳбат ўтказилади ва ижарага ер участкаси беришнинг мақсадга мувофиқлиги тўғрисида ёки уни беришни рад этиш тўғрисида ўз хулосасини тайёрлайди.

28. Ер участкалари бериш (сотиш) масалаларини кўриб чиқиш бўйича туман комиссияси хулосаси қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги), бошқа қишлоқ хўжалиги корхонаси ва ташкилотининг ваколатли органи умумий мажлиси қарори ҳамда фермер хўжалигининг бизнес-режаси ёки фаолият дастури билан бирга туман ҳокимига кўриб чиқиш учун тақдим этилади.

Туман ҳокими тақдим этилган материалларни ўрганиб, уч кун муддатда танлов асосида фермер хўжалигига ер участкасини ижарага бериш тўғрисида қарор қабул қилади ва ушбу материалларни вилоят комиссиясига юборади, ёхуд беришни асосланган ҳолда рад этади. Туман ҳокими қарорида ер участкаси бериладиган фермер хўжалиги бошлигининг фамилияси, исми ва отасининг исми, ер участкаси унинг ерларидан берилаётган қишлоқ хўжалиги корхонаси ёки ташкилотининг номи, ер участкаси майдони ва уни ижарага бериш муддати кўрсатилади.

29. Ҳокимнинг фермер хўжалиги юритиш учун ер участкаси бериш тўғрисидаги қарорини тасдиқлаш мазкур Низомнинг 16-бандига мувофиқ амалга оширилади.

30. Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) ёки бошқа қишлоқ хўжалиги корхонаси ва ташкилотининг ваколатли органи умумий мажлиси фермер хўжаликларига бериладиган ер участкаларини ижарага олувчини аниқламасдан белгилаши мумкин. Кўрсатиб ўтилган ер участкалари фермер хўжаликларига ушбу Низомнинг 12—16-бандларида назарда тутилган тартибда берилади.

## **V. Фермер хўжалигининг ер участкасига ҳуқуқини расмийлаштириш тартиби**

31. Туман ҳокими томонидан фермер хўжалигига ижарага ер участкаси бериш тўғрисида қарор қабул қилингандан кейин туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими томонидан беш кун муддатда намунавий шаклга мувофиқ ер участкасини ижарага бериш шартномаси тайёрланади.

32. Ер участкасини ижарага бериш шартномасида ерларнинг турлари бўйича ер участкаси майдони, суғориладиган ерларнинг сифати акс эттирилади, ерларни ижарага бериш муддатлари, томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгиланади, шартномани бекор қилиш шартлари ва ер участкасидан фойдаланиш масалалари бўйича низоларни ҳал этиш йўллари кўрсатилади. «Шартноманинг алоҳида шартлари» бўлимида ер участкасининг кучсизланганлик ҳолати, сервитутлар, суғориш шарт-шароитлари,

суғориш сувларини ҳисобга олиш масалалари ва томонларнинг хоҳишига қўра бошқа шартлар ёзилади.

33. Ер участкасини ижарага бериш шартномаси вилоят ҳокими томонидан тегишли қарор қабул қилингандан кейин туман ҳокими ва фермер хўжалиги бошлиғи томонидан имзоланади.

34. Суғориладиган ерларнинг сифати мавжуд тупроқ хариталари, тупроқ бонитети маълумотлари ва бошқа материаллар бўйича ёзилади.

35. Шартномага, унинг ажралмас қисми сифатида фермер хўжалиги ер участкасининг харитаси илова қилинади. Ер участкаси харитасида қабул қилинган белгиларга мувофиқ барча ҳолатлар (суғориш, коллектор-дренаж ва йўл тармоқлари, ерлар, контурларнинг тартиб рақами, фермер хўжалиги чегаралари) тулик кўрсатилади. Ер участкаси харитасини ер ресурслари бўйича туман хизмати бошлиғи, фермер хўжалиги бошлиғи ва чегарадош ер эгалари, ердан фойдаланувчилар вакили имзолайди.

Шартномада шунингдек тупроқ бонитетининг ўртача аниқланган бали кўрсатилади.

36. Ер участкасини узоқ муддатли ижарага бериш шартномаси туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимида рўйхатдан ўтказилади ва фермер хўжалигининг ер участкасини ижарага олганлик ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат ҳисобланади.

37. Шартнома тузилгандан кейин беш кун муддатда ер ресурслари бўйича туман хизмати вакили чегарадош ер эгалари ва ердан фойдаланувчилар вакиллари иштирокида фермер хўжалиги бошлиғига ижарага бериладиган ер участкаси чегараларини кўрсатади. Агар чегара сувсиз ерлар бўйлаб ўтса, у ҳолда чегара шудгорланади, бурилиш бурчакларига эса чегара белгилари қўйилади.

Фермер хўжалиги ерларини кўрсатиш далолатнома билан расмийлаштирилади, унда фермер хўжалиги ерлари таркибига кирадиган ерлар контурлари кўрсатилади, ижарага берилаётган ер участкаси чегаралари (чегаранинг жойнинг қайси элементлари бўйлаб ўтиши, чегаранинг ушбу элементларнинг қайси томонидан ўтиши ва бошқалар) тавсифланади.

38. Далолатнома ер ресурслари бўйича туман хизмати вакили, чегарадош ер эгалари ва ердан фойдаланувчилар вакиллари ҳамда фермер хўжалиги бошлиғи томонидан имзоланади. Далолатнома икки нусхада тузилади, улардан биттаси ер ресурслари бўйича туман хизматида, иккинчиси фермер хўжалиги бошлиғида сақланади.



39. Ерларни ижарага беришни расмийлаштириш ишлари тугаллангач ер тузиш йиғмажилди тайёрланади, унда қуйидаги ҳужжатлар мавжуд бўлади:

фуқаронинг фермер хўжалиги ташкил этиш тўғрисидаги аризаси;

ер эгасининг ёки ердан фойдаланувчининг ер участкаси ажратиш тўғрисидаги қарори;

ер участкалари бериш (сотиш) масалаларини кўриб чиқиш бўйича туман комиссиясининг ер участкасини ижарага беришнинг мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги хулосаси ёки мазкур комиссия томонидан ўтказилган танлов якунлари тўғрисидаги протокол;

туман ва вилоят ҳокимининг фермер хўжалигига ер участкасини ижарага бериш тўғрисидаги қарори;

ер участкасини ижарага бериш шартномаси;

фермер хўжалигининг бизнес-режаси ёки фаолият дастури;

фермер хўжалигининг ер участкаси чегараларини кўрсатиш далолатномаси.

40. Фермер хўжалигига ер участкасини ижарага беришни расмийлаштириш бўйича ер тузиш йиғмажилди икки нусхада тайёрланади, улардан биттаси ер ресурслари бўйича туман хизматида, иккинчиси фермер хўжалиги бошлиғида сақланади.

## **VI. Якуний қоидалар**

41. Фермер хўжаликларига берилган ер участкалари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ер эгалари ва ердан фойдаланувчиларнинг ер-кадастр ва ҳуқуқни белгиловчи ҳужжатларига тегишли ўзгартиришлар киритилган ҳолда қишлоқ хўжалик кооперативлари (ширкат хўжаликлари), бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналарининг балансидан чиқарилади.

42. Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги), бошқа қишлоқ хўжалиги корхонаси, ташкилотининг ва туман ҳокимининг ер участкаси беришни рад этиш тўғрисидаги қарорлари, шунингдек ер участкалари бериш, сотиш масалаларини кўриб чиқиш бўйича вилоят комиссиясининг туман ҳокимининг қарорини тасдиқлашни рад этиш тўғрисидаги қарори устидан судга ёки бўйсунуш тартибида юқори турувчи органга, мансабдор шахсга шикоят қилиш мумкин.

43. Фермер хўжаликларига ер участкаси беришда пайдо бўладиган низолар қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳал этилади.

**Фермер хўжалиги томонидан ер участкасини  
узоқ муддатли ижарага олишнинг  
НАМУНАВИЙ ШАРТНОМАСИ**

200\_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_  
(шартнома тузилган жой)

\_\_\_\_\_

(номи)

ВИЛОЯТИ \_\_\_\_\_  
(номи)

тумани ҳокимлиги ҳоким \_\_\_\_\_  
(фамилияси, исми, отасининг исми)

орқали кейинги ўринларда «Ижарага берувчи» деб аталади, бир  
томондан ва \_\_\_\_\_  
(фермер хўжалигини номи)

\_\_\_\_\_

(фамилияси, исми, отасининг исми)

орқали, кейинги ўринларда «Ижарага олувчи» деб аталади, ик-  
кинчи томондан 200\_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_-сон қарор  
асосида ушбу Шартномани қуйидагилар тўғрисида тузишди:

**I. Шартноманинг мавзуси**

1. Ижарага берувчи 200\_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_ дан \_\_\_\_\_ йил  
муддатга \_\_\_\_\_ да жойлашган \_\_\_\_\_ гектар ер участ-  
касини ижарага топширади, Ижарага олувчи эса қабул қилиб  
олади.

Ижарага олувчининг ер участкаси чегаралари мазкур Шарт-  
номанинг ажралмас қисми ҳисобланадиган илова қилинаётган  
харитада кўрсатилган.

2. Ер участкаси \_\_\_\_\_  
(ихтисослашуви)

қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини юритиш учун берилади.

3. Кўрсатилган ер участкасида қуйидаги қишлоқ хўжалиги  
ерлари жойлашган:

суғориладиган ҳайдаладиган ерлар \_\_\_\_\_ га;

суғорилмайдиган (лалмикор) ҳайдаладиган ерлар \_\_\_\_\_ га;

боғлар \_\_\_\_\_ га;

узумзорлар \_\_\_\_\_ га;

тутзорлар \_\_\_\_\_га;

бошқа кўп йиллик дарахтлар \_\_\_\_\_ га;

пичанзорлар ва яйловлар \_\_\_\_\_га;

буз ерлар \_\_\_\_\_га;

Ерларнинг таркиби ва майдони тўғрисидаги батафсил маълумотлар ушбу Шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланадиган ерларнинг илова қилинаётган изоҳларида келтирилган.

4. Ижарага бериладиган суғориладиган ерларнинг тавсифи: сув билан таъминланганлиги \_\_\_\_\_%;

суғориб келинаётган муддати \_\_\_\_\_;

маданийлаштирилганлиги \_\_\_\_\_;

эрозияга учраганлик даражаси \_\_\_\_\_;

тошлоқлик даражаси \_\_\_\_\_;

шўрланиш даражаси \_\_\_\_\_;

сизот сувларнинг жойлашиш чуқурлиги \_\_\_\_\_;

тупроқ бонтетининг ўртача ўлчанган бали \_\_\_\_\_;

5. Ер участкасининг кучсизланганлиги \_\_\_\_\_;

6. Сервитутлар \_\_\_\_\_.

## II. Ижара ҳақи

7. Ер учун ижара ҳақи ягона ер солиғи тарзида, қонун ҳужжатларида белгиланган ставкалар бўйича ва муддатларда тўланади.

8. Ягона ер солиғини ўз вақтида тўламаганлик учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда пеня ундирилади.

III. Ер участкасини бериш ва ундан фойдаланиш шартлари

9. Ер участкасидан ушбу Шартноманинг 2-бандида кўрсатилган мақсадларда, белгиланган алмашлаб экишларга мувофиқ фойдаланилиши керак.

10. Ички хўжалик объектлари қуришда ва кенг тарқалган фойдали қазилмаларни қазиб олишда Ижарага олувчи томонидан бузилган ер участкалари ижарага олувчининг кучи билан ва унинг маблағлари ҳисобига қайта маданийлаштирилади.

11. Ер участкаси бериш ва ундан фойдаланишнинг бошқа шартлари \_\_\_\_\_

---

## IV. Ижарага берувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

12. Ижарага берувчи белгиланган тартибда қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Ижарага олувчи томонидан Шартнома шартлари бузилганда

ёхуд ер участкасини ёки унинг бир қисмини давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш зарур бўлганда ушбу Шартномани ўзгартиришни ёки бекор қилишни талаб қилиш;

ер участкасининг кучсизланганлиги даражасини аниқлаш.

Ижарага берувчининг бошқа ҳуқуқлари \_\_\_\_\_

13. Ижарага берувчи қўйидагиларга мажбур:

ижарага олинган ер участкасининг белгиланган муддатларда, Шартнома шартларига мувофиқ ҳолатда берилишини таъминлаш;

ерлар давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилган тақдирда Ижарага олувчининг кўрган зарарларини, шу жумладан бой берилган фойдасини тўлаш;

қишлоқ хўжалиги экинлари ва дарахтларни суғориш учун ажратилган лимитларга мувофиқ сув берилишини таъминлаш;

Ижарага олувчининг қонун ҳужжатларида белгиланган ҳуқуқларига риоя қилиш.

Ижарага берувчининг бошқа мажбуриятлари \_\_\_\_\_

## **V. Ижарага олувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

14. Ижарага олувчи қўйидаги ҳуқуқларга эга:

ер участкасида ундан фойдаланиш мақсадига ҳамда хўжалик уставига мувофиқ мустақил равишда хўжалик юритиш;

қишлоқ хўжалиги экинлари ва дарахт кўчатларига, етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотига ва уни сотишдан олинган даромадларга эгаллик қилиш;

ер участкасида мавжуд бўлган кенг тарқалган фойдали қазилмалар, ўрмонзорлар, сув объектларидан хўжалик эҳтиёжлари учун белгиланган тартибда фойдаланиш, шунингдек ернинг бошқа фойдали хоссаларини ишга солиш;

суғориш, ерларнинг захини қочириш, техник ва бошқа мелиоратив ишларни белгиланган тартибда амалга ошириш;

қишлоқ хўжалиги экинларини, дарахтларни суғориш ва бошқа мақсадлар учун суғориш манбаларидан лимитларга мувофиқ сув олиш;

ички хўжалик мақсадлари учун ишлаб чиқариш ҳамда бошқа иморатлар ва иншоотларни белгиланган тартибда барпо этиш;

ерлар олиб қўйилган тақдирда ўзига етказилган зарарларни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлатиш.

Ижарага олувчи «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларида ва бошқа қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳуқуқларга ҳам эгадир.

15. Ижарага олувчи қўйидагиларга мажбур:  
ер участкасининг ихтисослашувини мазкур Шартноманинг 2-бандига мувофиқ сақлаш;

давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган маҳсулот етиштирилишини ташкил этиш (ихтисослашувни ҳисобга олган ҳолда);

ердан унинг белгиланган мақсадига мувофиқ оқилона фойдаланиш, тупроқ унумдорлигини ошириш, ишлаб чиқаришнинг табиатни муҳофаза қилувчи технологияларини қўлланиш, ўз хўжалик фаолияти натижасида ҳудуддаги экологик вазиятнинг ёмонлашувига йўл қўймаслик. Фермер хўжалигига ижарага берилган қишлоқ хўжалиги ерлари, шунингдек экинларидан қишлоқ хўжалиги экинлари шартномасида назарда тутилмаган бошқа мақсадларда фойдаланилиши амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган барча келиб чиқадиган оқибатлари билан биргаликда ижара шартномасининг қўпол равишда бузилиши ҳисобланади;

ишлаётган ирригация ва мелиоратив тармоқларни, муҳандислик коммуникацияларини соз ҳолатда сақлаш;

ерларни муҳофаза қилиш бўйича қонун ҳужжатларида назарда тутилган комплекс тадбирларни амалга ошириш;

ягона ер солиғини ўз вақтида тўлаш;

бошқа ер эгалари, ердан фойдаланувчилар, ерни ижарага олувчилар ва ер участкалари мулкдорларининг ҳуқуқларини бузмаслик;

белгиланган шакллардаги ҳисоботларни ўз вақтида тақдим этиш;

бошқа ер эгаларига, ердан фойдаланувчиларга, ерни ижарага олувчиларга ва ер участкалари мулкдорларига етказилган зарарни белгиланган тартибда тўлаш;

қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини (уч йил мобайнидаги ўртача йиллик ҳисобда) ерларнинг нормативдаги кадастр баҳосидан паст бўлмаган даражада бўлишини таъминлаш;

архитектура-шаҳарсозлик нормалари ва талабларига риоя этиш, шу жумладан қурилишга руҳсат олиш ва лойиҳани архитектура органлари билан келишиш.

Ижарага олувчи «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларида ва бошқа қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа мажбуриятларга ҳам эгадир.

## **VI. Ер участкасини ижарага бериш шартномасини ўзгартириш ва бекор қилиш**

16. Ушбу Шартнома томонларнинг келишувига кўра, томонларнинг келишувига эришилмаган тақдирда эса – суд қарорига кўра ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин.

17. Ушбу Шартнома қуйидаги ҳолларда:

фермер хўжалигининг тугатилганда, шу жумладан банкротлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ у иқтисодий ноқарор бўлган тақдирда тугатилганда;

ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқидан ихтиёрий равишда воз кечилганда;

ердан белгиланган мақсадда фойдаланилмаганда, шу жумладан давлат эҳтиёжлари учун контрактация шартномасида назарда тутилмаган қишлоқ хўжалиги экинлари экилганда;

самарасиз фойдаланилганда, яъни Ижарага олувчининг айби билан мунтазам равишда (уч йил мобайнида) нормативдаги кадастр баҳосидан кам миқдорда ҳосил олинганда;

ерларнинг экологик ҳолати ижарага олувчининг айби билан ёмонлашганда;

ер участкаси давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун белгиланган тартибда олиб қўйилганда;

агар фермер хўжалиги ер участкаси олинган пайтдан бошлаб бир йил мобайнида ишлаб чиқариш-хўжалик фаолиятига киришмаса бекор қилиниши мумкин.

Шартнома амалдаги қонунда назарда тутилган бошқа ҳоллар ҳам бекор қилиниши мумкин.

## **VII. Томонларнинг жавобгарлиги**

18. Томонлардан бири ушбу Шартноманинг шартларини бажармаганда ёки қонун ҳужжатларини мунтазам равишда бузганда иккинчи томон ушбу Шартноманинг белгиланган тартибда бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

19. Бартараф этилиши мумкин бўлган ҳар қандай қонун бузилиши Шартноманинг бекор қилинишига сабаб бўлмайди.

20. Томонлардан бири Шартномани бекор қилиш мўлжали тўғрисида иккинчи томонни Шартнома бекор қилиниши сабабларини асослаган ҳолда мўлжалланаётган бекор қилиш санасидан уч ой олдин ёзма равишда хабардор қилади.

### **VIII. Низоларни ҳал этиш**

21. Ушбу Шартномани амалга оширишда пайдо бўладиган низолар амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳал этилади.

### **IX. Шартноманинг алоҳида шартлари\***

---

---

#### **X. Яқуний қоидалар**

Ушбу Шартнома икки нусхада тузилган, улардан биринчиси Ижарага олувчига \_\_\_\_\_ берилган,  
(ҳужжаликнинг номи)

иккинчиси \_\_\_\_\_ туманининг ер ресурслари  
(туманининг номи)

бўйича туман хизматида сақланади.

Шартнома ер участкаси жойлашган жойдаги ер ресурслари бўйича туман хизматида рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб кучга киради.

#### **Томонларнинг юридик манзиллари:**

Ижарага берувчи:

\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_

Ижарага олувчи:

\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_

#### **Томонларнинг имзолари:**

Ижарага берувчи —  
\_\_\_\_\_ туман ҳокими

Ижарага олувчи —  
\_\_\_\_\_

Имзо \_\_\_\_\_  
М.Ў.

Имзо \_\_\_\_\_  
М.Ў.

Шартнома 200\_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_ да \_\_\_\_\_ -сон тартиб  
рақами билан \_\_\_\_\_ вилояти \_\_\_\_\_ тумани  
(номи) (номи)

*Изоҳ: IX «Шартноманинг алоҳида шартлари» бўлимида мазкур Намунавий шартномада назарда тутилмаган ва қонун ҳужжатларига зид бўлмаган шартлар кўрсатилади.*

ер ресурслари бўйича туман хизматида рўйхатдан ўтказилган.

М.Ў. \_\_\_\_\_

(имзо)

\_\_\_\_\_ (Ф.И.О.)

Вазирлар Маҳкамасининг  
2003 йил 30 октябрдаги 476-сон қарорига  
9-ИЛОВА

**Фермер хўжалиги ходимларини ёллаш тўғрисида  
НАМУНАВИЙ ШАРТНОМА**

\_\_\_\_\_ тумани -сон 200 \_\_\_\_ йил \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_ (номи)

фермер хўжалиги Устав асосида фаолият кўрсатувчи, кейинги ўринларда «Иш берувчи» деб юритиладиган \_\_\_\_\_

(Ф.И.О.)

орқали бир томондан ва кейинги ўринларда «Ходим» деб юритиладиган фуқаро \_\_\_\_\_

(Ф.И.О.)

дан ушбу шартномани қўйидагилар тўғрисида тузишди:

1. Ходим \_\_\_\_\_ мутахассислиги бўйича \_\_\_\_\_

(разряд кўрсатилади)

лозимига қабул қилинади.

2. Шартнома \_\_\_\_\_

(асосий иш бўйича, ўриндошлик бўйича)

ҳисобланади.

3. Шартнома муддати \_\_\_\_\_

(муайян муддатга, белгиланмаган муддатга)

4. Шартнома бўйича ишнинг бошланиши \_\_\_\_\_

(йил, кун, ой)

5. Ходимнинг мажбуриятлари:

а) Ўзбекистон Республикаси қонунларига ва хўжалик Устави талабларига, меҳнат интизомига риоя қилиш, меҳнат мажбуриятларини бажариш;

б) меҳнатни муҳофаза қилиш, техника хавфсизлиги ва ишлаб чиқариш санитарияси талабларига риоя қилиш.

6. Иш берувчининг мажбуриятлари:

а) меҳнатни ташкил этиш ва Ходимнинг меҳнатини муҳофаза қилиш, уни техника хавфсизлиги қоидалари, меҳнат мажбу-



рийталари, жамоа шартномаси (у қабул қилинган бўлса) ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан таништириш;

б) иш ҳақини белгиланган муддатларда тўлаш;

в) Ходимни меҳнатни муҳофаза қилиш қондаларига мувофиқ зарур инвентарлар ва бошқа муҳофаза воситалари билан таъминлаш;

г) Ходимнинг меҳнат дафтарчасини белгиланган тартибда юритиш;

д) қонун ҳужжатлари талабларига риоя этиш.

7. Иш тартиби:

иш вақти тартибини фермер хўжалиги бошлиғи қонун ҳужжатларига мувофиқ белгилайди.

Бунда бир йилдаги иш вақти жами ҳисобланган иш вақтидан, ҳар кунги ишнинг давом этиши эса 12 соатдан ошиши мумкин эмас.

8. Меҳнатга ҳақ тўлаш:

а) томонлар белгилаган иш ҳажми бажарилган тақдирда Ходимга ҳар ой учун \_\_\_\_\_ миқдорда  
(аниқ сумма курсатилади)

меҳнат ҳақи белгиланади;

б) ишлаб чиқариш зарурияти ва бекор туриб қолишлар сабабли Ходим унинг розилигисиз бошқа ишга ўтказилиши мумкин. Бунда меҳнатга ҳақ тўлаш бажарилган ишлар бўйича, лекин Ходимнинг илгариги иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда амалга оширилади;

в) Иш берувчи ҳуқуқлар ва молиявий имкониятлар доирасида қўйидаги қўшимча тўловларни (устамалар, мукофотлар, рафбатлантирувчи ва бошқа тўловларни) белгилайди:

---

(қўшимча тўловлар, устамалар, мукофотлар ва бошқа тўловларнинг номи ва миқдори)

г) Ходим билан келишувга кўра меҳнатга ҳақ тўлаш ҳам пул, ҳам натура тарзида амалга оширилиши мумкин.

9. Ходимга ҳар йилги асосий меҳнат таътили \_\_\_\_\_ иш куни (камида 15 иш куни) миқдорда ва \_\_\_\_\_ иш куни миқдорда қўшимча меҳнат таътили белгиланади.

10. Ходимга нисбатан давлат ижтимоий суғуртаси қўлланади.

11. Иш берувчи меҳнат интизоми ва ушбу Шартнома шартлари бузилганлиги учун Ходимга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 181-моддасида курсатилган интизо-

мий танбех чораларини Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 182-моддаси талабларини бажарган ҳолда қўллаш ҳуқуқига эгадир.

## Томонларнинг манзиллари ва имзолари:

**Ходим**

**Иш берувчи**

Вазирлар Маҳкамасининг  
2003 йил 30 октябрдаги 476-сон қарорига  
10-ИЛОВА

## Намунавий контрактация шартномаси\*

\_\_\_\_\_ № \_\_\_\_\_  
(шартнома тузилган жой)

200\_\_ й. «\_\_\_» \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_ (фермер хўжалиги устави)

асосида иш кўрувчи, кейинчалик «Хўжалик» деб юритилувчи \_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_ номидан фермер хўжалиги  
(фермер хўжалиги номи)

бошлиғи \_\_\_\_\_ бир томондан,  
(Ф.И.О.)

ва \_\_\_\_\_ асосида иш кўрувчи, кейинчалик  
(устав, қарор, ишончнома)

«Тайёрловчи» деб юритилувчи \_\_\_\_\_  
(корхона, ташкилот номи)

номидан иш кўрувчи \_\_\_\_\_  
(лавозими, Ф.И.О.)

иккинчи томондан мазкур шартномани қўйидагилар тўғрисида туздилар:

### I. Шартнома мавзуси

1.1. «Хўжалик» мазкур шартноманинг 1.2-бандида кўрсатилган ўзи етиштирган қишлоқ хўжалиги маҳсулотини (кейинги ўринларда «Маҳсулот» деб юритилади) «Тайёрловчи»га қайта ишлаш ёки сотиш учун бериш, «Тайёрловчи» эса ушбу «Маҳсу-

\* «Маҳсулот»нинг аниқ турига контрактация шартномаси намунаси манфаатдор ташкилотлар томонидан ишлаб чиқилади ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан келишилади.

лот»ни келишилган муддатларда муайян нарх бўйича ҳақини тўлаб харид қилиш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

1.2. Қуйидаги қишлоқ хўжалиги маҳсулоти мазкур шартнома мавзуси ҳисобланади:

---

(«Маҳсулот»нинг тури, нави, типи, классификацияси, ҳажми)

## **II. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

2.1. «Хўжалик»нинг ҳуқуқлари:

шартномада назарда тутилган ҳолларда «Тайёрловчи»дан уруғлик ва экиш материаллари билан таъминлашни талаб қилиш;

«Маҳсулот»ни топширишда, унинг сифатини аниқлашда ҳозир бўлиш ва «Тайёрловчи»дан унга тегишли ҳақ тўланишидан талаб қилиш;

«Тайёрловчи»дан «Маҳсулот» етиштириш учун мазкур шартномада белгиланган муддатларда ва суммада аванс тўланишини талаб қилиш;

«Тайёрловчи»дан шартномани бажариш учун зарур бўлган амалдаги давлат стандартлари ва бошқа норматив ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;

«Тайёрловчи»дан «Маҳсулот» хўжалик ҳисобидан транспортда ташилганда транспорт харажатларини қоплашни талаб қилиш;

«Тайёрловчи»дан шартнома шартлари бажарилмаслиги ёки зарур даражада бажарилмаслиги натижасида етказилган зарар қопланишини талаб қилиш.

2.2. «Хўжалик»нинг мажбуриятлари:

«Тайёрловчига» 200\_\_ йил \_\_\_\_\_дан кечикмай тегишли сифатга эга бўлган ҳажмда ва ассортиментда «Маҳсулот»нинг муайян турларини етказиб бериш;

илова қилинадиган ҳужжатларни зарур тарзда расмийлаштириш ва «Маҳсулот»ни топширишда талаб қилинадиган бошқа талабларга (ўраш, қадоқлаш ва бошқалар) риоя қилиш;

«Маҳсулот»ни «Тайёрловчи»га топшириш учун ўз вақтида тайёрлаш;

«Маҳсулот»ни мазкур шартномада назарда тутилган муддатларда топшириш муддатларига риоя қилиш имкони бўлмаган тақдирда, бу ҳақда «Тайёрловчи»га «Маҳсулот»ни топшириш муддати бошланишидан \_\_\_\_\_ кундан кечикмай маълум қилиш.

2.3. «Тайёрловчи»нинг ҳуқуқлари:

«Маҳсулот»нинг муайян турлари шартномада белгиланган тегишли сифат ва муддатларда, ҳажмлар ва ассортиментда ҳамда томонлар келишган жадвалга мувофиқ ўз вақтида топширилишини талаб қилиш;

тузилган шартномага мувофиқ топшириладиган «Маҳсулот» ҳисобига илгари берилган аванс маблағлари қопланишини «Хўжалик»дан талаб қилиш.

#### 2.4. «Тайёрловчи»нинг мажбуриятлари:

«Хўжалик»ка аванс маблағларини мазкур шартномада белгиланган муддатлар ва ҳажмларда тўлаш;

амалдаги стандартлар талабларига мувофиқ харид қилинадиган «Маҳсулот» оғирлиги ва сифатини аниқлаш;

«Хўжалик» томонидан етказиб бериладиган «Маҳсулот»ни мазкур шартномада назарда тутилган миқдорда ва муддатларда харид қилиш;

«Маҳсулот»нинг ҳақини мазкур шартномада кўрсатилган нарх бўйича «Маҳсулот» олинган пайтдан бошлаб \_\_\_\_\_ кун мобайнида тўлаш;

шартномада назарда тутилган ҳолларда «Хўжалик» тасарруфида қоладиган «Маҳсулот»ни давлат стандартлари ва техник шартлар талабларига мувофиқ сақлаш ва унинг ҳолати тўғрисида «Хўжалик»ка мунтазам равишда маълум қилиш;

«Хўжалик» тасарруфида қоладиган маҳсулотнинг сифати ёмонлашиши оқибатида «Хўжалик»ка етказилган зарарни қоплаш;

мазкур шартномага мувофиқ «Маҳсулот»нинг ташилишини, томонлар келишган жадвалда назарда тутилган муддатларда «Тайёрловчи» жойлашган жой бўйича ёки у томонидан кўрсатилган бошқа жойда қабул қилиб олинишини таъминлаш;

«Маҳсулот»ни сақлашда, тайёрлашда, транспортда ташишда, унга бирламчи ишлов беришда унинг камомадининг олдини олиш;

амалдаги стандартларга мувофиқ «Маҳсулот»ни қайта ишлаш, сотувга тайёрлаш ва уни сотишга тегишли ҳужжатларни расмийлаштириш;

шартномаларга мувофиқ «Хўжалик»ни идиш, ўраб-жойлаш материаллари ва норматив техник ҳужжатлар (маҳсулотнинг айрим турларини харид қилиш, қабул қилиш, сифатини баҳолашни тартибга солувчи стандартлар, техник шартлар, қоидалар) билан таъминлаш;

200\_\_ йил \_\_\_\_\_дан кечикмай ёки ушбу давр мобайнида «Хўжалик»нинг буюртманомасида кўрсатилган муддатлар-

да ва ҳажмда, унга ушбу материалларни етказиб беришнинг мўлжалланаётган санасидан камида беш кун олдин бериладиган \_\_\_\_\_ навли, \_\_\_\_\_ типдаги, \_\_\_\_\_ классли, \_\_\_\_\_ кг уруғлик ва экиш материаллари билан «Хўжалик»ни таъминлаш. Буюртманома чопар орқали қабул қилинганда «Тайёрловчи»нинг ходими санани кўрсатган ҳолда у қабул қилинганлиги тўғрисида белги қўяди. «Хўжалик» олдин берилган буюртманомани бекор қилишга ёхуд уруғлик ва экиш материаллари етказиб бериш санасини ўзгартиришга ҳақлидир, бу ҳақда «Тайёрловчи»га буюртманомада кўрсатилган санадан камида бир кун олдин маълум қилади.

### III. Баҳоси ва ҳисоб-китоб тартиби

3.1. «Маҳсулот»нинг баҳоси \_\_\_\_\_ 1 (бир) тоннаси учун сўмни ташкил этади.

Мазкур шартнома бўйича умумий сумма \_\_\_\_\_ сўмни ташкил этади.

3.2. «Хўжалик» уруғлик ва экиш материалларини аванс ҳисобиде ёки бевосита сотиб олиш йўли билан олади (зарур бўлмагани ўчириб ташланади).

«Хўжалик» таъминладиган уруғлик ва экиш материаллари нархи 1 (бир) кг учун \_\_\_\_\_ сўмни ташкил этади. Уруғлик ва экиш материалларининг умумий суммаси \_\_\_\_\_ сўмни ташкил этади.

3.3. «Тайёрловчи» «Хўжалик»ка аванс маблағларини «Маҳсулот» қийматининг камида 50 фоизи миқдориде (уруғлик ва экиш материаллари аванс ҳисобига олинганда уларнинг қиймати аванс маблағлар суммасига киритилади) қўйидаги ҳажмлар ва муддатларда тўлайди:

— шартнома суммасининг камида \_\_\_\_\_ фоизи \_\_\_\_\_ да;  
йил оғи (давр)

— шартнома суммасининг камида \_\_\_\_\_ фоизи \_\_\_\_\_ да;  
йил оғи (давр)

— шартнома суммасининг камида \_\_\_\_\_ фоизи \_\_\_\_\_ да;  
йил оғи (давр)

3.4. Етиштирилган «Маҳсулот» учун \_\_\_\_\_  
(ҳисоб-китоб шакли кўрсатилади)

\_\_\_\_\_ йўли билан \_\_\_\_\_ пайтдан бошлаб  
(муддатлар кўрсатилади)

нақд пулсиз тарзида мобайнида ҳисоб-китоб қилинади.

### 3.5. «Тайёрловчи» тўлов амалга оширилганлиги тўғрисида пайтдан бошлаб \_\_\_\_\_

(олинганлиги тасдиқланадиган телеграмма, факс ва ҳоказолар)

йўли билан \_\_\_\_\_ муддатда  
(муддат кўрсатилади)

«Хўжалик»ни хабардор қилиши шарт.

3.6. «Маҳсулот»ни транспортда ташиш ва тушириш бўйича барча харажатларни «Тайёрловчи» кўтаради.

«Маҳсулот» «Хўжалик»нинг транспорти билан етказиб берилган тақдирда «Тайёрловчи» транспортда ташиш харажатларини унга қоплайди (идишни ҳам ўз ичига олган ҳолда амалдаги масса бўйича).

## IV. Маҳсулот бериладиган жой

4.1. \_\_\_\_\_ «Маҳсулот» бериладиган  
(жой кўрсатилади)

жой ҳисобланади.

## V. Томонларнинг жавобгарлиги

5.1. «Маҳсулот» мазкур шартномада белгиланган ассортиментда ва турлар бўйича, муддатларда қабул қилиниши рад этилишининг ҳар бир ҳолати учун «Тайёрловчи» «Хўжалик»ка белгиланган устамалар тўланиши ҳисобга олинмаган ҳолда амалда шаклланган ўртача нархдан келиб чиқиб қабул қилинмаган «Маҳсулот» қийматининг 25 фоизи миқдорида, тез бузиладиган «Маҳсулот»лар бўйича эса — тўлиқ қиймати миқдорида жарима тўлайди. Бундан ташқари, «Маҳсулот»ни қабул қилиш рад этилганлиги натижасида «Хўжалик» томонидан кўрилган, жарима билан қопланмаган зарарларни қоплайди.

5.2. Шартномада белгиланган миқдорда ва ассортиментда, турлар бўйича муддатларда «Маҳсулот» топширилиши асоссиз бош тортилганлиги учун «Хўжалик» «Тайёрловчи»га топширилмаган маҳсулот қийматининг 25 фоизи миқдорида жарима тўлайди. Жарима харид нархига белгиланган устамалар тўланиши ҳисобга олинмаган ҳолда ўтган даврда (ой, йил чораги, йил) «Маҳсулот»нинг амалда шаклланган ўртача нархидан келиб чиқиб ҳисобланади. Бундан ташқари, «Маҳсулот» тўлиқ етказиб берилмаганлиги натижасида пайдо бўлган жарима билан қопланмаган зарар қопланади.

5.3. Мазкур шартномага мувофиқ топширилган (юклаб жўнатилган) «Маҳсулот» ҳақини тўлашдан асоссиз бўйин товланган-

лиги учун («Хўжалик»ка берилиши керак бўлган сумма, шу жумладан белгиланган устамалар ўз вақтида ўтказилмаслиги, ҳисобкитобнинг акцепт шаклида эса – тўлов ҳужжати акцептидан асоссиз тўлиқ ёки қисман рад этилганлиги учун), «Тайёрловчи» «Хўжалик»ка олинмаган суммани, ўзи тўлашдан бўйин товлаган сумманинг 15 фоизи миқдорида жарима тўлайди. Жаримадан ташқари «Тайёрловчи» «Хўжалик»ка муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун муддати ўтказиб юборилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, бироқ муддати ўтказиб юборилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

5.4. Товар-транспорт ҳужжатини расмийлаштириш рад этилганлиги ёки нотўғри расмийлаштирилганлиги учун айбдор томон бошқа томонга ҳар бир товар-транспорт ҳужжати учун бир энг кам ойлик иш ҳақи миқдорида жарима тўлайди.

Юклар жўнатилган «Маҳсулот»га тўлов ёки товар-транспорт ҳужжати нусхаси белгиланган муддатда юборилмаганлиги ёки юклар жўнатиш тўғрисида бошқа маълумот тақдим этилмаганлиги учун айбдор томон ҳар бир бундай ҳолат учун етказиб берилаётган «Маҳсулот» қийматининг 1 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

5.5. «Хўжалик» мазкур шартномада белгиланган миқдорда ва муддатларда стандарт ва техник шартлар талабларига жавоб берадиган идиш ва ўраб-жойлаш материаллари билан таъминланмаганлиги учун «Тайёрловчи» «Хўжалик»ка «Маҳсулот» етказиб бериш пайтда амалда бўлган идиш, ўраб-жойлаш материаллари қийматининг икки баравари миқдорида жарима тўлайди. Агар «Тайёрловчи»нинг «Хўжалик»ни идиш билан таъминланмаганлиги «Маҳсулот» сифатининг пасайишига ёки бузилишига олиб келса, «Тайёрловчи» «Хўжалик»ка жарима билан қопланмаган қисм бўйича зарарларни қоплайди. Бунда «Хўжалик» сифатсиз «Маҳсулот» етказиб берилганлиги учун жавобгарликдан озод қилинади.

5.6. «Тайёрловчи» томонидан «Маҳсулот»нинг миқдори нотўғри аниқланган, унинг қиймати нотўғри белгиланган ва ундирилган ҳоллар аниқланган тақдирда «Тайёрловчи» «Маҳсулот»нинг сифатини, шунингдек унинг миқдорини ва, ундан ташқари ҳисоблаб чиқилган суммани ҳисобга олган ҳолда қайта ҳисобкитоб қилади, «Хўжалик»ка нотўғри ҳисоблаб чиқилган сумманинг 20 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

5.7. «Хўжалик» томонидан мазкур шартнома бажармаганли-

ги ёки зарур даражада бажармаганлиги учун «Хўжалик»ни жавобгарликка тортишда шунингдек уларнинг хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) «Хўжалик» томонидан мазкур шартнома бўйича шартнома мажбуриятлари бажарилмаслигига (зарур тарзда бажарилмаслигига) олиб келган хизмат кўрсатувчи ташкилотларнинг жавобгарлиги ҳам кўриб чиқилади

Хизмат кўрсатувчи ташкилотларнинг айби билан мазкур шартноманинг «Хўжалик» томонидан бажарилмаслиги (зарур тарзда бажарилмаслиги) натижасида етказилган зарар белгиланган тартибда ушбу ташкилотлар томонидан қопланади.

5.8. Мазкур шартномада назарда тутилмаган томонларнинг жавобгарлиги чора-тадбирлари фуқаролик қонунчилиги нормаларига мувофиқ қўлланилади.

## **VI. Низоларни ҳал этиш тартиби**

6.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиққан тақдирда, томонлар, қоидага кўра, мустақил равишда ёхуд туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими иштирокида уларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.

Туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими низони кўриб чиқишда қатнашишда махсулотнинг сифати пасайиши ёки бузилиши ҳоллари бўйича ҳулоса бериши, шунингдек табиий офатлар ва бошқа ноқулай шарт-шароитлар оқибатида ёхуд «Тайёрловчи»нинг айби билан шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун «Хўжалик»ни жавобгарликдан озод қилиш учун ҳулоса бериши мумкин.

6.2. Томонлар келишмовчиликлар ва низоларни ҳал этиш учун бевосита судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

## **VII. Шартноманинг амал қилиши**

7.1. Мазкур шартнома мазкур шартноманинг 8.4-бандига мувофиқ рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб амалга кириди ва томонлар ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаргунга қадар амал қилади.

7.2. Томонлар ўртасидаги муносабатлар улар томонидан мазкур шартноманинг барча шартлари бажарилган ва ҳисоб-китоб тўлиқ тугалланган тақдирда тўхтатилади.

## **VIII. Якуний қоидалар**

8.1. Мазкур шартнома томонларнинг келишувига кўра ёки бошқа томон шартнома шартларини жиддий равишда бузган



тақдирда, томонлардан бирининг талаби бўйича суд тартибида бекор қилиниши мумкин.

8.2. Мазкур шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар улар ёзма шаклда содир этилиши ва томонларнинг бунга зарур даражада вакил қилинган вакиллари томонидан имзоланиши шарти билан ҳақиқий ҳисобланади.

8.3. Мазкур шартнома томонларнинг ҳар бири ва қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими учун бир нусхадан уч нусхада тузилади. Шартноманинг барча нусхалари тенг юридик кучга эгадир.

8.4. Мазкур шартнома, унга ўзгартиришлар (қўшимчалар) «Хўжалик» жойлашган жой бўйича туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимида рўйхатдан ўтказилгандан кейин бажарилиши керак.

### **IX. Томонларнинг манзили ва банк реквизитлари:**

**«ХЎЖАЛИК»**

**«ТАЙЁРЛОВЧИ»**

\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_  
**Солиқ тўловчининг  
идентификация рақами**

\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_  
**Солиқ тўловчининг  
идентификация рақами**

\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_  
М.Ў. Фермер хўжалиги  
бошлигининг имзоси, Ф.И.О.

\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_  
М.Ў. имзо, лавозими, Ф.И.О

**200\_ йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ да \_\_\_\_\_ рақами билан**

**туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимида  
«РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИЛДИ»**

\_\_\_\_\_  
(М.Ў. имзо, лавозими, Ф.И.О. )

**Юристининг хулосаси:**

\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_  
(имзо) \_\_\_\_\_ (Ф.И.О.)

**Моддий-техника ресурслари етказиб беришга  
НАМУНАВИЙ ШАРТНОМА\***

№ \_\_\_\_\_  
(шартнома тузилган жой)

200\_\_ й. «\_\_\_» \_\_\_\_\_

(фермер хўжалиги устави)

асосида иш кўрувчи, кейинчалик «Хўжалик» деб юритилувчи \_\_\_\_\_  
(фермер хўжалиги номи) номидан фермер хўжалиги

бошлиғи \_\_\_\_\_ бир томондан,  
(Ф.И.О.)

ва \_\_\_\_\_ асосида иш кўрувчи, кейинчалик  
(устав, қарор, ишончнома)

«Етказиб берувчи» деб юритилувчи \_\_\_\_\_  
(корхона, ташкилот номи)

номидан иш кўрувчи \_\_\_\_\_  
(лавозими, Ф.И.О.)

иккинчи томондан мазкур шартномани қўйидагилар тўғрисида  
туздилар:

## **I. Шартнома мавзуси**

1.1. Мазкур шартнома бўйича «Етказиб берувчи» «Хўжалик» ка \_\_\_\_\_  
(кейинги ўринларда – «Моддий-техника ресурслари» деб юритилади) етказиб бериш, «Хўжалик» эса уларни қабул қилиш ва қийматини тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

«Моддий-техника ресурслари»нинг аниқ турлари, уларнинг сони, сифати ва нархи, шунингдек етказиб бериш муддатлари мазкур шартноманинг таркибий қисми ҳисобланган иловада келтирилади.

\* «Моддий-техника ресурсларининг аниқ турига шартнома намунаси манфаатдор ташкилотлар томонидан ишлаб чиқилади ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан келишилади.

## II. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

### 2.1. «Хўжалик»нинг ҳуқуқлари:

«Етказиб берувчи»дан шартномани бажариш учун зарур бўлган амалдаги давлат стандартлари ва бошқа норматив ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;

«Моддий-техника ресурслари» «Хўжалик»нинг ҳисобига транспортда ташилганда «Етказиб берувчи»дан транспорт харажатларини қоплашни талаб қилиш;

«Етказиб берувчи»дан мазкур шартномага мувофиқ бериладиган буюртманомага мувофиқ тегишли сифат, ассортиментдаги «Моддий-техника ресурслари» етказиб берилишини талаб қилиш; зарур сифатга эга бўлмаган «Моддий-техника ресурслари» етказиб берилмаган тақдирда ўз танлашига кўра:

— зарур сифатга эга бўлмаган «Моддий-техника ресурслари» шунга ўхшаш «Моддий-техника ресурслари» билан алмаштирилишини;

— камчиликлар бепул бартараф этилишини ёки камчиликлар «Хўжалик» ёхуд учинчи шахслар томонидан тўғриланиши харажатларини қоплашни;

— баҳосининг мутаносиб тарзда камайтирилишини талаб қилиш;

мазкур шартнома шартлари бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарар қопланишини «Етказиб берувчи»дан талаб қилиш.

### 2.2. «Хўжалик»нинг мажбуриятлари:

ўз буюртманомаси бўйича етказиб берилган «Моддий-техника ресурслари»ни мазкур шартномага мувофиқ қабул қилиш;

«Моддий-техника ресурслари»га мазкур шартноманинг 3.1-бандида кўрсатилган нарх бўйича, қабул қилиш-топшириш далолатномаси имзоланган пайтдан бошлаб \_\_\_кун мобайнида ҳақ тулаш.

### 2.3. «Етказиб берувчи» қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Етказиб берилган «Моддий-техника ресурслари» учун олдиндан ҳақ туланишини ва амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва ҳажмда узил-кесил ҳисоб қилинишини хўжаликдан талаб қилиш;

берилган буюртманомага мувофиқ етказиб берилган «Моддий-техника ресурслари»ни қабул қилиш асоссиз рад этилиши натижасида етказилган зарар қопланишини «Хўжалик»дан талаб қилиш.

2.4. «Етказиб берувчи» қўйидагиларга мажбур:

«Хўжалик»ка «Моддий-техника ресурслари»ни мазкур шартномага мувофиқ ёки «Хўжалик» томонидан мазкур шартноманинг 4.8-бандида назарда тутилган тартибда бериладиган унинг буюртманомасига мувофиқ муддатлар, сифат ва миқдорда етказиб бериш;

агар «Моддий-техника ресурслари»ни етказиб бериш жараёнида «Етказиб берувчи» шартнома шартлари ва нормативлардан чекинишга йўл қўйган бўлса, «Хўжалик»нинг талаби билан аниқланган барча камчиликларни — кун муддатда текин тузатиб бериш.

### **III. Шартноманинг баҳоси ва ҳисоб-китоб тартиби**

3.1. Мазкур шартноманинг баҳоси \_\_\_\_\_  
(сумма рақамлар ва ҳарфлар билан ёзилади)

сўмни ташкил этади.

Етказиб бериладиган «Моддий-техника ресурслари»нинг баҳоси мазкур шартномага иловада кўрсатилган.

3.2. Маҳсулотни транспортда ташиш ва тушириш бўйича барча харажатларни «Етказиб берувчи» кўтаради.

Маҳсулот «Хўжалик»нинг транспорти билан етказиб берилган тақдирда «Етказиб берувчи» транспортда ташиш харажатларини унга қоплайди (идишни ҳам ўз ичига олган ҳолда амалдаги масса бўйича).

3.3. «Хўжалик» етказиб бериладиган «Моддий-техника ресурслари» туркуми суммасининг \_\_\_\_\_ фоизи миқдоридан олдиндан ҳақ тўлайди. Етказиб берилган «Моддий-техника ресурслари» учун қабул қилиш-топшириш далолатномаси имзолангандан кейин \_\_\_\_\_ кун муддатда узил-кесил ҳисоб-китоб қилинади.

3.4. Етказиб берилган «Моддий-техника ресурслари» учун \_\_\_\_\_ йўли билан

(ҳисоб-китоб шакли курсатилади)

нақд пулсиз тартибда ҳисоб-китоб қилинади.

### **IV. Шартноманинг бажарилиши**

4.1. Шартнома мазкур шартнома ва қонун ҳужжатлари шартлари ва талабларига мувофиқ зарур тарзда бажарилиши керак.

Агар томонлар ўз зиммаларига қабул қилинган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа, шартнома бажарилган деб ҳисобланади.

4.2. Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки

шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

4.3. «Моддий-техника ресурслари» қабул қилиш-топшириш далолатномалари тузилган сана шартномалар бўйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади.

Ҳисоб-китоб ҳужжатида банк муассасаси штампида кўрсатилган сана «Моддий-техника ресурслари»га ҳақ тўлаш бўйича «Хўжалик» мажбуриятлари бажарилган сана ҳисобланади.

4.4. «Хўжалик»нинг розилиги билан «Моддий-техника ресурслари» муддатидан олдин етказиб берилиши мумкин. Етказиб берилган ва «Хўжалик» томонидан қабул қилинган «Моддий-техника ресурслари» учун кейинги даврларда етказиб берилиши керак бўлган «Моддий-техника ресурслари» ҳисобига ҳақ тўланади ва улар ҳисобига ўтказилади.

4.5. «Хўжалик» муддатлар бузилган ҳолда етказиб берилган «Моддий-техника ресурслари»ни қабул қилишни рад этишга ҳақлидир.

4.6. Назарда тутилган миқдордан ортиқча бир номда «Моддий-техника ресурслари» етказиб берилиши ушбу ассортиментга кирувчи бошқа номдаги етказиб берилмаган «Моддий-техника ресурслари» ўрнини тўлдириш сифатида қаралмайди ва етказиб берилмаган «Моддий-техника ресурслари»нинг ўрни тўлдирилиши керак, бундай «Моддий-техника ресурслари» етказиб бериш «Хўжалик»нинг олдиндан берилган ёзма розилиги бўйича амалга оширилган ҳоллар бундан мустасно.

4.7. Етказиб берилган «Моддий-техника ресурслари» бевосита «Хўжалик»нинг масъул ходими томонидан далолатнома бўйича қабул қилинади. Далолатномада етказиб берилган «Моддий-техника ресурслари» миқдори, уларнинг сифати кўрсатилади.

4.8. Мазкур шартномада назарда тутилган «Моддий-техника ресурслари» етказиб бериш мазкур шартномага мувофиқ ёки «Хўжалик»нинг буюртманомасида кўрсатилган муддатлар ва ҳажмда мазкур шартномада кўрсатилган давр мобайнида амалга оширилади. Ушбу мақсадларда «Етказиб берувчи» Хўжаликларнинг буюртманомаларини рўйхатдан ўтказиш дафтари юритади.

Буюртманома «Моддий-техника ресурслари»нинг тегишли туркумларини етказиб беришнинг мўлжалланаётган санасигача камида 5 кун олдин чопар орқали, почта орқали ёки бошқача тарзда берилади. Буюртманомани чопар орқали қабул қилишда «Етказиб берувчи»нинг ходими «Хўжалик»да қоладиган нусхага

санани кўрсатган ҳолда у қабул қилинганлиги тўғрисида белги қўяди.

4.9. «Хўжалик» илгари берилган буюртманомани бекор қилишга ёхуд «Моддий-техника ресурслари»нинг тегишли туркумлари ни етказиб бериш санасини ўзгартиришга ҳақлидир, бу ҳақда «Етказиб берувчи»ни буюртманомада кўрсатилган сана бошла-нишидан камида 1 кун олдин хабардор қилади.

## **V. Томонларнинг жавобгарлиги**

5.1. Томонлар ўртасида келишилган жадвал бўйича келган транспортнинг белгиланган муддатлардан ортиқча туриб қолганлиги учун айбдор томон бекор туриб қолганлик билан боғлиқ сарф-харажатларни тўлайди. Бекор туриб қолиш вақти томонлар ўртасида имзоланган далолатномага мувофиқ расмийлаштирилади.

5.2. Етказиб берилаётган «Моддий-техника ресурслари» сифати, миқдори «Етказиб берувчи» томонидан нотўғри аниқланиши, уларнинг қиймати нотўғри белгиланиши ва ундирилиши ҳоллари аниқланган тақдирда «Етказиб берувчи» етказиб берилаётган «Моддий-техника ресурслари»нинг сифатини, шунингдек уларнинг миқдорини ҳисобга олган ҳолда қайта ҳисоб-китоб қилади ва ҳисоблаб чиқилган ушбу суммадан ташқари «Хўжалик»ка нотўғри ҳисоб-китоб қилинган сумманинг 20 фоизи миқдо-рида жарима тўлайди.

5.3. Агар етказиб берилган «Моддий-техника ресурслари»нинг сифати, ассортименти, навлари, стандарт, техник шартлар талабларига, намуналарга (эталонларга) ёки шартномада белгиланган бошқа шартларга жавоб бермаган тақдирда, айбдор томон етказиб берилган, сифати зарур даражада бўлмаган «Моддий-техника ресурслари» қийматининг 20 фоизи миқдорида жирма тўлайди.

5.4. «Моддий-техника ресурслари» етказиб бериш бўйича шартномада назарда тутилган мажбуриятлар бажарилиши рад этилганлиги учун «Етказиб берувчи» «Хўжалик»ка белгиланган устамалардан ташқари етказиб берилиши керак бўлган «Моддий-техника ресурслари»нинг 25 фоизи миқдорида жарима тўлайди. Жаримадан ташқари, «Етказиб берувчи» «Хўжалик»ка «Моддий-техника ресурслари» етказиб берилмаслиги натижасида етказилган зарарни тўлайди.

5.5. «Моддий-техника ресурслари»ни етказиб бериш кечиктирилган ёки тўлиқ етказиб берилмаган тақдирда «Етказиб бе-

рувчи» «Хўжалик»ка кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдориди пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган «Моддий-техника ресурслари» қийматининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак. Пеня тўланиши шартнома мажбуриятларини бузган томонни шартномани зарур тарзда бажаришдан ва «Моддий-техника ресурслари» етказиб бериш муддати кечиктирилиши ёки тўлиқ етказиб берилмаслиги туфайли етказилган зарарлар қопланишидан озод этмайди.

5.6. Етказиб берилган «Моддий-техника ресурслари» учун ўз вақтида ҳақ тўланмаганда «Хўжалик» «Етказиб берувчи»га муддати кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдориди пеня тўлайди, бироқ бу кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

5.7. «Хўжалик» томонидан тегишли контрактация шартномаси бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги учун «Хўжалик»ни жавобгарликка тортишда шунингдек унинг хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) «Хўжалик» томонидан контрактация шартномаси бўйича шартнома мажбуриятлари бажарилмаслигига (зарур тарзда бажарилмаслигига) олиб келган «Етказиб берувчи»нинг жавобгарлиги ҳам кўриб чиқилади.

«Етказиб берувчи»нинг айби билан контрактация шартномасининг «Хўжалик» томонидан бажарилмаслиги (зарур тарзда бажарилмаслиги) натижасида етказилган зарар белгиланган тартибда «Етказиб берувчи» томонидан қопланади.

5.8. Мазкур шартномада назарда тутилмаган томонларнинг жавобгарлиги чора-тадбирлари фуқаролик қонунчилиги нормаларига мувофиқ қўлланилади.

## **VI. Низоларни ҳал этиш тартиби**

6.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиққан тақдирда, томонлар, қоидага кўра, мустақил равишда ёхуд туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими иштирокида уларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.

6.2. Томонлар келишмовчиликлар ва низоларни ҳал этиш учун бевосита судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

## **VII. Шартноманинг амал қилиши**

7.1. Мазкур шартнома мазкур шартноманинг 8.4-бандига мувофиқ рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб амалга киради ва

томонлар ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаргунга қадар амал қилади.

7.2. Томонлар ўртасидаги муносабатлар улар томонидан мазкур шартноманинг барча шартлари бажарилган ва ҳисоб-китоб тўлиқ тугалланган тақдирда тўхтатилади.

### **VIII. Яқуний қоидалар**

8.1. Мазкур шартнома томонларнинг келишувига кўра ёки бошқа томон шартнома шартларини жиддий равишда бузган тақдирда, томонлардан бирининг талаби бўйича суд тартибида бекор қилиниши мумкин.

8.2. Мазкур шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар улар ёзма шаклда содир этилиши ва томонларнинг бунга зарур даражада вакил қилинган вакиллари томонидан имзоланиши шарти билан ҳақиқий ҳисобланади.

8.3. Мазкур шартнома томонларнинг ҳар бири ва қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими учун бир нусхадан уч нусхада тузилади. Шартноманинг барча нусхалари тенг юридик кучга эгадир.

8.4. Мазкур шартнома, унга ўзгартиришлар (қўшимчалар) «Хўжалик» жойлашган жой бўйича туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимида рўйхатдан ўтказилгандан кейин бажарилиши керак.

### **IX. Томонларнинг манзили ва банк реквизитлари:**

**«ХЎЖАЛИК»**

**«ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ»**

\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_  
**Солиқ тўловчининг  
идентификация рақами**

\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_  
**Солиқ тўловчининг  
идентификация рақами**

\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_  
М.Ў. Фермер хўжалиги  
бошлигининг имзоси, Ф.И.О.

\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_  
М.Ў. имзо, лавозими, Ф.И.О

**200\_ йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ да \_\_\_\_\_ рақами билан**

**туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимида  
«РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИЛДИ»**



**Юристнинг хулосаси:**

---

---

---

\_\_\_\_\_ (имзо) \_\_\_\_\_ (Ф.И.О.)





**Хизматлар кўрсатишга (ишларни бажаришга)  
НАМУНАВИЙ ШАРТНОМА.\***

№ \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_ (шартнома тузилган жой)

200\_\_ й. «\_\_» \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_ (фермер хўжалиги устави)

асосида иш кўрувчи, кейинчалик «Хўжалик» деб юритилувчи \_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_ номидан фермер хўжалиги  
(фермер хўжалиги номи)

бошлиғи \_\_\_\_\_ бир томондан,  
(Ф.И.О.)

ва \_\_\_\_\_ асосида иш кўрувчи, кейинчалик  
(устав, қарор, ишончнома)

«Етказиб берувчи» деб юритилувчи \_\_\_\_\_  
(корхона, ташкилот номи)

номидан иш кўрувчи \_\_\_\_\_  
(лавозими, Ф.И.О.)

иккинчи томондан мазкур шартномани қўйидагилар тўғрисида  
туздилар:

### **I. Шартнома мавзуси**

1.1. Мазкур шартнома бўйича «Бажарувчи» «Хўжалик»ка

\_\_\_\_\_ (кейинги ўринларда — «Хизматлар» деб юритилади) етказиб бериш, «Хўжалик» ушбу «Хизматлар»ни қабул қилиш ва қийматини тулаш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

«Хизматлар»нинг аниқ турлари, уларнинг сони, сифати ва нархи, шунингдек уларни кўрсатиш муддатлари мазкур шартноманинг таркибий қисми ҳисобланган иловада келтирилади.

### **II. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

2.1. «Хўжалик»нинг ҳуқуқлари:

\_\_\_\_\_ \* «Хизмат»ларнинг аниқ турига шартнома намунаси манфаатдор ташкилотлар томонидан ишлаб чиқилади ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан келишилади.

«Бажарувчи»дан шартномани бажариш учун зарур бўлган амалдаги давлат стандартлари ва бошқа норматив ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;

«Бажарувчи»дан «Хизматлар» «Хўжалик»нинг ҳисобига транспортда ташилганда транспорт харажатларини қоплашни талаб қилиш;

«Бажарувчи»дан мазкур шартномага мувофиқ бериладиган кўрсатилишини буюртманомага мувофиқ тегишли сифатга эга бўлган «Хизматлар» кўрсатилишини талаб қилиш;

зарур сифатга эга бўлмаган «Хизматлар» кўрсатилган тақдирда ўз танлашига кўра:

— зарур сифатга эга бўлмаган «Хизматлар» шунга ўхшаш «Хизматлар» билан алмаштирилишини;

— «Хизматлар»нинг камчиликлари бепул бартараф этилишини ёки камчиликлар «Хўжалик» ёхуд учинчи шахслар томонидан тўғриланиши харажатларини қоплашни;

— баҳосининг мутаносиб тарзда камайтирилишини талаб қилиш;

шартнома шартлари бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарар қопланишини «Бажарувчи»дан талаб қилиш.

## 2.2. «Хўжалик»нинг мажбуриятлари:

ўз буюртманомаси бўйича кўрсатилган «Хизматлар»ни мазкур шартномага мувофиқ қабул қилиш;

«Хизматлар»га мазкур шартноманинг 3.1-бандида кўрсатилган нарх бўйича, қабул қилиш-топшириш далолатномаси имзоланган пайдан бошлаб \_\_\_кун мобайнида ҳақ тўлаш.

## 2.3. «Бажарувчи» қуйидаги ҳуқуқларга эга:

кўрсатилган «Хизматлар» учун олдиндан ҳақ тўланишини ва амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва ҳажмда узил-кесил ҳисоб қилинишини «Хўжалик»дан талаб қилиш;

берилган буюртманомага мувофиқ кўрсатилган «Хизматлар»ни қабул қилиш асоссиз рад этилиши натижасида етказилган зарар қопланишини «Хўжалик»дан талаб қилиш.

## 2.4. «Бажарувчи» қуйидагиларга мажбур:

«Хўжалик»ка «Хизматлар»ни мазкур шартномага мувофиқ ёки «Хўжалик» томонидан мазкур шартноманинг 4.8-бандида назарда тутилган тартибда бериладиган унинг буюртманомасига мувофиқ муддатлар, сифат ва миқдорда кўрсатиш;

агар «Хизматлар»ни кўрсатиш жараёнида «Бажарувчи» шартнома шартлари ва нормативлардан чекинишга йўл қўйган бўлса,

«Хўжалик»нинг талаби билан аниқланган барча камчиликларни — кун муддатда текин тузатиб бериш.

### **III. Шартноманинг баҳоси ва ҳисоб-китоб тартиби**

3.1. Мазкур шартноманинг баҳоси \_\_\_\_\_  
(сумма рақамлар ва ҳарфлар билан ёзилади)

сўмни ташкил этади.

Етказиб бериладиган «Хизматлар»нинг баҳоси мазкур шартномага иловада кўрсатилган.

3.2. «Хўжалик» кўрсатиладиган «Хизматлар» туркуми суммасининг \_\_\_\_\_ фоизи миқдорида олдиндан ҳақ тўлайди. Кўрсатилган «Хизматлар» учун қабул қилиш-топшириш далолатномаси имзолангандан кейин — кун муддатда узил-кесил ҳисоб-китоб қилинади.

3.3. Кўрсатилган «Хизматлар» учун \_\_\_\_\_  
(ҳисоб-китоб шакли кўрсатилади)

йўли билан нақд пулсиз тартибда ҳисоб-китоб қилинади.

### **IV. Шартноманинг бажарилиши**

4.1. Шартнома мазкур шартнома ва қонун ҳужжатлари шартлари ва талабларига мувофиқ зарур тарзда бажарилиши керак.

Агар томонлар ўз зиммаларига қабул қилинган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа, шартнома бажарилган деб ҳисобланади.

4.2. Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

4.3. «Хизматлар» қабул қилиш-топшириш далолатномалари тузилган сана шартномалар бўйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади.

Ҳисоб-китоб ҳужжатида банк муассасаси штампда кўрсатилган сана «Хизматлар»га ҳақ тўлаш бўйича «Хўжалик» мажбуриятлари бажарилган сана ҳисобланади.

4.4. «Хўжалик»нинг розилиги билан «Хизматлар» муддатидан олдин кўрсатилиши мумкин. «Хўжалик» томонидан кўрсатилган ва қабул қилинган «Хизматлар» учун кейинги даврларда кўрсатилиши керак бўлган «Хизматлар» ҳисобига ҳақ тўланади ва улар ҳисобига ўтказилади.

4.5. «Хўжалик» муддатлар бузилган ҳолда кўрсатилган «Хизматлар»ни қабул қилишни рад этишга ҳақлидир.

4.6. Назарда тутилган микдордан ортикча бир номда «Хизматлар» кўрсатилиши ушбу ассортиментга кирувчи бошқа номдаги кўрсатилмаган «Хизматлар» ўрнини тўлдириш сифатида қаралмайди ва кўрсатилмаган «Хизматлар»нинг ўрни тўлдирилиши керак, бундай «Хизматлар» «Хўжалик»нинг олдиндан берилган ёзма розилиги бўйича кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.

4.7. Кўрсатилган «Хизматлар» бевосита «Хўжалик»нинг масъул ходими томонидан далолатнома бўйича қабул қилинади. Далолатномада кўрсатилган «Хизматлар» микдори, уларнинг сифати кўрсатилади.

4.8. Шартномада назарда тутилган «Хизматлар» кўрсатилиши мазкур шартномага мувофиқ ёки «Хўжалик»нинг буюртманомаси кўрсатилган муддатлар ва ҳажмда мазкур шартномада кўрсатилган давр мобайнида амалга оширилади. Ушбу мақсадларда «Бажарувчи» Хўжаликларнинг буюртманомаларини рўйхатдан ўтказиш дафтарини юритади.

Буюртманома «Хизматлар»нинг тегишли қисмларини кўрсатиш мўлжалланаётган санасигача камида 5 кун олдин чопар орқали, почта орқали ёки бошқача тарзда берилади. Буюртманомани чопар орқали қабул қилишда «Бажарувчи»нинг ходими «Хўжалик»да қоладиган нусхага санани кўрсатган ҳолда у қабул қилинганлиги тўғрисида белги қўяди.

4.9. «Хўжалик» илгари берилган буюртманомани бекор қилишга ёхуд «Хизматлар»нинг тегишли қисмларини кўрсатиш санасини ўзгартиришга ҳақлидир, бу ҳақда «Бажарувчи»ни буюртманомада кўрсатилган сана бошланишидан камида 1 кун олдин хабардор қилади.

## **V. Томонларнинг жавобгарлиги**

5.1. Кўрсатилаётган «Хизматлар» сифати, микдори «Бажарувчи» томонидан нотўғри аниқланиши, уларнинг қиймати нотўғри белгиланиши ва ундирилиши ҳоллари аниқланган тақдирда «Бажарувчи» кўрсатилаётган «Хизматлар»нинг сифатини, шунингдек уларнинг микдорини ҳисобга олган ҳолда қайта ҳисоб-китоб қилади, ҳисоблаб чиқилган ушбу суммадан ташқари хўжаликка нотўғри ҳисоб-китоб қилинган сумманинг 20 фоизи микдоридан жарима тўлайди.

5.2. Агар кўрсатилган «Хизматлар»нинг сифати, ассортимент, навлари стандарт, техник шартлар талабларига, намуналарга (эталонларга) ёки шартномада белгиланган бошқа шартларга

жавоб бермаган тақдирда, айбдор томон кўрсатилган, сифати зарур даражада бўлмаган «Хизматлар» қийматининг 20 фоизи миқдориди жарима тўлайди.

5.3. «Хизматлар» кўрсатиш бўйича шартномада назарда тутилган мажбуриятлар бажарилиши рад этилганлиги учун «Бажарувчи» «Хўжалик»ка белгиланган устамалардан ташқари кўрсатилиши керак бўлган «Хизматлар»нинг 25 фоизи миқдориди жарима тўлайди. Жаримадан ташқари, «Бажарувчи» «Хўжалик»ка «Хизматлар» кўрсатилмаслиги натижасида етказилган зарарни тўлайди.

5.4. Хизматлар кўрсатиш кечиктирилган ёки тўлиқ кўрсатилмаган тақдирда «Бажарувчи» «Хўжалик»ка кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдориди пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси кўрсатилмаган «Хизматлар» қийматининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак. Пеня тўланиши шартнома мажбуриятларини бузган томонни шартномани зарур тарзда бажаришдан ва «Хизматлар» кўрсатиш муддати кечиктирилиши ёки тўлиқ кўрсатилмаслиги туфайли етказилган зарарлар қопланишидан озод этмайди.

5.5. Кўрсатилган «Хизматлар» учун ўз вақтида ҳақ тўланмаганда «Хўжалик» «Бажарувчи»га муддати кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдориди пеня тўлайди, бироқ бу кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

5.6. «Хўжалик» томонидан тегишли контрактация шартномаси бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги учун «Хўжалик»ни жавобгарликка тортишда шунингдек унинг хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) «Хўжалик» томонидан контрактация шартномаси бўйича шартнома мажбуриятлари бажарилмаслигига (зарур тарзда бажарилмаслигига) олиб келган «Бажарувчи»нинг жавобгарлиги ҳам кўриб чиқилади

«Бажарувчи»нинг айби билан контрактация шартномасининг «Хўжалик» томонидан бажарилмаслиги (зарур тарзда бажарилмаслиги) натижасида етказилган зарар белгиланган тартибда «Бажарувчи» томонидан қопланади.

5.7. Мазкур шартномада назарда тутилмаган томонларнинг жавобгарлиги чора-тадбирлари фуқаролик қонунчилиги нормаларига мувофиқ қўлланилади.



## **VI. Низоларни ҳал этиш тартиби**

6.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиққан тақдирда, томонлар, қоидага кўра, муस्ताқил равишда ёхуд туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими иштирокида уларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.

6.2. Томонлар келишмовчиликлар ва низоларни ҳал этиш учун бевосита судга муурожаат қилишга ҳақлидир.

## **VII. Шартноманинг амал қилиши**

7.1. Мазкур шартнома мазкур шартноманинг 8.4-бандига мувофиқ рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб амалга киради ва томонлар ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаргунга қадар амал қилади.

7.2. Томонлар ўртасидаги муносабатлар улар томонидан мазкур шартноманинг барча шартлари бажарилган ва ҳисоб-китоб тўлиқ тугалланган тақдирда тўхтатилади.

## **VIII. Яқуний қондалар**

8.1. Мазкур шартнома томонларнинг келишувига кўра ёки бошқа томон шартнома шартларини жиддий равишда бузган тақдирда, томонлардан бирининг талаби бўйича суд тартибида бекор қилиниши мумкин.

8.2. Мазкур шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар улар ёзма шаклда содир этилиши ва томонларнинг бунга зарур даражада вакил қилинган вакиллари томонидан имзоланиши шарти билан ҳақиқий ҳисобланади.

8.3. Мазкур шартнома томонларнинг ҳар бири ва қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими учун бир нусхадан уч нусхада тузилади. Шартноманинг барча нусхалари тенг юридик кучга эгадир.

8.4. Мазкур шартнома, унга ўзгартиришлар (қўшимчалар) «Хўжалик» жойлашган жой бўйича туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимида рўйхатдан ўтказилгандан кейин бажарилиши керак.

**«ХЎЖАЛИК»**

**«ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ»**

**Солиқ тўловчининг  
идентификация рақами**

\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_

М.Ў. Фермер хўжалиги  
бошлигининг имзоси, Ф.И.О.

**Солиқ тўловчининг  
идентификация рақами**

\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_

М.Ў. имзо, лавозими, Ф.И.О

**200\_ йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ да \_\_\_\_\_ рақами  
билан  
туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимида  
«РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИЛДИ»**

\_\_\_\_\_  
(М.Ў. имзо, лавозими, Ф.И.О. )

**Юристнинг хулосаси:**

\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_ (имзо) \_\_\_\_\_ (Ф.И.О.)



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР  
МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ИЖАРА  
МУНОСАБАТЛАРИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ  
ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА\***

*(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами,  
2003 йил, 21-сон, 207-модда)*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида» 2003 йил 24 мартдаги ПФ-3226-сон Фармони-ни бажариш юзасидан ҳамда қишлоқда ижара муносабатларини кенг ривожлантириш ва ҳақиқий мулкдорларни шакллантириш асосида қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш ва иқтисодий муносабатларни ислох қилиш жараёнларини жадаллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. «Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 14-моддаси 1-қисмининг янги таҳририга мувофиқ қишлоқ хўжалиги мақсадидаги ерлар ширкат хўжалиқларига эллик йилгача муддатга, бироқ камида ўттиз йилга товар қишлоқ хўжалиқ ишлаб чиқариши юритиш учун мақсадли йўналтирилган ҳолда ижарага берилиши маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ер ресурслари давлат қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимликлари 2003-2004 йилларда барча қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат хўжалиқлари) ер участкаларидан фойдаланишнинг ижара шаклига ўтказилишини таъминласинлар.

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда 2003-2004 йилларда қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат хўжалиқлари)-нинг ер участкаларига бўлган ҳуқуқини узоқ муддатли ижара шаклига қайта расмийлаштириш жадвали 1-иловага\*\* мувофиқ тасдиқлансин.

3. Белгилансинки, қишлоқ хўжалиги кооперативига (ширкат хўжалигига) узоқ муддатли ижарага берилган ер участкасидан фойдаланганлиги учун тўлов қонун ҳужжатларида белгиланган

\* 2003 йил 5 ноябрдан кучга кирган.

\*\* 1-илова берилмайди.

ставкалар бўйича ва муддатларда ягона ер солиғи шаклида ундирилади.

#### 4. Қўйидагилар:

Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) томонидан ер участкасини узоқ муддатли ижарага олишнинг намунавий шартномаси 2-иловага мувофиқ;

Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги)нинг намунавий устави 3-иловага мувофиқ;

Ер участкаларига бўлган ҳуқуқни ҳамда қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат хўжаликлари) билан фермер хўжаликлари ўртасида тузилган ижара шартномаларини қайта расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги низом 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Белгилансинки, қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат хўжаликлари)нинг ер участкаларига бўлган ҳуқуқини қайта расмийлаштириш билан бир вақтда фермер хўжаликларининг ижара шартномалари ўзлари ҳудудида жойлашган туманлар ҳокимлари билан қайта тузилади.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари давлат қўмитаси билан биргаликда:

ушбу қарорга 1 ва 4-иловаларга мувофиқ қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат хўжаликлари)нинг ер участкаларига бўлган ҳуқуқи ижара шаклига қайта расмийлаштирилишини ҳамда фермер хўжаликлари билан ижара шартномалари белгиланган Жадвал ва Низомга мувофиқ қайта тузилишини;

ижара шартномалари тузилгандан кейин (қайта тузилгандан кейин) қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат хўжаликлари) ва фермер хўжаликларининг қайта рўйхатдан ўтказилишини таъминласинлар.

Белгилансинки, қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат хўжаликлари)нинг ер участкасига бўлган ҳуқуқини қайта расмийлаштириш, фермер хўжаликлари билан ижара шартномасини қайта тузиш, фермер хўжаликлари ва қишлоқ хўжалиги кооперативларини (ширкат хўжаликларини) қайта рўйхатдан ўтказиш учун қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) ва фермер хўжалигининг аризаси етарли ҳисобланади. Бошқа талаблар ва шартлар белгиланишига, шунингдек бирон-бир қўшимча тўловлар ва йиғимлар ундирилишига йўл қўйилмайди.

Туманлар ҳокимлари кўрсатиб ўтилган тадбирларнинг бел-

гиланган муддатларда ва қатъий равишда ушбу қарорга мувофиқ амалга оширилиши учун шахсан жавоб берадилар.

6. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари давлат қўмитаси, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда уч ой муддатда вазирликлар ва идоралар бўйича тажриба, ўқув-тажриба, ёрдамчи хўжаликлардаги ер участкаларидан фойдаланиш ҳолатини ўрганиб чиқсинлар.

Ўрганиб чиқиш яқунлари бўйича хўжалик юритишнинг янги шароитларида улар фаолиятини такомиллаштириш, ер участкаларидан самарасиз фойдаланиш ҳолатлари аниқланган ҳолларда эса — уларни олиб қўйиш масаласини кўриб чиқиш юзасидан таклифлар киритилсин.

7. «Ўзтелерадио» компанияси, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ушбу қарорда назарда тутилган тадбирларнинг амалга оширилишини оммавий ахборот воситаларида мунтазам ёритиб борсинлар.

8. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 5-иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси И.Ҳ. Журабеков, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг**

**Раиси**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2003 йил 5 ноябрь,  
486-сон

**Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги)  
томонидан ер участкасини узоқ муддатли ижарага  
олишнинг  
НАМУНАВИЙ ШАРТНОМАСИ**

200\_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_  
(шартнома тузилган жой)

\_\_\_\_\_ (номи)

ВИЛОЯТИ \_\_\_\_\_ (номи)

ТУМАНИ ХОКИМЛИГИ ХОКИМ \_\_\_\_\_ (Фамилияси, исми, отасининг исми)

ОРҚАЛИ, КЕЙИНГИ ЎРИНЛАРДА «Ижарага берувчи» деб аталади,  
бир томондан ва \_\_\_\_\_ (қишлоқ хўжалиги кооперативи)

\_\_\_\_\_ (ширкат хўжалигининг номи)

\_\_\_\_\_ (ширкат хўжалиги раисининг фамилияси, исми, отасининг исми)

ОРҚАЛИ, КЕЙИНГИ ЎРИНЛАРДА «Ижарага олувчи» деб аталади, ик-кинчи томондан 200\_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_-сон қарор асосида ушбу Шартномани қуйидагилар тўғрисида тузишди:

### **I. Шартноманинг мавзуси**

1. Ижарага берувчи 200\_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_ дан \_\_\_\_\_ йил муддатга \_\_\_\_\_ да жойлашган \_\_\_\_\_ гектар ер участкасини ижарага топширади, Ижарага олувчи эса қабул қилиб олади.

Ижарага олувчининг ер участкаси чегаралари мазкур Шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланадиган илова қилинаётган харитада кўрсатилган.

2. Ер участкаси \_\_\_\_\_ қишлоқ хўжалиги (ихтисослашуви)

ишлаб чиқаришини юритиш учун берилади.

3. Кўрсатилган ер участкасида қуйидаги қишлоқ хўжалиги ерлари жойлашган:

суғориладиган ҳайдаладиган ерлар — \_\_\_\_\_га;  
лалмикор ҳайдаладиган ерлар — \_\_\_\_\_га;  
боғлар — \_\_\_\_\_га;  
узумзорлар — \_\_\_\_\_га;  
тутзорлар — \_\_\_\_\_га;  
бошқа кўп йиллик дарахтлар — \_\_\_\_\_га;  
пичанзорлар ва яйловлар — \_\_\_\_\_га;  
буз ерлар — \_\_\_\_\_га;

Ерларнинг таркиби ва майдони тўғрисидаги батафсил маълумотлар ушбу Шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланадиган ерларнинг илова қилинаётган изоҳларида келтирилган.

4. Ижарага бериладиган суғориладиган ерларнинг тавсифи:  
сув билан таъминланганлиги — \_\_\_\_\_%;  
суғориб келинаётган муддати — \_\_\_\_\_;  
маданийлаштирилганлиги — \_\_\_\_\_;  
эрозияга учраганлик даражаси — \_\_\_\_\_;  
тошлоқлик даражаси — \_\_\_\_\_;  
шўрланиш даражаси — \_\_\_\_\_;  
сизот сувларнинг жойлашиш чуқурлиги — \_\_\_\_\_ м;  
тупроқ бонтетининг ўртача ўлчанган бали — \_\_\_\_\_.

5. Ер участкасининг кучсизланганлиги — \_\_\_\_\_;  
6. Сервитутлар \_\_\_\_\_.

## **II. Ижара ҳақи**

7. Ер учун ижара ҳақи ягона ер солиғи тарзида, қонун ҳужжатларида белгиланган ставкалар бўйича ва муддатларда тўланади.

8. Ягона ер солиғини ўз вақтида тўламаганлик учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда пеня ундирилади.

## **III. Ер участкасини бериш ва ундан фойдаланиш шартлари**

9. Ер участкасидан ушбу Шартноманинг 2-бандида кўрсатилган мақсадларда, белгиланган алмашлаб экишларга мувофиқ фойдаланилиши керак.

10. Ички хўжалик объектлари қуришда ва кенг тарқалган фойдали қазилмаларни қазиб олишда Ижарага олувчи томондан бузилган ер участкалари Ижарага олувчининг кучи билан ва унинг маблағлари ҳисобига қайта маданийлаштирилади.

11. Ер участкаси бериш ва ундан фойдаланишнинг бошқа шартлари \_\_\_\_\_



#### **IV. Ижарага берувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

12. Ижарага берувчи белгиланган тартибда қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Ижарага олувчи томонидан Шартнома шартлари бузилганда ёхуд ер участкасини ёки унинг бир қисмини давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш зарур бўлганда ушбу Шартномани ўзгартиришни ёки бекор қилишни талаб қилиш;

ер участкасининг кучсизланганлиги даражасини аниқлаш.

Ижарага берувчининг бошқа ҳуқуқлари \_\_\_\_\_

13. Ижарага берувчи қуйидагиларга мажбур:

ижарага олинган ер участкасининг белгиланган муддатларда, Шартнома шартларига мувофиқ ҳолатда берилишини таъминлаш;

ерлар давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилган тақдирда Ижарага олувчининг кўрган зарарларини, шу жумладан бой берилган фойдасини тўлаш;

қишлоқ хўжалиги экинлари ва дарахтларни суғориш учун ажратилган лимитларга мувофиқ сув берилишини таъминлаш;

Ижарага олувчининг қонун ҳужжатларида белгиланган ҳуқуқларига риоя қилиш.

Ижарага берувчининг бошқа мажбуриятлари \_\_\_\_\_

#### **V. Ижарага олувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

14. Ижарага олувчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ер участкасида ундан фойдаланиш мақсадига ҳамда хўжалик уставига мувофиқ мустақил равишда хўжалик юритиш;

қишлоқ хўжалиги экинлари ва дарахт кўчатларига, етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотига ва уни сотишдан олинган даромадларга эгалик қилиш;

ер участкасида мавжуд бўлган кенг тарқалган фойдали қазилмалар, ўрмонзорлар, сув объектларидан хўжалик эҳтиёжлари учун белгиланган тартибда фойдаланиш, шунингдек ернинг бошқа фойдали хоссаларини ишга солиш;

суғориш, ерларнинг захини қочириш, техник ва бошқа мелиоратив ишларни белгиланган тартибда амалга ошириш;

қишлоқ хўжалиги экинларини, дарахтларни суғориш ва бошқа мақсадлар учун суғориш манбаларидан лимитларга мувофиқ сув олиш;

ички хўжалик мақсадлари учун ишлаб чиқариш ҳамда бошқа иморатлар ва иншоотларни белгиланган тартибда барпо этиш; ерлар олиб қўйилган тақдирда ўзига етказилган зарарларни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлатиш.

Ижарага олувчи «Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида ва бошқа қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳуқуқларга ҳам эгадир.

15. Ижарага олувчи қўйидагиларга мажбур:

ер участкасининг ихтисослашувини мазкур Шартноманинг 2-бандига мувофиқ сақлаш;

давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган маҳсулот етиштирилишини ташкил этиш (ихтисослашувни ҳисобга олган ҳолда);

ердан унинг белгиланган мақсадига қатъий мувофиқ оқилона фойдаланиш, тупроқ унумдорлигини ошириш, ишлаб чиқаришнинг табиатни муҳофаза қилувчи технологияларини қўллаш, ўз хўжалик фаолияти натижасида ҳудуддаги экологик вазиятнинг ёмонлашувига йўл қўймаслик;

ишлаётган ирригация ва мелиоратив тармоқларни, муҳандислик коммуникацияларини соз ҳолатда сақлаш;

ерларни муҳофаза қилиш бўйича қонун ҳужжатларида назарда тутилган комплекс тадбирларни амалга ошириш;

ягона ер солигини ўз вақтида тўлаш;

бошқа ер эгалари, ердан фойдаланувчилар, ерни ижарага олувчилар ва ер участкалари мулкдорларининг ҳуқуқларини бузмаслик;

белгиланган шакллардаги ҳисоботларни ўз вақтида тақдим этиш;

бошқа ер эгаларига, ердан фойдаланувчиларга, ерни ижарага олувчиларга ва ер участкалари мулкдорларига етказилган зарарни белгиланган тартибда тўлаш;

қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлиги (уч йил мобайнидаги ўртача йиллик ҳисобда) ерларнинг нормативдаги кадастр баҳосидан паст бўлмаган даражада бўлишини таъминлаш;

архитектура-шаҳарсозлик нормалари ва талабларига риоя этиш, шу жумладан қурилишга руҳсат олиш ва лойиҳани архитектура органлари билан келишиш.

Ижарага олувчи «Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида ва бошқа қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа мажбуриятларга ҳам эгадир.

## **VI. Ер участкасини ижарага бериш шартномасини ўзгартириш ва бекор қилиш**

16. Ушбу Шартнома томонларнинг келишувига кўра, томонларнинг келишувига эришилмаган тақдирда эса – суд қарорига кўра ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин.

17. Ушбу Шартнома қўйидаги ҳолларда:

ширкат ҳужалиги тугатилганда;

ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқидан ихтиёрий равишда воз кечилганда;

ердан белгиланган мақсадда фойдаланилмаганда, самарасиз фойдаланилганда, яъни Ижарага олувчининг айби билан мунтазам равишда (уч йил мобайнида) нормативдаги кадастр баҳосидан кам миқдорда ҳосил олинганда;

ерларнинг экологик ҳолати Ижарага олувчининг айби билан ёмонлашганда;

ер участкаси белгиланган тартибда олиб қўйилганда.

Шартнома амалдаги қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ҳам бекор қилиниши мумкин.

## **VII. Томонларнинг жавобгарлиги**

18. Томонлардан бири ушбу Шартноманинг шартларини бажармаганда ёки қонун ҳужжатларини мунтазам равишда бузганда иккинчи томон ушбу Шартноманинг белгиланган тартибда бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

19. Бартараф этилиши мумкин бўлган ҳар қандай қонун бузилиши Шартноманинг бекор қилинишига сабаб бўлмайди.

20. Томонлардан бири Шартномани бекор қилиш мўлжали тўғрисида иккинчи томонни Шартнома бекор қилиниши сабабларини асослаган ҳолда мўлжалланаётган бекор қилиш санасидан уч ой олдин ёзма равишда хабардор қилади.

## **VIII. Низоларни ҳал этиш**

21. Ушбу Шартномани амалга оширишда пайдо бўладиган низолар амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳал этилади.

## **IX. Шартноманинг алоҳида шартлари\***

---

---

*Изоҳ: IX «Шартноманинг алоҳида шартлари» бўлимида мазкур Намунавий шартномада назарда тутилмаган ва қонун ҳужжатларига зид бўлмаган шартлар кўрсатилади.*

## Х. Яқуний қоидалар

Ушбу Шартнома икки нусхада тузилган, улардан биринчиси Ижарага олувчига \_\_\_\_\_ берилади,  
(ширкат ҳужалигининг номи)

иккинчиси \_\_\_\_\_ туманининг ер ресурслари  
(туманининг номи)

бўйича туман хизматида сақланади.

Шартнома ер участкаси жойлашган жойдаги ер ресурслари бўйича туман хизматида рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб кучга киради.

### Томонларнинг юридик манзиллари:

Ижарага берувчи:

\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_

Ижарага олувчи:

\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_

### Томонларнинг имзолари:

Ижарага берувчи —  
\_\_\_\_\_ туман ҳокими

Ижарага олувчи —  
\_\_\_\_\_

Имзо \_\_\_\_\_  
М.Ў.

Имзо \_\_\_\_\_  
М.Ў.

Шартнома 200\_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_ да \_\_\_\_\_ -сон тартиб рақами билан \_\_\_\_\_ вилояти \_\_\_\_\_ тумани  
(номи) (номи)

ер ресурслари бўйича туман хизматида рўйхатдан ўтказилган.

М.Ў. \_\_\_\_\_  
(имзо)

\_\_\_\_\_ (Ф.И.О.)

**Қишлоқ хўжалиги кооперативи  
(ширкат хўжалиги)нинг  
НАМУНАВИЙ УСТАВИ**

**I. Умумий қоидалар**

1. Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) (кейинги ўринларда «ширкат хўжалиги» деб юритилади) Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси, Ўзбекистон Республикасининг «Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида»ги Қонуни ҳамда бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ ширкат хўжалиги таъсис йиғилишининг қарори асосида ташкил этилади.

2. Ширкат хўжалиги ўзи негизида ташкил этилаётган хўжаликнинг шартнома ва мажбуриятлари бўйича унинг ҳуқуқий вояси ҳисобланади.

3. Ширкат хўжалиги давлат рўйхатидан ўтган пайтдан бошлаб юридик шахс мақомига эга бўлади, ўз фаолиятида қонун ҳужжатларига, ўз Уставига амал қилади.

Ширкат хўжалиги мустақил балансга, банк муассасасида ҳисоб рақамларига, номи ёзилган муҳрга ва штампга эга бўлади, судларда даъвогар ва жавобгар сифатида иштирок этиши мумкин, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳам, шунингдек ундан ташқарида ҳам қонун ҳужжатларига зид бўлмаган ҳар қандай битишувларни тузиш ҳуқуқига эга бўлади.

4. Ширкат хўжалиги ўз фаолиятини тижорат асосида амалга оширади, фаолиятининг натижалари ва мажбуриятлар бажарилиши юзасидан жавоб беради. Ширкат хўжалиги давлатнинг ва ўз аъзоларининг мажбуриятлари юзасидан, давлат эса ширкат хўжалиги ва унинг аъзолари мажбуриятлари юзасидан жавоб бермайди.

5. Ширкат хўжалигининг мол-мулки дахлсиздир ва унинг давлат органлари томонидан олиб қўйилишига йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

6. Уставда ширкат хўжалигининг номи, жойлашган жойи, шунингдек ихтисослашуви кўрсатилади.

## **II. Ширкат хўжалигининг мақсади, фаолияти соҳаси, ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

7. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ва қайта ишлаш ҳажмини кўпайтириш, хизмат кўрсатиш турларини кенгайтириш асосида даромад (фойда) олиш ва ширкат хўжалиги аъзоларининг турмуш фаровонлигини ошириш ширкат хўжалиги фаолиятининг мақсади ҳисобланади.

8. Қуйидагилар ширкат хўжалиги фаолиятининг соҳаси ҳисобланади:

қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш, истеъмол товарлари ва ишлаб чиқариш-техника мақсадларидаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини, озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат товарларини қайта ишлаш, сақлаш, сотиш, шу жумладан ўз савдо шохобчалари орқали сотиш;

ишлаб чиқариш, уй-жой, маданий-маиший, ижтимоий ва бошқа мақсадларга мўлжалланган объектларни қуриш ва таъмирлаш ишлари;

корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ҳамда аҳолига транспорт-фойдаланиш хизматлари ва бошқа хизматлар кўрсатиш;

маркетинг тадқиқотлари ва тижорат фаолиятини ташкил қилиш;

ширкат хўжалиги қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа фаолият турларини ҳам амалга ошириши мумкин.

Агар қонун ҳужжатларига мувофиқ фаолиятнинг айрим турларини амалга ошириш учун махсус рухсатномалар олиш талаб этилса, у ҳолда фаолиятнинг бундай тури тегишли лицензия олингандан кейин амалга оширилади.

9. Ширкат хўжалиги ўз фаолиятини амалга ошириш учун қуйидаги ҳуқуқларга эгадир:

ширкат хўжалиги Уставида назарда тутилган ихтисослашувга ва тузилган шартномаларга мувофиқ ўзига узоқ муддатли ижарага берилган ер участкасида ишлаб чиқариш фаолиятини мустақил ташкил этиш;

маҳсулотларга нархларни шартнома асосида мустақил белгилаш ва маҳсулотларни, агар қонун ҳужжатларида ўзгача ҳол назарда тутилмаган бўлса, тузилган шартномалар асосида ўз хоҳишига кўра сотиш;

акциялар ва бошқа қимматли қорозларни сотиб олиш; ернинг унумдорлигини ошириш;

моддий-техника ресурслари сотиб олиш;  
инвестицияларни, шу жумладан хорижий инвестицияларни жалб этиш;  
уюшмалар, иттифоқлар ва бошқа бирлашмаларга кириш;  
бошқа юридик ва жисмоний шахслардан асбоб-ускуналар ва бошқа мол-мулкни сотиб олиш, ижарага олиш ёки вақтинча фойдаланиш учун олиш;  
ер участкаларини юридик ва жисмоний шахсларга уч йилгача муддатга субижарага бериш;  
ўз мол-мулкни сотиш, ижарага бериш, гаровга қўйиш ва бошқа усул билан ўзгага бериш;  
боғлар ва узумзорларни ижарага бериш;  
кредитлар олиш.

#### 10. Ширкат хўжалигининг мажбуриятлари:

ер ва сув ресурсларидан самарали ва мақсадли фойдаланилишини таъминлаш;  
ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва ер участкасининг унумдорлигини ошириш чора-тадбирларини кўриш, бизнес-режаларда ушбу мақсадлар учун маблағлар ажратилишини назарда тутиш;  
экология талабларига ва атроф мухитни муҳофаза қилишнинг бошқа қоидаларига риоя қилиш;  
ер ва сув ресурсларидан фойдаланишнинг ички хўжалик ҳисоби ва ҳисоботини ташкил этиш;  
экинларни навлар бўйича жойлаштиришнинг белгиланган талабларига риоя қилиш;  
сув ресурсларидан ва бошқа моддий-техника ресурсларидан тежаб фойдаланиш учун хўжалик ички пудратчилари ва ижарачиларни иқтисодий рағбатлантириш;  
сув ресурсларидан сувдан лимит бўйича фойдаланиш тўғрисидаги шартномага мувофиқ фойдаланиш;  
янги агротехнологияларни жорий этиш;  
сувни тежаш тадбирларини амалга ошириш;  
хўжалик ички гидромелиорация тизимини ўз вақтида таъмирлаш ва шўрланган ерларни ювиш;  
қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва бошқа маҳсулотлар етиштиришда стандартлар талабларига риоя қилиш;  
қишлоқ хўжалиги зараркунандалари ва касалликларига қарши кураш олиб бориш;  
меҳнатга ўз вақтида ҳақ тўлаш;  
ширкат хўжалиги аъзолари ва унда меҳнат шартномаси бўйича

**ишловчи шахсларнинг меҳнат фаолияти ҳисобини юритиш, уларга хавфсиз меҳнат шароитларини таъминлаш.**

**Ширкат ҳўжалиги қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа мажбуриятлар бўйича ўзга ҳуқуқларга эгадир ва улар бўйича жавоб беради.**

### **III. Ер участкаси ва ундан фўйдаланиш**

**11. Ширкат ҳўжалигига ер участкаси эллик йилгача муддатга узоқ муддатли ижарага берилади. Ижарага берилган ер участкаси давлат мулки ҳисобланади ва у хусусийлаштирилиши, олди-сотди, айирбошлаш, гаров, ҳадя қилиш объекти бўлиши мумкин эмас.**

**Ер участкаларидан оқилона ва самарали фўйдаланувчи ширкат ҳўжалиги ер участкаларини қўшимча равишда ижарага олиши мумкин.**

**Ер участкасининг ижара шартномаси томонларнинг келишувига кўра, томонлар келишувга эришмаган тақдирда эса — суд томонидан ўзгартирилиши ва бекор қилиниши мумкин.**

**12. Ширкат ҳўжалигига берилган ерлар жамоат фўйдаланишидаги ерлардан ва деҳқон ҳўжалигини юритиш учун бериб қўйилган ерлардан иборатдир.**

**13. Ширкат ҳўжалиги ердан оқилона ва самарали фўйдаланишни, унинг унумдорлигини пасайтирмасликни ва экологик вазиятнинг ёмонлашувига йўл қўйилмасликни таъминлаши шарт.**

**14. Ширкат ҳўжалигининг қишлоқ ҳўжалиги экин майдони, қонда тариқасида, оилаларга (жамоаларга) оила (жамоа) пудрати шартномаси шартлари асосида қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштириш мақсадида қонун ҳужжатларида ва умумий йиғилиш томонидан белгиланган тартибда беш йил муддатга вақтинча фўйдаланиш учун берилади.**

**Ер участкасидан фўйдаланиш муддати тамом бўлгандан кейин оилалар (жамоалар) оила (жамоа) пудрати шартномасини янги муддатга узайтириш (чўзиш) ҳуқуқига эгадир.**

**Оила (жамоа) пудратчиларига ер участкасини бериш далолатнома билан тасдиқланади.**

**15. Ширкат ҳўжалиги аъзолари оилаларига, шунингдек ширкат ҳўжалиги ҳудудида доимий яшаётган ўқитувчилар, врачлар ва бошқа мутахассисларнинг оилаларига мерос қилиб қолдирилдиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи асосида деҳқон ҳўжаликларини юритиш учун ер участкалари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ширкат ҳўжалиги умумий йиғилишининг ил-**



тимосномаси асосида туман ҳокимининг қарорига кўра ажратиб берилади.

16. Ширкат ҳужалигининг ер участкаси давлат ёки жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилганда ернинг унумдорлигини ошириш, шунингдек бинолар, иншоотлар ва кўп йиллик дарахтзорлар қиймати билан боғлиқ харажатлар, етказилган бошқа зарарлар қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланган тартибда қопланади.

17. Ширкат ҳужалиги тугатилган ёки қайта ташкил этилган тақдирда ер участкаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ижарага берувчига қайтарилади.

18. Ширкат ҳужалигига узоқ муддатли ижарага берилган ер участкасидан фойдаланганлик учун тўлов қонун ҳужжатларида белгиланган ставкалар ва муддатлар бўйича ягона ер солиғи тариқасида ундирилади.

#### **IV. Ширкат ҳужалиги мол-мулкани шакллантириш тартиби**

19. Асосий фондлар ва айланма маблағлар, шунингдек ширкат ҳужалигининг мустақил балансида акс эттирилдиган бошқа бойликлар ширкат ҳужалигининг мулки ҳисобланади.

20. Қўйидагилар ширкат ҳужалиги мол-мулкани шакллантириш манбалари ҳисобланади:

асосий фондлар ва бошқа фондлар қиймати;

етиштирилган маҳсулотлар;

маҳсулотларни сотишдан ва кўрсатилган хизматлардан тушган даромад (фойда);

ширкат ҳужалиги аъзоларининг пул ва моддий бадаллари;

банк кредитлари;

қимматли қоғозлар;

бюртмачилардан олинган аванслар ҳамда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

21. Ширкат ҳужалиги мол-мулки ширкат ҳужалиги балансида акс эттирилган узоқ муддатли ва айланма активлардан иборат.

22. Ширкат ҳужалиги мол-мулкани шакллантиришда юридик ва жисмоний шахслар шартнома асосида ўзларининг пул бадаллари ва моддий ресурслари билан иштирок этишлари мумкин.

23. Ширкат ҳужалиги томонидан ташкил этиладиган шўба корхоналарнинг мол-мулки, шунингдек унинг ҳужаликлараро ташкилотлар мулкидаги улуши ширкат ҳужалигининг мулки ҳисобланади.

24. Ширкат хўжалиги мол-мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни ўз хоҳишига кўра тасарруф этиш ҳуқуқини амалга оширади. Ширкат хўжалиги мол-мулки ҳар йили хатловдан ўтказилади ва унинг натижалари ширкат хўжалиги аъзоларининг умумий йиғилишида тасдиқланади.

## **V. Устав фонди ва уни тақсимлаш**

25. Ширкат хўжалиги фаолиятини таъминлаш учун пай жамғармаси ва бўлинмас фонддан иборат устав фонди ташкил этилади. Устав фонди миқдори ширкат хўжалиги умумий йиғилиши томонидан белгиланади.

26. Уставда ширкат хўжалиги устав фонди ва бўлинмас фонд миқдори кўрсатилади.

Бўлинмас фондни ташкил этиш ва ундан фойдаланиш тартиби ширкат хўжалиги умумий йиғилиши томонидан тасдиқландиган Бўлинмас фондни ташкил этиш ва ундан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ белгиланади.

27. Пай жамғармаси ширкат хўжалиги аъзоларининг мулкӣ пайларига тақсимланади.

28. Аъзоларнинг ширкат хўжалиги ташкил этилган пайтда аниқланган мулкӣ пайлари уларнинг бошланғич мулкӣ пайи ҳисобланиб, унинг миқдори таъсис йиғилишида тасдиқланади.

29. Устав фонди миқдори ширкат хўжалиги умумий йиғилишининг қарорига асосан тақсимланмаган фойдадан ажратма ва бошқа манбалар ҳисобига кўпайтирилиши мумкин. Бу ҳолда ширкат хўжалиги устави қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қайта рўйхатдан ўтказилиши лозим.

30. Ширкат хўжалиги ўз аъзоларининг маблағларини қўшимча бадаллар сифатида жалб қилиши мумкин. Қўшимча бадаллар пай жамғармасига киритилади. Ширкат хўжалиги аъзолари пай жамғармасига киритилган қўшимча бадаллар бўйича ширкат хўжалигининг умумий йиғилиши томонидан тасдиқландиган Пай жамғармасини шакллантириш, мулкӣ пайларни тақсимлаш ва улар бўйича дивидендлар тўлаш тартиби тўғрисидаги низомда назарда тутилган тартибда дивидендлар оладилар.

## **VI. Ширкат хўжалигининг аъзолари, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

31. Ўн олти ёшга тўлган, ширкат хўжалиги уставини эътироф этадиган ва унинг талабларига риоя этадиган, ширкат хўжалиги фаолиятида ва (ёки) унинг жамғармаларини шаклланти-

ришда иштирок этувчи жисмоний шахслар ширкат хўжалиги аъзолари бўлишлари мумкин.

Ширкат хўжалигига аъзолик ундан вақтинча чиқиб кетган шахслар учун қўйдаги ҳолларда сақланиб қолади:

ҳақиқий муддатли ҳарбий хизматни ўтаганда;

давлат ва жамоат органларига сайлаб қўйиладиган лавозимга сайланганда;

ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқишга кирганда;

ширкат хўжалиги бошқаруви томонидан бошқа ширкат хўжаликларига, хўжаликлараро ва бошқа ташкилотларга белгиланган муддатга ишга йўлланганда.

Ширкат хўжалигининг қарилик ёки ногиронлик бўйича ишни тўхтатган аъзолари ўзларининг ширкат хўжалигига аъзоликларини унинг умумий йиғилиши қарори билан белгиланган асос ва шартларда сақлаб қоладилар.

Юридик шахслар ширкат хўжалигига аъзо бўлишлари мумкин. Ширкат хўжалигига аъзо бўлган юридик шахсларнинг ширкат хўжалиги билан ўзаро муносабатлари улар ўртасида тузилдиган шартнома билан белгиланади.

32. Ширкат хўжалигини ташкил этишда таъсис йиғилишида тасдиқланган аъзолар таркиби рўйхати ва уларнинг бошланғич мулкӣ пайларининг миқдори Уставга илова қилинади ва унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

33. Ширкат хўжалиги аъзолари сонини кўпайтириш умумий йиғилишнинг мутлақ ваколатига киради. Ширкат хўжалигига аъзоликка қабул қилиш шахснинг ёзма аризаси асосида амалга оширилади.

Ширкат хўжалиги аъзолари билан меҳнат муносабатлари ширкат хўжалиги раисининг буйруғи билан расмийлаштирилади. Меҳнат шартномаси ва бошқарувнинг қарори буйруқ чиқариш учун асос ҳисобланади. Ширкат хўжалиги раисининг буйруғи ширкат хўжалиги аъзоларининг навбатдаги умумий йиғилишида тасдиқланади.

Бунда ширкат хўжалигига аъзоликка қабул қилиш ёки қабул қилишни рад этиш тўғрисида бошқарув қарори ариза берилган пайтдан бошлаб бир ой муддатда қабул қилиниши керак.

Ширкат хўжалиги аъзолигига махсус билимларга ва иш тажрибасига эга бўлган шахсларни қабул қилиш зарур бўлганда хўжалик бошқаруви уч ойгача бўлган синов муддати белгилаши мумкин.

Ширкат хўжалигига аъзоликка қабул қилинаётган шахс уму-

мий йиғилиш томонидан белгиланган миқдорда ширкат хўжалиги пай жамғармасига улуш қўшиши ёхуд чиқиб кетган аъзонинг пайини сотиб олиши керак.

34. Ширкат хўжалиги аъзолари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ширкат хўжалигини бошқаришда иштирок этиш;

ширкат хўжалиги бошқарув органларига сайлаш ва сайланиш;

ширкат хўжалиги фаолияти тўғрисида маълумот олиш, унинг ҳужжатлари билан танишиш;

ўз меҳнати натижаларига мувофиқ даромадлар олиш;

мулкӣ пайлар бўйича дивидендлар олиш;

ширкат хўжалиги тугатилган тақдирда кредиторлар билан ҳисоб-китоб қилингандан кейин қоладиган мол-мулкдан ўз улушини ёки унинг қийматини олиш;

ширкат хўжалигининг махсулотлари ва хизматларидан устувор тартибда фойдаланиш;

ширкат хўжалиги аъзолигидан ўз хоҳишига кўра чиқиш, ўзининг мулкӣ пайини қонун ҳужжатлари ва Уставга мувофиқ васият қилиб қолдириш;

қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳуқуқлардан фойдаланиш.

35. Ширкат хўжалиги аъзоларининг мажбуриятлари:

қонун ҳужжатлари, ширкат хўжалигининг таъсис ҳужжатлари талабларига риоя қилиш, унинг бошқарув органлари қарорларини бажариш;

ширкат хўжалиги фаолиятига тааллуқли сир тутиладиган ахборотни ва тижорат ахборотини ошкор қилмаслик;

ширкат хўжалиги мол-мулкни эҳтиёт қилиш, ишлаб чиқариш воситаларидан тежаб ва самарали фойдаланиш;

ширкат хўжалигида меҳнат қилиш ва ўз меҳнати натижалари учун жавоб бериш, меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомига, меҳнатни ва табиатни муҳофаза қилиш қоидаларига риоя қилиш.

36. Ширкат хўжалиги ва унинг аъзолари ўртасидаги ўзаро муносабатлар қонун ҳужжатлари, Устав ҳамда ширкат хўжалиги бошқарув органларининг қарорлари асосида тартибга солинади.

37. Ширкат хўжалиги ўз аъзолари ва ёлланган ходимларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш шакллари, тизими ва шартларини қонун ҳужжатларига ва оила (жамоа) пудрати шартномасига мувофиқ мустақил равишда белгилайди. Ҳар бир аъзонинг даромади унинг меҳнати улушига ҳамда йил якуни бўйича ширкат хўжалиги

фаолиятининг пировард натижасига боғлиқ бўлади. Ширкат хўжалиги ҳар бир аъзосининг ойлик даромади белгиланган энг кам ойлик иш ҳақи миқдоридан кам бўлиши мумкин эмас. Унинг юқори чегараси белгиланмайди.

**38. Ширкат хўжалигига аъзолик:**

ширкат хўжалиги аъзолигидан ихтиёрий равишда чиқилганда;

ширкат хўжалиги аъзолигидан чиқарилганда;

ширкат хўжалиги хўжалик юритишнинг бошқа шакллариغا қайта ташкил этилганда ёки тугатилганда тўхтатилади.

Умумий йиғилиш томонидан ширкат хўжалиги аъзолигидан чиқариш:

ширкат хўжалиги фаолиятида меҳнат иштироки тўхтатилганда, унинг Уставида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно; қонун ҳужжатларига мувофиқ ширкат хўжалиги Уставида белгиланган бошқа ҳолларда ва тартибда амалга оширилади.

Ширкат хўжалиги аъзолигидан чиқариш устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

Ширкат хўжалиги аъзоси ширкат хўжалиги таркибидан ўз ташаббуси билан чиқиш тўғрисида ширкат хўжалиги бошқарувини ўзининг мўлжалланаётган чиқиши санасидан камида икки ҳафта олдин ёзма равишда хабардор қилиши керак.

Ширкат бошқаруви ширкат хўжалиги аъзосининг ширкатдан чиқиш тўғрисидаги аризаси асосида аъзоликдан чиқариш тўғрисида қарор қабул қилади ва уни тасдиқлаш учун умумий йиғилишга киритади.

Ширкат хўжалиги аъзолари билан, шунингдек ёлланган ходимлар билан меҳнат муносабатлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

## **VII. Ширкат хўжалиги аъзоларининг мулкӣ пайлари ва уларнинг ҳисоби**

**39.** Ширкат хўжалиги аъзоларининг мулкӣ пайлари миқдори умумий йиғилиш томонидан тасдиқланадиган Пай жамғармасини шакллантириш, мулкӣ пайларни тақсимлаш ва улар бўйича дивидендлар тулаш тартиби тўғрисидаги низомга биноан белгиланади.

**40.** Пай жамғармаси ва тегишли равишда ширкат хўжалиги аъзолари мулкӣ пайлари миқдорининг ўзгариши (купайиши ёки камайиши) умумий йиғилиш қарори билан амалга оширилади.

**41.** Ширкат хўжалиги аъзоларининг мулкӣ пайи номи ёзил-

ган далолатнома билан расмийлаштирилиб, рўйхатга олиш рақамига эга бўлади ва у қимматли қоғозлар тоифасига кирмайди.

42. Ҳар бир аъзо учун ширкат ҳўжалиги молия-ҳисоб-китоб марказида шахсий ҳисоб рақами очилади ва унда унинг бошланғич мулккий пайи ва қўшимча пай бадаллари, шунингдек тўланган дивидендлар акс эттириб борилади. Барча аъзоларнинг шахсий ҳисоб рақамларидаги мулккий пайларининг йиғиндиси ширкат ҳўжалигининг пай жамғармаси миқдорига тенг бўлиши керак. Ширкат ҳўжалиги аъзоларининг мулккий пайлари миқдори улар томонидан киритилган қўшимча бадаллар миқдорига ошадди.

### **VIII. Даромад (фойда)ни тақсимлаш ва зарарларни қоплаш тартиби**

43. Тижорат фаолиятидан олинган даромад (фойда) солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар тўлангандан сўнг бутунлай ширкат ҳўжалиги тасарруфида бўлади ва уни ширкат ҳўжалиги мустақил равишда тасарруф этади.

44. Ширкат ҳўжалигининг зарарлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қопланади.

45. Ширкат ҳўжалигининг даромади (фойдаси) умумий йиғилишнинг қарори билан аъзоларга дивидендлар тўлаш ва устав фонди миқдорини кўпайтириш, шунингдек қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бошқа мақсадлар учун тақсимланади.

46. Ҳар бир аъзонинг мулккий пайлари бўйича дивидендлар миқдорини аниқлаш ва тақсимлаш Пай жамғармасини шакллантириш, мулккий пайларни тақсимлаш ва улар бўйича дивидендлар тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга биноан амалга оширилади.

47. Ширкат ҳўжалиги даромади (фойдаси)нинг пайлар бўйича дивидендлар тўлаш учун мўлжалланган қисми йил якунларига кўра мулккий пайнинг миқдорига мутаносиб равишда тақсимланади ва тўланади.

### **IX. Пайларни ажратиб бериш ва мерос қилиб қолдириш**

48. Ширкат ҳўжалигидан чиқиш фермер ҳўжалиги ёки янги ширкат ҳўжалиги ташкил этиш мақсадида амалга оширилган ҳолларда мулккий пайлар 15 кун муддатдан кечикмай пул шаклида тўланади.

49. Ширкат ҳўжалиги аъзосининг мулккий пайини мерос қилиб

қолдириш фақат унинг қийматдаги ифодасида амалга оширилади.

50. Пайга мулкчилик ҳуқуқларининг меросхўрларга ўтиши ширкат хўжалиги бошқарувида рўйхатдан ўтказиш йўли билан Пай жамғармасини шакллантириш, мулкий пайларни тақсимлаш ва улар бўйича дивидендлар тулаш тартиби тўғрисидаги низомда белгиланган тартибда амалга оширилади.

## **Х. Ширкат хўжалигининг бошқарув органлари ва уларнинг ваколатлари**

51. Ширкат хўжалигининг умумий йиғилиши (вакиллар йиғилиши), бошқаруви ва тафтиш комиссияси (тафтишчи) ширкат хўжалигининг бошқарув органлари ҳисобланади. Ширкат хўжалиги аъзоларининг умумий йиғилиши ширкат хўжалиги бошқарувининг юқори органи ҳисобланади. Умумий йиғилиш молия йили тугагандан кейин ўтказилади. Умумий йиғилиш ширкат хўжалиги бошқарувининг (раисининг) қарорига биноан ёки ширкат хўжалиги аъзолари камида учдан бир қисмининг ташаббуси билан навбатдан ташқари чақирилиши мумкин.

52. Умумий йиғилиш:

ширкат хўжалигининг Уставини қабул қилади ва унга белгиланган тартибда ўзгартириш ва қўшимчалар киритади;

ширкат хўжалигининг раиси, ширкат хўжалигининг бошқаруви ва тафтиш комиссияси аъзоларини (тафтишчини) сайлайди ва уларни чақириб олади, уларнинг фаолияти тўғрисидаги ҳисоботларини эшитади ва фаолиятига баҳо беради;

ширкат хўжалиги аъзолигига қабул қилиш, аъзоликдан чиқариш тўғрисидаги масалаларни, шунингдек ширкат хўжалиги аъзолигидан чиқиш билан боғлиқ масалаларни ҳал этади;

ширкат хўжалигининг ички меҳнат тартиби ва меҳнатга ҳақ тулаш тартибини белгилайди;

оила (жамоа) пудрати тўғрисидаги низомни ва бошқа хўжалик ички норматив ҳужжатларни қабул қилади;

ширкат хўжалиги аъзоларининг мулкий пайлари миқдорини белгилайди;

ширкат хўжалиги фаолиятининг бизнес-режаларини ва уларнинг ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни тасдиқлайди;

даромадни (фойдани) тақсимлаш тартибини, ширкат хўжалигининг бўлинмас, пай ва бошқа жамғармалари турларини, миқдорини ва улардан фойдаланиш йўналишларини белгилайди; ердан фойдаланиш, ер тузиш масалаларини ҳал этади, шу-

нингдек Ширкат хўжалиги аъзолари оилаларига, шунингдек ширкат хўжалиги ҳудудида доимий яшаётган ўқитувчилар, врачлар ва бошқа мутахассисларнинг оилаларига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи асосида деҳқон хўжаликларини юритиш учун ер участкалари бериш тўғрисида туман ҳокимига илтимоснома киритади;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш учун оилаларга (жамоаларга) пудрат шартларида ер участкалари ажратиш тўғрисида қарор қабул қилади;

фермер хўжаликларига танлов асосида ер участкаларини ижарага бериш тўғрисида туман ҳокимига илтимоснома киритади;

ширкат хўжалигини қайта ташкил этиш ва тугатиш, унинг уюшмалар, жамиятлар, агрофирмалар ва бошқа бирлашмаларга кириши ва улардан чиқиши масалаларини ҳал этади.

53. Аъзоларининг сони беш юз кишидан ортиқ бўлган йирик ширкат хўжаликларида умумий йиғилиш ваколатига кирадиган масалаларни ҳал қилиш учун вакиллар йиғилиши чақирилиши мумкин.

Вакиллар оилавий (жамоавий) пудратчиларнинг ва ширкат хўжалиги бошқа бўлинмаларининг йиғилишларида ширкат хўжалиги аъзолари орасидан умумий йиғилиш томонидан белгиланган муддатга сайланадилар. Вакилларнинг вакиллик нормалари ширкат хўжалиги аъзоларини ширкат хўжалигини бошқаришга энг кўп даражада жалб этишни ҳисобга олган ҳолда ширкат хўжалиги бошқаруви томонидан белгиланади. Ширкат хўжалиги раиси, бошқарув аъзолари, ширкат хўжалиги тафтиш комиссияси аъзолари вакиллар йиғилиши ишида мажбурий тартибда қатнашадилар.

Ширкат хўжалиги раисини лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод этиш, ширкат хўжалигини қайта ташкил этиш ва унинг фаолиятини тўхтатиш масалалари бўйича қарорлар фақат умумий йиғилиш томонидан қабул қилинади.

54. Ширкат хўжалиги аъзолари ёки уларнинг вакилларининг умумий мажлиси ширкат барча аъзоларининг камида учдан икки қисми қатнашган (ёки уларнинг вакиллари қатнашган) тақдирдагина масалаларни ҳал этиш ҳуқуқига эга бўлади. Умумий йиғилиш қатнашчиларининг сони юз кишидан ортиқ бўлса, шунингдек яширин овоз бериладиган ҳолларда санок комиссияси сайланади.

55. Ширкат хўжалиги аъзоларининг умумий йиғилиши (ва-



киллар йиғилиши) қарорлари очиқ ёки яширин овоз бериш орқали кўпчилик овоз билан қабул қилинади. Уставга ўзгартиришлар киритиш, устав фонди миқдорини ўзгартириш, ширкат ҳужалигини қайта ташкил қилиш ва тугатиш масалалари бўйича қарорлар умумий йиғилиш иштирокчиларининг ёки улар вакилларининг тўртдан уч қисмининг кўпчилик овози билан қабул қилиниши керак. Ширкат ҳужалиги аъзоси бўлмаган ва унда меҳнат шартномаси асосида ишлайдиган шахслар умумий йиғилишда маслаҳат овози ҳуқуқи билан иштирок этиши мумкин.

56. Ширкат ҳужалиги бошқаруви умумий йиғилиш чақирилиши ҳақида аъзоларни йиғилиш ўтказиладиган санадан камида етти кун олдин хабардор қилиши шарт.

57. Мулкӣ улуши миқдоридан қатъи назар, ширкат аъзоси бир овозга эга бўлади.

58. Ширкат ҳужалиги аъзолари умумий йиғилишида сайланадиган бошқарув ижро этувчи орган ҳисобланади.

Ширкат ҳужалиги бошқаруви қуйидаги ваколатларга эга:  
ширкат ҳужалиги фаолиятининг бизнес-режаларини ишлаб чиқиш ва умумий йиғилиш (вакиллар йиғилиши) тасдиғига киритиш;

ширкат ҳужалиги аъзоларининг умумий йиғилишини (вакиллар йиғилишини) чақириш ҳамда улар томонидан қабул қилинган қарорларнинг ижросини назорат қилиш;

ширкат ҳужалигига янги аъзолар қабул қилиш ва аъзоликни тугатиш тўғрисидаги қарорни умумий йиғилиш (вакиллар йиғилиши) тасдиғига киритиш;

ширкат ҳужалиги мол-мулкнинг сақланишини таъминлаш ҳамда етказилган зарарнинг ўрни қопланишига доир чораларни кўриш;

зарурат бўлганда мустақил аудиторлик текширишлари ўтказилишини ташкил этиш;

ердан фойдаланиш, ер тузиш ва ер участкалари ажратиш бўйича таклифларни умумий йиғилишнинг кўриб чиқиши учун киритиш;

сув ҳужалиги хизматини ва бошқа инфратузилмани ташкил этиш;

жорий ҳужалик масалаларини ҳал этиш;

ширкат ҳужалиги Уставида ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа масалаларни ҳал этиш.

59. Ширкат ҳужалиги бошқаруви ишига ширкат ҳужалиги раиси раҳбарлик қилади. Қоидага кўра, бошқарув раис лавози-

мига номзодни тавсия этади. Ширкат хўжалиги раиси умумий йиғилишда ширкат хўжалиги аъзоларидан очиқ овоз бериш йўли билан муқобиллик асосида уч йил муддатга сайланади.

Раис:

Уставга мувофиқ ширкат хўжалиги номидан ишончномасиз иш олиб боради;

оила бошлиқлари (жамоанинг ваколатли вакиллари) билан оила (жамоа) пудрати шартномалари тузади;

ширкат хўжалигининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилади, мол-мулкани тасарруф этади, шартномаларни, шу жумладан меҳнат шартномаларини тузади, уларнинг бажарилишини таъминлайди, ишончномалар беради, банкда ҳисоб рақамлари очади ва ширкат хўжалиги Уставига мувофиқ бошқа ишларни амалга оширади;

ширкат хўжалиги умумий йиғилиши (вакиллар йиғилиши) ва бошқарув қарорларнинг ижросини назорат қилади;

ширкат хўжалигининг ички меҳнат тартиби қоидаларини белгилайди;

ўз ваколати доирасида буйруқ ва фармойишлар чиқаради, пул ва ҳисобот ҳужжатларини ҳамда бошқа ҳужжатларни имзолайди;

ҳодимлар меҳнатини ташкил этади, қонун ҳужжатларида ва бошқа норматив ҳужжатларда назарда тутилган меҳнат шарт-шароитларини яратади, барча ходимларга меҳнат дафтарчалари юритилишини таъминлайди;

умумий йиғилиш ва бошқарув олдида ҳисобот беради.

Ширкатнинг умумий йиғилиши айрим вазифаларни тезликда ҳал этиш учун раисга бошқа функцияларни ҳам юклаши мумкин.

Ширкат хўжалиги бошқарувининг аъзолари ўз таркибидан ширкат хўжалигининг Уставига мувофиқ ширкат хўжалиги раисининг ўринбосарини ва бошқарув қотибини сайлашлари мумкин.

60. Умумий йиғилиш томонидан муайян муддатга сайланган тафтиш комиссияси (тафтишчи) ширкат хўжалигининг назорат органи бўлиб, у ширкат хўжалигининг молия-хўжалик фаолиятини текширади. Тафтиш комиссияси (тафтишчи) бир йилда бир марта ширкат хўжалигининг молия-хўжалик фаолиятини тафтиш қилади. Йил давомида заруратга қараб ўтказилган текшириш натижалари ҳамда бир йиллик тафтиш натижаси тўғрисида бошқарувга маълум қилади ва умумий йиғилиш олдида ҳисобот беради.

Тафтиш комиссияси аъзолари (тафтишчи) ширкат хўжалигининг ижро этувчи органи таркибига кириши мумкин эмас. Умумий йиғилиш ширкат хўжалигининг ва унинг бошқарувининг молия-хўжалик фаолиятини текшириш учун белгиланган тартибда аудиторлик ташкилотини жалб этишга ҳақли.

61. Ширкат хўжалиги бошқарув аппарати штатларини мустақил белгилайди.

## **XI. Ҳисоб-китоб ишлари ва ҳисобот бериш, ширкат хўжалиги фаолиятини текшириш тартиби**

62. Ширкат хўжалиги ўз фаолияти натижалари ҳисоб-китоби ишларини амалга оширади ҳамда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бухгалтерия ва статистика ҳисоботини юритади.

63. Ширкат хўжалиги фаолияти: тафтиш комиссияси (тафтишчи); умумий йиғилиш қарорига кўра мустақил аудиторлик ташкилотлари;

қонун ҳужжатларида ушбу мажбурият юкланган солиқ органлари ва бошқа давлат органлари томонидан уларнинг ваколатлари доирасида текширилади.

Ширкат хўжалиги текшириш ҳуқуқини берадиган тегишли ҳужжат кўрсатилишини талаб этиш, текширувчилар ваколатига кирмайдиган масалалар бўйича уларнинг талабларини бажармасликка ҳамда текширув соҳасига боғлиқ бўлмаган маълумотлар билан уларни таништирмасликка ҳақлидир.

## **XII. Ширкат хўжалигини қайта ташкил этиш ва тугатиш тартиби**

64. Ширкат хўжалигини қайта ташкил этиш қонун ҳужжатларида ва ширкат хўжалиги Уставида белгиланган тартибда қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш, ажратиш чиқариш ва ўзгартириш шаклида амалга оширилади.

65. Ширкат хўжалигини қайта ташкил этишда унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳуқуқий ворислик тартибида қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа шахсларга ўтади.

66. Ширкат хўжалигининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳуқуқий ворислик тартибида бошқа шахсга ўтмасдан ширкат хўжалигининг фаолияти тўхтатилиши унинг тугатилиши ҳисобланади.

Ширкат хўжалиги:

умумий йиғилиш қарорига биноан;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда суднинг қаро-  
рига биноан тугатилади.

67. Ширкат ҳужжалигини тугатиш тўғрисида қарор қабул қил-  
ган умумий йиғилиш бу ҳақда ширкат ҳужжалигини давлат рўйха-  
тидан ўтказувчи органга дарҳол ёзма равишда хабар бериши шарт,  
давлат рўйхатидан ўтказувчи орган ширкат ҳужжалиги тугатиш  
жараёнида эканлиги ҳақидаги маълумотларни юридик шахслар-  
нинг ягона давлат реестрига киритади.

Ширкат ҳужжалигини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилган  
умумий йиғилиш ширкат ҳужжалигини давлат рўйхатидан ўтқа-  
зувчи орган билан келишган ҳолда тугатиш комиссиясини (туга-  
тувчини) тайинлайди ҳамда қонунга ва ширкат Уставига муво-  
фиқ тугатиш тартиби ва муддатини белгилайди.

Тугатиш комиссияси (тугатувчи) тайинланган пайтдан бош-  
лаб ширкат ҳужжалиги ишларини бошқариш соҳасидаги барча  
ваколатлар унинг ихтиёрига ўтади. Тугатиш комиссияси (туга-  
тувчи) тугатилаётган ширкат ҳужжалиги номидан судда иштирок  
этади.

68. Тугатиш комиссияси (тугатувчи) матбуот органларида  
ширкат ҳужжалигининг тугатилиши, унинг кредиторлари томони-  
дан талабларни баён этиш тартиби ва муддати ҳақидаги хабарни  
жойлаштиради. Бу муддат тугатиш ҳақида хабар эълон қилин-  
ган пайтдан бошлаб икки ойдан кам бўлиши мумкин эмас.

Тугатиш комиссияси (тугатувчи) кредиторларни аниқлаш ва  
дебиторлик қарзини олиш чораларини кўради, шунингдек кре-  
диторларни ширкат ҳужжалиги тугатилиши ҳақида ёзма равишда  
хабардор қилади.

69. Кредиторлар томонидан талабларни қўйиш учун белги-  
ланган муддат тамом бўлганидан кейин тугатиш комиссияси (ту-  
гатувчи) оралиқ тугатиш балансини тузади, бу баланс тугатила-  
ётган ширкат ҳужжалиги мол-мулкининг таркиби, кредиторлар  
қўйган талаблар рўйхати, шунингдек уларни қараб чиқиш нати-  
жалари тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олади.

Оралиқ тугатиш баланс ширкат ҳужжалигини давлат рўйха-  
тидан ўтказувчи орган билан келишган ҳолда ширкат ҳужжалиги-  
ни тугатиш тўғрисида қарор қабул қилган умумий йиғилиш ёки  
суд томонидан тасдиқланади.

70. Агар тугатилаётган ширкат ҳужжалиги ихтиёридаги пул  
маблағлари кредиторларнинг талабларини қондириш учун етар-  
ли бўлмаса, тугатиш комиссияси (тугатувчи) ширкат ҳужжалиги-

нинг мол-мулкини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ошқора савдоларда сотади.

71. Тугатилаётган ширкат хўжалиги кредиторларига пул суммаларини тўлаш тугатиш комиссияси (тугатувчи) томонидан қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган навбат тартибида, оралик тугатиш балансига мувофиқ, у тасдиқланган кундан бошлаб амалга оширилади.

Кредиторлар билан ҳисоб-китоб қилиш тугаганидан кейин тугатиш комиссияси (тугатувчи) тугатиш балансини тузади. Тугатиш баланси ширкат хўжалигини давлат рўyxатидан ўтказишни амалга оширувчи орган билан келишган ҳолда ширкат хўжалигини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилган умумий йиғилиш ёки суд томонидан тасдиқланади.

72. Ширкат хўжалиги тугатилаётганда кредиторлар талаблари қондирилгандан кейин қоладиган бўлинмас фонднинг қисми ва пай жамғармаси ширкат хўжалиги аъзолари ёки уларнинг меросхўрлари ўртасида мулкӣ пайлар қийматига мутаносиб равишда тақсимланади.

73. Ширкат хўжалиги тугатилганда унинг аъзолари деҳқон хўжалигини юритиш мақсадида ўзларига бириктирилган ер участкаларига меросга қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини сақлаб қоладилар.

74. Ширкат хўжалигининг тугатилиши ҳақидаги ёзув юридик шахсларнинг ягона давлат реестрига киритилгандан сўнг ширкат хўжалигини тугатиш тамомланган, ширкат хўжалигининг фаолияти эса тугаган ҳисобланади.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2003 йил 5 ноябрдаги 486-сон қарорига  
4-ИЛОВА

**Ер участкаларига бўлган ҳуқуқни ҳамда қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат хўжаликлари) билан фермер хўжаликлари ўртасида тузилган ижара шартномаларини қайта расмийлаштириш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида» 2003 йил 24 мартдаги ПФ-3226-сон, «2004—2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш

концепцияси тўғрисида» 2003 йил 27 октябрдаги ПФ-3342-сон фармонлари, Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси асосида ишлаб чиқилган ва қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат хўжаликлари) (кейинги уринларда ширкат хўжалиги деб юритилади) ҳамда фермер хўжалиklarининг ер участкаларига бўлган ҳуқуқини ва ижара шартномаларини қайта расмийлаштириш тартибини белгилайди.

## **I. Қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат хўжаликлари)нинг ер участкаларига бўлган ҳуқуқини қайта расмийлаштириш**

1. Ер участкалари ширкат хўжалиklarига эллик йилгача, бироқ камида ўттиз йил муддатга узоқ муддатли ижарага берилади. Ижара муддати қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

2. Ширкат хўжалиklarини ер участкаларига бўлган ҳуқуқини ижара шаклига ўтказиш бўйича ишларни ташкил этиш ва амалга ошириш учун Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимликлари тегишли фармойишлар чиқарадилар.

3. Ширкат хўжалиklarининг ер участкаларини ижарага беришни қайта расмийлаштириш бўйича материалларини тайёрлаш ва расмийлаштириш ишлари давлат бюджети маблағлари ҳисобига бажарилади.

4. Ширкат хўжаликлари ер ресурслари бўйича туман хизматига ерларни ижарага бериш муддати кўрсатилган аризани ва ер участкаларига ҳуқуқни белгиловчи ҳужжатларни тақдим этади.

5. Ер ресурслари бўйича туман хизмати ер-кадастр ҳужжатлари маълумотлари бўйича ширкат хўжалиги ерларининг миқдори ва сифати ҳолатини аниқлайди.

Ширкат хўжалиги ер-кадастр ҳужжатлари маълумотларига рози бўлмаган тақдирда ер участкаси ер ресурслари бўйича туман хизмати ҳамда ширкат хўжалиги вакиллари томонидан натура бўйича текшириб чиқилади, текшириш натижалари бўйича ер участкасини текшириш далолатномаси тузилади.

6. Маълумотлар аниқлангандан ва уларга тузатишлар киритилгандан кейин ер участкасининг харитаси ва намунавий шаклга мувофиқ ижара шартномаси тузилади.

Ер участкасининг тегишли масштабдаги харитаси хўжалиklarаро ер тузиш, ерларни хатлаш материалларидан ва кейинги йиллардаги бошқа текширишлар материалларидан фойдаланган

ҳолда мавжуд харита — картография материали асосида тайёрланади. Ер участкаси харитасида қабул қилинган белгиларга мувофиқ: ширкат ҳужалигининг чегаралари, барча ҳолатлар (суғориш, коллектор-дренаж ва йўл тармоқлари, экин майдонлари, аҳоли яшаш жойлари, контурларнинг тартиб рақамлари), сервитут ва тупроғи кучсизланган участкалар, шунингдек ширкат ҳужалиги худудига киритилган ер участкаларининг (чет ерларнинг) чегаралари ва номлари тўлиқ кўрсатилади.

Ижара шартномасида ер участкасининг, шу жумладан ерларнинг турлари бўйича умумий майдони, ерларнинг сифати, томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари акс эттирилади, ер участкасидан фойдаланиш масалалари бўйича низоларни ҳал этиш ва шартномани бекор қилиш шартлари кўрсатилади. Алоҳида шартлар сифатида ер участкасининг амалдаги кучсизлантирилиши, унумдорлик ҳолати ва сервитутлар, сувдан фойдаланиш шартшароитлари ҳамда томонларнинг хоҳишига кўра бошқа шартлар қайд этилади.

Ерларнинг сифати тупрокни ва геоботаник текшириш материаллари, тупроқ бонитети, ерларни хатловдан ўтказиш ва ерлар сифатини тавсифловчи бошқа материаллар бўйича белгиланади.

7. Ер участкаси харитаси ва ижара шартномаси, ушбу Низомнинг 5-банди иккинчи хатбошида назарда тутилган ҳолда эса — ер участкасини текшириш далолатномаси ер участкалари бериш (сотиш) масалаларини кўриб чиқиш бўйича туман комиссиясига тақдим этилади.

8. Ер участкалари бериш (сотиш) масалаларини кўриб чиқиш бўйича туман комиссияси материалларни ва ширкат ҳужалиги аризасини кўриб чиқади, тегишли хулоса тайёрлайди.

9. Туман ҳокими ер участкалари бериш (сотиш) масалаларини кўриб чиқиш бўйича туман комиссияси хулосаси асосида ширкат ҳужалиги билан тузилган ер участкасини ижарага бериш шартномасини имзолайди, ижарага олувчи номидан эса шартномани ширкат ҳужалиги раиси имзолайди.

Шартномага ер ресурслари бўйича туман хизмати бошлиғи ва ширкат ҳужалиги раиси томонидан имзоланган ер участкаси харитаси ва йил бошидаги ер баланси маълумотлари бўйича қабул қилинадиган ерларнинг экспликацияси илова қилинади.

Ер участкаси харитаси ва ширкат ҳужалиги ерларининг экспликацияси ижара шартномасининг ажралмас қисми ҳисобланади.

Ер участкасини ижарага бериш шартномаси икки нусхада

расмийлаштирилади, биттаси ижарачига берилади, иккинчиси ер ресурслари бўйича туман хизматида сақланади.

10. Ижара шартномаси ширкат хўжалигининг ер участкасини ижарага олишга бўлган ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат ҳисобланади ва у ер ресурслари бўйича туман хизматида рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб кучга киради.

11. Ҳар бир ширкат хўжалиги бўйича ер тузиш йиғмажилди шакллантирилади, унда қуйидаги ҳужжатлар бўлади:

туман ҳокимлигининг ширкат хўжалигига ер участкасини ижарага бериш ишларини ташкил этиш ва амалга ошириш тўғрисидаги қарорининг нусхаси;

ширкат хўжалиги ерларининг ҳажми ва сифатини солиштириш материаллари;

ер участкалари бериш (сотиш) масалаларини кўриб чиқиш бўйича туман комиссиясининг ширкат хўжалигига ер участкаларини қайта расмийлаштириш ва ижарага бериш тўғрисидаги ҳулосаси;

ер участкасини ижарага бериш шартномаси, унга ер участкаси харитаси илова қилинади.

Ер тузиш йиғмажилди икки нусхада шакллантирилади, улардан биттаси ер ресурслари бўйича туман хизматида, иккинчиси ширкат хўжалигида сақланади.

12. Туман ҳокими билан ширкат хўжалиги ўртасида тузиладиган ижара шартномасини расмийлаштиришда ширкат хўжалигининг аризаси асосида ширкат хўжалиги қайта рўйхатдан ўтказилади, бунда қўшимча ҳужжатлар талаб қилинмайди ҳамда тўлов ва йиғимлар ундирилмайди.

## **II. Фермер хўжалиги билан ширкат хўжалиги ўртасида тузилган ер участкаларини ижарага бериш шартномаларини қайта расмийлаштириш**

13. Фермер хўжаликлари билан ширкат хўжаликлари ўртасида тузилган ер участкаларини ижарага бериш шартномалари қайта расмийлаштирилади.

14. Фермер хўжалиги юритиш учун ер участкасини ижарага бериш шартномасини қайта расмийлаштириш тўғрисидаги қарор туман ҳокими томонидан қабул қилинади. Ушбу қарор вилоят ҳокими бошчилик қиладиган ер участкаларини бериш (сотиш) масалаларини кўриб чиқиш бўйича вилоят комиссияси томонидан тасдиқлангандан кейин кучга киради.

15. Ер ресурслари бўйича туман хизмати ҳокимнинг қарори



бўйича фермер хўжалиги билан туман ҳокими ўртасида тузиладиган ер участкасини ижарага бериш шартномасини тайёрлайди, у туман ҳокими ва фермер хўжалиги бошлиғи томонидан имзоланади.

16. Ҳоким билан фермер хўжалиги ўртасида ер участкасини ижарага бериш шартномаси икки нусхада тузилади, биттаси фермер хўжалигига берилади, иккинчиси эса ер ресурслари бўйича туман хизматида сақланади ва ер ресурслари бўйича туман хизматида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилади.

17. Илгари фермер хўжаликларига берилган ер участкалари ширкат хўжалиги балансидан чиқарилади.

18. Туман ҳокими билан ширкат хўжалиги ўртасида тузиладиган ижара шартномасини қайта расмийлаштиришда фермер хўжалиги бошлиғининг аризаси асосида фермер хўжалиги қайта рўйхатдан ўтказилади, бунда қўшимча ҳужжатлар ёхуд бошқа талаблар ва шартлар талаб қилинмайди, шунингдек тўлов ва йиғимлар ундирилмайди.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЕР РЕСУРСЛАРИ, ГЕОДЕЗИЯ, КАРТОГРАФИЯ ВА ДАВЛАТ КАДАСТРИ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ ХУЗУРИДАГИ ДАВЛАТ ГЕОДЕЗИЯ НАЗОРАТИ ИНСПЕКЦИЯСИ ТЎҒРИСИДАГИ, ЕРДАН ФЙДАЛАНИШ ВА УНИ МУҲОҒАЗА ҚИЛИШ УСТИДАН ДАВЛАТ НАЗОРАТИ ТЎҒРИСИДАГИ, ДАВЛАТ КАДАСТРЛАРИ ЯГОНА ТИЗИМИНИ ЯРАТИШ ВА ЮРИТИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМЛАРНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА\*

*(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами,  
2005 йил, 7-сон, 59-модда, 14-сон, 103-модда)*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2004 йил 19 октябрдаги 483-сон қарорини бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси хузуридаги Давлат геодезия назорати инспекцияси тўғрисидаги низом 1-иловага\*\* мувофиқ;

Ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан давлат назорати тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ;

Давлат кадастрлари ягона тизимини яратиш ва юритиш тартиби тўғрисидаги низом 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисига ва вилоятлар ҳокимларига қишлоқ хўжалиги ерларини муҳофаза қилиш соҳасидаги ерга оид қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилиниши, суғориладиган экин майдонларининг фойдаланишдан чиқиб кетишига йўл қўймаслик учун шахсий жавобгарлик юклансин.

3. Ўзбекистон Республикаси «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси икки ой муддатда:

---

\* 2005 йил 16 февралдан кучга кирган.

\*\* 1-илова берилмайди.

«Ўзавтойўл» давлат-акциядорлик компанияси билан биргаликда — автомобиль йўллари;

«Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акциядорлик компанияси билан биргаликда — темир йўллар;

«Ўзбекнефтгаз» миллий-холдинг компанияси билан биргаликда — нефть-газ етказиб бериш қувурлари;

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги билан биргаликда — алоқа объектлари;

«Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компанияси билан биргаликда — энергетика объектлари;

Ўзбекистон Республикаси Давлат геология қўмитаси, Гидрометеорология хизмати маркази, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, Фанлар академияси билан биргаликда — табиий хавф юқори бўлган зоналар;

Ўзбекистон Республикаси «Саноатконтехназорат» давлат инспекцияси, Фанлар академияси, Ички ишлар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда — техноген хавф юқори бўлган зоналар давлат кадастрларини юритиш тартиби тўғрисидаги низомларни ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 4-иловага\* мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин, баъзиларига ўзгартиришлар киритилсин.

5. Вазирликлар ва идоралар бир ой муддатда ўз норматив ҳужжатларини мазкур қарорга мувофиқлаштирадилар.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Агросаноат ва сув хўжалиги комплекслари масалалари ахборот-таҳлил департаментига юклансин.

## **Ўзбекистон Республикасининг**

### **Бош вазири**

## **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2005 йил 16 февраль,  
66-сон

---

\* 4-илова берилмайди.

## **Ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан давлат назорати тўғрисида НИЗОМ**

### **I. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом юридик ва жисмоний шахслар томонидан ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга ошириш тартибини, шунингдек ердан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга оширувчи давлат органлари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини белгилайди.

2. Юридик ва жисмоний шахслар, давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан ерга оид қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилишини таъминлаш ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратининг асосий вазифаси ҳисобланади.

Ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан давлат назорати Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида амалга оширилади.

3. Ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга оширадиган давлат органлари ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, давлат бошқаруви органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда бошқа жамоат бирлашмалари ва ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлик қиладилар, уларга методик ва бошқа ёрдам кўрсатадилар.

4. Ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга оширадиган давлат органлари қонун бузилишининг олдини олиш мақсадида ерга оид қонун ҳужжатларини тушунтириш тадбирларини амалга оширадилар.

### **II. Ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга оширувчи давлат органлари**

5. Ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан давлат назорати маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, шунингдек махсус ваколатли давлат органлари томонидан амалга оширилади.

6. Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан назорат бўйича махсус ва-

колатли давлат органлари худудий бўлинмаларининг ерга оид конун ҳужжатларига риоя қилиниши тўғрисидаги ҳисоботларини эшитадилар, ердан оқилона фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишни текшириш бўйича комиссиялар ташкил этадилар, ушбу масала бўйича қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ваколатларни амалга оширадилар.

7. Қуйидагилар ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан назорат бўйича махсус ваколатли давлат органлари ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси (кейинги ўринларда «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси деб юритилади);

Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси.

«Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг ваколатига кирмайдиган масалалар бўйича ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга оширади.

Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ерларнинг ишлаб чиқариш чиқиндилари ва бошқа чиқиндилар, кимёвий ва радиоактив моддалар, оқова сувлар билан ифлосланиши, шунингдек табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш, рекреация мақсадидаги ерлардан, сув фонди ерларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга оширади.

8. Ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан давлат назорати «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси номидан «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармалари, туманлар (шаҳарлар) ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимлари мансабдор шахслари томонидан амалга оширилади.

9. «Ергеодезкадастр» давлат қўмитасининг ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан давлат назорати бўйича қуйидаги мансабдор шахслари:

«Ергеодезкадастр» давлат қўмитасининг раиси — ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан назорат бўйича Ўзбекистон Республикасининг бош давлат инспектори;

«Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси раисининг ўринбосари — ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан назорат

бўйича Ўзбекистон Республикаси бош давлат инспекторининг ўринбосари;

«Ергеодезкадастр» давлат кўмитасининг ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишни назорат қилиш бошқармаси бошлиғи — ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш бўйича катта давлат инспектори;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармалари, туманлар (шаҳарлар) ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимлари бошлиқлари — тегишли ҳудудларда ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан назорат бўйича давлат инспекторлари;

«Ергеодезкадастр» давлат кўмитасининг ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишни назорат қилиш бошқармасининг бўлим бошлиқлари ва мутахассислари, шунингдек Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаларининг тегишли шўъбалари бошлиқлари — ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан назорат бўйича давлат инспекторлари ҳисобланади.

10. Давлат табиатни муҳофаза қилиш кўмитаси номидан ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан давлат назорати Давлат табиатни муҳофаза қилиш кўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш кўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш кўмиталарининг мансабдор шахслари томонидан амалга оширилади.

Тегишли равишда Ўзбекистон Республикаси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш бош давлат инспекторлари ва уларнинг ўринбосарлари, Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш кўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш кўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш кўмиталарининг катта давлат инспекторлари ва давлат инспекторлари ўз ваколатларига мувофиқ Давлат табиатни муҳофаза қилиш органларининг ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга оширувчи мансабдор шахслари ҳисобланади.

11. Ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга оширадиган давлат органларининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорлари вазирликлар, давлат кўмиталари, идоралар, юридик ва жисмоний шахслар томонидан бажарилиши мажбурий ҳисобланади.

### **III. Ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга оширувчи давлат органларининг функциялари, ҳуқуқлари ва мажбуриятлари**

12. Ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга оширувчи давлат органлари ўзларига юкланган вазифаларга мувофиқ белгиланган тартибда қуйидаги функцияларни амалга оширадилар:

а) ерларни муҳофаза қилиш бўйича комплекс тадбирлар бажарилишини устидан назорат қилиш, улар қуйидагиларни ўз ичига олади:

тупроқ унумдорлигини, шунингдек ерларнинг бошқа хоссаларини қайта тиклаш ва ошириш;

ерларни сув ва шамол эрозиясидан, селлардан, сув босишидан, ботқоқланишдан, қайта шўрланишдан, қуриб қолишдан, зичлашишдан, ишлаб чиқариш чиқиндилари, кимёвий ва радиоактив моддалар билан ифлосланишдан, емирилишнинг бошқа жараёнларидан муҳофаза қилиш;

қишлоқ хўжалиги экин майдонларини буталар ва майда довдарахтлар, бегона ўтлар ўсишидан ҳамда ерларнинг техник ҳолати ёмонлашишининг бошқа жараёнларидан муҳофаза қилиш;

агар бошқа усуллар билан тупроқ унумдорлигини тиклаш мумкин бўлмаса, унумсизланган қишлоқ хўжалиги ерларини консервация қилиш;

бузилган ерларни рекултивация қилиш, уларнинг унумдорлигини ва ерларнинг бошқа фойдали хоссаларини ошириш;

ер бузилиши билан боғлиқ ишларни бажаришда тупроқнинг унумдор қатламларини олиш, улардан фойдаланиш ва уларни сақлаш;

б) сувни муҳофаза қилиш зоналари ва қирғоқбўйи полосалари учун ер ажратилиши ҳамда улардан мақсадли фойдаланилишини назорат қилиш;

в) фойдали конларни қазिश, қурилиш ишлари ва бошқа ишлар учун берилган қишлоқ хўжалиги ерлари, ўрмон ерлари ва бошқа ерларнинг ушбу ишлар тугаллангандан кейин белгиланган мақсадда фойдаланиш учун яроқли ҳолатга келтирилиши устидан назорат қилиш;

г) қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари томонидан: табиий-иқтисодий шарт-шароитларга мувофиқ илмий асослан-

ган алмашлаб экишларни, деҳқончиликнинг энг самарали ва оқилона тизимини жорий этиш;

ҳайдаладиган ер майдонлари сақлаб қолинишини таъминлаш; мелиоратив жиҳатдан нобоп бўлган суғориладиган ерларни комплекс реконструкция қилиш, пичанзорлар ва яйловларга сув чиқариш ва уларни яхшилаш тадбирлари бажарилишини назорат қилиш;

д) давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришга мўлжалланган қишлоқ хўжалиги экин майдонларини улчаш.

13. Ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга оширадиган давлат органлари ўз ваколатлари доирасида қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ердан оқилона фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишни белгиланган тартибда текшириш;

ерга оид қонун ҳужжатлари бузилишини бартараф этишга ва ердан оқилона фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш билан боғлиқ тадбирларни амалга оширишга қаратилган, юридик ва жисмоний шахслар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар бериш;

айбдор мансабдор шахсларни ва фуқароларни белгиланган тартибда маъмурий жавобгарликка тортиш, ерга оид қонун ҳужжатлари бузилиши натижасида етказилган зарарни қоплаш ҳақида даъволар киритиш, ерга оид қонун ҳужжатлари бузилишида айбдор бўлган шахсларни жавобгарликка тортиш учун тегишли корхоналар, муассасалар, ташкилотларга тақдимномалар йўллаш ва материалларни ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига тақдим этиш;

ерга оид қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ер участкаларини тўлиқ ёки қисман олиб қўйиш тўғрисида тақдимномалар ҳамда ер участкаларининг унумсизланиб қолганлигини белгилаш ҳақида маҳаллий давлат ҳокимияти органларига тақлифлар киритиш.

#### **IV. Ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратининг амалга оширилиши**

14. Ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан давлат назорати «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида ҳамда Адлия вазирлигида 2001 йил 26 апрелда 1029 рақами билан рўйхатдан ўтказилган Назорат органлари



томонидан ўтказиладиган хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текширишларни мувофиқлаштириш тартиби тўғрисидаги Низомда белгиланган тартибда амалга оширилади.

15. Ерга оид қонун ҳужжатлари бузилганлиги аниқланган тақдирда ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга оширадиган давлат органларининг ваколатли мансабдор шахслари қонун бузилишининг турларини, ерга оид қонун ҳужжатлари бузилиши туфайли етказилган зарарни, аниқ айбдор шахсларни аниқлайдилар ва қонун бузилиши тўғрисидаги материалларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирадилар.

### **V. Ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга оширувчи мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги**

16. Ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга оширувчи мансабдор шахслар ўз фаолиятининг тўғри ташкил этилиши ва амалга оширилиши учун қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2005 йил 16 февралдаги 66-сон қарорига  
3-ИЛОВА

### **Давлат кадастрлари ягона тизимини яратиш ва юритиш тартиби тўғрисида НИЗОМ**

1. Давлат кадастрлари ягона тизими (ДКЯТ) — давлат кадастрларининг барча турларини бирлаштирувчи кўп мақсадли ахборот тизимидир.

Қуйидагилар Давлат кадастрлари ягона тизимига киради:

- давлат ер кадастри;
- конлар, фойдали қазилмалар ва техноген ҳосилаларнинг юзага чиқиш ҳоллари давлат кадастри;
- давлат сув кадастри;
- давлат ўрмон кадастри;
- ўсимлик дунёси объектлари давлат кадастри;
- ҳайвонот дунёси давлат кадастри;
- қўриқланадиган табиий ҳудудлар давлат кадастри;
- бинолар ва иншоотлар давлат кадастри;
- давлат шаҳарсозлик кадастри;

гидротехника иншоотлари давлат кадастри;  
маданий мерос объектлари давлат кадастри;  
автомобиль йўллари давлат кадастри;  
темир йўллар давлат кадастри;  
етказиб бериш қувурлари давлат кадастри;  
алоқа объектлари давлат кадастри;  
энергетика объектлари давлат кадастри;  
чиқиндиларни қўмиш ва утилизация қилиш жойлари давлат кадастри;

табiiй хавф юқори бўлган зоналар давлат кадастри;  
техноген хавф юқори бўлган зоналар давлат кадастри;  
картография-геодезия давлат кадастри.

Давлат кадастрлари ягона тизимига қонун томонидан белгиланадиган давлат бошқа кадастрлари ҳам кириши мумкин.

2. Давлат кадастрлари ягона тизими Ўзбекистон Республикаси ва унинг алоҳида ҳудудларининг табiiй-иктисодий салоҳиятини ягона умумдавлат жиҳатидан комплекс ҳисобга олишни ва баҳолашни таъминлаш мақсадида яратилади ва юритилади.

3. Давлат кадастрлари ягона тизимини юритиш Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси («Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси) томонидан амалга оширилади.

4. Давлат кадастрлари ягона тизимини яратиш ва юритиш билан боғлиқ муносабатлар мазкур Низом, шунингдек бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солиб борилади.

5. Давлат кадастрлари ягона тизими давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларини, юридик ва жисмоний шахсларни уларнинг фаолияти учун зарур бўлган барча турдаги давлат кадастрлари ахборотлари билан тезкор таъминлаш учун мўлжалланган.

6. Белгиланган тартибга мувофиқ аниқланган кадастрлар объектларининг ҳуқуқий мақоми тўғрисидаги маълумотлар, картография-геодезия материаллари, статистик ҳисобга олиш маълумотлари, давлат кадастрлари маълумотлари Давлат кадастрлари ягона тизимининг асосини ташкил этади. Давлат кадастрлари ягона тизими доирасида ҳудудларни комплекс баҳолаш учун зарур бўлган бошқа маълумотлар ҳам жамланади.

Давлат кадастрлари ягона тизимида белгиланган чегараларда ҳар бир ҳисобга олинган ер юзаси участкаси учун унинг жуғрофий ҳолати, ҳуқуқий мақоми, миқдор ва сифат тавсифлари ҳамда табiiй баҳолаш, ҳўжаликлар ва бошқа кадастрлар объектлари тўғрисида ҳужжатлаштирилган маълумотлар бўлиши керак.

7. Ер, конлар ҳамда фойдали қазилмалар ва техноген ҳосилаларнинг юзага чиқиш ҳоллари, сув, ўрмон, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, алоҳида қўриқланадиган табиий ҳудудлар, бинолар ва иншоотлар, шаҳар ва шаҳарчалар, гидротехника иншоотлари, маданий мерос объектлари, автомобиль йўллари ва темир йўллар, етказиб бериш қувурлари, алоқа объектлари, энергетика объектлари, чиқиндиларни кўмиш ва йўқ қилиш жойлари, техноген хавф юқори бўлган зоналар, геодезия пунктлари ва Давлат кадастрлари ягона тизими масалаларини ҳал этиш учун зарур бўлган бошқа объектлар Давлат кадастрлари ягона тизимининг объектлари ҳисобланади.

8. Давлат кадастрлари ягона тизими объектлари тўғрисидаги маълумотлар республика учун ягона технология (ушбу Низомга илова\*) бўйича:

давлат ер кадастри бўйича — «Ергеодезкадастр» давлат кўмитаси;

конлар, фойдали қазилмалар ва техноген ҳосилаларнинг юзага чиқиш ҳоллари давлат кадастри бўйича — Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар кўмитаси;

давлат сув кадастри бўйича — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Гирометеорология хизмати маркази (табиий сув манбалари), Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар кўмитаси (ер ости сувлари), Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги (сув ресурсларидан фойдаланиш ва ерларнинг мелиоратив ҳолати);

давлат ўрмон кадастри бўйича — Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси;

ўсимлик дунёси объектлари давлат кадастри бўйича — Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш кўмитаси;

ҳайвонот дунёси давлат кадастри бўйича — Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш кўмитаси;

алоҳида қўриқланадиган табиий ҳудудлар давлат кадастри бўйича — Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш кўмитаси;

бинолар ва иншоотлар давлат кадастри бўйича — «Ергеодезкадастр» давлат кўмитаси;

---

\* Илова берилмайди.

давлат шахарсозлик кадастри бўйича — Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси;

гидротехника иншоотлари давлат кадастри бўйича — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Йирик ва алоҳида муҳим сув ҳўжалиги объектларининг техник ҳолатини ҳамда бехатар ишлашини назорат қилиш давлат инспекцияси, бошқа ваколатли органлар;

маданий мерос объектлари давлат кадастри бўйича — Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги;

чикиндиларни кўмиш ва утилизация қилиш жўйлари давлат кадастри бўйича — Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси;

картография-геодезия давлат кадастри бўйича — «Ергеодез-кадастр» давлат қўмитаси томонидан тақдим этилади.

Тегишли давлат кадастрларини юритиш бўйича ваколатли органлар қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Давлат кадастрларини юритиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган тегишли низомлар билан белгиланади.

9. Давлат кадастрлари ягона тизими маълумотлари давлат бошқаруви барча органлари, юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан хорижий юридик ва жисмоний шахслар учун мажбурий кучга эгадир. Кадастр ҳужжатлари мулкчилик ва ҳўжалик юритишнинг барча шаклларидаги объектлар тўғрисидаги ҳуқуқий, иқтисодий ва техник маълумотларнинг бошланғич манбаи сифатида қабул қилиниши керак.

10. Қўйидагилар Давлат кадастрлари ягона тизимини юритишнинг асосий принциплари ҳисобланади:

ҳар бир кадастр объектлари тури бўйича Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудларини тўлиқ камраб олиш;

макон координаталарининг ягона тизимини қўллаш;

кадастр ахборотларини шакллантириш методологиясининг ягоналиги;

кадастр ахборотларининг ишончилиги;

кадастр ахборотларининг очиқлиги.

11. Амалдаги кадастрлар ва ахборотлар тизимлари доирасида олинган объектларнинг ҳисоби ва рўйхатдан ўтказилиши натижалари Давлат кадастрлари ягона тизимига «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси ва давлат тегишли кадастрларини юритиш тўғрисидаги низомлар билан белгиланадиган тартибда давлат бошқа-

руви органлари ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан бепул берилади.

12. «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси ва маълумотларни тақдим этувчи органларнинг мансабдор шахслари Давлат кадастрлари ягона тизимидаги маълумотларнинг ишончилиги учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

13. Давлат кадастрлари ягона тизимини яратиш ва юритиш билан боғлиқ ишлар давлат бюджети маблағлари ҳисобига молиялаштирилади.

## **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ**

### **ДАВЛАТ ВА ЖАМОАТ ЭҲТИЁЖЛАРИ УЧУН ЕР УЧАСТКАЛАРИНИНГ ОЛИБ ҚЎЙИЛИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ФУҚАРОЛАРГА ВА ЮРИДИК ШАХСЛАРГА ЕТКАЗИЛГАН ЗАРАРЛАРНИ ҚОПЛАШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА НИЗОМНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА\***

*(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами,  
2006 йил, 22-сон, 193-модда)*

Ўзбекистон Республикасининг Уй-жой кодексига мувофиқ  
Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан фуқароларга ва юридик шахсларга етказилган зарарларни қоплаш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Н.М. Ханов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2006 йил 29 май,  
97-сон

---

\* 2006 йил 29 майдан кучга кирган.

**Давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан фуқароларга ва юридик шахсларга етказилган зарарларни қоплаш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**I. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Тартиб ер участкаси ёки унинг бир қисмини олиб қўйиш тартибини, шунингдек ер участкалари давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилиши муносабати билан бузилаётган уйлар, ишлаб чиқариш иморатлари ва бошқа иморатлар, иншоотлар ва кўчириб ташланган дов-дарахтлар учун фуқароларга ва юридик шахсларга тўлов миқдорини ҳисоблаб чиқиш тартибини белгилайди.

2. Ер участкаси ёки унинг бир қисмини (кейинги ўринларда ер участкаси деб аталади) давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш ер эгасининг розилиги билан ёки ердан фойдаланувчи ва ижарага олувчи билан келишув бўйича — тегишли равишда туман, шаҳар ҳокими, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг қарори бўйича ёхуд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига кўра амалга оширилади.

Ер эгаси, ердан фойдаланувчи ва ижарага олувчи ер участкасини олиб қўйиш тўғрисида тегишли туман, шаҳар, вилоят ҳокимининг қарорига ёхуд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига рози бўлмаган тақдирда ушбу қарор устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

3. Ер участкасини олиб қўйиш ва уйлар, ишлаб чиқариш иморатлари ва бошқа иморатлар, иншоотларни бузиш ва дов-дарахтларни кўчириб ташлаш (кейинги ўринларда объектлар деб аталади) тўғрисидаги қарор бош режаларга, шунингдек шаҳарлар ва посёлкаларнинг турар жой туманлари ва микротуманларини муфассал режалаштириш ва иморат қуриш лойиҳаларига мувофиқ қабул қилинади.

Олиб қўйилаётган ер участкаларида уйлар, ишлаб чиқариш иморатлари ва бошқа иморатлар, иншоотларнинг асоссиз бузилишига ва дов-дарахтларнинг кўчириб ташланишига йўл қўйилмайди.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг қарори асосида тегишли туманлар (шаҳарлар) ҳокимлари ер участкасини олиб қўйиш ҳамда уйлар, ишлаб чиқариш иморатлари ва бошқа иморатлар, иншоотларни бузиш ва дов-дарахтларни кўчириб ташлаш тўғрисида ўз қарорини чиқарадилар.

Тегишли туманлар (шаҳарлар) ҳокимликлари Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг ер участкасини олиб қўйиш, ер участкасида жойлашган уйлар, ишлаб чиқариш иморатлари ва бошқа иморатларни, иншоотларни бузиш ва дов-дарахтларни кўчириб ташлаш тўғрисидаги тегишли қарорлари нусхаларини билдириш-номага илова қилган ҳолда, бузиш бошлангунгача 6 ойдан кечикмай, имзо қўйдириб уйлар, ишлаб чиқариш иморатлари ва бошқа иморатлар, иншоотлар ва дов-дарахтлар мулкдорларини қабул қилинган қарор тўғрисида ёзма равишда хабардор қилиши шарт.

Туманлар (шаҳарлар) ҳокимлари томонидан ер участкаси олиб қўйилиши ва ер участкасида жойлашган уйлар, ишлаб чиқариш иморатлари ва бошқа иморатлар, иншоотларни бузиш ва дов-дарахтларни кўчириш тўғрисидаги қарори қабул қилингандан кейин юқорида кўрсатиб ўтилган уйлар (квартиралар), иморатлар, иншоотлар ва дов-дарахтлар бошқа шахсларга берилиши мумкин эмас.

5. Тегишли туманлар (шаҳарлар) ҳокимларининг уйлар, ишлаб чиқариш иморатлари ва бошқа иморатлар, иншоотларни бузиш ва дов-дарахтларни кўчириш ҳамда уларнинг қийматини тасдиқлаш тўғрисидаги қарори юзасидан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига, шунингдек суд тартибида шикоят қилиниши мумкин.

6. Ўзбошимчалик билан барпо этилган уйлар, ишлаб чиқариш иморатлари ва бошқа иморатлар ва иншоотлар қиймати тўланмайди.

7. Олиб қўйилаётган ер участкалари корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга ажратиб берилган тақдирда уй-жой қийматини тўлаш, уйлар (квартиралар) бериш ва вақтинчалик турар жой бериш, шунингдек янги жойга кўчиш билан боғлиқ барча харажатларни қоплаш тегишли туманлар (шаҳарлар) ҳокимлари қарорига кўра ушбу корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар томонидан амалга оширилади.



8. Ер участкаларини олиб қўйиш компенсациянинг қуйидаги турлари берилиши шарти билан амалга оширилади:

фуқароларга уй-жой майдонининг ижтимоий нормасидан кам бўлмаган бошқа тенг қийматли обод турар жойни мулк қилиб бериш ва дов-дарахтлар қийматини тўлаш;

бузилаётган уйлар, бошқа иморатлар, иншоотлар ва дов-дарахтлар қийматини фуқароларга тўлаш;

ер участкасини ўзлаштириш даврига икки йилгача муддат билан ижара шартномаси асосида вақтинча уй-жой берилиб, бузилаётган уйлар (квартиралар), иморатлар, иншоотлар ва дов-дарахтларнинг қиймати тўлиқ тўланган ҳолда фуқароларга якка тартибда уй-жой қуриш учун белгиланган норма доирасида ер участкаси бериш;

юридик шахсларга аввалгисига тенг қийматли мол-мулк бериш ва давлат ёки жамоат эҳтиёжлари учун ер участкаси олиб қўйилиши оқибатида етказилган бошқа зарарларни қоплаш;

ер участкаси давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилиши оқибатида етказилган зарарларни тўлалигича қоплаш;

фуқароларга ва юридик шахсларга тегишли бўлган бузилиши керак уйлар, иморатлар ва иншоотларни кўчириш ва янги жойда тиклаш;

янги жойда уйлар, иморатлар қуриш ҳамда уларни фуқаролар ва юридик шахсларга мулк қилиб бериш.

## **II. Ер участкаларининг давлат ва жамоат**

### **эҳтиёжлари учун олиб қўйилиши муносабати**

**билан бузиладиган уйлар (квартиралар), иморатлар, иншоотлар, кўчириладиган дарахтлар учун фуқаролар ва юридик шахсларга тўлов миқдорини ҳисоблаш тартиби**

9. Бузиладиган уйлар (квартиралар), иморатлар, иншоотлар, кўчириладиган дарахтлар учун тўлов миқдорини белгилаш учун тегишли туманлар (шаҳарлар) ҳокимликлари туман (шаҳар) ҳокимининг уринбосари бошчилигида ҳокимликларнинг молия ва бошқа бошқармалари (бўлимлари) вакилларидан, ерлардан фойдаланиш ва қўриқлашни назорат қилиш бўйича давлат инспектори, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи, ер участкаси олиб қўйилаётган ер эгаси (ердан фойдаланувчи, ижарачи), ўзига ер участкаси ажратиб берилаётган корхона, муассаса ёки ташкилот вакилидан ҳамда ҳокимликлар хоҳишига кўра бошқа ваколатли органлар вакилларидан иборат таркибда тўлов миқдори-

**ни** ва компенсация турини белгилаш бўйича комиссиялар ташкил қиладилар.

10. Уйлар (квартиралар), иморатлар ва иншоотларнинг техник ҳолатини, қийматини баҳолаш, шунингдек олиб қўйилаётган ер участкаларидаги дов-дарахтлар қийматини белгилаш туманлар (шаҳарлар) ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимлари томонидан ариза берувчининг маблағлари ҳисобига амалга оширилади.

Туманлар (шаҳарлар) ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимлари томонидан амалга оширилган баҳога норози бўлинган тақдирда мулкдор мулкни баҳолаш учун тегишли лицензияга эга бўлган мустақил баҳоловчиларга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Мустақил баҳоловчилар хизматига ҳақ тўлаш ариза берувчининг маблағлари ҳисобига амалга оширилади.

Баҳолаш материаллари комиссияга берилади.

11. Фуқаролар томонидан умрбод эгалик қилиш учун мерос қилиб қолдириш ҳуқуқи билан фойдаланиладиган, кимошди савдоси асосида сотиб олинган ер участкалари олиб қўйилган тақдирда уларга умрбод эгалик қилиш учун мерос қилиб қолдириш ҳуқуқи билан тенг қийматли янги ер участкаси берилади.

Фуқароларга тегишли бўлган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи билан мерос қилиб қолдирилган ер участкасининг олиб қўйилаётган вақтдаги қийматини баҳолаш туманлар (шаҳарлар) ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимларининг баҳолаш фаолиятини амалга оширишга тегишли рухсатномага эга бўлган баҳоловчилари томонидан, баҳолаш вақтидаги жорий нархлар бўйича ариза берувчининг маблағлари ҳисобига амалга оширилади.

12. Бузилаётган уйлар (квартиралар)ни, олиб қўйилаётган участкадаги бошқа иморатлар ва иншоотларни (ўзбошимчалик билан қурилганлардан ташқари) бузишдан олинган барча материаллар қурувчининг ёки тўловни мулкдорга тўлиқ тўлаётган бошқа ер эгаси (ердан фойдаланувчи, ижарачи) ихтиёрида қолади.

Айрим ҳолларда, бузилаётган уй (квартира), иморатлар, иншоотлар ва қўчирилаётган дов-дарахтлар эгасининг хоҳишига кўра, уй-жойни бузишдан олинган материаллар тегишли туманлар (шаҳарлар) ҳокимлари қарорига биноан мулкдорга берилиши мумкин. Бу ҳолда комиссия мулкдорга бериладиган бузишдан олинган материаллар қийматини бузиш вақтида амалда бўлган бозор нархлари бўйича уларнинг эскирганлигини ҳисобга олган ҳолда белгилаши керак.

13. Пул компенсацияларини тўлашнинг аниқ муддатлари ва тартиби Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари қарори билан, бузиш бошлангунгача пул компенсациясини тўлаган ҳолда белгиланади.

### **III. Бузилаётган уйлар эгаларига турар жойлар бериш тартиби ва шартлари**

14. Ер участкаларининг давлат ёки жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилиши муносабати билан фуқароларнинг мулки бўлган уйлар (квартиралар) бузилган тақдирда кўрсатиб ўтилган фуқароларга, уларнинг оила аъзоларига, шунингдек ушбу уйларда (квартираларда) доимий яшайдиган фуқароларга уларнинг танлашига кўра ҳамда томонларнинг келишуви бўйича ижтимоий нормадан кам бўлмаган майдонга эга бўлган тенг қийматли бошқа қулай уй-жой мулк қилиб берилади ҳамда дов-дарахтларнинг қиймати тўланади ёхуд бузилаётган уйлар (квартиралар), бошқа иморатлар, иншоотлар ва дов-дарахтлар қиймати тўланади.

Берилаётган турар жойнинг тенг қийматга эгаллиги мулкдорнинг бузилаётган уй-жойи (квартираси) нархига тенг миқдорда белгиланади.

Бузилаётган уй (квартира) қиймати берилаётган турар жой қийматидан ортиқ бўлган тақдирда мулкдорга тафовут тўланади.

15. Бузилаётган уйлар (квартиралар) эгасига турар жой бериш ва (ёки) компенсациянинг бошқа турларини тўлаш тегишли туманлар (шаҳарлар) ҳокимликлари томонидан, чорак якуни бўйича прогноздан ортиқча тушган маҳаллий бюджетларнинг даромад қисми маблағлари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетларининг захира жамғармаси маблағлари ва (ёки) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг тегишли ҳисоб рақамларига давлат мулкани давлат тасарруфидан чиқариш, хусусийлаштиришдан тушадиган тақсимланадиган маблағларнинг бир қисми ҳисобига амалга оширилади.

16. Турар жой олиш учун бузилаётган уй (квартира) эгаси бўлажак бузиш тўғрисида билдиришнома олингандан кейин бир ой муддатда оила аъзолари ёки бошқа биргаликда яшайдиган (рўйхатдан ўтган) шахслар билан келишган ҳолда тегишли туманлар (шаҳарлар) ҳокимликларига ўзига бузилган уй-жой ўрнига турар жой ажратиш тўғрисида ариза бериши керак, аризада оила таркиби, доимий яшайдиганлар сони, турар жой майдонининг

ижтимоий нормасидан ортиқча қўшимча уй-жой майдони олиш учун имтиёзлар кўрсатилади.

17. Комиссиянинг компенсация миқдори ва тури, бузилаётган уй (квартира) ўрнига мулкдорга турар жой бериш ёки мулкдорнинг хоҳишига кўра пул шаклида компенсация берилишини таъминлаш ҳақидаги қарори тегишли туманлар (шаҳарлар) ҳокимликлари томонидан тасдиқлангандан сўнг мулкдор ҳокимликка бузилиши керак бўлган уй (квартира)ни бўшатиш тўғрисида қафолат хати тақдим этади.

18. Уй (квартира)ни бузиш фақат томонларнинг келишуви бўйича мулкдорга бузилаётган уй (квартира) ўрнига турар жой берилгандан кейин амалга оширилиши мумкин.

Айрим ҳолларда, бузилаётган уй (квартира) эгасининг розилигига кўра тегишли туманлар (шаҳарлар) ҳокимликлари тегишли қарорда уйларни топширишнинг аниқ муддатини кўрсатган ҳолда қурилаётган уйлардан турар жой берадилар. Қурилаётган уйларда белгиланган муддатларда турар жой билан таъминланмаган тақдирда туман (шаҳар) ҳокимлиги мазкур Низомнинг 14-банди талабларига мувофиқ бир ой муддатда турар жой бериши шарт.

19. Бузилаётган уй (квартира) эгасининг мол-мулкини янги квартирага ташиш иморат қурувчининг ёки олиб қўйилаётган ер участкаси ўзига ажратиб берилган бошқа ер эгаси (ердан фойдаланувчи, ижарачи)нинг маблағлари ҳисобига амалга оширилади.

20. Ер участкаси олиб қўйилиши муносабати билан етказилган зарарларни бузилаётган уй-жойнинг мулкдорига компенсация қилиш тегишли туманлар (шаҳарлар) ҳокимликлари томонидан ушбу Низомнинг 15-бандида назарда тутилган маблағлар ҳисобига амалга оширилади.

#### **IV. Фуқароларга бузиладиган уй (квартира) ўрнига якка тартибда уй-жой қуриш учун ер участкаси бериш тартиби ва шартлари**

21. Ер участкалари давлат ёки жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилиши муносабати билан фуқароларнинг мулкида бўлган уйлар (квартиралар) бузилганда мазкур фуқароларга, уларнинг оила аъзоларига, шунингдек ушбу уйларда (квартираларда) доимий яшаётган фуқароларга уларнинг хоҳишига кўра якка тартибда уй-жой қуриш учун белгиланган норма доирасида ер участкаси берилди. Бунда ер участкасини ўзлаштириш даврига икки йилгача муддат билан ижара шартномаси асосида вақтинча уй-

жой берилиб, бузилаётган уйлар (квартиралар), иморатлар, иншоотлар ва дов-дарахтларнинг қиймати тўлалигича қопланади.

22. Якка тартибда уй-жой қуриш учун компенсация сифатида ер участкаси бериш ва бузилаётган уйлар (квартиралар) мулкдорига товон тўлаш тегишли туманлар (шаҳарлар) ҳокимликлари томонидан мазкур Низомнинг 15-бандида назарда тутилган маблағлар ҳисобига амалга оширилади.

Олиб қўйилаётган ер участкалари корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга берилган тақдирда якка тартибда уй-жой қуриш учун компенсация сифатида ер участкаси бериш ва бузилаётган уйлар (квартиралар) мулкдорига товон тўлаш ушбу корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар маблағлари ҳисобига амалга оширилади.

23. Бузилаётган уй (квартира) мулкдори ер участкаси олиш учун бўлажак бузиш тўғрисида билдиришнома олингандан кейин бир ой муддатда тегишли туманлар (шаҳарлар) ҳокимликларига якка тартибда уй-жой қуриш учун унга ер участкаси ажратиш тўғрисида ариза бериши керак. Аризада оиланинг таркиби, доимий яшаётганлар сони ва ижара шартномаси асосида вақтинча турар жойга бўлган эҳтиёж кўрсатилиши керак.

24. Комиссиянинг компенсация миқдори ва тури ҳақидаги қарори тегишли туманлар (шаҳарлар) ҳокимликлари томонидан тасдиқлангандан кейин мулкдор ҳокимликка бузилиши лозим бўлган уйни (квартирани) тегишли туманлар (шаҳарлар) ҳокимликлари томонидан белгиланган муддатда бўшатиб қўйиш тўғрисида қафолат хати тақдим этади.

25. Уй (квартира) якка тартибда уй-жой қуриш учун мулкдорга ер участкаси ажратилгандан, шунингдек ер участкасини ўзлаштириш даврига икки йилгача муддат билан ижара шартномаси асосида вақтинча уй-жой берилгандан кейин бузилиши мумкин.

## **V. Ер участкалари давлат ёки жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилиши муносабати билан етказилган зарарни юридик шахсларга қоплаш тартиби**

26. Юридик шахсга мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган уй, ишлаб чиқариш иморатлари, бошқа иморатлар, иншоотлар, дов-дарахтлар жойлашган ер участкаси олиб қўйилган ҳолда унга аввалгисига тенг қийматли мол-мулк берилади ва ер участкаси давлат ёки жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилиши оқибатида етказилган зарар тўлалигича қопланади.

Ер эгалари, ердан фойдаланувчилар, ижарачилар, ер участкалари мулкдорларига зарарларни ҳамда қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши кўрган зарарни қоплаш Ўзбекистон Республикасининг Ер кодексида мувофиқ амалга оширилади.

27. Ер участкаси олиб қўйилиши оқибатида юридик шахслар кўрган зарар учун компенсация тўлаш тегишли туманлар (шаҳарлар) ҳокимликлари томонидан мазкур Низомнинг 15-бандида назарда тутилган маблағлар ҳисобига амалга оширилади.

Олиб қўйилаётган ер участкалари корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга берилган тақдирда товон тўлаш, турар жой бериш, вақтинча турар жой бериш ва мол-мулкни янги жойга ташиш тегишли туманлар (шаҳарлар) ҳокимларининг қарорларига кўра корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар томонидан амалга оширилади.

28. Ер участкаси олиб қўйилиши муносабати билан кўрилган зарар компенсациясини олиш учун юридик шахс бўлажак бузиш тўғрисида билдиришнома олингандан кейин бир ой муддатда тегишли туманлар (шаҳарлар) ҳокимликларига компенсациянинг танланган турини кўрсатган ҳолда ариза бериши керак.

29. Комиссиянинг қарори тегишли туманлар (шаҳарлар) ҳокимликлари томонидан тасдиқлангандан кейин юридик шахс ҳокимликка бузилиши лозим бўлган уйни, бошқа иморатлар ва иншоотларни тегишли туманлар (шаҳарлар) ҳокимликлари томонидан белгиланган муддатда бўшатиб қўйиш тўғрисида қафолат хати тикдим этади.

30. Юридик шахсга тегишли бўлган уй, ишлаб чиқариш иморатлари, бошқа иморатлар ва иншоотлар компенсация тури, тўлов миқдори ва муддати юридик шахс билан келишилгандан кейин бузилиши мумкин.

## **VI. Бузилиши лозим бўлган уйлар, иморатлар ва иншоотлар кўчирилган ва янги жойда тикланган ҳолда ҳисоб-китоб қилиш тартиби ва шартлари**

31. Фуқаролар ва юридик шахсларга мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган бузилиши лозим бўлган уйлар, ишлаб чиқариш иморатлари, бошқа иморатлар ва иншоотлар уларнинг хоҳишига кўра кўчирилиши ва янги жойда тикланиши мумкин. Бунда уйлар, иморатлар ва иншоотларнинг қиймати пул билан қопланмайди.

32. Фуқаролар ва юридик шахсларга мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган, бузилиши лозим бўлган уйлар, ишлаб чиқариш иморатлари, иморатлар ва иншоотларни кўчириш ва янги жойда тиклаш тегишли туманлар (шаҳарлар) ҳокимликларининг қарорига кўра маҳаллий бюджетларнинг йил чораги якунлари бўйича прогноздан ортиқча тушадиган даромад қисми маблағлари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетларининг захира фонди маблағлари, ва (ёки) давлат мулкани давлат тасарруфидан чиқариш, хусусийлаштиришдан олинган тақсимланадиган, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг, олиб қўйиладиган ер участкалари ажратиладиган корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг тегишли ҳисоб рақамларига тушадиган маблағларнинг бир қисми ҳисобига амалга оширилади. Бунда турар жой мулкдорлари бўлган фуқаролар ва юридик шахсларга турар жойни кўчириш ва тиклаш даврига ҳокимликлар томонидан икки йилгача муддат билан ер участкасини ўзлаштириш даврига ижара шартномаси асосида вақтинча уй-жой берилди.

33. Кўчириш ва тиклаш мазкур жой (аҳоли пункти) доирасида белгиланган нормалар бўйича ажратиладиган ер участкаларида ва фақат уйлар, иморатлар ва иншоотларнинг техник ҳолати уларни кўчириш имконини бериши шартларида амалга оширилиши керак, яъни конструкциялар ва элементларнинг ҳолати қисмларга ажратиш, ташиш ва янги жойда йиғиш имконини бериши керак.

34. Уйлар, иморатлар ва иншоотларни кўчириш имконияти олиб қўйиладиган ер участкаси ажратилган иморат қурувчининг маблағлари ҳисобига ихтисослаштирилган лойиҳа ташкилотлари томонидан ишлаб чиқилган тегишли техник-иқтисодий асослаш ва лойиҳа-смета ҳужжатлари мавжуд бўлган тақдирда комиссиялар томонидан аниқланади.

35. Уйлар, иморатлар ва иншоотларни кўчириш ва янги жойда тиклаш тегишли туманлар (шаҳарлар)нинг ҳокимликлари томонидан белгиланадиган муддатларда, бироқ бир йилдан кеч бўлмаган муддатда амалга оширилиши керак.

36. Уйлар, ишлаб чиқариш иморатлари, бошқа иморатлар ва иншоотларни кўчириш ва янги жойда тиклаш, уй-жойни вақтинча ижарага олиш, фуқаролар ёки юридик шахсларнинг мол-мулкани вақтинча ижарага олинган уй-жойга, шунингдек вақтинча ижарага олинган уй-жойдан янги жойда тикланган уйга, иморатга ва иншоотга ташиш бўйича барча харажатлар тегишли туман-

лар (шаҳарлар) ҳокимликларининг қарори бўйича иморат қурувчи ёки олиб қўйилаётган ер участкаси ажратилган бошқа ер эгаси (ердан фойдаланувчи, ижарачи) ҳисобига амалга оширилади.

37. Юридик шахсга мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган аввалгисига тенг қийматли уйлар, ишлаб чиқариш иморатлари ва бошқа иморатлар ва иншоотлар янги жойга фақат компенсация тури, тўлов миқдори ва муддати юридик шахс билан келишилгандан кейин қўчирилади.

### **VII. Уйлари (квартиралари) бузилиши лозим бўлган фуқаролар ва юридик шахслар учун янги жойда уйлар, иморатлар барпо этилганда ҳисоб-китоб қилиш тартиби ва шартлари**

38. Уйлари (квартиралари) бузилиши лозим бўлган фуқаролар ва юридик шахслар учун уларнинг хоҳишига кўра янги жойда уйлар, иморатлар барпо этилади ҳамда уларга мулк қилиб берилади. Бунда бузилаётган уйлар (квартиралар), иморатларнинг қиймати пул билан қопланмайди.

39. Уйлари (квартиралари) бузилиши лозим бўлган фуқаролар ва юридик шахслар учун янги жойда уйлар, иморатлар қуриш ҳамда уларга мулк қилиб бериш тегишли туманлар (шаҳарлар) ҳокимликлари томонидан мазкур Низомнинг 15-бандида кўрсатилган маблағлар ҳисобига амалга оширилади.

Ёр участкалари корхоналар, муассасалар ёки ташкилотларга берилган тақдирда уйлари (квартиралари) бузилиши лозим бўлган фуқаролар ва юридик шахсларга янги жойда уйлар, иморатлар қуриш ва уларга мулк қилиб бериш ушбу корхоналар, муассасалар ёки ташкилотларнинг маблағлари ҳисобига амалга оширилади.

40. Уйлари (квартиралари) бузилиши лозим бўлган фуқаролар ва юридик шахслар учун янги жойда уй қуриш мазкур жой (аҳоли пункти) доирасида амалга оширилади. Бунда уйлари (квартиралари) бузилиши лозим бўлган фуқаролар ва юридик шахсларга янги жойда уй, иморат қуриш даврига тегишли туманлар (шаҳарлар) ҳокимликлари томонидан ижара шартномаси асосида вақтинча уй-жой берилади.

41. Турар жойни вақтинча ижарага олиш, фуқаролар ва юридик шахсларнинг мол-мулкини вақтинча берилган турар жойга ва вақтинча берилган турар жойдан янги жойда қурилган уйга ташиш бўйича барча харажатлар тегишли туманлар (шаҳарлар)



хокимликларининг қарорига кўра иморат қурувчи ёки ер участкаси ажратилган бошқа ер эгаси (ердан фойдаланувчи, ижарага олувчи)нинг ҳисобига амалга оширилади.

42. Уйлари (квартиралари) бузилиши лозим бўлган фуқаролар ва юридик шахслар бузиладиган уйлар (квартиралар) ўрнига янги жойда қурилган уйни, иморатни олиш учун бузиш тўғрисидаги билдиришнома олингандан кейин бир ой муддатда тегишли туманлар (шаҳарлар) хокимликларига ариза беришлари керак. Аризада оиланинг таркиби, доимий яшовчилар сони ҳамда турар жой билан таъминлаш бўйича улардаги мавжуд имтиёзлар кўрсатилиши керак.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ «ЮРИДИК ШАХСЛАР ВА ФУҚАРОЛАРНИНГ БИНОЛАРИ ҲАМДА ИНШООТЛАРИ БИЛАН БАНД БЎЛГАН ЕР УЧАСТКАЛАРИНИ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА» 2006 ЙИЛ 24 ИЮЛДАГИ ПФ–3780-СОН ФАРМОНИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ҲАҚИДА\*

*(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами,  
2006 йил, 30-сон, 293-модда)*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Юридик шахслар ва фуқароларнинг бинолари ҳамда иншоотлари билан банд бўлган ер участкаларини хусусийлаштириш тўғрисида» 2006 йил 24 июлдаги ПФ–3780-сон Фармони бажариш юзасидан ҳамда бинолар, иншоотлар ва якка тартибдаги уй-жойлар билан банд бўлган ер участкаларини хусусийлаштиришни таъминлаш бўйича зарур ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси билан биргаликда 2006 йил 1 декабр гача бўлган муддатда:

ер участкаларининг ер тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ мақсадларда фойдаланилаётганлигини аниқлаган ҳолда эгалик қилиш, фойдаланиш учун ва ижарага берилган ер участкаларини;

якка тартибдаги уй-жой қурилиши ер фондиди шакллантириш, шу жумладан корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларнинг бўш турган ва самарасиз фойдаланилаётган ер майдонлари ҳисобига яратиш мақсадида, аҳоли яшаш пунктларидаги ер майдонларини, шунингдек уларга ёндош ҳудудларни хатловдан ўтказсинлар.

Хатловдан ўтказиш натижаларига кўра Ўзбекистон Республикаси «Давархитектқурилиш» қўмитаси билан биргаликда, якка тартибдаги уй-жой мавзеларини жойлаштиришни ҳисобга олган ҳолда, аҳоли яшаш пунктларининг бош режаларига, муҳандислик инфратузилмаси схемаларига тузатишлар киритилсин.

---

\* 2006 йил 26 июлдан кучга кирган.

Ер эгалари ва ердан фойдаланувчилар томонидан ер тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бузилишлари аниқланганда, қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда ва тартибда ер участкалари олиб қўйилсин, кейинчалик улар ушбу участкаларда ишлаб чиқариш фаолиятини амалга ошириш хоҳишини билдирган шахсларга берилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги Молия вазирлиги, «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси ва «Давархитектқурилиш» қўмитаси билан биргаликда 2006 йил 1 декабргача бўлган муддатда ер фондининг иқтисодий зоналарини аниқласин.

3. Белгилаб қўйилсинки, ер участкалари гаров таъминоти сифатида белгиланган тартибда банкларга ва бошқа кредит муассасаларига ўтган ҳолларда улар ушбу ер участкаларини мулк ҳуқуқи ўзларига ўтган вақтдан бошлаб олти ойдан кечикмасдан сотувга қўйишлари шарт.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси 2006 йил 1 октябргача бўлган муддатда Вазирлар Маҳкамасига хусусийлаштирилган ер участкаларига солиқ солиш, шунингдек ижарага берилган ер участкалари учун ижара тўлови миқдорлари юзасидан таклифлар киритсинлар.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2006 йил 26 июль,  
147-сон

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва  
сув хўжалиги вазирлиги томонидан  
2005 йил 18 ноябрда 237а-сон билан  
ТАСДИҚЛАНГАН

Ўзбекистон Республикаси  
Иқтисодиёт вазирлиги,  
Ўзбекистон фермер  
хўжаликлари уюшмаси  
билан 2005 йил 18 ноябрда  
КЕЛИШИЛГАН

**Фермер хўжалигини юритиш учун ер  
участкаларини беришда танлов ғолибини  
аниқлаш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ\***

*(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами,  
2005 йил, 47-48-сон, 358-модда; 2006 йил, 6-7-сон, 47-модда)*

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 53-моддасига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 30 октябрдаги 476-сонли «2004—2006 йилларда фермер хўжалиklarини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда 2004 йил 24 декабрдаги 607-сонли «2005—2007 йилларда фермер хўжалиklarини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорларига мувофиқ юридик ва жисмоний шахсларга берилмаган қишлоқ хўжалиги мақсадига ерлардан ва (ёки) захирадаги ерлардан, қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) ёки бошқа қишлоқ хўжалиги корхонаси ва ташкилотининг ваколатли органи умумий мажлиси томонидан ижарага олувчини аниқлашдан ажратилган ерлардан, шунингдек, қайта ташкил этилаётган ва тугатилаётган қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат хўжалиklари)нинг ҳамда бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари ва ташкилотларининг ер участкаларини фермер хўжалиги юритиш учун беришда танлов ғолибини аниқлаш мезонлари ва тартибини белгилайди.

## **І. Умумий қоидалар**

1. Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 53-моддасига мувофиқ фермер хўжалигини юритиш учун қуйидаги ер участкалари эллик йилгача бўлган, лекин ўттиз йилдан кам бўлмаган муддатга ижарага танлов асосида берилади:

а) захирадаги ерлардан ер участкалари;

---

\* Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 19 ноябрда 1523-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган ва 2005 йил 29 ноябрдан кучга кирган.

б) юридик ва жисмоний шахсларга берилмаган, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан ер участкалари;

в) қайта ташкил этилаётган ва тугатилаётган қишлоқ хўжалиги кооперативларининг (ширкат хўжаликларининг) ҳамда бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг ер участкалари;

г) қишлоқ хўжалиги кооперативларининг (ширкат хўжаликларининг) ҳамда бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг ер участкалари.

Илмий-тадқиқот муассасаларига, олий ўқув юртларига, академик лицейлар, касб-ҳунар коллежларига ва умумтаълим мактабларига ўқув, тажриба, нав синаш мақсадлари учун берилган ерлар ҳамда сув фонди ерлари фермер хўжаликларига берилмайди.

2. Фермер хўжалиги юритиш учун ер участкаларини бериш бўйича танлов ўтказишда танлов ўтказишга тайёргарлик қилиш ва уни эълон қилиш, танловда иштирок этиш шартлари, танловни ўтказиш тартиби ҳамда ер участкасини ижарага олиш шартномасини ва танлов Фолибининг мулкка бўлган ҳуқуқини расмийлаштириш масалалари тегишлича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 январдаги 8-сонли, 2003 йил 30 октябрдаги 476-сонли қарорлари ҳамда мазкур Низом талаблари асосида ўтказилади.

**§ 1. Юридик ва жисмоний шахсларга берилмаган қишлоқ хўжалиги мақсадидаги ерлардан ва (ёки) захирадаги ерлардан, шунингдек қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) ёки бошқа қишлоқ хўжалиги корхонаси ва ташкилотининг ваколатли органи умумий мажлиси томонидан ижарага олувчини аниқламасдан ажратилган ерлардан фермер хўжалиги юритиш учун ер участкалари ажратиб беришнинг умумий шартлари**

3. Юридик ва жисмоний шахсларга берилмаган қишлоқ хўжалиги мақсадидаги ерлардан ва (ёки) захирадаги ерлардан, шунингдек қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) ёки бошқа қишлоқ хўжалиги корхонаси ва ташкилотининг ваколатли органи умумий мажлиси томонидан ижарага олувчини аниқламасдан ажратилган ерлардан ер участкалари ажратиш тўғрисида, шунингдек ушбу ерларни фермер хўжаликларига бериш

бўйича танлов ўтказиш тўғрисида туман ҳокими қарор қабул қилади.

4. Туман ҳокимининг танлов ўтказиш тўғрисидаги қарори маҳаллий оммавий ахборот воситаларида эълон қилиниши, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, қишлоқ хўжалиги корхоналари ва ташкилотлари бошқаруви (маъмурияти) биноларида осиб қўйилиши керак. Эълонда ер участкасининг ўлчами, жойлашган жойи, сифати ва бошқа тавсифлари, ташкил этилаётган фермер хўжалигининг мўлжалланаётган ихтисослашуви, танловнинг ўтказилиш вақти ва жойи кўрсатилиши лозим.

5. Танлов уни ўтказиш тўғрисидаги қарор қабул қилинган ва эълон қилинган кундан бошлаб бир ой мобайнида ўтказилиши керак. Агар танловда иштирок этишга комиссия аъзоси томонидан ариза берилган бўлса, у мазкур танловда овоз бериш ҳуқуқига эга эмас. Бу тўғрисида комиссия йиғилиши баённомасига тегишли ёзув киритилади.

6. Танловда иштирок этиш ҳуқуқига Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари, шу жумладан фаолият кўрсатаётган фермер хўжалиқларининг бошлиқлари эга.

7. Етарли техника ва пул маблағларига эга бўлган шахслар бир неча лойиҳаларга талабгор сифатида ариза беришлари мумкин.

Юридик ва жисмоний шахсларга берилмаган қишлоқ хўжалиги мақсадидаги ерлардан ва (ёки) захирадаги ерлардан, шунингдек қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) ёки бошқа қишлоқ хўжалиги корхонаси ва ташкилотининг ваколатли органи умумий мажлиси томонидан ижарага олувчини аниқламасдан ажратилган ерларнинг икки лойиҳаси бўйича ўтказилган танловда голиб чиққан фуқароларнинг, шу жумладан фаолият кўрсатаётган фермер хўжалиқлари бошлиқларининг кўрсатилган ер участкалари бўйича бошқа лойиҳалар юзасидан ўтказиладиган танловлардаги иштироки тўхтатилади.

8. Ер участкалари бериш тўғрисидаги ариза ташкил этилаётган хўжалиқнинг бизнес-режаси ёки фаолият дастури илова қилинган ҳолда туман ҳокимига берилади. Аризада ариза берувчининг фамилияси, исми ва отасининг исми, унинг турар жойи, сўралаётган ер участкаси жойлашган жой, унинг майдони, қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги)нинг номи, мўлжалланаётган ихтисослашув, чорвачилик йўналишидаги фермер хўжалиги ташкил этишда — боқилиши мўлжалланаётган молларнинг турлари бўйича бош сони, ер участкасини ижарага олиш мудда-

ти кўрсатилади. Фуқароларнинг аризаси махсус дафтарда рўйхатдан ўтказилади.

9. Туман ҳокими ариза келиб тушган кунидан кўриб чиқиш бўйича комиссияга юборади. Агар мазкур комиссияга юборилган ариза ва ҳужжатларда камчиликлар аниқланган тақдирда, комиссия ариза берган шахсга ариза келиб тушган куннинг эртасидан кечиктирмай камчиликларни аниқ кўрсатган ҳолда асослантирилган ёзма хабар беради. Мазкур комиссия котиби талабгорга танловда юқори балл олиши учун имкон берадиган барча ҳолатларни тушунтириб, лозим бўлганда унинг ҳужжатларидаги камчиликларни ишчи тартибда бартараф этиш чораларини кўради. Комиссия котиби танловда иштирок этиш учун қатнашувчиларни танлаш кунигача талабгорнинг баҳоланадиган имкониятларини асослантирувчи ҳужжатларнинг тўлиқ тақдим қилинишини, уларнинг тўғри расмийлаштирилишини таъминлашга кўмаклашиши лозим.

10. Ер участкалари бериш (сотиш) масалаларини кўриб чиқиш бўйича комиссия фермер хўжалигига ер участкалари бериш бўйича танлов ўтказиши. Комиссиянинг қарори баённома билан расмийлаштирилади ва туман ҳокимига берилади.

**§ 2. Қайта ташкил этилаётган ва тугатилаётган қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат хўжаликлари)нинг ҳамда бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари ва ташкилотларининг ер участкаларини фермер хўжалиги юритиш учун беришнинг умумий шартлари**

11. Қайта ташкил этилаётган ва тугатилаётган қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат хўжаликлари)нинг ҳамда бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари ва ташкилотлари фермер хўжаликларига айлантириш бўйича комиссия танлов ўтказилишидан бир ой олдин маҳаллий оммавий ахборот воситаларида ёки бошқа қулай шаклда қишлоқ хўжалик корхонасининг қайта ташкил этилиши ва танлов ўтказилиши тўғрисида эълон беради ва танловда иштирок этиш хоҳишини билдирган фуқароларнинг аризаларини қабул қилиш муддатларини белгилайди.

12. Танловда иштирок этиш ҳуқуқига Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, шу жумладан қайта ташкил этилаётган қишлоқ хўжалиги корхонасининг аъзолари, фаолият кўрсатаётган фермер хўжаликларининг бошлиқлари ва ходимлари эгадир.

Комиссия раиси ва котиби тегишли танловда талабгор сифатида иштирок этишлари мумкин эмас.

Комиссия аъзолари тегишли танловда комиссия раисининг розилиги билан фақат битта лойиҳа бўйича талабгор сифатида қатнашиши мумкин. Ўзи ариза берган лойиҳа бўйича танлов ўтказилганда ушбу комиссия аъзоси овоз бериш ҳуқуқига эга эмас. Бу ҳақда комиссия йиғилиши баённомасига тегишли ёзув киритилади.

13. Танловда иштирок этиш учун аризаларни қабул қилиш танлов ўтказилишидан ўн кун олдин тўхтатилади.

14. Етарли техника ва пул маблағларига эга бўлган шахслар бир неча лойиҳаларга талабгор сифатида ариза беришлари мумкин.

Қайта ташкил этилаётган ва тугатилаётган қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат хўжаликлари)нинг ҳамда бошқа қишлоқ хўжалиги қорхоналари ва ташкилотларининг ер участкаларининг икки лойиҳаси бўйича ўтказилган танловда ғолиб чиққан фуқароларнинг, шу жумладан фаолият кўрсатаётган фермер хўжаликлари бошлиқларининг бошқа лойиҳалар бўйича ўтказиладиган танловлардаги иштироки тўхтатилади.

15. Ариза ва ҳужжатларни комиссиянинг котиби қабул қилади. Агар тақдим этилган ҳужжатларда камчиликлар аниқланган тақдирда, ариза берган шахсга шу куниёқ камчиликларни аниқ кўрсатган ҳолда асослантирилган ёзма хабар берилади. Комиссиянинг котиби талабгорга танловда юқори балл олиши учун имкон берадиган барча ҳолатларни тушунтириб, лозим бўлганда унинг ҳужжатларидаги камчиликларни ишчи тартибда бартараф этиш чораларини кўради. Комиссия котиби танловда иштирок этиш учун қатнашувчиларни танлаш қунигача талабгорнинг баҳоланадиган имкониятларини асослантирувчи ҳужжатларнинг тўлиқ тақдим қилинишини, уларнинг тўғри расмийлаштирилишини таъминлашга кўмаклашиши лозим.

16. Ер участкаларини бериш учун талабгорларни танлаш ва уларнинг танловини ўтказиш мазкур Низомнинг 1-иловасида кўрсатилган схема асосида амалга оширилади.

## **II. Танловда иштирок этиш учун қатнашувчиларни танлаш тартиби**

17. Танловда иштирок этиш учун қатнашувчиларни танлаш икки босқичдан иборат бўлади:



биринчи босқичда хужжатларнинг тўлиқлиги ва мазмуни текширилади;

иккинчи босқичда талабгорларнинг аризаларида баён қилинган таклифларнинг иқтисодий асосланганлиги ўрганиб чиқилади.

18. Танловда иштирок этиш учун қатнашувчиларни танлашда комиссия муайян ер участкасида фермер хўжалиги ташкил этиш тўғрисида ариза такдим этган талабгорларнинг хужжатлари асосида уларнинг таклифларини пухта ўрганиб чиқади. Ҳар бир иштирокчининг лойиҳаси алоҳида баҳоланади. Бунда ариза берувчининг ўз зиммасига олган мажбуриятларнинг тўлиқлиги ва ҳақиқатга яқинлиги ҳамда уларни бажариш имкониятлари ҳисобга олинади.

19. Танловда иштирок этувчи қатнашувчиларни танлашнинг биринчи босқичида талабгорларнинг имкониятлари қуйидаги кўрсаткичлар асосида баҳоланади:

мутахассислиги;

маълумоти;

қишлоқ хўжалигидаги иш стажи;

мажбуриятлардан холи бўлган пул маблағлари;

мавжуд яроқли техникаси;

сўнги йилларда шартномавий мажбуриятларнинг қай даражада бажарилиши.

20. Талабгорларнинг имкониятлари 10 баллик рейтинг шкаласида қуйидагиларни инобатга олган ҳолда баҳоланади:

а) талабгорнинг мутахассислиги ва маълумоти маълумот тўғрисидаги хужжат (шаҳодатнома, диплом, сертификат, гувоҳнома)га асосан 5 баллдан 10 баллгача баҳоланади. Бунда комиссияга маълумот тўғрисидаги хужжатнинг асли ёки белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси такдим этилади.

Хорижий давлатлар, шу жумладан МДХ давлатлари таълим муассасалари томонидан 1992 йил 1 январдан сўнг берилган маълумот тўғрисидаги хужжатлар белгиланган тартибда нострификацияланган бўлиши лозим;

Талабгорнинг мутахассислигини баҳолашда талабгорнинг маълумоти (олий ёки ўрта махсус)дан қатъи назар, фақатгина мутахассислик инобатга олинади. Мутахассислик учун энг юқори балл фермер хўжалиги бўйича махсус мутахассисликка эга бўлган талабгорларга берилади. Бунда, фермер хўжалиги бўйича махсус мутахассислик деганда фермерлик фаолиятини юритишга доир махсус мутахассисликка эга шахслар, шу жумладан айнан шу

соҳада касб-хунар коллежини тамомлаган ёки шу соҳада бакалавр (магистр) даражасини олган ёхуд бошқа илмий даражага эга бўлган шахслар ҳисобланади.

Бир неча мутахассислик бўйича маълумот тўғрисидаги ҳужжатга эга бўлган талабгорларнинг фақатгина битта энг юқори балли мутахассислиги инobatга олинади.

б) талабгорнинг қишлоқ ҳужалигидаги иш стажини аниқлашда меҳнат дафтарчасига асосан фақат шу соҳада ўталган иш стажи инobatга олинади ва 6 баллдан 10 баллгача баҳоланади.

Бунда комиссияга меҳнат дафтарчасининг асли ёки белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси тақдим этилади;

в) талабгорнинг мажбуриятлардан ҳоли пул маблағлари мавжудлиги банк томонидан берилган маълумотномада тасдиқланган бўлиши лозим. Банк маълумотномаси банк Бошқаруви раиси ёки унинг вазифасини бажарувчи шахс томонидан имзоланган ва банк муҳри билан тасдиқланган бўлиши шарт.

Айрим ҳолларда талабгор танловга пул маблағлари ўрнига ўз мол-мулкини тақлиф этиши мумкин. Бунда мол-мулк талабгорнинг ўзига мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлиши лозим. Агар тақлиф этилаётган мол-мулк талабгорга биргаликдаги мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлса, бу ҳолда тегишли оила аъзосининг (ота-она, эр-хотин ва фарзандлар) нотариал тасдиқланган розилиги бўлиши лозим.

Фермерликка талабгор юридик ва жисмоний шахснинг ҳисобварағидаги мажбуриятлардан озод бўлган мавжуд пул маблағи ёки мол-мулки 4 баллдан 10 баллгача баҳоланади.

Танловга тақлиф этилган мол-мулклар қиймати қуйидаги шартлар асосида инobatга олинади:

1) мол-мулк баҳоланган ва уларга бўлган (чорва молларидан ташқари) мулк ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатларга эга бўлиши лозим. Чорва молларининг талабгорга тегишлилиги қишлоқ фуқаролар йиғини томонидан берилган, фуқаролар йиғини раиси томонидан имзоланиб, муҳри билан тасдиқланган маълумотнома асосида аниқланади. Уларнинг нархи чорва бозори маъмурияти томонидан берилган комиссияга маълумотнома асосида аниқланади;

2) талабгор танловга юқори ликвидли мол-мулкни (чорва моллари, товар-моддий бойликлар ёки бошқа тез сотиладиган мол-мулклар) тақдим этиши лозим;

3) танловга талабгорнинг шахсий уй-жойи, уй буюмлари ва шу қабиларни, шунингдек суд қарорига кўра ёки бошқа асослар-

га кўра хатланган мол-мулкларни таклиф этишга йўл қўйилмайди;

4) танловда иштирок этиш учун талабгорга бевосита мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлмаган, шу жумладан талабгор таъсис этган (иштирокчиси бўлган) юридик шахсларга тегишли бўлган мол-мулкларни таклиф этишга йўл қўйилмайди, талабгор сифатида танловда иштирок этаётган фермер хўжалиги бундан мустасно;

5) мол-мулк қийматини аниқлашда танловда қатнашиш учун таклиф этаётган техника воситалари қиймати ҳисобга олинмайди.

Иккита лойиҳага ариза берган талабгорнинг бир лойиҳа бўйича танловда инобатга олинган пул маблағлари (мол-мулки) иккинчи лойиҳага танловда инобатга олинмайди. Бундай талабгор ўз пул маблағлари (мол-мулки)ни лойиҳалар ўртасида ўз хоҳишига кўра тақсимлаши мумкин.

г) талабгор томонидан танловга таклиф этилаётган техника воситалари уларнинг тури ва техник имкониятларидан келиб чиқиб 1 баллдан 10 баллгача баҳоланади.

Лойиҳадаги ер майдони ўлчамига ишлов бериш учун зарур бўлганидан ортиқ таклиф этилган техника воситаларига балл берилмайди. Ер майдони ўлчамига зарур бўлган техника воситаларининг турлари ва сони уларнинг имкониятлари (қуввати)ни ҳисоблаш йўли билан комиссия хулосаси асосида белгиланади.

Комиссияга техника воситалари техник паспортларининг асл нусхалари тақдим этилади.

Техника воситалари талабгорнинг ўзига мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлиши лозим. Агар танловга оила аъзолари (ота-она, эр-хотин ва фарзандлар)нинг умумий (улушли ёки биргаликдаги) мулки ҳисобланган мол-мулк, техника воситалари таклиф этилаётган бўлса, ушбу мол-мулк ва техника воситасини бўлажак фермер хўжалигининг устав фондига киритиш учун топшириш тўғрисида барча мулкдорлардан нотариал тасдиқланган розилик олиш талаб этилади.

Иккита лойиҳага ариза берган талабгорларнинг бир лойиҳага танловда инобатга олинган техника воситалари бошқа лойиҳага танловда инобатга олинмайди. Бирок, агар талабгор таклиф этаётган техника воситасининг имкониятлари (қуввати) бир лойиҳадаги ер майдонига нисбатан юқорироқ бўлса, бундай техника воситаси бошқа лойиҳага танловда ҳам инобатга олинishi мумкин.

Танловда иштирок этаётган фаолият юритаётган фермер хўжалиги бошлиғи ушбу фермер хўжалигига мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган техник воситаларини танловга таклиф этиши мумкин. Бу ҳолда, техника воситаларининг имкониятлари фермер хўжалигининг мавжуд ер майдонини ҳам инобатга олган ҳолда баҳоланади.

Танловга таклиф этилган техника воситалари қуйидагилар асосида баҳоланади:

1) техника воситаларини баҳолашда фақатгина техник паспортидаги техник созлиги тўғрисидаги белги мавжуд бўлган техника воситаларигина инобатга олинади;

2) балл лойиҳадаги ер майдони ўлчамига ишлов бериш учун зарур бўлган техника воситасининг ҳар бир турига (тегишли турдаги техника воситасининг сонидан қатъи назар) берилади.

3) таклиф этилган барча турдаги техника воситалари учун қўйилган баллар йиғиндиси 15 баллдан ошмаслиги лозим.

Талабгор томонидан танловга таклиф этилган пул маблағлари (таклиф этилган мол-мулкни сотишдан тушган пул маблағлари), таклиф этилган техника воситалари танловда ютган тақдирда бўлажак фермер хўжалигининг устав фондига киритилади.

Фермер хўжалиги фаолиятини юритиш жараёнида бевосита фойдаланилиши мумкин бўлган мол-мулклар бўйича сотиш мажбуриятини олиш талаб этилмайди, бундай мол-мулкларни бўлажак фермер хўжалигининг устав фондига киритиш мажбуриятини олиш кифоя.

Таклиф этилган пул маблағлари, мол-мулк ва техника воситаларини бўлажак фермер хўжалигининг устав фондига киритиш мажбурияти талабгорнинг аризасида кўрсатилади.

Фермер хўжалиги устав фондининг қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда шакллантирилмаганлиги, шу жумладан, танловда таклиф қилинган пул маблағлари, мол-мулк ва техника воситаларининг устав фондига киритилмаганлиги натижасида шакллантирилмаганлиги, фермер хўжалигини суднинг қарорига мувофиқ тугатиш учун асос ҳисобланади.

4) танловда иштирок этиш учун талабгорга бевосита мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлмаган, шу жумладан талабгор таъсис этган (иштирокчиси бўлган) юридик шахсларга тегишли бўлган техника воситаларини таклиф этишга йўл қўйилмайди, талабгор сифатида танловда иштирок этаётган фермер хўжалиги бундан мустасно.

д) агар талабгор фермер хўжалиги бошлиғи ёки оилавий пуд-

ратчи бўлса, у томонидан иш фаолиятининг сўнгги уч йилдаги маҳсулот етказиб бериш шартномаларининг бажарилиши тўғрисидаги туман статистика бўлими (оилавий пудратчи бўйича эса — туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими) томонидан берилган маълумотнома асосида 4 баллдан 10 баллгача баҳоланади.

Агар талабгор қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат хўжаликлари) ҳамда бошқа қишлоқ хўжалик корхоналари ва ташкилотлари раҳбари ва ходимлари (фермер хўжаликлари ходимлари ва оилавий пудратчилар бундан мустасно) бўлса, унда хўжаликнинг сўнгги уч йилдаги маҳсулот етказиб бериш контрактация шартномаларининг бажарилиши тўғрисидаги туман статистика бўлими томонидан берилган маълумотнома асосида 4 баллдан 10 баллгача баҳоланади.

Бунда энг юқори балл, барча турдаги маҳсулотларни етказиб бериш бўйича шартномаларни йиллар бўйича бажарилишига қараб мазкур Низомнинг 2-иловасида кўрсатилган тартибда берилади.

21. Танловда иштирок этиш учун қатнашувчиларни танлашнинг иккинчи босқичида комиссия томонидан талабгорлар таклифларининг иқтисодий асосланганлиги баҳоланади.

Таклифларнинг иқтисодий асосланганлиги талабгорнинг аризаси ва бизнес-режасини, зарур ҳолларда эса, тавсиянома хатларини таҳлил этиш асосида 5 баллдан 10 баллгача баҳоланади.

Таклифларнинг иқтисодий асосланганлигини баҳолашда ариза ва бизнес-режада назарда тутилган мақсадларга эришиш қанчалик ҳақиқатга яқинлиги, шунингдек талабгорнинг ер майдонидан кўп йиллик ўртача кўрсаткичдан кам бўлмаган ҳосилдорликни таъминлаш, қишлоқ хўжалик экинларини жойлаштириш схемасига риоя этган ҳолда 10 йил муддат мобайнида ишлаб чиқариш ихтисослашувини ўзгартирмаслик, алмашлаб экишга риоя этган ҳолда давлат эҳтиёжлари учун маҳсулот сотиш, тупрок унумдорлигини ошириш, кредиторлик қарзларини белгиланган муддатларда тўлаш каби мажбуриятларининг тўлиқлиги ва уларни бажариш имкониятлари ҳисобга олинади.

22. Танловда иштирок этиш учун қатнашувчиларни танлашнинг биринчи ва иккинчи босқичлари бир вақтнинг ўзида ўтказилади. Бунинг учун танлов эълон қилинган кундан бошлаб 21 кундан кейин, лекин 25 кундан кечиктирмай, комиссия аъзоларининг йиғилиши ўтказилади. Йиғилиш унда комиссия аъзолари умумий сонининг камида учдан икки қисми иштирок этгандагина ҳақиқий ҳисобланади.

Йиғилишда талабгорнинг ҳар бир кўрсаткичи бўйича тегиш-

ли баллни бериш масаласи комиссия аъзолари томонидан мазкур Низомнинг 2-иловасида назарда тутилган кўрсаткичлар асосида кўпчилик овоз билан ҳал этилади ва ҳар бир кўрсаткич бўйича битта балл берилади.

Йиғилишда комиссия аъзоларининг кўпчилик овозига кўра қўйилган рейтинг баллари танловда иштирок этиш учун қатнашувчиларни танлаш варақасига қўйилади. Ушбу варақа танлов ўтказилган куниёқ мазкур Низомнинг 3-иловасига мувофиқ шаклда тўлдирилиб, комиссия раиси ва аъзолари томонидан имзоланади.

23. Танловда иштирок этиш учун қатнашувчиларни танлаш босқичларида энг юқори рейтинг баллари тўплаган талабгорлар комиссия қарорига кўра танловда иштирок этиш учун тавсия қилинади.

Бунда олган бали энг юқори балл олган талабгордан 10 баллгача ёки 10 баллга фарқ қилган талабгорлар энг юқори балл олган талабгорлар ҳисобланади ва танловда иштирок этиш учун тавсия этилади.

Қолган талабгорлар танловда иштирок этиш учун тавсия этилмайди ва бундай талабгорларга танловдан олинганлиги тўғрисида ёзма равишда рад жавоби берилади.

Бир лойиҳага талабгорларнинг сони учтадан кам бўлса, олган баллари миқдоридан қатъи назар, уларнинг ҳаммаси танловда иштирок этиш учун тавсия қилинади.

24. Танловда иштирок этишга тавсия этиш тўғрисидаги қарор мазкур Низомнинг 4-иловасига мувофиқ шаклда қабул қилинади, комиссия раиси, аъзолари ва котиби томонидан имзоланади ҳамда кейинги кундан кечиктирмай танловда иштирок этишга тавсия этилган талабгорлар рўйхати эълон қилинади.

Комиссия томонидан танловда иштирок этишга тавсия этиш тўғрисидаги қарор билан биргаликда танловни ўтказиш шартлари ҳам эълон қилинади.

25. Танловни ўтказиш қоидалари ва талабларига риоя этмаган, қонун ҳужжатларига асосан талабгорлар деб эътироф этилмаган, танловда иштирок этиш учун аризаларни ўз вақтида тақдим этмаган шахслар танловда иштирок этишга қўйилмайди.

Танловда иштирок этиш учун ёлғон маълумотлар ва сохта ҳужжатлар тақдим этган шахслар ҳам танловда иштирок этишга қўйилмайди.

26. Комиссия танловда иштирок этишга қўйилган шахслар тўғрисидаги тулиқ ахборотни танлов ўтказиладиган бинода ман-

фаатдор шахслар эътиборига етказилишини таъминлайдиган тарзда ёзма шаклда эълон қилиши, шунингдек танловда иштирок этишга қўйилмаган шахсларга ёзма шаклда асосли рад жавобларини йўллаши шарт.

27. Танловда иштирок этиш учун қатнашувчини танлашда талабгор сифатида эътироф этилган, бироқ тўплаган балларига асосан тегишли лойиҳага танловда иштирок этиш учун қўйилмаган талабгорлар тўплаган балларини сақлаб қолган ҳолда бошқа лойиҳалар (ариза тушмаган ёки аризалар сони кам бўлган лойиҳалар) бўйича ўтказиладиган танловда қатнашиш ҳуқуқини сақлаб қоладилар. Бундай талабгор бошқа лойиҳага танлов ўтказилгунга қадар комиссияга ариза билан мурожаат қилиши ва аризага фақатгина Танловда иштирок этиш учун қатнашувчиларни танлаш варақасини илова қилиши кифоя.

28. Танловда иштирок этиш учун танлаб олинган қатнашувчи ўз аризасини бир лойиҳадан олиб, ушбу лойиҳа бўйича танловда иштирок этмасдан, аввал тўплаган балларини сақлаб қолган ҳолда шу ҳужаликдаги бошқа лойиҳадаги ер майдонига бериш ҳуқуқига эга. Бундай талабгор бошқа лойиҳага танлов ўтказилгунга қадар комиссияга ариза билан мурожаат қилиши ва аризага фақатгина Танловда иштирок этишга тавсия этиш тўғрисидаги комиссия қарорини илова қилиши кифоя.

Бу ҳолда, талабгорнинг тўплаган бали у ариза берган бошқа лойиҳага танловда иштирок этиш учун танлаб олинган талабгорлар тўплаган баллдан кам бўлмаслиги лозим.

### **III. Танлов ўтказиш ва ғолибни аниқлаш тартиби**

29. Танлов уни ўтказиш тўғрисида эълон қилинган кундан сўнг бир ойдан кейин ўтказилади ва унда комиссия аъзолари умумий сонининг камида учдан икки қисми иштирок этгандагина ҳақиқий ҳисобланади.

30. Танлов энг кўп ариза тушган лойиҳалар бўйича бошланиб, аризаларнинг сони камайишига қараб навбатма-навбат ўтказилиши керак.

31. Комиссия аъзолари томонидан ҳар бир талабгорнинг қобилияти, тегишли билими, ишбилармонлиги ва савияси, фермер ҳужалиги фаолиятини юритиш ва бошқариш бўйича берилган савол-жавоблар асосида 10 балли шкала билан баҳоланади. Танлов варақаси ушбу Низомнинг 5-иловасига мувофиқ ҳар бир комиссия аъзоси томонидан шахсан тўлдириб имзоланади ва комиссия раисига топширилади.

32. Танловда ҳар бир комиссия аъзоси томонидан талабгорга қўйилган баллар йиғиндиси комиссияда балл қўйган аъзолар сонига бўлинади ва талабгорга қўйилган ўртача балл ҳисоблаб чиқарилади.

33. Танловда қатнашиш учун танлаш босқичида тўпланган балл ва танловда олинган ўртача балл йиғиндиси талабгорнинг якуний бали ҳисобланади.

Талабгорнинг якуний балининг намунавий ҳисоб-китоби мазкур Низомнинг 6-иловасида кўрсатилган.

34. Энг кўп якуний балл тўплаган талабгор танлов волиби деб топилади ва танлов ўтказилган кундан бошлаб 3 кундан кечиктирмай эълон қилинади.

Қайта ташкил этилаётган ва тугатилаётган қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат хўжаликлари)нинг ҳамда бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари ва ташкилотларининг ер участкаларини фермер хўжалиги юритиш учун бериш бўйича ўтказиладиган танловларда бошқа барча шартлар бўйича тенг балл тўпланган ҳолларда мазкур қишлоқ хўжалиги корхонаси аъзосига имтиёз берилади.

35. Комиссия якуний йиғилишининг баённомаси мазкур Низомнинг 7-иловасида келтирилган шаклда икки нусхада тузилиб, комиссия раиси, аъзолари ва котиби томонидан имзоланади.

Қишлоқ хўжалиги корхонасини фермер хўжаликларига айлантириш бўйича комиссия якуний баённомаси қўшимча равишда ушбу корхонанинг юқори бошқарув органи томонидан тасдиқланади.

36. Агар битта лойиҳага фақат битта талабгордан ариза келиб тушган бўлса, у ҳолда танлов муддати тугагандан сўнг ушбу лойиҳага белгиланган тартибда қайта танлов ўтказилади. Қайта танловда ҳам ушбу лойиҳага бошқа талабгорлардан ариза келиб тушмаса, комиссиянинг бир овоздан қабул қилган қарори билан талабгорга ушбу лойиҳадаги ер участкаси берилиши мумкин. Бунда, талабгорнинг тақдим этган ҳужжатлари ва ўтказилган суҳбат натижасида олган бали танловда қатнашган ва энг юқори балл олган талабгор балининг ярмидан кам бўлмаслиги лозим. Бу ҳақда комиссия йиғилиши баённомасига тегишли ёзув киригилади.

37. Комиссиянинг якуний йиғилиши баёни ва унга илова қилинган ҳужжатлар туман ҳокимига юборилади.



#### **IV. Фермер хўжалиги ташкил этишда талабгорларни танлаш ва танлов ўтказиш ишлари бўйича ҳужжатларни юритиш**

38. Ер участкалари бериш (сотиш) масалаларини кўриб чиқиш бўйича комиссия ва Қишлоқ хўжалиги корхонасини фермер хўжаликларига айлантириш бўйича комиссияларнинг талабгорларни танлаш ва танлов ўтказиш бўйича ҳужжатлари комиссия котиблари томонидан юритилади. Комиссия котиби, қоида тариқасида, туман ҳокимлиги ходими бўлади.

39. Комиссиянинг талабгорларни танлаш ва танлов ўтказиш билан боғлиқ барча ҳужжатлари туман ҳокимлигида ҳар бир қишлоқ хўжалиги корхонаси ёки юридик ва жисмоний шахсларга берилмаган қишлоқ хўжалиги мақсадидаги ерлардан ва (ёки) захирадаги ерлардан, шунингдек қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) ёки бошқа қишлоқ хўжалиги корхонаси ва ташкилотининг ваколатли органи умумий мажлиси томонидан ижарага олувчини аниқламасдан ажратилган ерлар бўйича алоҳида йиғма жилдларда сақланади. Мазкур ҳужжатлар фермер хўжаликларининг барчаси рўйхатдан ўтказилгандан сўнг 2 ҳафта мобайнида туман ҳокимлигининг идоравий архивига топширилади.

40. Ҳар бир йиғма жилдда қуйидаги ҳужжатлар тикилиши лозим:

а) лойиҳалар бўйича барча танловларга талабгорлар томонидан такдим этилган аризалари ва унга илова қилинган ҳужжатлар;

б) комиссиянинг танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонлари;

в) танловда иштирок этиш учун қатнашувчиларни танлаш варақаси;

г) комиссиянинг ҳар бир лойиҳа бўйича талабгорларни танловда иштирок этишга тавсия этиш тўғрисидаги қарорлари;

д) ҳар бир комиссия аъзоси томонидан тўлдирилган танлов варақалари;

е) танлов якуни бўйича қўйилган баллар ҳисоб-китоби;

ж) танлов ўтказиш якунлари юзасидан комиссия томонидан қабул қилинган баённомалари;

з) талабгорларни танлаш ва танлов ўтказиш билан боғлиқ бошқа ҳужжатлар.

Жилдга рейтинг баллари беришга асос бўлган барча ҳужжат-

лар (шу жумладан асли такдим этилган ҳужжатларнинг белги-ланган тартибда тасдиқланган нусхалари) тикилиши шарт.

Шунингдек, қайта ташкил этилаётган ва тугатилаётган қишлоқ хўжалиги кооперативларининг (ширкат хўжаликларининг) ҳамда бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари ер участкаларини бериш бўйича талабгорларнинг йиғма жилдларида мажбурий тартибда қайта ташкил этилаётган қишлоқ хўжалиги корхонаси активлари ва пассивларини, қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) аъзолари мулкый пайларини хатловдан ўтказиш ва баҳолаш бўйича, ортиқча асосий ва айланма маблағларни, шунингдек фойдаланиш муддати тугаган воситаларни кимошди савдосида ёки очик савдода сотиш бўйича, қайта ташкил этилаётган қишлоқ хўжалиги корхонаси балансида бўлган ижтимоий ва бошқа инфратузилмаларни маҳаллий ҳокимликлар ёки бошқа ташкилотлар балансига бериш бўйича ҳамда мол-мулкларни ҳисобдан чиқариш бўйича барча ҳужжатлар тикилиши лозим.

